

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ**

**“ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ” КАФЕДРАСИ**

**“ДИНШУНОСЛИК” ФАНИДАН СЕМИНАР  
МАШҒУЛОТЛАРИ УЧУН УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА**

**АНДИЖОН 2018**

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Андижон машинасозлик институти  
Ўқув-услугий кенгашида кўриб чиқилган ва маъқулланган  
Кенгаш раиси \_\_\_\_\_  
(Ўқув-услугий кенгашнинг \_\_\_\_-сонли баённомаси  
« \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2018 йил)

«МАЪҚУЛЛАНГАН»

«Машинасозлик» факультети кенгашида  
муҳокама қилинган ва маъқулланган  
Кенгаш раиси \_\_\_\_\_ М.Қўчқоров  
(Факультет кенгашининг \_\_\_\_-сонли баённомаси  
« \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2018 йил)

«ТАВСИЯ ЭТИЛГАН»

«Ўзбекистон тарихи» кафедраси  
мажлисида муҳокама қилинган ва тавсия этилган.

Кафедра мудири \_\_\_\_\_ М.Каримова  
(Кафедра мажлисининг \_\_\_\_-сонли баённомаси  
« \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2018 йил)

**Тузувчилар:** фалсафа фанлари номзоди, доцент М.Каримова,  
катта ўқитувчи Ф.Тайляқова, ассистент З.Ғоффоров.

**Тақризчилар:** Иқтисод фанлари номзоди, доцент Г.Бозорова,  
**Тарих фанлари номзоди, доцент Р.Юсупов**

Мазкур услубий қўлланма Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув-методик бирлашмалари фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2018 йил «25» августда 744-сонли буйруқ билан тасдиқланган ва 18.08.2018 рақам билан рўйхатга олинган «Диншунослик» фанининг ўқув дастури асосида тайёрланди. Услубий қўлланма ўқитувчи ва талабалар учун мўлжалланган

## КИРИШ

Ёшларга миллий ва диний қадриятларнинг тарихан муштараклиги, уларнинг умуминсоний қадриятлар ила уйғунлиги, бу қадриятларнинг ҳозирги Ўзбекистон шароитидаги аҳамиятини янада аниқроқ ёритиб бериб, уларда динга нисбатан тўғри ёндашувни шакллантириш ва жамият учун юксак маънавиятли кадрларни тайёрлаш давр талаби.

Талабаларга ҳозирги даврдаги динларнинг маълум халқ ҳаётида тутган ўрни ҳақида умумий назарий тушунчалар бериш, уларнинг давлат ва дин муносабатлари, динлараро бағрикенглик ғояси ва маданияти тўғрисидаги тасаввурларни бойитиш; дин ва диний қадриятларнинг талқин этилиши ва бугунги кундаги аҳамиятини ўргатиш, глобаллашув жараёнида диний соҳада кечаётган тенденцияларни ёритиш, ёшларда турли зарарли диний секта ва оқимларнинг бузғунчи ғояларига қарши иммунитетини шакллантириш бугунги ёшларни онгида ҳозирги давр мафкуравий хатарларига қарши тура олувчи, турли вайронкор ғояларнинг яширин мақсадларини ўз вақтида англаб олувчи илмий билимларни, кўникмаларни, малакани шакллантирмас эканмиз, ёшларимиз бундай тажовузкор ғояларга қарши туришда ожиз бўлиб қолиши мумкин.

Ёш авлоднинг ўз мустақил дунёқараши, воқеликни тўғри баҳолаши, турли хил ғоялар оқимида танқидий муносабатда бўла олиши, бузғунчи ғояларга қарши тура олиши фаол фуқаролик позициясига эга бўлиши учун таълим жараёнида муҳокама қилиш жараёнини шакллантириб боришимиз мақсадга мувофиқ.

Мазкур услубий қўлланма юқорида келтирилган мақсадларни амалга ошириш учун тайёрланган бўлиб, профессор-ўқитувчилар ва талабалар учун мўлжалланган.

## 1-мавзу. Диншунослик фанига кириш

### Режа:

1. Диншунослик фанининг мақсад ва вазифалари.
2. Диншуносликнинг ижтимоий-гуманитар фанлар билан алоқадорлиги.
3. Диншуносликда шаклланган мифологик, тарихий, социологик, антропологик ва бошқа мактаблар..

### Таянч иборалар

*Дин, жаҳон динлари, миллий динлар, эътиқод, ишонмоқ туйғуси, ибодат, компенсаторлик, регуляторлик, интеграторлик, яккахудолик ва кўпхудолик*

### Диншунослик фанининг мақсад ва вазифалари.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг динга янгича қараш ва муносабат билдириш имконияти туғилди. Натижада нисбатан янги бўлган диншунослик фани вужудга келди. Бу фан илгариги атеизмдан фарқли ўлароқ, динни танқид қилиш, уни жамиятдан йўқотиш мақсадида эмас, балки унга миллий маънавиятнинг бир бўлаги сифатида ёндашиб, уни холисона ўрганишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

Талаба биринчи мавзуни ёритишда “Диншунослик” фани талабаларда дин, унинг турли шакллари, таълимотлари, йўналишлари, мазҳаблари ҳақида тўғри илмий хулосалар чиқара оладиган дунёвийлик ва динийлик муносабатларини асосли таҳлил қила оладиган тўғри дунёқарашни шакллантиришини, бунда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонун, жинойт, фуқаролик, оила кодексларидаги дин ва виждон эркинлиги ҳақидаги кўрсатмалар, қоидалар дастуруламал бўлиб хизмат қилади. Дин ва қонун ўзаро муносабатларини тўғри англаш, республикада демократик ҳуқуқий жамият қуриш пойдеворини мустаҳкамлашга хизмат қилишига тўхталади.

**“Диншунослик” фанини ўқитишдан мақсад** – талабаларга буддавийлик, христианлик, ислом каби жаҳон динлари билан бир қаторда уруғ-қабил динлари ва алоҳида миллатларга хос миллий динлар тарихини замонавий илмий концепсиялар асосида чуқурроқ ўргатиш. Шунингдек, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда динга нисбатан муносабатнинг тубдан ўзгарганлиги, диний қадриятларни тиклаш, диний бағрикенглик маданиятини шакллантириш йўлида қилинаётган муҳим ўзгаришлар, янгиликлар ҳақида маълумотларни бериш кўзда тутилган.

Мустақиллик даврида миллий ва диний қадриятларнинг халққа қайтарилиши билан бирга жаҳонда мавжуд халқларнинг динлари ҳақида кенг маълумот олиш, уларнинг қадриятларини ўрганиш имконияти юзага келди. Натижада диншунослик фани изчилликда ривожлана бошлади. Бунда аллома аждодларимиз қолдирган бой илмий-маънавий меросни ўрганиш билан бирга шу кунга қадар чет элларда амалга оширилган изланиш ва тадқиқотларнинг натижаларидан унумли фойдаланиш зарурати пайдо бўлди.

“Диншунослик” фани динни танқид қилиш ёки кўр-кўрона мақташ мақсадида эмас, балки динни тарихийлик, холислик асосида турли халқлар ҳаётида тутган ўрнини илмий жиҳатдан, маънавий ҳаётнинг бир бўлаги сифатида ёндошиб ўрганади.

**“Диншунослик” фанининг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

- диннинг жамиятга ижтимоий, маънавий, рухий таъсири ҳақида билимлар бериш;
- ибтидоий диний тасаввурлар, миллий ва жаҳон динлари таълимотлари ҳақида маълумот бериш;
- диннинг моҳияти ва унинг кишилик жамияти тараққиётидаги турли тарихий босқичларда тутган мавқеи ҳақида тушунча бериш;
- жамиятни маънавий жиҳатдан камол топтиришда диний қадриятларнинг аҳамиятини ёритиш;
- дунёвий давлат ва диннинг ўзаро муносабатларини ёритиб бериш;
- диний ақидапарастлик, экстремизм ва фанатизм каби салбий иллатлар моҳиятини ёритиш ва уларга қарши ғоявий иммунитетни шакллантириш;
- Ўзбекистон Республикасида динга нисбатан муносабатнинг тубдан ўзгарганлиги, хусусан, ислом дини қадриятларини тиклаш йўлида қилинаётган ишлар ҳақида кенг тасаввур ҳосил қилиш.

**Диншуносликнинг ижтимоий-гуманитар фанлар билан алоқадорлиги.**

Иккинчи мавзуни ёритишда Диншунослик фани ижтимоий-гуманитар фанлар билан узвий боғлиқ ҳолда шаклланган, ривожланган ва ҳозирда ҳам шу жараён давом этаётганига, энг қадимги замонлардан бошлаб фалсафий тафаккурда дин масаласи файласуф олимлар диққатини ўзига жалб этиб келганлигига, динга таъриф ва тавсифлар берилганлигига тўхталади.

Диншуносликни социология, психология, фалсафа, антропология, филология, тарих фанлари билан боғлиқ ҳолда ўрганишлари керак. Зеро, диншунослик фани мазкур фанлар билан ҳамкорлик қилиб туташган ерида унинг турли соҳалари вужудга келган.

Қадим замонлардан бошлаб фалсафий тафаккурда дин масаласи файласуф олимларнинг диққатини ўзига жалб этиб келган. Динга турлича таъриф ва тавсифлар берилган. Фалсафий дунёқарашда динни ғоялар тизими сифатида таҳлил этувчи дин фалсафаси йўналиши шаклланган.

Психология фани тармоқлари мураккаб ҳодиса бўлган динни инсон руҳияти билан боғлиқ ҳолда таҳлил қилган. Бунинг натижасида дин психологияси фани шаклланган ва ривожланган. Шунинг учун ҳам диншунослик асосларини ўрганишда психология фанининг кўп сонли ютуқларига суяниш муҳимдир.

Муайян жамиятда диний таълимотнинг тарқалиши, унинг кишилар онгига таъсир даражаси (диний онг даражаси), ижтимоий ва маданий-маънавий ҳаётга таъсири ва ролини аниқлаш мақсадида социологик тадқиқотлар хулосаларига мурожаат қилинади. Кейинги икки аср давомида динни ижтимоий ҳодиса сифатида ўрганувчи дин социологияси фани барқ уриб ривожланди.

Диннинг таърифи, тавсифи, таълимоти ва ижтимоий ҳаётдаги ўрнини ўрганишда турли ёндашувлар мавжуд, масалан: 1) илоҳиёт (теология) фани жиҳатидан; 2) танқидий-атеистик ва 3) илмий нуқтаи назардан. Кишилиқ жамияти учун ҳар қайси ёндашув натижасида тўпланган илмий, амалий, тарихий, фалсафий маълумотлар жуда катта аҳамият касб этади.

Булардан ташқари диншуносликнинг дин антропологияси, дин феноменологияси, дин этнологияси, дин тарихи, дин аксиологияси, дин географияси, дин типологияси каби соҳалари мавжудки, уларнинг ютуқларидан ҳам диншунослик фанини ўқитиш ва ўрганишда фойдаланиш мумкинлигига тўхталади.

### **Диншуносликда шаклланган мифологик, тарихий, социологик, антропологик ва бошқа мактаблар.**

У “Инсон қачондан бери Худога ишониб келади?”, “Дин қачон пайдо бўлди?” каби саволлар доимо олимларни қизиқтириб, ўйлантириб келган. Мазкур изланишлар неча асрлардан бери давом этиб келаётган бўлса-да, ҳали ҳануз бу борада бир тўхтамга келинмаган. Умумий маънода, бугунги кунда фанда динларнинг шаклланиши тарихига оид икки хил қараш мавжуд.

Талаба учинчи мавзунини ёритишда куйидагиларга эътибор қаратади. Биринчи қарашга кўра диннинг пайдо бўлиши бевосита инсониятнинг яралиши билан боғлиқ. Худо илк инсонларни яратиши билан уларга Ўзини танитди, натижада инсон илк динга эътиқод қила бошлади. Бундай қараш фанда “*теологик ёндашув*” деб номланади. Бугун мавжуд бўлган ҳар қандай дин ўзининг тарихини инсоният яралиши – илк инсон билан

боғлашини кўришимиз мумкин. Жумладан, ислом динида – Одам ва Ҳавво, яҳудийлик ва христианликда – Адам ва Ева, зардуштийликда – Говмард, синтоизмда – император Микадо ва бошқалар. Мазкур таълимотлар динларнинг муқаддас манбаларида баён қилинган.

Теологик ёндашувга кўра, турли буюмларга сиғиниш ва кўпхудолик, жумладан анимизм, тотемизм, фетишизм ва шомонлик яккахудолиликдан кейин юзага келган.

Динларнинг келиб чиқиши ҳақидаги иккинчи қараш фанда “*материалистик ёндашув*” деб номланади. Мазкур қарашларнинг пайдо бўлиши антик даврга бориб тақалиб, илк бор қадимги юнон файласуфлари қарашларида акс этган. XVII асрга келиб Европада черков ҳокимиятининг сусая бошлаши, ҳурфикрлик намояндлари - дин танқидчиларининг пайдо бўлиши, XIX асрнинг иккинчи ярмида Чарльз Дарвин томонидан “Турларнинг келиб чиқиши” (1859) номли асарнинг чоп этилиши ҳам туртки бўлди. Кейинчалик мазкур қарашлар Август Комт ва Людвиг Бухнерлар томонидан энг чўққисига кўтарилди. Унга кўра дин бу ижтимоий ҳодиса, инсон тафаккури, эмоциялари маҳсулидир. Мазкур қараш тарафдорлари фикрича, динлар соддадан – мураккабга, умумийликдан – хусусийликка, кўпхудоликдан – яккахудоликка томон узоқ тарихий эволюцион жараёни босиб ўтган. Унга кўра, илк даврдаги ибтидоий одамнинг жисмоний, физиологик, асаб-эндокрин, биологик, психологик ва бошқа соҳалари ўзига хос хусусиятларга эга эди. Бу нафақат унинг ҳаёти ва фаолиятига, феъл-атворида, балки унинг фикрлаш даражасига, кучли ҳаяжонланишига, тасаввур этишига, мустаҳкам, ҳақиқий ёки сохта мантикий қонуниятларни кашф этишига таъсир кўрсатади. Уйқу, туш ва нафас олиш каби ҳолатларда танани бошқарувчи ва ўлим билан ундан ажратиб турувчи, ҳаёт бағишловчи қандайдир куч мавжудлигига ишонган аждодларимиз, мазкур куч ҳаракат қилувчи ҳар бир нарса: дарё, куёш, ой, дарахт каби мавжудотларда бор деб тасаввур қилганлар. Натижада, инсон кўркуви, ҳурмати, эҳтиёжи ва зарурати даражасида уларга сиғина бошлаган.

Материалистик мактаб тарафдорлари фикрига кўра, кўркув динларнинг келиб чиқишида асосий роль ўйнаган ҳиссий ҳолатдир. Жумладан, инглиз файласуфи Херберт Спенсер (1820-1903) ҳам ибтидоий қабила динларининг келиб чиқишига кўркув натижасида “аждодларга сиғиниш” сабаб бўлганлигини таъкидлайди. Спенсер ижтимоий ҳисоб-китобларга суянган ҳолда, ҳаёт кўркувининг динлардаги ўрнига алоҳида диққатни тортади. Бу кўркувнинг аждодларга нисбатан ибодатнинг барча кўринишлари шакллантирганлигини ва тангриларнинг устун ёки қаҳрамон

бўлган аждодлардан танланганлиги фикрини илгари суради; ҳар бир динда аждодларга алоҳида эътибор қаратилганлигига ишора қилади.

Таниқли психолог Зигмунд Фрейд (1856-1939) ҳам диннинг келиб чиқишини айнан кўрқув ҳисси билан боғлайди. Унинг фикрига кўра, матриархат даврида ўзига жуфт топиш учун ёш йигитлар оталарини ўлдириб, ҳатто ўз оналарига ҳам уйланганлар. Вақт ўтиши билан ўғил ўз отасининг жонига қасд қилганидан виждони қийналиб, отасининг руҳи ундан қасос олишидан кўрқиб, унга ибодат қила бошлаган. Фрейд бу назарияни “*эдип комплекси*” деб атайдди.

Макс Мюллер (1823-1900) фикрига кўра, диннинг келиб чиқиши табиат ҳодисаларининг инсонга берган даҳшатидан келиб чиққан ва у “*натурализм*” дейилади. Натурализм, физикавий муҳитда учрайдиган қувват ва мавжудотларнинг идеаллаштирилиши, шахслаштирилиши ва илоҳийлаштирилиши демакдир. Ушбу фикрни илгари сурган Макс Мюллер ҳиндуизмнинг муқаддас китоби Ведаларга суянган. Ведалардаги худо номларининг табиат ҳодисалари билан алоқадор эканлиги фикрини ўртага ташлаган; мисол учун “Агни”нинг “олов”, “Дяус”нинг “кўк” (осмон) маъноларини билдиришини, бу сўздан французча “Диеу” (лотинча Деус), испанча “Диос” (Худо) сўзларининг келиб чиққанини маълум қилган. Мюллер деярли барча динларда худо номлари, аввал олов бўлиши билан бирга, табиат ҳодисаларини билдиришини; табиат кучларига ғайритабиий баҳо бериш мойиллигини уйғотганлиги ва тил ўзгаришлари натижасида динлардаги барча муқаддас тасаввур ва эътиқодларнинг юзага келганлигини билдирган.

Мазкур мактаб тарафдорлари динларнинг юзага келиши ва шаклланиши анимизм, тотемизм, фетишизм ва шаманизм каби босқичларда юзага келганини таъкидлайди.

### **Саволлар**

1. Диншунослик фанининг предмети.
2. Диншунослик фанининг мақсади ва вазифалари.
3. Диншуносликни социология, психология, фалсафа, антропология, филология, тарих фанлари билан қандай боғлиқликда?
4. Муайян жамиятда диний таълимотнинг тарқалиши, унинг кишилар онгига таъсир даражаси нимага боғлиқ?



## Фойдаланиладиган адабиётлар

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008
2. Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари // Каримов И. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
3. Каримов И. Аллоҳ қалбимизда, юрагимизда. “Туркистон пресс” ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавоблар // Каримов И. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан курашимиз. 7-том. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
4. Бағрикенглик – барқарорлик ва тараққиёт омили / Масъул муҳаррир – А.Ачилдиев. – Т., 2007.
5. Диний бағрикенглик ва мутаассиблик (юз саволга юз жавоб) / Ачилдиев А. ва бошқалар. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2007.
6. Ўзбекистонда дунёвий ва диний кадриятлар уйғунлиги. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009.
7. Абдусамедов А.Э. Динлар тарихи. -Тошкент: ЎЗМУ, 2004. -208 б.
8. Йўлдошхўжаев Х., Рахимжонов Д., Комилов М. Диншунослик (маърузалар матни). - Тошкент: ТошДШИ нашриёти, 2000.
9. Мўминов А. ва бошқ. Диншунослик (дарслик). -Тошкент: «Мехнат», 2004.
10. Очилдиев А. ва бошқалар. Диншунослик асослари (ўқув кўлланма). - Тошкент: “Тошкент ислом университети” нашриёт матбаа бирлашмаси, 2013.
- 11.[http:// www. religioustoleranje. org/gl d. htm](http://www.religioustoleranje.org/gld.htm)
- 12.[http:// www. alreligion. about.com](http://www.alreligion.about.com)
- 13.[http://www. islam.ru](http://www.islam.ru)
- 14.<http://www.glossarist.com>
- 15.[www.infoxs.uz](http://www.infoxs.uz)
- 16.[www.turkistonsarkor.uz](http://www.turkistonsarkor.uz)
- 17.[www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)

## 2-мавзу. Диннинг мохияти, тузилиши ва функциялари.

### Режа:

1. Динга берилган таърифлар.
2. Диннинг ижтимоий функциялари: дунёқарашни шакллантириш, ёш авлодни тарбиялаш, тартибга солиш, бирлаштириш, тасалли бериш, алоқа ўрнатиш.

## Таянч тушунчалар

*Ишонч, имманент компенсаторлик интеграторлик регуляторлик коммуникативлик легитимловчилик дорулфано, дорулбақо*

### **Динга берилган таърифлар.**

Биринчи мавзуни ёритишда талаба куйидагиларга эътибор қаратади. Дин – эътиқод ва у ҳар бир кишининг шахсий иши ҳисобланади. Диний нуқтаи назарга кўра, дин – муайян диний эътиқодларга, яъни илоҳга, унинг томонидан инсонларга хабар этказувчиларнинг ғайриоддий салоҳиятга эга эканига (пайғамбарлик), инсонлар атрофида унга кўринмайдиган аммо ундан анча юқори даражада турувчи мавжудотлар борлигига (фаришталар, жинлар) инсон идеал ҳаёт кечириши учун азалдан белгиланган қонуниятлар мавжудлигига (муқаддас китоблар), инсон ҳаёти мунтазам назорат остида эканига, қилинган барча яхшилик ва ёмонлик учун мукофот ёки жазо муқаррарлигига (охират, ҳисоб-китоб қилиниш), инсон қисмати аввалдан белгиланишига (тақдир) ва шу каби қарашларга ишониш, уларни ақида сифатида қабул қилишдан иборат.

Дин – табиат, жамият инсон ва унинг онги, яшашдан мақсади ҳамда тақдири инсониятнинг бевосита қуршаб олган атроф-муҳитдан ташқарида бўлган, уни яратган айни замонда инсонларга тўғри, ҳақиқий, одил ҳаёт йўлини кўрсатадиган илоҳий қудратга ишонч ва ишонишни ифода этадиган маслак, қараш таълимотдир.

Араб тилидаги манбаларда қайд этилишича, дин сўзи бўйин эгмоқ, итоат этмоқ, кимдандир қарздор бўлмоқ, эътиқод қилмоқ, қилган ишига яраша мукофотламоқ дин, имон, ажр–мукофот, қилинган ишга яраша берилган ҳақ каби маъноларни билдиради. Ўзбек тили луғат адабиётларида “дин” – ишонч, ишонмоқ, эътиқод, мулк, ҳукм, ҳисоб, жазо, тадбир, бўйсунуш, итоат қилиш, ибодат, парҳез, йўл тутиш, одат қилиш, эътиқод қилиш маъноларини билдириши келтириб ўтилади.

Араб тилидаги манбаларда қайд этилишича, дин сўзи бўйин эгмоқ, итоат этмоқ, кимдандир қарздор бўлмоқ, эътиқод қилмоқ, қилган ишига яраша мукофотламоқ”; дин, имон, ажр–мукофот, қилинган ишга яраша берилган ҳақ каби маъноларни билдиради.

Ўзбек тили луғат адабиётларида “дин” – ишонч, ишонмоқ, эътиқод, мулк, ҳукм, ҳисоб, жазо, тадбир, бўйсунуш, итоат қилиш, ибодат, парҳез, йўл тутиш, одат қилиш, эътиқод қилиш маъноларини билдириши келтириб ўтилади. Исломдан аввал туркий халқларнинг дин тушунчасини ифодалаш учун турли даврларда “drm”, “darm”, “nom” ва “den” каби сўзларни ишлатганлари маълум. Улардан “drm”, “darm” дин, ақида маъносида санскритча (қадим ҳинд тили) “dharma”дан (Пали тилида dhamma); “nom”

дин ишонч, қонун маъносида суғд тилидан кириб келганлиги айтилади. Ўзбек тилидаги “дин” маъносини берувчи атамалар барча тилларда мавжуд. Жумладан, зардуштийларнинг манбаси “Авесто”да “дин” сифатида “daena”, қадимги форс паҳлавий тилида “den”, “din”, “dena”, “daena” сўзи ишлатилиб, «йўл», «мазҳаб», «маросим», «услуг», «тарз» каби маъноларни билдирган. Иброний тилида истифода қилинадиган «dath» сўзи «дин» тушунчасини ифодалаш учун умумий термин бўлиб, «хукм», «амр» ва «қонун» маъноларини англатган. Рус тилида дин маъносини англатадиган «религия» сўзининг келиб чиқиши борасида луғатларда бир қанча ёндашувлар келтириб ўтилган. Улардан баъзиларига кўра мазкур атама латинча «religio» сўзидан келиб чиқиб, «диёнат, диндорлик, тақводорлик, художўйлик, мўминлик, тақво, муқаддас нарса ёки жой, қадамжо, зиёратгоҳ, ибодат– топиниш–сиғиниш ва у билан боғлиқ диний маросимлар» деган маъноларни англатади.

Иккинчи гуруҳ тилшунослар «religio» сўзи семантик, маъно ва морфологик жиҳатдан «relegere» сўзи билан боғлиқ бўлиб, «янгидан тўпламоқ, янгидан танлашга киришмоқ, қайта ишлаб чиқиш учун олдинги синтезга қайтиш» каби маъноларни англатади, деб таъкидлайдилар. Олимлар муайян эътиқод дин деб аталиши учун уч асосий хусусиятга эга бўлиши лозимлигини таъкидлайдилар. Булардан биринчиси, ғайритабиий илоҳ (ёки илоҳлар) ҳақидаги тасаввурнинг мавжудлиги. Ҳар бир динда топиниш объекти – Худо бўлиши шарт ҳисобланади. Мавжуд динлардаги Худо ҳақидаги тасаввурларни шартли равишда иккига – трансцендент ва имманент илоҳларга бўлиш мумкин. Трансцендент илоҳларга инсонлар оламидан ташқарида, инсонларга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган, қусур ва нуқсонлардан холи Худолар киради. Бунга мисол сифатида том маънода ислом динидаги Аллоҳ таоло ва қисман христианликдаги Ота Худо, яҳудийликдаги Яхвеларни келтириш мумкин. Имманент илоҳлар деганда эса табиатнинг бир бўлаги сифатида тасаввур қилинган, инсонларга ўхшаб кетадиган, бироқ ғайриоддий яратувчилик, бузғунчилик, ризқлантирувчилик каби кучларга эга бўлган Худолар киради. Бундай турдаги илоҳлар кўпинча ё антропоморф (инсон қиёфасида) ё зооантропоморф (ярим одам ярим ҳайвон) ёки зооморф (ҳайвон) шаклда тасаввур қилинади. Бунга мисол сифатида Қадимги Миср, Юнон, Рим цивилизациялари, замонавий Ҳиндистон, Хитой, Япония динларини санаш мумкин. Иккинчиси, Худо билан инсонларни меърожи” (яъни Аллоҳ таолонинг хузурига кўтарилиши) ҳисобланса христианликдаги “сирли маросимлар”да Муқаддас Рухнинг ўзи иштирок этади деб ҳисобланади. Шу тариқа, мавжуд барча динларда культлар воситасида эътиқодчилар ўз

илоҳлари билан боғланадилар. Учинчиси эса эътиқодчиларни ўзида жамлайдиган диний ташкилотларнинг мавжудлиги. Диний ташкилот – бу бир дин издошларининг жамоавий равишда ўз диний расм– русум, ибодат маросимларини ўтказадиган, диний таълим оладиган муассасаларидир. Бу, исломда – масжид, мадраса, христианликда – черков, семинария, яҳудийликда – синагога ва ҳоказо.

**Диннинг ижтимоий функциялари: дунёқарашни шакллантириш, ёш авлодни тарбиялаш, тартибга солиш, бирлаштириш, тасалли бериш, алоқа ўрнатиш.**

Иккинчи мавзуни ёритишда талабалар диннинг ижтимоий функцияси ҳақидаги тўхталади. Диннинг жамиятда бажарадиган ижтимоий, маънавий, руҳий вазифалари қуйидагилардан иборатдир:

Биринчидан, ҳар бир дин ўз эътиқод қилувчилари учун тўлдирувчилик, тасалли берувчилик – *компенсаторлик* вазифасини бажаради. Масалан, инсонда доимий эҳтиёж ҳосил қилиш ҳодисасини олайлик. Инсон ўз ҳаёти, турмуш тарзи, табиат ва жамият билан бўлган муносабатлари жараёнида ҳаётини мақсадларига эришиши иложсиз бўлиб кўринганида, унда қандайдир маънавий-руҳий эҳтиёжга зарурият сезади. Бу диний эҳтиёж бўлиб, у маънавий-руҳий эҳтиёжни қондирувчи, тасалли берувчилик вазифасини бажарган ва бажармоқда.

Масалан, буддавийлик дини роҳибликни тарғиб қилади, христианликда эса, ҳар бир христиан Исо масиҳнинг қайтишига умид қилиб, сабр-бардош билан ҳаёт кечиради. Ислом динида ҳар бир мусулмон дунёда эришмаган моддий ёки руҳий орзу-истакларига охиратда эришишга ишонган ҳолда яшайдилар.

Иккинчидан, дин ўз таълимот тизимини вужудга келтиргач, ўзига эътиқод қилувчилар жамоасини, шу таълимот доирасида сақлашга ҳаракат қилган ва ҳозир ҳам шундай. Бу диннинг бирлаштирувчилик – *интеграторлик* вазифаси деб аталади. Дин доимо ижтимоий, этник, ижтимоий ва маънавий ҳаётда узвийлик, мунтазамлиликни таъминлаш мақсадида у халқларнинг ижтимоий ҳаётига, ахлоқий муносабатларига, адабиёти ва санъатига боғланган. Масалан, яҳудийликда мазкур дин вакиллари бир мафкура атрофида бир миллат ва ягона маслак эгалари бўлиб, ягона худо Яҳвенинг сеvimли бандалари эканлиги уқтирилади.

Христианликда диний меъморий, тасвирий, мусиқа санъатидан фойдаланиб икона чизувчилар мактаблари фаолият олиб боради.

Учинчидан, ҳар бир дин ўз қавмлари турмушини тартибга солиб назорат қилувчилик – *регуляторлик* вазифасини бажаради. Динлар ўз урф-одатлари, маросим ва байрамларининг қавмлари томонидан ўз вақтида,

катъий тартибда амал қилишини шарт қилиб қўяди. Масалан, исломда кунига беш маҳал намоз ўқилиши, ҳар ҳафта жума намозини жомеъ масжидларида адо этиш ва ҳоказолар.

Тўртинчидан, дин алоқа боғлашлик – *коммуникативлик* вазифасини ҳам бажаради, яъни ҳар бир дин ўз қавмларининг бирлиги, турли диндаги кишиларнинг ўзаро алоқалари, ўзаро ҳуқуқ ва бурчларининг борлиги, урф-одат ва ибодатларни жамоа бўлиб бажарилиши лозимлиги назарда тутилади.

Бешинчидан, дин қонунлаштирувчилик – *легитимловчилик* функциясини ҳам бажаради. Диннинг бу функцияси назарий асосини америкалик социолог Т.Парсонс ишлаб чиққан. Унинг фикрича, “ҳар қандай ижтимоий тизим муайян чекловларсиз мавжуд бўла олмайди. Бунинг учун у қонун даражасига кўтарилган ахлоқ нормаларини ишлаб чиқиши керак. Дин бундай нормаларни қонунлаштирибгина қолмай, уларга бўлган муносабатни белгилайди”.

Олтинчидан, дин вазифаларининг фалсафий, назарий жиҳатлари мавжуд. У инсонга яшашдан мақсад, ҳаёт мазмунини, дорулфано ва дорулбақо дунё масалаларига ўз муносабатларини билдириб туришдан иборатдир.

Дин инсониятнинг руҳий дунёси билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, унинг ижтимоий ҳаётида доимо у билан бирга бўлади. Динни ўрганиш бу инсониятни ўрганишдир. Дин инсоният билан бирга дунёга келганлигина эътибор қаратади.

### **Саволлар**

1. Диннинг моҳияти нима.
2. Диннинг диний ва дунёвий талқини.
3. Диннинг жамиятдаги функцияларини санаб беринг.

### **Фойдаланиладиган адабиётлар**

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008
2. Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари // Каримов И. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
3. Каримов И. Аллоҳ қалбимизда, юрагимизда. “Туркистон пресс” ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавоблар // Каримов И. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-том. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
4. Бағрикенглик – барқарорлик ва тараққиёт омили / Масъул муҳаррир – А.Ачилдиев. – Т., 2007.

5. Диний бағрикенглик ва мутаассиблик (юз саволга юз жавоб) / Ачилдиев А. ва бошқалар. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2007.
6. Ўзбекистонда дунёвий ва диний кадриятлар уйғунлиги. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009.
7. Абдусамедов А.Э. Динлар тарихи. -Тошкент: ЎЗМУ, 2004. -208 б.
8. Йўлдошхўжаев Х., Рахимжонов Д., Комилов М. Диншунослик (маърузалар матни). - Тошкент: ТошДШИ нашриёти, 2000.
9. Мўминов А. ва бошқ. Диншунослик (дарслик). -Тошкент: «Мехнат», 2004.
10. Очилдиев А. ва бошқалар. Диншунослик асослари (ўқув кўлланма). - Тошкент: “Тошкент ислом университети” нашриёт матбаа бирлашмаси, 2013.
11. [http:// www. religioustoleranje. org/gld. htm](http://www.religioustoleranje.org/gld.htm)
12. [http:// www. alreligion. about.com](http://www.alreligion.about.com)
13. [http://www. islam.ru](http://www.islam.ru)
14. <http://www.glossarist.com>
15. [www.infoxs.uz](http://www.infoxs.uz)

### **3-мавзу: Диннинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни**

#### **РЕЖА**

1. Дин - ижтимоий онг шакли, муайян турмуш ва тафаккур тарзи, маънавий кадрият сифатида.
2. Диннинг жамият ва шахс маънавияти юксалишидаги, комил инсонни тарбиялашдаги аҳамияти.

#### **Таянч иборалар**

*Дин ва дунёвий давлат, диний бағрикенглик, урф-одатлар, анъаналари.*

#### **Дин - ижтимоий онг шакли, муайян турмуш ва тафаккур тарзи, маънавий кадрият сифатида.**

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг динга янгича қараш ва муносабат билдириш имконияти туғилди. Натижада нисбатан янги бўлган диншунослик фани вужудга келди. Бу фан илгариги атеизмдан фарқли ўлароқ, динни танқид қилиш, уни жамиятдан йўқотиш мақсадида эмас, балки унга миллий маънавиятнинг бир бўлаги сифатида ёндашиб, уни холисона ўрганишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

Талаба биринчи мавзунини ёритишда мустақиллик ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида, жумладан, маънавий ҳаётдаги янгиланиш жараёни ва

туб ўзгаришлар даврини бошлаб берганлигига тўхталади. Динга бўлган муносабат ижобий томонга ўзгарди: собиқ совет тизимининг динга атеистик ҳужумкорлик сиёсатига барҳам берилди, виждон эркинлиги қонун орқали қафолатланди.

Ўзбекистон раҳбарияти мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ диннинг жамият ҳаётидаги муҳим ўрнига мувофиқ, буюк аждодларимиз томонидан яратилган қадриятларни қайта тиклаш асосида аниқ ва принципиал чора-тадбирлар кўра бошлади. Давлатнинг динга янгича муносабати “инсон эътиқодсиз яшай олмайди” деган аниқ ишонч асосида белгиланди. Бу тамойил ҳозирги кунга келиб “Аллоҳ қалбимизда, юрагимизда” сўзларида ифодасини топмоқда.

Ўз навбатида, “дунёвийлик” тамойилини тўғри англаш, жамият ва дин орасидаги муносабатларда мувозанатни сақлаш лозим бўлади. Зеро, диннинг жамиятда ўзига хос ўрни мавжуд. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислам Каримов томонидан айтилган қўйидаги сўзларни келтириш муҳимдир: “Дунёвий ва диний қадриятлар ўртасидаги нозик муносабатларнинг моҳиятини ҳар томонлама тўғри тушунтиришимиз лозим. Тарих ва ҳаёт тажрибаси шундан далолат берадики, дунёвий ва диний қадриятлар бир-бирини тўлдирмас экан, бугунги куннинг оғир ва мураккаб саволларига тўлақонли жавоб топиш осон бўлмайди. Шу маънода, биз муқаддас динимиз арконлари ва қадриятларини доимо улуғлаб, шу билан бирга, дунёвий ҳаётга ҳам қатъий ишонч билан интилиб яшаган тақдирдагина ўз эзгу мақсадларимизга эта оламиз”<sup>1</sup>.

#### **Диннинг жамият ва шахс маънавияти юксалишидаги, комил инсонни тарбиялашдаги аҳамияти.**

Талаба мавзуни ёритишда қўйидагиларни англаб олмоғи лозим. Дин кишиларни ҳамиша яхшиликка, эзгу ишларга чорлаб келган. Жумладан, ота-боболаримизнинг муқаддас эътиқоди бўлган ислом дини ҳам юксак инсоний фазилатларнинг шаклланишига хизмат қилган. У туфайли халқимиз минг йиллар мобайнида бой маънавияти ва мероси, ўзлигини омон сақлаб келди.

Ўзбек халқининг илғор маданий ва маънавий меросини тиклаш ва янги шароитда янада ривожлантириш, бу ҳудуддаги илк замондан ҳозиргача мавжуд динларнинг тарихи, ҳаётий тажрибаси тадрижий таракқиётини ўрганиш ватан тарихини чуқурроқ тушуниб этиш, уни севиш ва у билан фахрланиш ҳис-туйғуларини шакллантиришга хизмат қилади.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – Б. 96.

Дин ва Қонун ўзаро муносабатларини билиш республикада демократик ҳуқуқий жамият қуриш пойдеворини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Дин ва дунёвий давлат орасидаги муносабат ҳақида сўз кетар экан, унинг асосида энг аввало, диннинг давлатдан ажратилиши тамойили ётишини таъкидлаш зарур. Бу ҳақда Конституциямизнинг 61-моддасида шундай дейилади: *“Диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмайди”*.

Мазкур моддада муҳим аҳамиятга эга қоидалар мустаҳкам қўйилган. Биринчидан, диний ташкилотлар қайси конфессияга тааллуқлилигидан қатъи назар, бир хил ҳуқуқий майдонда фаолият олиб борадилар. Иккинчидан, диний бирлашмалар фаолиятини ташкил этиш уларнинг ички иши ҳисобланади ва давлат назоратидан холидир.

Шу билан бирга, диний ташкилотлар давлатдан ажратилган бўлса-да, бу диннинг жамиятдан ажратилганини англамаслигини таъкидлаш зарур. Зеро, бирор динга эътиқод қилувчи фуқаролар ҳам жамиятнинг таркибий қисми ва шу сабабли дин фуқаролик жамиятида ўз мавқеига эга бўлади.

Давлатнинг динга муносабатидаги асосий хусусияти – бу диннинг сиёсатга аралашмаслиги. Зеро, ҳар қандай дин, биринчи ўринда маънавий-ахлоқий жиҳатни ўз ичига олади.

Давлатнинг динга бўлган муносабатини ифодаловчи яна бир тамойил шундан иборатки, давлат динни халқ маънавиятининг узвий қисми сифатида тан олади. Бундан келиб чиқиб, унинг ривожини учун тегишли шарт-шароит яратишга ҳаракат қилади.

Ўзбекистон давлатининг дунёвийлик, диний бағрикенглик, барча динларга бир хилда муносабат, жамият тараққиётида дин билан ҳамкорлик қилиш хусусиятлари ушбу тамойил асосида амалга оширилади. Чунки, конституциявий дунёвий-маърифий давлатда “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонунга асосан диний эътиқоди ва дунёқарашидан қатъи назар, сиёсий хоҳишларини билдиришда барча фуқароларнинг тенг иштироки тамойилига риоя қилади.

Ўзбекистоннинг ташқи олам билан ҳар томонлама – сиёсий, иқтисодий, илмий алоқалари янада мустаҳкамланиб бораётган ҳозирги кунда турли конфессия вакиллари билан мулоқот қилишнинг юксак маданиятига эришиш катта аҳамият касб этади. Ўзбек халқининг илғор маданий ва маънавий меросини тиклаш ва янги шароитда янада ривожлантириш, бу ҳудуддаги илк замондан ҳозиргача мавжуд бўлиб келган динларнинг тарихи, ҳаётий тадрижий тараққиётини ўрганиш,



талабаларда Ватан тарихини чуқурроқ тушуниб этиш, уни севиш ва у билан фахрланиш ҳис-туйғуларини шакллантиришга хизмат қилади.

“Диншунослик” фани талабаларда дин, унинг турли шакллари, таълимотлари, йўналишлари, мазҳаблари ҳақида тўғри илмий хулосалар чиқара оладиган дунёвийлик ва динийлик муносабатларини асосли таҳлил қила оладиган тўғри дунёқарашни шакллантиради. Бунда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонун, жинойят, фуқаролик, оила кодексларидаги дин ва виждон эркинлиги ҳақидаги кўрсатмалар, қоидалар дастуруламал бўлиб хизмат қилади. Дин ва қонун ўзаро муносабатларини тўғри англаш, республикада демократик ҳуқуқий жамият қуриш пойдеворини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Мамлакатимизда талабаларга “Дунё динлари тарихи” фанини ўқитиш муҳим масалалардан бирига айланди.

Дунё харитасида мавжуд мамлакат борки, унда яшовчи халқларнинг ўз дини, урф-одатлари ва анъаналари мавжуд. Ана шу кадриятлар халқларнинг юриш-туриши, кундалик фаолияти ва умуман ҳаёт тарзини белгилашда асосий омил бўлиб ҳисобланади. Дунё халқлари тарихини ўрганишда уларнинг диний қарашлари, эътиқод ва диний амалиётларини эътибордан четда қолдириш мумкин эмас.

### **Саволлар**

1. Инсон эътиқодсиз яшай олмайди деган тушунчанинг маъноси.
2. “Дунёвийлик” тамойилини тўғри англаш деганда нимани англатади?
3. Диний ташкилотлар.
4. Давлатнинг динга бўлган муносабатини ифодаловчи тамойил.

### **Фойдаланиладиган адабиётлар**

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008
2. Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари // Каримов И. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
3. Каримов И. Аллоҳ қалбимизда, юрагимизда. “Туркистон пресс” ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавоблар // Каримов И. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-том. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
4. Бағрикенглик – барқарорлик ва тараққиёт омили / Масъул муҳаррир – А.Ачилдиев. – Т., 2007.
5. Диний бағрикенглик ва мутаассиблик (юз саволга юз жавоб) / Ачилдиев А. ва бошқалар. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2007.

6. Ўзбекистонда дунёвий ва диний қадриятлар уйғунлиги. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009.
7. Абдусамедов А.Э. Динлар тарихи. -Тошкент: ЎЗМУ, 2004. -208 б.
8. Йўлдошхўжаев Х., Рахимжонов Д., Комилов М. Диншунослик (маърузалар матни). - Тошкент: ТошДШИ нашриёти, 2000.
9. Мўминов А. ва бошқ. Диншунослик (дарслик). -Тошкент: «Мехнат», 2004.
10. Очилдиев А. ва бошқалар. Диншунослик асослари (ўқув кўлланма). - Тошкент: “Тошкент ислом университети” нашриёт матбаа бирлашмаси, 2013.
- 11.[http:// www. religioustoleranje. org/gld. htm](http://www.religioustoleranje.org/gld.htm)
- 12.[http:// www. alreligion. about.com](http://www.alreligion.about.com)
- 13.[http://www. islam.ru](http://www.islam.ru)
- 14.<http://www.glossarist.com>
- 15.[www.infoxs.uz](http://www.infoxs.uz)

#### **4-мавзу: Уруғ-қабил динлари**

##### **Режа:**

1. Диннинг ибтидоий шакллари.
2. Қадимги Миср, Бобил ва Ассирия динлари. Антик даврда кўпхудолик динлари.

##### **Таянч иборалар**

*Рух, жон, тотемизм, анимизм, фетишизм, магия, зооантропоморф, Ибис, Мемфис, Энки, Ану, Туамту.*

##### **Диннинг ибтидоий шакллари.**

Талаба мавзунини ёритишда диннинг ҳар бир ибтидоий шаклларига тўхталиб ўтади. Анимизм. Латин тилида анима – “руҳ”, “жон” маъноларини англатади. Анимизм руҳлар мавжудлигига ишонч, табиат кучларини илоҳийлаштириш, ҳайвонот, ўсимлик ва жонсиз жисмларда руҳ, онг ва табиий қудрат борлиги ҳақидаги таълимотни илгари сурувчи илк дин шаклидир. Анимизм 1871 йили инглиз антропологи Эдвард Тайлор томонидан диний қарашларнинг илк шакли сифатида олға сурилган. У тотемизм билан бир вақтда шаклланган. Анимизм табиатнинг қудратли кучлари – осмон ва ер, қуёш ва ой, ёмғир ва шамол момақалди роқ ва чақмоқларни илоҳийлаштириб, уларда руҳ мавжуд деб билар эди. Ибтидоий одамлар тоғлар, дарёлар, адир, ўрмонлар, дарахт, харсанг тош жарликлар ҳам жонли, сезувчи ва ҳаракат қилувчи, яхшилик ва ёмонлик келтириши мумкин деб тушунганлар. Қурбонликлар қилиб уларнинг ҳаққига дуо қилиб, маросимлар уюштиришган.

**Тотемизм.** Тотем сўзи – Шимолий Американинг Ожибва қабиласи тилида “унинг уруғи” маъносини англатади. Унинг моҳияти “одамларнинг ҳайвонот ёки ўсимликнинг муайян турларига қариндошлик алоқалари бор”, деб эътиқод қилишидир. Уруғдош гуруҳлар ўзларининг умумий белгилари ва тотемлари бўлган ҳайвон ва ўсимликдан келиб чиққан деб билар эдилар. Тотемлар ва одамлар орасидаги алоқалар узоқ ўтмишга тегишли бўлиб, уни қадимги ривоятлар тасдиқлайди. Масалан, Австралия аборигенлари орасида сақланиб қолган афсоналардаги тасаввурлар бунга яққол мисол бўла олади.

Тотемизм таъсирида пайдо бўлган урф-одатлар, нормалар асрлар давомида қатъий равишда қўлланилди. Табу – тақиқлаш, яъни, тотемни озуқа сифатида истеъмол қилишни тақиқлаш тизими пайдо бўлди. Фақатгина баъзи диний маросимларда руҳонийлар ёки қабила бошлиқларига тотемни ейиш руҳсат этилган. Тотемизм уруғчилик жамоаси ижтимоий уруғ қабила жамоаларнинг энг биринчиси саналиб, диний кўринишларнинг тарихий асоси бўлиб қолди.

**Фетишизм.** Фетиш сўзи французча фетише – бут, санам, тумор маъносидаги сўзни англатади. У табиатдаги жонсиз нарсаларга сифинишдир. Фетиш ҳам салбий, ҳам ижобий таъсир этиш кучига эга.

Фетишизм ёғоч, лой ва бошқа материаллардан ясалган буюмларнинг пайдо бўлиши билан бир пайтда шаклланган. Бутларда, туморларда жамоалар ғайри табиий дунёдан келадиган илоҳий қудратнинг тимсолини кўрдилар.

Ибтидоий одамларнинг дастлабки диний таассуротлари умумий мажмуасининг шаклланиш жараёнида фетишизм яқунловчи босқич бўлиб қолди. Дунё ҳақидаги тасаввурлар вақт ўтиши билан такомиллашиб борди ва инсоният ҳаётида узоқ вақт мобайнида ўз таъсирини ўтказиб келди. Барча динлардаги ҳайкаллар, суратлар, тумор, кўзмунчоқ ва турли рамзлар ҳозирги даврда ҳам сақланиб қолган.

**Шаманизм (шомонлик).** Шаманизм (“шаман” сўзи тунгус-манчжур тилидаги “са” – билмоқ феъли билан боғлиқ, “саман” – билувчи киши). Шаманизм анимизм, тотемизм ва фетишизм натижасида юзага келиб, у орқали кишилар ўз тотемлари, ота-боболарининг руҳлари билан хаёлан боғланишни амалга ошириб келганлар. Ўтмишда кўпроқ аёллар шаманлик билан шуғулланганлар. Шаманлар жазавади, асабий кишилар бўлиб, одамлар уларнинг руҳлар билан мулоқотда бўлиши, жамоанинг умид ва ниятларини етказиш, уларнинг иродасини талқин қилиш қобилиятига эга эканлигига жуда ишонганлар.

Шаманлар ритуал ҳаракатлари орқали – овоз чиқариш, ашула айтиш, рақсга тушиш, сакраш йўли билан ноғоралар ва қўнғироқлар овозлари остида ўзларини жазавага солиб, ўзини йўқотиш, жазавани юқори натижага етказиш билан афсунгарлик қилишган.

**Сеҳргарлик (Магия).** Сеҳргарлик (афсун) – одам, ҳайвон ва табиатга ғайритабиий йўл билан таъсир ўтказиш мақсадида бажариладиган ритуал урф-одатлар мажмуасидир. Афсунгарлик урф-одатлари билан махсус кишилар –шаманлар, афсунгарлар шуғулланганлар.

Сеҳргарлик маросимлари якка ҳолда ёки жамоа бўлиб амалга оширилиши мумкин эди.

Сеҳргарлик мақсадига кўра қуйидагиларга бўлинади:

- 1) “Яхши ниятда” амалга ошириладиган – “оқ сеҳргарлик” (“белая магия”)
- 2) “Ёвуз ниятда” амалга ошириладиган – “қора сеҳргарлик” (“чёрная магия”);
- 3) Ҳарбий сеҳргарлик (қурол аслаҳани сеҳрлаш);
- 4) Севги сеҳргарлиги (“иссиқ”, “совуқ” қилиш)
- 5) Тиббий сеҳргарлик (даволаш мақсадида)
- 6) Об-ҳаво сеҳргарлиги (ёмғир чақириш)

Сеҳргарлик замонавий динларда ва турли халқлар урф-одатларида сақланиб қолган.

### **Қадимги Миср, Бобил ва Ассирия динлари. Антик даврда кўпхудолик динлари.**

Талаба мавзунини ёритишда қуйидагиларга эътибор қаратиши лозим. Қадимги Миср динлари *номлар*нинг раҳнамо-худоларига сиғинишга асосланган. Мил. ав. IV асрда қабилалар *номлар* деб аталган. *Ном* худоларига сиғиниш жуда узоқ муддат давом этганлигига қарамасдан ўзининг қадимий хусусиятларини сақлаб қолган. Ҳар бир қабила ўз худосига ибодат қилиш, уни эъзозлаш билан бир қаторда ўша худо билан қандайдир жиҳат билан боғлиқ муайян ҳайвонни ҳам эъзозлаган ва унга сиғинган. Улар иккаласи ёки алоҳида-алоҳида шаклда ёхуд зооантропоморф, яъни одам-ҳайвон шаклида тасвирланган. Масалан, Элефантинда – кўйга, Дендерада – сигирга, Сиутда – чиябўрига, Гермополда – ибис (лайлакка ўхшаш узун оёқли қуш) ва павианга (итгумшук маймун), ал-Файюм водийсида – тимсоҳга, Бубастисда эса мушукка сиғинганлар. Жанубий Мисрнинг қадимий бирлашишига асос бўлган Нехенда калхат аёл худосига, унга яқин жойлашган Нахабда сув нилуфарига сиғинганлар. Шимолий Миср бирлашувининг қадимий

маркази Бутода муқаддас илонга, қўшни Пе жамоасида асаларига сиғинганлар.

Миср худолари орасида Нехебт, Хатхор, Нейт, Сохмет, Нефтида каби кўп сонли аёл худоларининг мавжудлиги қадимги Мисрда матриархал муносабатлар кучли бўлганлигининг исботидир.

Мисрнинг бирлашиш давридан аввалроқ бутун Мисрнинг умумий худолари култи вужудга келганлигини кузатиш мумкин. Агар бирон-бир қабила Мисрнинг бирлаштирилишида асосий ўринни эгалласа, ўша қабиланинг худоси умумдават маъбудига айланган.

Мисрнинг умумий худолари орасида энг қадимийларидан бири лочин Гор худоси бўлиб, аввал унга Иераконполь ва Эдфуда сиғинганлар. Бу минтақадан чиққан Горга сиғинган подшоҳлар Мисрнинг илк бирлаштирувчилари бўлганлар (1-2-сулола; мил. ав. тўртинчи минг йилликнинг охири). Улар ўз қабилавий худоларини умуммиср куёш худосига айлантirdилар. Мамлакат пойтахти Мемфисга кўчирилган вақтда (3-сулола; мил. ав. 3000 й. атрофи) Мисрнинг асосий расмий худоси Птах номли Мемфис худоси бўлиб қолди. Мил. ав. 2700 йиллар атрофида 5-сулола ҳокимият тепасига келган пайтда Он (Гелиополь) шаҳри билан боғлиқ бўлган Атум (Ра) худоси Мисрнинг олий худосига айланди. 11-12-сулолалар даврида (мил. ав. 2100-1800 й. ) жуда ҳам машҳур бўлмаган Амон худоси умуммиср худоларининг асосийсига айланди ва олдинги олий худо Ра билан бирлашиб Амон-Ра шаклини олди.

Қадимги Миср динлари гуруҳларидан бири халқ деҳқончилик эътиқодлари ва маросимлари билан боғлиқ бўлган. Улар ҳақида маълумотлар нисбатан кам, чунки қадимги ёзма ёдгорликларда халқ динлари эмас, балки давлат динлари ҳақида хабар берилади. Ўрта подшоҳлик даврида ўлганлар руҳлари устидан ҳукм чиқариш ҳақидаги тасаввурлар пайдо бўлган. Бу таълимотлар пирамидалар матнларида учрамайди. Улар Осирис худосини руҳлар устидан ҳукм қилувчи худо сифатида таърифлаганлар.

**Қадимги Месопотамия динлари.** Миср билан деярли бир даврларда Дажла (Тигр) ва Фрот (Евфрат) дарёлари оралиғида шумерлар давлати барпо бўлган. Бу давлат ўзининг юқори маданияти билан машҳур эди. Милоддан аввалги IV-III минг йиллик арафасида Шумерда қатъий ишлаб чиқилган илоҳиёт тизими мавжуд эди. Шумер давлатининг дини ҳам кўпхудоликка асосланган, ҳар бир шаҳар ўз ҳомий-худосига эга бўлган. Шу билан бирга, уларнинг умумий худолари ҳам бўлган. Уларнинг эътиқодларига кўра, осмон худоси – Ану, ер худоси – Энлиль, сув худоси –

Энки ёки Эа, ой худоси – Наинар, қуёш худоси – Уту ва ҳоказо. Худолар оламида Ану бош худо ҳисобланган.

Илоҳлар табиатнинг стихия кучларини ифодалаганлар ва кўпинча космик жисмлар сифатида тасвирланган.

Месопотамия цивилизациясининг кўплаб худолари аллақачон инсон қиёфасига киргизилган бўлса-да, уларнинг еттитаси осмон сайёралари тимсолида гавдалантирилган. Шумерлар, аккадлар ва бобилликларнинг афсоналарида оламнинг яратилиши ва оламшумул тўфон ҳақида маълумотлар бор. Мазкур афсонага биноан, ер ва осмондаги ҳаёт илоҳий буйруқлар асосида кечади. Уларнинг исломий ривоятларда қайд этилиши муайян бир даврларда бу халқлар орасида яккахудолик тарғиб этилгани ҳақида хулоса чиқариш имконини беради. Мусулмон панд-насихат адабиётларида бобилликлар ҳаётдан олинган лавҳаларнинг учраши шу фикрга олиб келади.

Месопотамия цивилизацияси астрономиянинг кенг тараққий этгани билан аҳамиятлидир. Шунинг учун бу давлатларнинг диний тизимида инсонларнинг осмон ёриткичлари билан ўзаро муносабатига алоҳида аҳамият берилади. Бу диний тизимлар осмон сайёралари воситаларида ердаги ҳодисаларнинг сабаблари ва ифодасини аниқлашга ва астрология, нужум илми ёрдамида инсон ҳаётини башорат қилишга ҳаракат қилганлар.

Қуёш худоси Уту, ой худоси Наннар (у Энлилнинг ўғли), севги ва ҳосилдорлик маъбудаси Иннар (бобилликлар ва ассирийлар уни Иштар деганлар), мангу тирик табиат ва ўлиб-тирилувчи набоботни акс эттирувчи Думузи (бобилликларда Таммуз) халқ ичида энг машҳур ва ҳурматли маъбудлар эдилар. Уруш, касалликлар ва ўлим худоси Нергал Марс сайёраси билан боғланган. Ҳар бир илоҳга алоҳида функциялар юкланган. Масалан, Энлил (Ниппур шаҳри ҳомийси) тақдир худоси, шаҳарларни яратувчи, деҳқончилик асбоблари (плуг ва ооч)ни яратган худо ҳисобланган.

Шумер икки дарё оралиғидаги ягона давлат эмас эди. Шумерлар каби аккадлар, бобилликлар ва ашшурлар (ассурийлар) дам-бадам ўз ҳукмронликларини ўрнатар, муайян даврдан сўнг ўз ўрнини бошқасига бўшатиб берар эди. Милоддан аввалги XX-XIX асрларда Месопотамия давлатлари – Фрот (Евфрат) устидаги Мари, Дажла (Тигр) дарёси этагидаги Ашшур, Эшнунна давлатлари ўртасида қирғинбарот урушлар кўп бўлган. Шунинг учун ҳам бу минтақада ҳамиша диний-этикодий тизимнинг шакли ўзгариб, уйғунлашиб борган: баъзи худолар эсдан чиқарилиб, уларнинг вазифаси ва хизматлари уларнинг ўрнига келган янгиларига ўтказилар, ибодатхоналар ҳам шунга мослаштирилар эди.

Бобилликларнинг олий худоси Мардук (Юпитер), донишмандлик рамзи ҳисобланган. Мардук Бобил (Вавилон) шаҳрининг ҳомийси саналган. Дунёнинг яратилишига оид Бобил афсоналарига кўра, ибтидода олам Тиамту исмли махлуқ қиёфасида бўлган. У худоларни дунёга келтирган, аммо улар жуда шовқин қилиб, оналарини безор қилганлар. Шунда Тиамту уларни ўлдирмоқчи бўлган. Қўрқмас Мардук барча худолар билан келишиб у билан ёлғиз ўзи олишмоққа қарор қилади ва бунинг эвазига барча худолар унга келажакда тобе бўлишлари лозим эди. Мардук Тиамтуни ўлдиришга муваффақ бўлади. Унинг танасидан осмонни, юлдузларни, ерни, ўсимликларни, ҳайвонларни ва балиқларни яратади. Шундан сўнг Тиамту томонига ўтгани учун қатл этилган бир худонинг конини лой билан қориб, одамни ясайди. Шумерларда ҳам шунга яқин қараш бўлган аммо уларда Мардук ўрнида Энлил махлуқни ўлдириб, дунёни яратган дейилади. Маъбудлардан ташқари, Месопотамияликлар турли эзгу девларга эҳтиром кўрсатганлар. Ёвуз девларга эса, касаллик ва кулфат, бахтсизлик, ўлим келтирмасликлари учун садақалар қилиб турганлар. Ёвуз девлардан дуо ва сеҳрлар, туморлар воситасида сақланишга ҳаракат қилганлар. Барча девлар ярим одам, ярим махлуқ қиёфасида тасаввур этилган. Айниқса, Ламассу номли одам бошли, қанотли хўкиз қиёфасидаги эзгу дев жуда машҳур бўлган. Ашшур подшоҳларининг сарой дарвозалари олдида ана шу ламассуларнинг баҳайбат ҳайкаллари қурилган бўлиб, улар гўё саройга ёмон девларни қўймас эмиш.

Шумер ва аккад халқи нариги дунёга ишонганлар. Уларнинг тасаввурича, нариги дунё соялар салтанати бўлиб, марҳумлар мангу очлик, сувсизликдан азоб чекадилар ва лой ҳамда чанг билан озиқланадилар. Шунинг учун марҳумларнинг болалари уларга ҳамиша озуқа – қурбонликлар юбориши лозим.

**Қадимги Юнонистон (Греция) динлари.** Мазкур динлар ҳақида қадимги юнон достонлари, юнон файласуф мутафаккирларининг бизга етиб келган асарлари ва манбаларидан маълумот олишимиз мумкин.

Қадимги юнонлар ҳайвонлар тимсолларини илоҳийлаштирганлар. Хўкиз тимсоли биринчи ўринда бўлиб, илон тимсолида эса илоҳий куч эгасини тасаввур қилиб, бир қатор ҳайвон ва қушларни илоҳийлаштирганлар. Бу юнонларда тотемизм тушунчалари кенг ёйилганлигидан дарак беради.

Қадимги юнонларда одам шаклидаги худо тимсоллари кўп учрайди. Худолар кўпинча аёл суратида бўлган. Қуёш ва ойни ҳам

илоҳийлаштирганлар. Тошлар ва баъзи дарахтларда илоҳий куч мавжуд деб ҳисоблаганлар. Ғорлар ва унсурларга ҳам диний тус берганлар.

Тотемизм каби диний тасаввурларнинг баъзи белгилари мирмадан халқининг чумолидан тарқалганлиги ёки илоноёқ Кекропнинг Афина асосчиси эканлиги ҳақидаги афсоналарда баён этилган.

Қадимги овчиликка оид маросимлар, сеҳргарлик урф-одатлари об-ҳаво билан боғлиқ бўлган. Ёмғир чақириқ маросимлари ҳам ўтказилган. Юнонлар табиатни ўраб турган турли майда руҳлар: сув руҳлари, ўрмон илоҳлари-наяд, дриад, тоғ руҳлари кабиларга ишонганлар. Юнонларда қадим ўтмишда ёмонлик келтирувчи сеҳрга ишонч мавжуд бўлган. У ер ости қора кучлари ҳақидаги тасаввурлар билан боғлиқ. Қаҳрли Геката худосининг номи билан кимни йўқ қилмоқчи бўлсалар лаънатлаб, лаънат ва дуои бад қилиш ёвузлик маросимлари тарзида бажарилган. Ёвуз сеҳргарлик катта аҳамиятга эга бўлмаган.

Даволаш ва муолажа қилиш ишларида юнонлар сеҳрдан фойдаланиб, у табобат билан боғлиқ урф-одатлар узоқ сақланган.

Қадимий юнон эътиқодларидан бири – ўлим ва ундан кейинги ҳолат ҳақидаги тасаввурлардир. Ўлган киши танаси юнонларда ерга кўмилган ёки сағанада сақланган. Юнонлар тасаввурида ўлганлар руҳлари ер ости макони Аидада тўпланади. Барча марҳумлар ким бўлишидан қатъи назар, Аидада руҳлари тўпланиб, унда машаққатли ва ғамгин тақдирга йўлиқадилар. Шу сабабли юнонлар марҳумни сўнгги кузатиш маросимини охирги бурч деб билиб, уни катта эътибор билан амалга ошириб, марҳумларни озик билан таъминлашга уринганлар.

Юнонлар аслзода қаҳрамонларни илоҳийлаштирганлар, бунга худоларга бўлган ишончининг пасайиши сабаб бўлган. Аслзода хонадонларнинг алоҳида ажратилиши билан уларнинг илк аждодлари ҳам улуғлана бошланди. Уларнинг номлари юқори қўйилиб, уни улуғловчи ва унга сиғинувчилар сони ортиб бориб, Геракл, Иффокал, Иврином, Борса, Эрота каби қаҳрамон худолар пантеони вужудга келди.

Геракл – қуёш худоси, тадқиқотчилар уни дорий қабиласига мансуб Гераклидлар сулоласининг бобокалони ҳисоблаб, халқ қаҳрамони шахсининг афсонавийлаштирилиб юборилган кўринишидир. Мил. авв. XII-XI асрларда дорийлар томонидан Пелопоннессанинг катта қисми босиб олинишига сабаб бўлган “Гераклидлар юриши” тарихий воқеаси бўлиб Гераклнинг бу юришдаги қаҳрамонликлари бутун Юнонистон бўйлаб машҳур бўлиб, у ҳақда афсоналар тўқилишига сабаб бўлди. Гераклни осмонга кўтарилиб кетгани ва Эллада худоларидан бирига айланганлиги ҳақидаги афсона тарқалди. Гераклнинг ўғли Фест



Сикионликларни ўз отасини қахрамон сифатида эмас, худо сифатида улуғлашга мажбур қилди.

Афина шаҳарлар ва кўрғонлар ҳомийси ҳисобланган. Уни “Афина худоси”, “Афиналик аёл”, “Паллада”, “Полиада” каби элликка яқин сифатлари бўлган. “Эллада тавсифи” китобида унга атаб етмиш учта турли ибодатхона, зиёратгоҳлар қурилгани ёзиб қолдирилган. Афина Артемидадан кейинги ўринда бўлиб, афсоналарда у жанговар худо сифатида тўла қурулланган ҳолда тасвирланган. У бойкуш, илон, зайтун дарахти тимсолларида тасаввур қилиниб, Афинанинг образида тотемистик жиҳатлар сақланиб қолганлиги белгисидир.

Юнон худоси Артемида – овчи қиз шаклида тасвирланган. Унга атаб ибодатхона ва муқаддас қадамжолар бунёд этилган.

Апполон юнон афсоналарида Зевс ва Летонинг ўғли, Артемиданинг акаси ҳисобланади. Апполон сўзининг маъноси баъзида “ҳалок қилувчи”, гоҳо “чорва раҳнамоси” сифатида талкин қилинган.

Зевс олимпия худоларининг улуғларидан бўлиб, “худолар ва одамлар” отаси ҳисобланган. Унда элликка яқин маҳаллий худоларнинг сифатлари жамланган. У ҳақдаги афсоналар Крит ва Фессалияда тарқалган. Зевс номи “ёғдули осмон” маъносини билдиради. Юнонлар яна Асклепий, Пан, Афродита, Арес, Гефест, Гестия, Гермес каби худоларга сиғинганлар.

Римда дин бир неча кўринишли бўлиб, ўзининг тараққиётида бир неча мураккаб босқичларни босиб ўтган. Ўтмишда қадимги римликлар мажусий бўлиб, асосан юнон ва этрусск худоларига эътиқод қилишган. Кейинчалик мажусийлик маданиятининг тезкорлик билан ўсиб бориши афсонавий даврни ўзгартирди. Охир-оқибатда эса диний дунёқараш ниҳоясида Қадимги Римда сиёсий куч сифатида христианлик ғалаба қозонди. IV асрда Рим империясининг Ғарбий ва Шарқий қисмларга бўлиниб кетиши натижасида католицизмнинг аниқ кўриниши вужудга келди.

Римликларнинг қадимги диний дунёқарашни табиатни илоҳийлаштирувчи деҳқончилик билан ва одатда оила бошлиғи томонидан амалга ошириладиган сеҳргарлик расм-русумлари ва аجدодлар руҳи билан боғлиқ бўлган. Кейинчалик давлатнинг расм-русумларни ўтказиш ва такомиллаштиришни ўз қўлига олиши олдинги худолар ҳақидаги тасаввурни ўзгартирган расмий динни вужудга келтирди. Рим пантеони (худолар уйи)да дастлаб осмон худоси Юпитер, уруш худоси Марс ва худо Квиринлар, кейинчалик бошқа учлик: Юпитер, Юнона (Юпитернинг хотини, никоҳ илоҳаси) ва Минерва (донишмандлик, санъат ва хунармандчилик илоҳаси)лар асосий худолар саналган. Мазкур худолар

давлат ҳимоячилари ҳисобланиб, уларнинг Капитолиядаги ибодатхонаси давлат даражасидаги культларнинг асосий маркази бўлган.

Рим динларида ҳам бошқа италян культларида бўлгани каби тотемизм қолдиқлари чуқур сақланиб қолган. Буни Рим асосчиларини эмизган она бўри ҳақидаги афсоналарда ҳам кўриш мумкин. Бўри билан боғлиқ Фавнга бағишланган луперкалий (лотинчада бўри – лупус) байрами ва Луперкал ибодатхонаси мавжуд. Бошқа худоларнинг ҳам ўзларига аталган хайвонлари бўлган. Масалан, бўри ва буқа Марсга, ғозлар эса Юнонага аталган хайвонлар ҳисобланади. Лекин шуни таъкидлаш жоизки, тарихий жараёнда Римда хайвонларни муқаддаслаштирувчи тотемистик культларнинг хусусиятлари кузатилмаган. Маънавий ривожланишнинг бу босқичи италян қабилалари томонидан ўтиб бўлинган жараён эди.

Тарихий ривожланиш босқичида Римда оила илк ижтимоий тузилма ҳисобланган. Ўз навбатида мазкур ижтимоий тузилма дастлаб динда намоён бўлганини кузатишимиз мумкин. Ҳар бир оила ўз зиёратгоҳи, ҳомий-худоси ва култига эга бўлган. Мазкур культларнинг марказий ўчоғи олдида патер фамилиас турли муҳим маросимлари бажарилган. Масалан, оила бошлиғи ўчоқ олдида янги туғилган чақалоқни ўз фарзанди деб эълон қилган. Уйни кўриқчилари пенатлар деб аталган ва улар оиланинг тинчлиги ва фаровонлиги ҳақида қайғурганлар. Мазкур илоҳлар ичида уй остонасини кўриқловчи ва оилани асровчи Янус худоси ўзига хос алоҳида ўринга эга бўлган.

Ҳар бир оила аъзосининг ўз ҳомий руҳи бўлган, улар ўша оила аъзосининг куч-қудратини, қувватини, фазилатларини ва унинг бутун борлигини ифодалаш билан бирга, унинг кўриқчиси ҳам бўлган. Оила бошлиғининг ҳомий руҳи бутун оила ҳурматига сазовор бўлган ва у *гениус фамилиае* ёки *гениус домус* деб аталган. Оналарнинг ҳам Юнона деб аталган ҳомий илоҳалари бўлган ва у оилага янги келин олиб келиш, аёлларнинг туғруқ жараёнини осонлаштириш каби вазифаларни бажариши назарда тутилган.

Оила аъзоларининг ўтган аждодлари ҳақида қайғуришидан римликларнинг қабр ҳаёти ҳақидаги тасаввурлари етарли даражада шаклланмаганини кўрсатади. Улар инсон ўлгандан сўнг унинг руҳи қабрда яшайди, деб ҳисоблаганлар ва шу сабабли мурда кўйилган жойга озиқ-овқатлар олиб келишган. Дастлаб бинафша, пирог, вино ва бир ховуч ловия каби жуда оддий нарсалар олиб келинган. Қадимги Римда авлодлари ҳақида қайғурадиган аждодлар руҳи – *мета*, яъни яхши худо деб ҳисобланган. Авлодлари ҳақида қайғурмайдиган руҳлар эса – *лемур*, яъни ёвуз ва қасоскор худоларга айланадилар, деган тасаввур мавжуд бўлган.

Аждодлар руҳи саналмиш ҳомий рух ўз аксини оила бошлиғи ҳисобланган отада ифода этган.

Қадимги Римдаги оила ҳаёти ва уруғ-қабила динига тегишли бўлган диний эътиқодлар, шунингдек, ўлимдан кейинги ҳаёт ҳақидаги тасаввурлар Рим динларининг асоси анимизмдан иборатлиги ҳақида хулоса чиқаришга асос бўлади. Рим анимизмининг ўзига хослиги унинг мавҳумлиги ва шахссизлигидадир. Оиланинг ҳомий руҳлари, пенатлар ва ларлар, манлар ва лемурлар дуо ва қурбонлик келтириш орқали таъсир қилиш мумкин бўлган оила тинчлигини сақловчи шахссиз кучлар ва руҳлар ҳисобланади.

Римликларнинг қишлоқ ҳўжалигидаги ҳаёт тарзи турли табиат кучларига сиғинишларида ўз аксини топган. Аммо антропоморфизмдан узоқ бўлган Рим динига табиатни инсон фазилатлари билан уйғунлашган худолар билан тасвирлаш хос эмас ва бу томондан у юнон динига мутлақо қарама-қарши эди. Рим анимизмининг ўзига хос жиҳати табиат ҳодисаларига тегишли бўлган мистик кучлар ҳақидаги тасаввурлар бўлган. Бу кучлар инсонга ҳам фойда, ҳам зарар келтириши кутилган худолар (нумина) эди. Сиёсий ҳаёт ва жамиятнинг ривожланиши жараёнида йўқ бўлиб кетаётган “умид”, “номус”, “ҳамжиҳатлик” каби тушунчалар муқаддаслаштирила бошланди. Шу тарзда, Рим худолари мавҳум ва шахссиз бўлган.

Айни пайтда кўп сонли худолар ичидан бутун жамият учун аҳамиятли бўлган худолар ажралиб чиқа бошлаган.

Рим пантеони бошқалар учун ҳам ёпиқ бўлмаган, шунинг учун, римликлар бошқа худоларнинг пантеонга қабул қилинишига қарши бўлмаганлар. Улар бошқа халқлар билан доимий алоқада бўлиб, баъзи диний тасаввурларни ўзлаштирганлар ва ўз навбатида бошқа халқларнинг диний тасаввурларига ҳам таъсир ўтказиб келганлар.

Юнон дунёси билан яқинлашув мобайнида Рим худолари юнон худолари билан бир қаторга қўйила бошланди: Юпитер – Зевс, Юнона – Гера, Диана – Артемида, Венера – Афродита, Викториа – Ника, Марс – Арес, Меркурий – Гермес ва бошқалар. Натижада юнон афсоналари ҳам ўзгара бошлади, улардан энг машҳури Геракл ҳақидаги афсона бўлиб, римликлар уни Геркулес деб аташган. Пантеонга рим мифологиясида йўқ бўлган юнон худолари ҳам қўйилди: Эскулапа, Аполлона ва бошқалар. Кейинроқ Римга Мисрнинг асосий культлари – Исида, Осирис, Кибела каби бошқа шарқ культлари ҳам кириб кела бошлади.

Римликлар этруск қабилаларидан ҳам бир қатор худоларни ўзлаштириб олишган. Улардан баъзилари аввал маълум бир этруск

уруғларининг ҳомийси бўлган, кейинроқ эса умумхалқ аҳамиятга эга бўлган. Масалан, Сатурн аввал Сатрий этрусклар уруғининг муқаддас илоҳи саналган ва кейинчалик бутун халқнинг муқаддас илоҳига айланган. Римликларда эса у экин худоси ҳисобланиб, унинг исми лотинча сатор – тарқатувчи сўзи билан боғлиқ, дейилади. У биринчи бўлиб инсонларга озиқ-овқат бериб, дунёни бошқарган. Унинг фаолияти инсонлар учун олтин давр бўлган. Сатурналий байрамида ҳамма тенг ҳуқуқли ҳисобланган, унда инсонлар на хўжайин, на хизматкор ва на қулга ажратилган. Кейинчалик эса мазкур байрам афсонага айланиб қолган.

Римликларнинг диний маросим ва анъаналари қадимий диний тараққиёт босқичида ўз аксини топган. Бир қатор диний таъқиқлар кўхна табуга бориб тақалади. Масалан, Силван (ўрмон худоси)га ибодат қилишда аёллар, Яхшилик илоҳаси (Бона деа) учун аталган маросимда эса эркаклар иштирок этишмаган.

Рим култида асосий ўринни барча турдаги сеҳргарлик ва жодугарлик эгаллаган. Римликлар култини ҳайвонлар ва ўсимликларни қурбонлик қилиш, ибодат ва маҳсус расм-русумлар ташкил этади. Римликлар учун ибодат худо билан боғланиш ёки қандайдир илоҳий кучга магик таъсир этиш воситаси бўлган. Худога қурбонлик қилиш эвазига сўралган ниятлари амалга ошади деб ҳисоблашган. Улар ҳеч нарсани назардан четда қолдирмаганлар ва худоларидан илоҳий ваъдани талаб қилиш учун узоқ ибодат қилишган.

### **Саволлар**

1. Ибтидоий дин шакллари қайсилар?
2. Анима сўзининг маъноси.
3. Тотемизм нима?
4. Зооантропоморф нима маънони англатади?

### **Фойдаланиладиган адабиётлар**

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008
2. Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари // Каримов И. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
3. Каримов И. Аллоҳ қалбимизда, юрагимизда. “Туркистон пресс” ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавоблар // Каримов И. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-том. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
4. Бағрикенглик – барқарорлик ва тараққиёт омили / Масъул муҳаррир – А.Ачилдиев. – Т., 2007.

5. Диний бағрикенглик ва мутаассиблик (юз саволга юз жавоб) / Ачилдиев А. ва бошқалар. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2007.
6. Ўзбекистонда дунёвий ва диний кадриятлар уйғунлиги. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009.
7. Абдусамедов А.Э. Динлар тарихи. -Тошкент: ЎЗМУ, 2004. -208 б.
8. Йўлдошхўжаев Х., Рахимжонов Д., Комилов М. Диншунослик (маърузалар матни). - Тошкент: ТошДШИ нашриёти, 2000.
9. Мўминов А. ва бошқ. Диншунослик (дарслик). -Тошкент: «Мехнат», 2004.
10. Очилдиев А. ва бошқалар. Диншунослик асослари (ўқув кўлланма). - Тошкент: “Тошкент ислом университети” нашриёт матбаа бирлашмаси, 2013.
- 11.[http:// www. religioustoleranje. org/gl d. htm](http://www.religioustoleranje.org/gld.htm)
- 12.[http:// www. alreligion. about.com](http://www.alreligion.about.com)
- 13.[http://www. islam.ru](http://www.islam.ru)
- 14.<http://www.glossarist.com>
- 15.[www.infoxs.uz](http://www.infoxs.uz)

### **5-мавзу: Миллий динлар.**

#### **Режа:**

1. Брахманлик таълимотида касталар.
2. Конфуцийлик. Даосизм - фалсафий таълимот.  
Иудаизм - яхудий миллий дини.

#### **Таянч иборалар**

*Брахманлик, каста, Орий, Конфуцийлик, Сяо, Ли қонунлари, даолик, Тайпиндао.*

#### **Брахманлик таълимотида касталар.**

Биринчи мавзунини ёритишда талаба аввало миллий дин маълум миллатга хос бўлиб, бошқа элат вакиллари ўзига қабул қилмайдиган динлар эканлигига таъриф беради ва қўйидагиларга эътибор қаратади.

**Брахманлик** веда динларининг бир шаҳобчасидир. Вақт ўтиши билан ведалардаги қўшиқлар оммага, ҳатто руҳонийларга ҳам тушунарсиз бўлиб қолди. Бу қўшиқлар ҳали ўзгаришга учрамай, муқаддас тил ва муқаддас матнлар пайдо бўлди. Ниҳоят, бу тилни ўрганиш учун кишилар алоҳида гуруҳлар тузиб, махсус вақт ажратдилар. Натижада ўз ҳаётларини ибодат қилиш, илоҳиёт илмини ўрганиш, мураккаб маросимларни ўтказиш ва халқ руҳоний ҳаётини бошқаришга бағишлаган брахманлар *кастаси* (табақаси) вужудга келди. Динга хос бўлган хусусиятлардан бири – илоҳий тилни

ўзгартириб бўлмаслигидир. Худди шу бир тилнинг эскириб амалдан қолиши ва фақат муқаддас тилга айланиб қолиши брахманизмнинг келиб чиқишига сабаб бўлган омиллардан биридир.

*Орийлар* умуман бошқа маданиятга, ҳаёт тарзига эга бўлган турли халқлар билан учрашиб, мутлақо бошқа табиий шароитга дуч келдилар. Улар кўчманчиликдан энди ўтроқ ҳаётга ўтиб, давлатдаги ҳукмрон синфга айландилар. Шундан сўнг уларнинг эски динлари – ведизм мазкур жараёнлар таъсирида тараққий этди. Бу тараққиёт динни фалсафий жиҳатдан чуқурлаштириш, руҳонийлар табақасининг мавқеини кўтариш, ибодат ва маросимларни мураккаблаштириш, илоҳлар сифатини мураккаб томонга ўзгартириш ҳисобига бўлди. Шундан кейин ўзгартириш тақиқланган диний ақида вужудга келди.

Зикр этилган фактлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, брахманизмда халқнинг эмас, кўпроқ маълум руҳонийлар табақасининг манфаатлари ҳимоя қилинади.

Брахманликнинг асосий элементлари брахманлар ва ведаларга тегишли сутралардир. Сутралар санъатнинг алоҳида кўриниши бўлиб, яққол ажралиб турувчи усталик билан соф санскрит тилида ёзилган. Унда мавжуд вазиятга алоҳида эътибор қаратилган ҳолда маълум табақага юқори ўрин берилади.

Брахманлар ўз номларини тузган динларигагина эмас, жой номи (Брахмания) сифатида, бутун бошли фан ва санъатга (брахманизм шеърятти, тиббиёти, математикаси каби) ном қилиб бердилар. Улар ўзларининг келиб чиқишларини етти руҳоний оиланинг бошлиқлари бўлган етти ришидан деб ҳисоблайдилар. Мадҳияларнинг илк муаллифлари бўлган шоирлар, тилшунослар ва ҳозиржавоб кишилар ўз касбларини авлодларига узатганлар. Веданинг ўзида айтилишича, «ражарши» («риши-подшоҳ»)лар баъзан шундай мадҳияларнинг муаллифлари бўлганлар.

Брахманлар табақаси *орийлар*нинг Ҳиндистон ҳудудига кириб келишларидан олдин шаклланган, деган фикрлар ҳам мавжуд. Аммо улар илк даврда катта мавқега эга бўлмаганликлари учун уларнинг қачон ва қандай қилиб асосий нуфузга эга бўлган даврларини билиш муҳим. *Орийлар* Ҳиндистон бўйлаб ҳарбий юришларини давом эттирганлари сайин камроқ қаршиликка дуч келардилар. Натижада кшатрийлар (жангчилар) табақаси тобора эътибордан четга чиқиб, босиб олинган ерлардаги халқлар орасида тартиб ўрнатиш учун диний-руҳий жиҳатдан таъсири кучлироқ бўлган бошқа табақа – брахманларнинг нуфузи ошиб

борди. Чунки брахманлар диний маросимлардан ташқари ҳуқуқ, урф-одат каби соҳалардан ҳам хабардор эдилар.

Брахманнинг ҳаёти тўрт муайян белгиланган босқичдан иборат эканлигига тўхталади.

### **Конфуцийлик. Даосизм - фалсафий таълимот.**

#### **Иудаизм - яхудий миллий дини.**

Иккинчи мавзунини ёритишда талаба қуйидагиларга эътибор қаратади.

**Конфуцийлик** (Конфуцианизм) фалсафий ғоя сифатида майдонга келган. Унинг асосчиси Конфуций (Кун Цзи) мил. ав. 551 йилда туғилиб мил. ав. 479 йили вафот этган.

Конфуций отасидан эрта ажраган ва онаси қўлида тарбияланган. Онаси ҳам кўп ўтмай дунёдан ўтган. Конфуций таълим олиб, илм ўргангач, 19 ёшида уйланади. Ёшларга таълим беришга киришади. Янги устознинг онг ҳақидаги фикрлари, чуқур маъноли сўзлари мамлакат бўйлаб кенг тарқалади. Конфуций ҳузурига мамлакатнинг турли минтақаларидан илмга чанқоқ ёшлар оқиб кела бошлайдилар. Конфуцийнинг 3000 га яқин шогирдлари орасида етмиш икки энг кўзга кўринган издошлари мамлакатнинг обрўли хонадонларидан бўлиши билан бир қаторда камбағал, оддий кишилардан ҳам иборат бўлган. Конфуций мактаби қадимги Хитойда аста-секин катта таъсир доирасига айлана борди. Унинг кўплаб шогирдлари қадимги Хитой подшоҳликларида нуфузли мансабларни эгалладилар. Конфуций ёшлар тарбиячиси ва устози сифатида кенг шуҳрат қозониб, илк Хитой маърифатпарвари номига сазовор бўлган бўлса, у томонидан таклиф қилинган ислохотларнинг амалга оширилишида унинг акси бўлди.

Конфуцийнинг асосий эътиборини тортган нарса ўз замонасининг камчиликлари ва айбу нуқсонлари эди.

Конфуций “комил инсон” (Цзюнь-цзу) ҳақидаги ғоясини яратди. *Цзюнь-цзи* юксак маънавиятли инсон – икки асосий хусусиятга эга бўлиши керак: инсонийлик ва масъулият (аждодлар олдидаги қарзни)ни ҳис қилиш. Комил инсон, энг аввало, ишончли ва фидоий бўлиши керак. У ўзини аямасдан ўз ишончига, ўз ҳукмдорига, ўз отаси ва барча ўзидан катталарга хизмат қилиши керак. Бундай инсон доимо камолот сари интилиши зарур.

Конфуцийликда марказий ўринни ахлоқий масалалар эгаллаган.

Конфуцийнинг яна бир асосий таълимоти – “Сяо” таълимотидир. Мазкур таълимотга кўра инсон ўз ота-онасига муносиб бўлиши ҳақидаги ғояни ўзида мужассамлаштирган. Конфуций фикрича, инсон учун “Сяо”дан муҳимроқ нарса йўқ. “Сяо” ва “ди” (уканинг акага, кичикларнинг катталарга хурмати) инсонийликнинг асосидир” деган.

"Сяо" таълимотининг "Ли қонунлари"га кўра фарзанд ота-она ҳаётлик чоғида мутлақо уларнинг ихтиёридадир. То улар дунёдан ўтгунича ўзига-ўзи эгалик қилишга ҳақли эмас. Агар ота-онаси вафот этадиган бўлса, фарзанд қандай иш билан машғул бўлишидан қатъи назар, қандай лавозимни эгаллаган бўлмасин, барча ишини ташлаб 3 йил давомида аза тутиши шарт.

Конфуцийлик таълимотига кўра, оила никоҳдан, ёшларнинг келишуви билан бошланмайди. Балки, оила эҳтиёжлари учун никоҳ амалга оширилади. Конфуций урф-одатларига кўра, авлодлар ўз аجدодлари руҳи олдида қилишлари зарур бўлган барча маросимларни ўз ўрнида, мунтазам равишда бажаришлари лозим.

Конфуцийлик жуда тез муваффақиятга эришмади. Конфуцийнинг ўзи эса, замондошлари томонидан тан олинмай вафот этди. Кейинчалик унинг шогирдларига ҳам осон бўлмади.

Мил. ав. IV-III асрларга келиб Конфуций таълимоти ўз асосчиси давридагидан кўра анча кенг тарқалди ва катта таъсир доирасига эга бўлди.

Хань сулоласи даврига келиб, (мил. ав. III-II асрлар) Конфуцийлик давлат мафкураси даражасига кўтарилди. Хань подшоҳлари Конфуций таълимотини тўлиқ қабул қилмаган бўлсалар-да, унинг кучини, жамиятда эгаллаб, улгурган мавқеини эътироф қилган ҳолда ундан давлат бошқарувида фойдаландилар.

Мил.аввалги 195 йилдан бошлаб Конфуций номи Хитойда илоҳийлаштирилди ва унга атаб мунтазам қоидалар асосида қурбонликлар қилинадиган бўлди.

Хань сулоласи даврида Конфуцийга князлик унвони берилди. X-XIII асрларга келиб, Сун сулоласи даврида унга императорлик унвони, отасига эса князлик унвони берилди. Кейинроқ Юань ва Мин сулолалари (XIII-XIV асрлар) даврида унга яна ҳам юксакроқ унвон – "Энг ҳақиқий донишманд", "Миллатларнинг улуғ устози" унвонларига сазовор бўлди.

Конфуций номи ўрта асрларда Хитойда илоҳийлаштирилди. Унинг тимсоли ҳаттоки подшоҳлар бошидаги тожлардан ўрин олди.

**Даолик (Даоизм).** Хитойда мил. ав. бир минг йилликнинг ўрталарида конфуцийлик билан деярли бир вақтда пайдо бўлди. Бу таълимот, диний тасаввурлар билан ҳеч қандай алоқаси бўлмаган. Даолик тарғиботчилари ҳам подшоҳлар орасидаги тинимсиз урушларни қоралар эди.

Даолик бир жихатдан шаманизм ва фолбинлик билан боғлиқ эди, чунки қадимги даволаш услублари фалсафа, айниқса, дао фалсафаси билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Шаманлар даволаш услубларида инсон



танасидаги жараёнларни ташқи фазовий кучлар, ҳар хил руҳлар таъсири билан боғлаб, жодугарлик ва сеҳрдан кенг фойдаланганлар.

Дао назарияси мил. ав. IV-III асрларга келиб ривожлана бошлади. Ижтимоий-сиёсий масалалар ва ахлоқ даолик учун унчалик муҳим эмас эди. Бироқ даолик вакиллари биринчи бўлиб борлик, табиат, коинот ҳақидаги тушунчаларни ишлаб чиқа бошладилар. Хитойдаги файласуфлар академиясида даолик назариётчилари Тянь Пень, Сун Цзянь, Инь Вень, Шень Дао, Хуань Юань ва бошқалар тўпланган бўлиб, у ерда ўз фикрларини олға суриб, бетўхтов мунозаралар олиб бордилар ва рисолалар ёздилар. Уларнинг ёзган асарлари ҳозирги кунгача сақланмаган бўлса-да, уларнинг фикрлари даоликнинг асосий манбаси саналадиган "Дао де цзин" рисоласида ўз аксини топган. Мазкур рисола муаллифи, анъанага кўра, Лао-Цзи ҳисобланади.

Даолик таълимотининг асосий моҳиятларидан бири бу дао ва у билан алоқадор табиат фалсафаси ҳамда космогония масалаларидир. Иккинчи асосий нуқта мавжудлик, ҳаёт ва ўлимнинг нисбийлиги ва шунга боғлиқ ҳолда узоқ яшаш, абадий ҳаётга эришиш тушунчасидир. Милоднинг биринчи асри – Хань даврига келиб, абадий ҳаёт масаласи даолик олимларининг асосий муаммосига айланди. Учинчи ва сўнгги масала у *вей* принциpidир. Даолик фалсафасининг мана шу уч таълимоти Хань асрига келиб даоликнинг шаклланишига асос бўлди.

Милодий II асрга келиб даоликда янги секталар пайдо бўлди. Улардан бири "*Тайпиндао*" (буюк тенглик таълимоти) бўлиб, унинг асосчиси Чжан Цзуэ ҳисобланади. "*Удоумидао*" (Беш доу гуруч таълимоти) сектаси ҳам мавжуд бўлиб, унинг асосчиси машҳур даочи Чжан Дао Лин бўлиб, даолик ибодатхонасининг асосчиси ҳисобланади.

Даолик милодий асрнинг биринчи минг йиллиги давомида буддавийлик ва Конфуцийлик билан рақобатлашиб келди. Милоднинг VI асрига келиб, даолик конфуцийликдан кейин иккинчи ўринни эгаллаган эди. XIII асрдан бошлаб Даолик таълимотининг аниқ асосларга эга эмаслиги ва илк даврдаги юксак таълимотлари турли хурофотлар билан алмашгани туфайли инқирозга юз тута бошлади.

XX аср бошларига келиб, Хитойда турли даолик секталарига қарши кураш бошланди. XX асрнинг иккинчи ярмида Дао тарафдорлари жуда озчиликни ташкил қилди. Ушбу кичик гуруҳлар монахлар, тарғиботчилар ва башоратчиларни ўз ичига олган.

### Саволлар

1. Веда динлари.
2. Брахманизм *кастаси* (табақаси) қандай вужудга келди?

3. Брахманизмда халқнинг эмас, кўпроқ қандай табақани манфаатлари ҳимоя қилинади?
4. Конфуцийнинг яна бир асосий таълимоти қанақа?

#### **Фойдаланиладиган адабиётлар**

1. "Авесто китоби - тарихимиз ва маънавиятимизнинг илк ёзма манбаи" мавзудаги илмий-амалий семинар материаллари. - Тошкент, 2000.
2. "Тил ва адабиёт таълими" журнали, 1992. № 2. Марказий Осиё динлари тарихи / Масбул муҳаррир - Ш.Ёвқочев. – Т.: Тошкент Давлат шарқшунослик инсти тути, 2006.
3. Мўминов А., Йўлдошхўжаев Ҳ., Раҳимжонов Д., Комилов М., Абдусатторов А., Орипов А. Диншунослик. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим ва- зирлиги томонидан дарслик сифатида тавсия этилган. – Т.: Мехнат, 2004.
4. Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. – Т.: 1997.
5. Бойс М. Зороастрийсы. Верования и обычаи / Пер. с англ. И.М. Стеблин-Каменского. Послесл. Э.А. Грантовского. 2-е издание, исправленное. - Санкт-Петербург, 1994.
6. Абдусамедов А.Э. Динлар тарихи. -Тошкент: ЎЗМУ, 2004. -208 б.
7. Йўлдошхўжаев Ҳ., Раҳимжонов Д., Комилов М. Диншунослик (маърузалар матни). - Тошкент: ТошДШИ нашриёти, 2000.
8. Мўминов А. ва бошқ. Диншунослик (дарслик). -Тошкент: «Мехнат», 2004.
9. Очилдиев А. ва бошқалар. Диншунослик асослари (ўқув кўлланма). - Тошкент: “Тошкент ислом университети” нашриёт матбаа бирлашмаси, 2013.
10. [http:// www. religioustoleranje. org/gl d. htm](http://www.religioustoleranje.org/gld.htm)
11. [http:// www. alreligion. about.com](http://www.alreligion.about.com)
12. [http://www. islam.ru](http://www.islam.ru)
13. [http://www. glossarist.com](http://www.glossarist.com)
14. [www.infoxs.uz](http://www.infoxs.uz)
15. [www.turkistonsarkor.uz](http://www.turkistonsarkor.uz)
16. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)

#### **6-мавзу: Буддизм жаҳон дини**

##### **Режа:**

1. Буддизм. Буддизм таълимоти – тўрт олий ҳақиқат, нирвана.
2. Буддизм ахлоқий таълимоти - “панча-шила”.
3. Буддизмдаги оқимлар: махаяна, хинаяна, ламаизм

4. Ўзбекистон худудидаги буддизм ёдгорликлари ва уларнинг тадқиқ этилиши.

### **Таянч иборалар**

*Будда Джина Бхагаван Кришна Варна карма медитация нирвана сарвастивада*

**Буддизм. Буддизм таълимоти – тўрт олий ҳақиқат, нирвана.**

Биринчи масалани ёритганда, Буддизм — дунёдаги энг йирик динлар ичида қадимийларидан бири ҳисобланиб, мил. ав. VI — V асрларда Ҳиндистонда вужудга келганлигига алоҳида аҳамият бериш лозим. Бу динга эътиқод қилувчилар, асосан, Жануби — Шарқий ва Шарқий Осиё мамлақатлари: Шри Ланка, Ҳиндистон, Непал, Хитой, Сингапур, Малайзия, Индонезия, Монголия, Корея, Вьетнам, Япония, Камбоджа, Бирма, Таиланд, Лаос ва қисман Европа ва Америка қитъаларида, Россия Федерациясининг Тува, Бурятия, Қалмиқистон республикаларида истиқомат қиладилар. Ҳозирги кунда эътиқод қилувчилар сони жиҳатидан буддизм христианлик, ислом ва хиндуизмдан сўнг тўртинчи ўринни эгаллайди. Буддистларнинг сони тахминан 750 млн. атрофида.

Буддизм бундан 2500 йил аввалроқ Ҳиндистонда диний — фалсафий таълимот сифатида вужудга келиб, унда кўплаб диний манбалар ва диний йўналишлар мавжуд. Буддизм турли миллий ва диний анъаналар билан келишувчанлиги сабабли кўп миллатлар томонидан кенг қабул қилинди.

Буддизм ҳаётнинг диний, маданий, сиёсий ва иқтисодий соҳалари қатламларига кириб борди. Буддизмни дин ёки фалсафа, мафкура ёки маданият қоидалари тўплами ёхуд ҳаёт тарзи деб баҳолаш мумкин. Айни кунда бу динга эътиқод қилиб келаётган Шарқ мамлақатларидаги буддизм таълимотини ўрганиш у ердаги сиёсий — иқтисодий, маънавий маданиятни тушунишнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Бу давлатларда ушбу динга эътиқод қилувчилар назарида буддизмнинг қоида ва анъаналари марказий ҳукумат қонунларидан кўра устунроқдир, табиийки, бунинг замирида унинг потенциал кучи ётади. Буддизм тарихи тадқиқотчилари мавжуд манбалар асосида бу оқим асосчиси реал тарихий шахс эканлигини таъкидлайдилар. Бу таълимот тўғрисида ҳабар берувчи адабиётларда у Сиддхартха Гаутама (Готама), Шакямуни, Будда, Тадхагата, Джина, Бхагаван каби исмлар билан зикр этилади. Бу исмлар маънолари қуйидагича: Сиддхартха - шахсий исм, Гаутама — уруғ номи, Шакямуни — "Шакя қабиласидан чиққан донишманд", Будда - "нурланган", Джина — "ғолиб", Бхагаван - "тантана қилувчи". Улар ичида энг машҳури "Будда" бўлиб, шундан ушбу динга буддизм номи берилган.

Бизгача Будданинг бир неча биографиялари етиб келган: “Махавосту” — милоднинг II асрида ёзилган. “Лалитавистара” — милоднинг II — III асрларида юзага келган. “Буддхачарита” - буддист файласуфларидан бири Ашвагхоша томонидан милоднинг I-II асрларида яратилган. “Ниданакатха” - милоднинг I асрида ёзилган. Мазкур биографияларда Будданинг қайси йилларда яшаганлиги турлича берилган. Уларда мил. авв. IX-III асрлар оралиғидаги ҳар хил муддатлар кўрсатилади. Расмий ҳисобга кўра Бутама-Будда мил. ав 623 йилда туғилиб, 544 йилда вафот этган. Бироқ кўпчилик тадқиқотчилар унинг таваллуди мил. ав. 564 йилда, вафоти эса 483 йилда деб ҳисоблайдилар. Баъзан 560 ва 480 деб яхлит сонлар билан кўрсатадилар.

Ривоятларга кўра Сиддхартха Шакия қабиласининг подшоҳларидан бири Шуддходананинг ўғли эди. Унинг саройи Химолай тоғлари этагида Капилавасти деган шаҳарда бўлган (ҳозирги Непал ҳудудида). Онаси — малика Майя. Подшоҳ орзу—ҳаваслар оғушида тарбиялаб, уни ҳеч бир камчиликсиз катта қилади. Сиддхартха улгайиб кўшни хукмдорлардан бирининг қизи Яшадҳарага уйланади ва ўғил кўриб, унга Рахула деб исм кўяди. Ҳеч бир қийинчилик ва камчилик кўрмай ўсган бола Сиддхартха бир куни иттифоқо бир кекса чол, бир бемор ҳамда оғир машаққат тортаётган роҳибни учратади, бир кишининг эса вафотига гувоҳ бўлади. Бундан каттиқ таъсирланган шахзода инсониятни қийинчилик ва азобдан қутқариш йўлларини излаш учун саройни ташлаб кетади. Бу вақтда у 30 ёшда эди. У бешта роҳиб билан қишлоқма — қишлоқ кезиб юради. Шу аснода Сиддхартха бир нарсага амин бўлди: бу йўл уни ўз олдига қўйган мақсад, яъни инсониятни азоб-уқубатдан қутқариш сари олиб бормайди ва у роҳиблар жамоасидан ажралади. Бирмунча вақт чангалзорларда кезиб ҳориб чарчагач, бир дарахтнинг тагида дам олиш учун ўтиради ва ўзича, то ҳақиқатни топмагунча шу ердан турмасликка қарор қилади. Бу ўтиришининг 49-куни унинг қалбидан “Сен ҳақиқатни топдинг” деган садо келади. Шу пайтда унинг кўз олдида бутун борлиқ намоён бўлади. У ҳамма жойда шошилиш, қаёққадир интилишни кўради: ҳеч бир жойда осудалик йўқ эди.

*Тришна* — яшаш, мавжуд бўлиш умиди барчанинг тинчини бузар, ҳалок қилар ва яна қайта яратар эди. Мана энди Будда кимга қарши курашиш кераклигини англади. Шу ондан у Будда — *нурланган* деб аталди. У тагида ўтирган дарахт эса — нурланган дарахт (ботха) деб атала бошлади. Будда ўзининг биринчи даъватини Варанаси яқинидаги Ришиватана боғида ўзининг беш роҳиб дўстларига қилди ва улар

Будданинг биринчи шогирдлари бўладилар. Шу кундан бошлаб Будда ўз шогирдлари билан қишлоқма-қишлоқ юриб, ўзига янги издошлар орттиради. Будда 40 йил мобайнида Ҳиндистоннинг турли жойларида бўлади, одамларга ўз ғояларини етказди, сингдиради ва 80 ёшида Куштнагара деган жойда дунёдан ўтади. Унинг жасади, ҳинд удумига кўра, куйдирилиб, хоки 8 та буддист жамоаларига бўлиб юборилади ва ҳар бир жамоа уни дафн этган жойида ибодатхона (стува) барпо этади.

Будданинг ҳаёти ҳақида турли асотирлар пайдо бўлди. Уларда айтилишича, Будда кўп йиллар давомида ер юзидаги турли мавжудотлар қиёфасида қайта туғилган: 84 марта руҳоний, 38 марта шох, 24 марта роҳиб, 13 марта савдогар, 18 марта маймўн, 12 марта товук, 8 марта ғоз, 6 марта фил, шунингдек, балиқ қурбақа, каламуш, қуён қиёфаларида қайта туғилган. Жами 550 марта қайта туғилган. У доимо қаерда, қай қиёфада туғилишини ўзига ўзи белгилаган. Сўнгги марта уни худолар инсониятни тўғри йўлга бошлаши учун инсон қиёфасида яратганлар. Бу афсоналарни баъзиларига кўра, ер юзида Гаутамага қадар олтита Будда ўтган. Шунинг учун буддизмнинг баъзи муқаддас жойларида еттита ибодатхона барпо этилган. Еттита бодха дарахти ўтказилган. Баъзи афсоналар 24 та Будда авлоди ўтган деса, баъзилари минглаб буддалар ўтган деб даъво қилади.

### **Буддизм ахлоқий таълимоти - “панча-шила”.**

Иккинчи масалани ёритишда талаба қуйидагиларга эътибор қаратиши лозим бўлади. Буддизм қадимий ҳинд диний — фалсафий таълимотлари асосида вужудга келган, ўзига ҳос назария ва амалиётдан иборат бўлган диний тизимдир. Будда янги диний қонун - қоидалар, расм - русумлар ишлаб чиқмаган, балки ҳар бир инсон туғилиш ва ўлим машаққатларидан қутулиши учун амал қилиши лозим бўлган бир неча кўрсатмаларни ишлаб чиқди, холос. Унинг таълимоти инсоннинг ҳаёлида, ишларида ва ўзини тутишида самимий олижаноблик ғоясини илгари суради. У ведалардаги гуноҳсизлик таълимотини инкор қилди, ҳайвонларни ваҳшиёна қурбон қилишни қоралади. *варна* (ҳаёти) тизимини ва ундаги руҳонийларнинг бошқалардан устунлигини инкор қилади. Будда таълимотининг асосида ҳаёт бу “азоб-уқубат” ва “нажот йўли мавжуд” деган ғоялар ётади. Буддизм таълимотига кўра, инсон ўзига хос мавжудот бўлиб, туғилади, ўзини ўзи ҳалок қилади ёки қутқаради. Бу ғоялар Будданинг илк даъватига таъбирлаган тўрт ҳақиқатда ўз ифодасини топган. *биринчи ҳақиқат* — “азоб — уқубат мавжуддир». Ҳар бир тирик жон уни бошидан кечиради, шунинг учун ҳар қандай дунёвий ҳаёт-қийноқ, азоб уқубатдир. Туғилиш қийноқ, касаллик – азоб, ўлим - кулфат.

қийинчиликка дуч келиш – машаққат, айрилик - эзилиш, орзу-хавасга етолмаслик – укубат. Дунё тузилишининг асосий қонуни бир-бирига боғлиқдир. Ҳеч бир нарса маълум сабабсиз яралмайди. Буддизм таълимотита кўра, ҳар қандай нарса ёки ҳодиса, у хоҳ моддий, хоҳ маънавий бўлсин, дхармалардан ташкил топган. Объектив ҳақиқат бу доимий равишда ўзгариб турувчи дхармалар оқимидир. Инсон улар ёрдамида яшайди, борлиқ билан алоқада бўлади, яхши ёки ёмон ишларни бажаради. *Иккинчи ҳақиқат* - “қийноқларнинг сабаблари мавжуддир”. Инсон моддий нарсалар ёки маънавий қадриятлардан фойдаланиб, уларни ҳақиқий ва доимий деб ҳисоблайди. Ҳамда доимо уларга эга бўлишига интилади. Бу интилиш ҳаёт давомийлигига олиб боради. Яхши ёки ёмон ниятлар тўқилган ҳаёт дарёси, орзулар ва интилишлар сабабли келажак ҳаёт учун *карма* ҳозирлайди. Демак, қайта туғилиш, қайтадан қийноқларга дучор бўлиш давом этади. Аксарият буддистлар фикрича, Буддадан кейин ҳеч ким нирвана ҳолатига эриша олмаган. *Учинчи ҳақиқат* - "қийноқларни тугатиш мумкин". Яхши ёки ёмон ниятлардан, интилишлардан бутунлай узилиш нирвана ҳолатига олиб боради. Бу ҳолатда инсон қайта туғилишдан тўхтабди. Буддистлар фикрича, нирвана ҳолати «ҳаёт ғилдирагидан” ташқарига чиқиш, "мен" деган фикридан ажралиб, инсоннинг ҳиссий туйғуларини тўла тугатишдир. *Тўртинчи ҳақиқат* — “қийноқлардан қутилиш йўли мавжуддир”. Бу йўл саккизта нарсага амал қилиш, тўғри муомалада бўлиш, фикрни тўғри жамлашдир. Бу йўлдан борган инсон Будда йўлини тутди. Буддизм таълимоти, асосан, уч қисмдан иборат: 1. Ахлоқ. 2. Медитация. 3. Донолик. *Ахлоқ нормалари*- "Панча шила" - Будданинг беш насиҳати: 1. Қотилликдан сақланиш; 2. Ўғрилиқдан сақланиш. 3. Гумроҳликдан сақланиш. 4. Ёлғон, калбаки нарсалардан сақланиш. 5. Маст қилувчи нарсалардан сақланиш. *Медитация*: 1. Тўғри тушуниш (тўғри эътиқод қилиш). 2. Тўғри ният қилиш — дунёвий лаззат—халоватлардан халос бўлишга, кераксиз фикрлар ва бошқаларга зарар етказиб қўйишдан сақланишга интилиш. 3. Ўзини тўғри тутиш — ўзиники бўлмаган нарсага кўз олайтирмаслик, ортиқча ҳиссиётга берилмаслик. 4. Тўғри англаш — ўз танаси ва руҳига ўзини йўқотиб қўймайдиган даражада назоратда бўлиш ҳамда бунда эҳтирослар ва изтиробларга чек қўйиш. 5. Тўғри ҳаракат қилиш - ўзидаги ёмон туйғуларни жиловлаш ҳамда эзгу туйғулар ва ҳаракатларни ривожлантириш. 6. Тўғри ҳаёт кечириш — номаъқул ҳаёт тарзидан сақланиш. 7. Тўғри фикр юритиш — камолотнинг тўрт босқичини кетма — кет босиб ўтиш. 8. Тўғри гапириш — ёлғондан, тухматдан, ҳақоратдан ва бефойда гаплардан сақланиш.

*Донишмандлик* — бу буддизмнинг асосий мақсади бўлиб, нарсалар табиатини тўғри тушунишдан иборат. Юқорида кўрсатилган уч амалиёт босқичини ўтаган инсон охир-оқибат олий саодатга, яъни нирвана ҳолатига эришади. Нирвана сўзининг луғавий маъноси — «ўчиш, сўниш». Унда ҳаётнинг ҳар қандай кўринишига интилиш йўқолади. Ушбу таълимотнинг ёйилишида буддист жамоаларнинг (сангха) роли катта бўлган. Улар йилнинг об—ҳавоси яхши бўлган тўққиз ойида шаҳарма — шаҳар, қишлоқма — қишлоқ юриб, аҳолини бу динга даъват қилиб юрганлар. Фақатгина муссон ёмғирлари тинмай куйган уч ойдагина ўз ибодатхоналарида муқим бўлиб медитация билан шуғулланганлар. Мил. ав. 273 — 232 йилларда ҳукмронлик қилган император Ашока даврида буддизм кенг ҳудудларга жадал тарқалди. У буддист монахларга (роҳиблар), уларнинг Ҳиндистон билан чегарадош давлатларга қилган миссионерлик ҳаракатларига ҳайрихоҳлик билдирарди. Буддист миссионерлари ўз принципларида маҳкам туриб, юмшоқлик ва келишувчанлик билан ҳаракат қилдилар.

#### **Буддизмдаги оқимлар: махаяна, хинаяна, ламаизм**

Талаба иккинчи мавзуни ёритишда талаба қуйидагиларга эътибор қаратади. **Хинаяна** буддизмнинг асосий йўналишларидан биридир. Хинаяна «*кичик арава*» маъносини англатиб, у диний йўналиш сифатида мил. ав. I асрда шаклланган. Бироқ унинг асосий қоидалари анча аввал, шу жумладан, Трипитакада баён қилинган.

Хинаяна таълимотига кўра, *дҳармалар* табиатини ўрганишга ва *нирвана*га маънавий йўл билан эришилади. Бу йўл жуда оғир, шу сабабли фақат монахларгина *нирвана* ҳолатига етиши мумкин. Кейинчалик Хинаянада жуда ҳам мураккаб ва дабдабали ибодатлар (масалан, «Будда тишига сиғиниш»), буддизмнинг муқаддас жойларига оммавий зиёратлар жорий қилинган. Бу йўналиш Шарқий Ҳиндистонда, Шри Ланка, Ҳиндихитой давлатларида тарқалган.

**Махаяна** Хинаяна билан бир қаторда буддизмдаги иккинчи асосий йўналиш бўлиб, у руҳий камолот аҳдига риоя этувчи, худога илтижо қилувчи роҳибларга инъомлар бериб ёрдам кўрсатувчи ҳар қандай оддий диндор нажот топиши мумкин, деган таълимотга асосланади. Унга кўра, Будда танаси жонзотларни азобдан қутқариш учун турли махлуқотлар шаклига кириши ва ҳаёт занжирининг барча вакиллари уни ўрганиши, англаши мумкин. Бу нарса чексиз Будда *рамларининг*, худоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлди. Бу худоларга ишониш йўллари барча учун мумкин бўлганлиги сабабли у «*катта арава*» номини олган.

**Цзинту** йўналиши Хитойда вужудга келган ва кейинчалик Японияга ўтган. Унга Хуэй-Юань асос солган. V – VII асрларда унинг шогирдлари бу йўналишни ривожлантирганлар. Шунингдек, ушбу йўналиш Хитой буддизмида сезиларли мавқега эга бўлган ва расман эътироф этилган.

**Тяньтай** ёки **Тендай** йўналиши. Бу ном шундай деб аталган бир ибодатхона номи билан боғлиқ. Мазкур йўналишнинг илк ва кўзга кўринган вакилларида бири монах Чжи-И бўлган. Чжи-И таълимотига кўра, бу дунёдаги ҳамма нарса ҳақиқий эмас, улар фақат бўшлиқдан иборат бўлиб, вақтинчалик мавжуддир. Мана шу асосга биноан у хулоса қиладики, оламдаги барча нарса ёлғиз мазмундадир. Будда ҳатто майда кум заррачаларида ҳам мавжуд бўлиши ва охирида эса ҳар бир инсоннинг ҳаёти Будда ҳаётининг бир қисми бўлиши мумкин.

**Тантризм** Ҳиндистонда биринчи минг йиллик ўрталарида вужудга келиб, кейинчалик Хитойга ҳам ўтган. Буддизмнинг ушбу йўналиши VIII асрга келиб жуда тараққий топди. Бунга мазкур йўналишнинг уч машҳур патриархлари Ҳиндистондан келиб фаолият олиб боришлари сабаб бўлди. Тантризм мустақил ҳамда таъсирчан йўналиш сифатида Хитойда узоқ қолмади.

**Чань-буддизм.** Мазкур йўналишнинг номи санскрит тилидаги «*дхиана*» (*медитация, фикрни жамлаш*) сўзидан келиб чиққан. Ҳиндистонда вужудга келган *дхиана* буддизм мактаби тарафдорлари вақти-вақти билан ташқи оламдан узилиб, ушбу абадий ташвишлардан четланиш ва фикрни бир нуқтага жамлаш таълимотини илгари сурганлар. Бу ишда киши, ҳақиқатан ҳам, *транс* ҳолатига тушадиган бўлса, бу орқали ҳақиқатга эришиш *дхиананинг* олий мақсади ҳисобланади.

**Ламаизм** буддизмнинг асосий йўналишларидан бири бўлиб, у тибет тилида «*лама*» – «энг улуғ» деган маънони англатади. Мазкур диний йўналиш раҳбари шу ном билан – *лама* деб аталади.

Ламаизм Тибетда VII – XIV асрларда тибетликларнинг қадимий дини Бон-По (шаманизмнинг бир тури) унсурларини қабул қилган Махаяна ва Тантризм асосида вужудга келган бўлиб, ҳозирда тибетликларнинг асосий дини ҳисобланади. У бир неча фирқа ва мазҳабларга бўлинади. Ламаизм XVI аср охиридан мўғуллар, XVI аср бошларидан Россия ҳудудида яшовчи бурятлар, туваликлар ва қалмиқлар орасида ҳам тарқалди. Буддизмнинг барча ақидаларини қабул қилган ламаизмда инсон фақат *ламалар* ёрдамида нажот топади. *Ламаларсиз нирванага* етишиш у ёқда турсин, киши бу дунёга қайтиб келишда ҳам ҳеч нарсага эриша олмайди, деб таъкидланади.

Ламаизмнинг анъанавий қонунлашган асоси Канжур (108 жилдли) ва Танжур (225 жилдли) номли муқаддас китобларда баён қилинган. Бу динда



дабдабали ибодатлар, театрлаштирилган муқаддас томошалар – *мистериялар*, кўпгина маиший расм-русумлар, худоларнинг ғазабини, ёвуз рухларнинг зиёнларини қайтариш учун қилинадиган хатти-ҳаракатлар, дуо ва афсунлар бор. Ламаизмга кўра, *ламаларга* ва дунёвий ҳокимларга сўзсиз бўйсунуш асосий фазилат саналади. Масалан, бурят ламалари рус подшоҳларини – *аватара*, яъни маъбуда Цаган-Дараэхэнинг ердаги кўриниши деб эълон қилганлар.

Ламаизм таълимотига кўра, одам ўлдириш, ўғрилиқ, ёлғончилик, тухмат, ғийбат, бекорчи сўзлаш, очкўзлик, кек сақлаш, зино қилиш – ўнта «оғир гуноҳ» саналади. Гуноҳ қилишдан ўзини тийиш инсонга энг яхши *қайта туғилишга* имкон беради.

Ламаизм йўналишининг олий диний раҳнамоси Далай-Лама саналади. У туғилган мавжудотларнинг энг улуғи, *бодхисатва* Авалакитешваранинг ердаги кўриниши, *тирик худо* ҳисобланади. *Далай* – тибет тилида «денгиз» маъносини англатади. Далай-Лама «денгиздек улуғ лама» деганидир. Бу унвон 1391 йилда жорий қилинган. Биринчи Далай-Лама Биндуидуб (1391-1475) бўлган. Ҳозирги кунда Далай-Лама XIV Лозондантзенжанцо-Игвант ҳисобланади. У 1935 йилда туғилган. Унинг ўлими билан ерда янги Далай-Лама пайдо бўлади. Олий *ламалардан* ташкил қилинган ҳайъат унинг ўлиmidан сўнг бир йил мобайнида янги туғилган гўдаклар орасидан янги Далай-Ламани қидириб топадилар. Шундан сўнг гўдак монастырда тарбияланади. У вояга етгунга қадар унинг вазифасини регент – муваққат вакил бажариб туради.

Ламаизм диний ҳаётининг марказини монастырь ташкил қилади. У ерда Далай-Лама, Ламалар диний уюшмаси, роҳиблар, талабалар фаолият олиб борадилар.

### **Ўзбекистон ҳудудидаги буддизм ёдгорликлари ва уларнинг тадқиқ этилиши.**

Ўрта Осиёда буддизм масаласининг ёритишда минтақада бошқа кадимий динлар билан бир қаторда буддизмнинг ҳам кенг ёйилганлигини талабаларга баён этиш лозим. Бир гуруҳ тадқиқотчилар мазкур дин Ўрта Осиёга кириб келишини Кушонлар шоҳи Канишка ҳукмронлиги даврига тааллуқли деб биладилар (I-асрнинг охири - II асрнинг бошлари). Иккинчи гуруҳ эса бу жараённинг бошланишини бироз эртароқ деб ҳисоблайди. Тадқиқотчи Б.А Литвинскийнинг фикрича, буддизм Шимоли-Ғарбий Ҳиндистон ва Жанубий Афғонистон (Қандаҳор) орқали тахминан мил. ав. III асрда Бақтрияга (Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари) тарқала бошлаган.

Бактрияга буддизмнинг кириб келиши ва ёйилиши ҳақида бошқа фикр ҳам мавжуд. Тадқиқотчи Р.Ч. Багчи бу жараён подшоҳ Ашока (мил. ав. 273—232 йиллар) ҳукмронлиги даврида юз берган, деб ҳисоблайди. Аммо бу фикрни тасдиқловчи археологик материаллар етарли эмас. Шунинг учун ҳам буддизм бу ҳудудга Кушонлар даврида кириб келган, деган фикр ҳақиқатга яқинроқ. Чунончи Б. Я. Стависский бу фикрни Кушонлар ҳукуматининг ҳинд вилоятлари ва буддист жамоаларнинг ҳомийлари билан алоқалари мустаҳкам бўлганлиги билан исботлайди. Аммо шу билан бир қаторда бактрияликларнинг Канишкага қадар буддизм билан таниш бўлганликларини тасдиқловчи маълумотлар ҳам мавжуд. Мил. ав. I аср ва милоднинг IV асрлари оралиғида Кушон империясида буддизмнинг Махаяна йўналиши давлат дини деб эълон қилинди. Бунгача буддизм Ҳиндистонда узок тарихга эга бўлса-да, у ерда асосий йўналиш бўлган Хинаяна ҳам бундай мавқега эришмаган эди. Канишка, Вима, Кадфиз ва улардан кейинги Кушон императорлари буддизмни кенг ёйдилар. Улар бу дин анъаналарини амалда ривожлантириш, бошқа халқлар ўртасида тарқатиш учун Балх, Марв, Термиз, Самарқанд, Бухоро, Шош, Туркистон, Қува, Косон, Ўш, Болосоғун, Қошғар ва бошқа шаҳарларда буддизм такягоҳлари ва хонақоҳлари, ибодатхоналарини қуриб, буддизмнинг муқаддас китоблари, сутра ва пастиларни ўрганиш, таржима қилиш ва шарҳ учун шароит яратиб бердилар.

Ҳозирги Термиздаги Коратепа, Фаёзтепа, Сайрам, Қува ва бошқа жойларда топилаётган будда ҳайкалчалари ёки уларнинг парчалари, Айритомдаги айвон пештоқи парчасидаги буддист мусиқачиларнинг тасвири ва бошқа осори атиқалар, сарой ва ибодатхоналар Ўрта Осиёдаги буддизм ҳақида хабар берувчи манбалардир. Бу динга тегишли ёзма манбалар қадимги туркий ёзувда, уйғур битикларида ва бошқа ёзувларда сақланиб қолган. Ўрта Осиёнинг жанубида Сарвастивада мактабининг илк кўриниши-Вайбхашика мактабининг таълимоти ёйилган. У буддизмнинг Хинаяна оқимига тегишли. Аммо Вайбхашика таълимоти баъзи жиҳатлари билан Махаяна доирасидаги мактабларга яқин туради. Бунда, айниқса, Махаяна доирасига кирувчи Сарвастиваданинг Виная мактаби муҳим аҳамиятга эга. Манбаларнинг хабар беришича, Хўтанда Вайбхашика мактаби вакиллари Махаянани ёйиш учун замин тайёрлаганлар.

Ўрта Осиёда буддизмнинг бошқа мактаби ҳам ёйилган. Коратепадан топилган сопол буюмлардаги *кхароштни* ёзувлари бу ердаги Махасангхика таълимотини акс эттиради. Махасангхика мактаби Ўрта Осиёда буддизмнинг тарқалишида муҳим рол ўйнаган. Қоратепа бошқа қисмида

брахма ёзувидаги битиклар эса Ўрта Осиёга кейинчалик Канишка даврида кириб келган *Сарвастивада* буддист мактаби таълимотининг ёйилганлигидан хабар беради. Мил ав. III — I асрларда буддизм Хиндистон худудидан чиқиб жануби — шарқий йўналиш бўйича асосан Хинаяна таълимоти шаклида ёйилган. Лекин милоднинг бошларида шимолга, шимоли — ғарбга ҳамда шимоли-шарққа Махаяна тарзида ҳаракат қилди. Бунинг сабаби бир неча асрлар мобайнида Шимолий Хиндистон, Марказий Осиё худудларининг ягона Кушон салтанати байроғи остида бирлаштирилиши бўлди. Айнан Марказий Осиё орқали буддизм Узоқ Шарққа кириб борди ва у ерда иккинчи ҳаётини бошлади. Ўрта Осиёда буддизмга тегишли тарихий обидаларнинг кўплиги жихатидан Фаёзтепа энг йирик ёдгорлик ҳисобланади. У ердан чиққан диний битиклар, ҳайкаллар билан бирга топилган ибодатхонанинг худуди анча катта жойни эгаллайди. 1926 йилда А.С. Стрелков томонидан аниқланган Эски Термиз шарқидаги Зурмала минораси Ўрта Осиё худудидаги биринчи очилган, катта аҳамиятга молик бўлган буддизм иншоотидир. Эски Термиздан топилган Коратепа буддист мажмуаси милоднинг I асри Кушон салтанатининг гуллаган даврига тўғри келади. Коратепадаги ҳар бир иншоот ер усти ва ғор ичида жойлашган ибодатхона, сарой, бир монах (зоҳид) учун мослаштирилган хужралардан иборат. Далварзинтепа мажмуаси 1967 - 1968 йилларда қазиб очилган бўлиб, Термиз яқинидаги Сурхон воҳасининг ўрта қисмида жойлашган мазкур комплекс Г.А. Пугаченкова ва Б.А. Турғунов бошчилигидаги Ўзбекистон санъатшунослик академияси томонидаи очилди. Далварзинтепада топилган буддизм мажмуаси бу дин таълимоти Кушон салтанатининг шимолий вилоятларига I асрда ёйилганлигини кўрсатади. Жанубий Ўзбекистонда жойлашган Бактрия-Тоҳаристоннинг шимолий қисмида 60—йилларнинг иккинчи ярмидан 80—йилларгача буддизм иншоотларининг еттитаси аниқланиб ўрганилди. Археологик қазилмалар натижасида топилган Жанубий Тожикистондаги Ажинатепа, Кофирқалъадаги кичик ибодатхона, Қалъаи Кофирнигон ибодатхонаси, Айритом мажмуаси, Туркменистондаги Марвдан 30 км узоқликда жойлашган Гяурқалъа мажмуаси, Кувадаги ибодатхона ва бошқа буддизмга тегишли ёдгорликлар ушбу диннинг мазкур минтақадаги тарихи ҳақида хабар беради.

### **Саволлар**

1. Илк буддизм таълимоти нималардан иборат?
2. Буддизм амалиётида медитация қандай ўрин тутди ?

3. Хинаяна ва Махаяна орасидаги асосий фарқлар нималардан иборат?
4. Буддизм ўзга цивилизациялар ичига қандай кириб борган?
5. Ҳозирги Япония ҳаётида буддизм қандай ўрин эгаллайди?
6. Ламаизм қайси даврда вужудга келди?
7. Ламаизмнинг Россия Федерациясида тутган мақоми қандай?
8. Марказий Осиёда буддизм тарихини ўрганишнинг қандай илмий муаммолари бор?

#### **Фойданалидаган адабиётлар**

1. Марказий Осиё динлари тарихи / Масъул муҳаррир Ш.Ёвқочев. – Т.: Тошкент Давлат шарқшунослик институти, 2006.
2. Мўминов А., Йўлдошхўжаев Ҳ., Раҳимжонов Д., Комилов М., Абдусатторов А., Орипов А. Диншунослик. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан дарслик сифатида тавсия этилган. – Т.: Mehnat, 2004.
3. Низомиддинов Н. Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиё диний-фалсафий таълимотлари. – Т., 2010.
4. Васильев Л.С. История религий Востока. Учебное пособие для вузов. – 4-е изд. – М.: “Книжный дом “Университет”, 1999.
5. Корнеев В.И. Буддавийлик и общество в странах Южной и Юго-Восточной Азии. – М., 1987.
6. Лысенко В.Г., Тереньев А.А., Шохин В.К. Ранняя буддийская философия. Философия джайнизма. – М., 1994.
7. Ставиский Б. Судьбы буддавийлика в Средней Азии. По данным археологии. – М. 1998.
8. Сузуки Д.Т. Основы дзен-буддавийлика. – Бишкек, 1993.
9. Фромм Э., Судзуки Д., Марино Р., де Дзен-буддавийлик и психоанализ. – М. 1995.
- Щербатской Ф. Теория познания и логика по изучению позднейших буддавийов. – Части 1-2. – М, 1995.
10. Беруний, Абу Райҳон. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар // Беруний А.Р. Танланган асарлар. I том. – Т., 1968.
11. Марказий Осиё динлари тарихи / Масъул муҳаррир – Ш.Ёвқочев. – Т.: Тошкент Давлат шарқшунослик институти, 2006.
12. Мўминов А., Йўлдошхўжаев Ҳ., Раҳимжонов Д., Комилов М., Абдусатторов А., Орипов А. Диншунослик. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан дарслик сифатида тавсия этилган. – Т.: Mehnat, 2004.
13. Очилдиев А., Нажмиддинов Ж. Миссионерлик: моҳият, мақсадлар, оқибатлар ва олдини олиш йўллари (Юз саволга юз жавоб). – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009.
14. Кон-Щербок Д., Кон-Щербок Л. Иудаизм и христианство. Словарь. – М., 1995.
15. Мюллер М., От слова к вере. Миф и религия (История религии). – М.: Изд-во Эксмо; Санкт-Петербург: Terra Fantastica, 2002. Вундт В.

17. Абдусамедов А.Э. Динлар тарихи. -Тошкент: ЎзМУ, 2004. -208 б.
- 18.. Йўлдошхўжаев Х., Рахимжонов Д., Комилов М. Диншунослик (маърузалар матни). - Тошкент: ТошДШИ нашриёти, 2000.
18. Мўминов А. ва бошқ. Диншунослик (дарслик). -Тошкент: «Мехнат», 2004.
19. Очилдиев А. ва бошқалар. Диншунослик асослари (ўқув кўлланма). - Тошкент: “Тошкент ислом университети” нашриёт матбаа бирлашмаси, 2013.
- 20.[http:// www. religioustoleranje. org/gl d. htm](http://www.religioustoleranje.org/gld.htm)
- 21.[http:// www. alreligion. about.com](http://www.alreligion.about.com)
- 22.[http://www. islam.ru](http://www.islam.ru)
- 23.<http://www.glossarist.com>
- 24.[www.infoxs.uz](http://www.infoxs.uz)
- 25.[www.turkistonsarkor.uz](http://www.turkistonsarkor.uz)
- 26.[www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)

## 7-мавзу Христианлик жаҳон дини

### Режа:

1. Христианлик тарихи
2. Христианликдаги асосий оқимлар - ортодокс (православие), католицизм, протестантизм.
3. Христианликнинг Ўрта Осиёга кириб келиши.

### Таянч иборалар

*Иисус Масих, икона курашчилар, монастыр, ктесифон, Рим папаси таинства, Католицизм, индульгенция, причащение.*

### Христианлик тарихи

Биринчи саволни ёритишда христианлик буддизм ва ислом динлари қаторида жаҳонда энг кенг тарқалган динлардан бири ҳисобланиши, ушбу дин тарафдорларининг миқдори бошқа динларга қараганда энг кўп бўлиб, бу кўрсаткич дунё аҳолисининг деярли учдан бирини ташкил этишини алоҳида қайд этиши лозим. Христианлик, асосан, Европа, Америка, Австралия ҳамда Қисман Африка ва Осиё қитъаларида тарқалган. Христианлик милоднинг бошида Рим империясининг шарқий қисмида жойлашган Фаластин ерларида вужудга келди. Исо Масих (Иисус Христос), Библиянинг хабар беришича, христианлик таълимотининг асосчиси бўлиб, у Рим империяси ташкил топганининг 747 йили Фаластиннинг Назарет қишлоғида бокира қиз Марямдан Худоннинг амри билан дунёга келди. Янги эранинг бошланиши ҳам Исо Масихнинг келиши билан боғлиқ. Милоднинг бошларида яхудийлар ҳокимиятнинг уч табақаси билан боғлиқ оғир тушкунликни бошдан кечирар эдилар. Бир томондан, Рим императори ва унинг жойлардаги ноиблари, иккинчи томондан, Фаластин подшоҳи Ирод Ангива, учинчи томондан эса руҳонийлар ҳалқни турли солиқлар ва мажбуриятлар билан кўмиб ташлаган эдилар. Худди шу даврда яхудийлар ўртасида кутилаётган халоскорнинг келиши яқинлашиб қолганлиги ҳақида хабар тарқатувчилар пайдо бўлди. Улар ҳалқни кутилаётган халоскор келишига тайёрлаш учун чиққан эдилар. Шунда Исо Масих яхудийликни ислоҳ қилиш ва уни турли хурофотлардан тозалаш ғояси билан чиқиб, христиан динига асос солди. Яхудийлар уни ва унинг издошларини Фаластиндан қувғин қилдилар. Исони 33 ёшида фитначиликда айблаб, қатл этишга ҳукм қилдилар. Исонинг тарихи хусусида диний ва диний бўлмаган манбалар орасида ихтилоф мавжуд: христиан манбаларида Исонинг ўзи худо бўла туриб, инсониятнинг гуноҳларини ўзига олиш учун одам қиёфасида туғилгани, унинг ҳаёт тарзи, инсонлар билан мулоқоти ҳақидаги

маълумотлар қайд этилса-да, диний бўлмаган манбаларда Исо номи учрамаганлигини назарда тутиб, у тарихий эмас, балки афсонаний шахс деб ҳисобловчилар ҳам бор. Исо номига қўшилувчи “Масих” сўзи қадимий яхудий тили — ивритдаги мешиах сўзидан олинган бўлиб, «силанган» ёки “сийланган” маъноларини беради. Юнон тилида бу сўз «христос» шаклига эга. Бу диннинг «христианлик» “ёки масихийлик” деб аталиши ҳам шу сўзлар билан боғлиқ. Бундан ташқари, христианликни Исо Масихнинг туғилган қишлоғи — «Назарет» билан боғлаб, назрония деб ҳам атаганлар. Кейинчалик бу ном насрония шаклини олган.

Исо Масих ўз таълимотини 12 ўқувчисига — апостоллар (ҳаворийлар)га ўргатди. Улар эса Исоннинг вафотидан кейин устозларнинг таълимотларини алоҳида—алоҳида тарзда китоб шаклига келтирдилар. Бу китоблар Бнблиянинг «Янги аҳд» қисмини ташкил этади. Шунини алоҳида қайд этиш лозимки, манбаларнинг хабар беришича, христианлик яхудий муҳитида юзага келган. Шу боис христианликнинг шаклланишида яхудийликнинг таъсири салмоқли бўлгани шубҳасиз, Христианликнинг асоси — Исонинг одамзоднинг ҳалоскори «мессия» эканлиги яхудийликда мавжуд бўлиб, охиратга яқин келиши кутилаётган ҳалоскор ҳақидаги таълимотдан келиб чиқандир.

Кейинчалик бу таълимот худонинг мужассамланиши ёки Исонинг икки хил — одам ва худо моҳияти ҳамда “туноҳни ювиш, яъни Исонинг ўзини ихтиёрий тарзда қурбон қилиши ҳақидаги таълимот билан мустаҳкамланади. Христианлик Ота-Худо, ўғил—Худо ва Муқаддас Руҳ— Уч юзлик Худо (Трипитий) тўғрисидаги таълимотни, жаннат ва дўзах, охират, Исонинг қайтиши ҳақидаги ва бошқа ақидаларни ўз ичига олади. Христиан жамоасининг шаклланиши, ақидаларининг тартибга солиниши, черков муносабатларининг ишлаб чиқилиши, диний табақалар тизимининг вужудга келиши милоднинг IV асри бошларида, яъни 324 йили христианлик Рим империясида давлат дини деб эълон қилинганидан сўнг амалга оширилди. 325 йили тарихда биринчи марта Рим императори Лициния империя ҳудудидаги христиан жамоаларини ўзаро келиштириш ва тартибга солиш мақсадида Никея шаҳрида 1 — Бутун Олам Христиан соборини (ўтказилган 21 собордан биринчиси) чақирди. Бу соборда «эътиқод тимсоли»нинг (Credo) дастлабки таҳрири қабул қилинган, Пасхани байрам қилиш вақти белгиланган, арийчилик қораланган (Арий Александрия шаҳридан чиққан руҳоний; 318 йилда

ўғил — Худо ва Ота — Худонинг ягона моҳияти ҳақида черков таълимотига қарши чиқиб, Исони илоҳий хусусиятлари ва шон-шухрати жиҳатидан Ота — Худодан кейин туради, чунки Ота-Худо азалий ва абадий, Исони у яратган деб тарғиб қилган). 20 та канон, жумладан, Александрия, Рим, Антиохия, Қуддус митрополитларининг имтиёзлари тўғрисидаги қондани ишлаб чиққан. 381 йили Константинополда II Бутун Олам Христиан собори бўлиб ўтди. Бу соборда Никеяда қабул қилинган «эътиқод тимсоли»га аниқлик киритиш, арийчилар, евномийчилар, фотинианлар, савелианлар каби адашган фирқалар билан курашиш масалалари кўрилган.

II Жаҳон собори Троица (Trinity) ҳақидаги қондани ишлаб чиққан ва «эътиқод тимсоли»ни қонунлаштирган. Константинополь патриархи Рим патриархи каби барча бошқа епископларга нисбатан имтиёзларга эга, деган қондани киритган. Бу соборда қабул қилинган «эътиқод тимсоли» 12 қисмда ифодаланди: биринчи қисмда оламини яратган Худо ҳақида, иккинчи қисмда насронийликда Худонинг ўғли ҳисобланган Иисус Христосга иймон келтириш ҳақида: учинчи қисмида илоҳий мужассамлашув ҳақида сўз юритилиб, унга кўра, Исо Худо бўла туриб, бокира Биби Марямдан туғилган ва инсон киёфасига кирганлиги ҳақида; тўртинчи қисмда Исонинг азоб-укубатлари ва ўлими ҳақида сўз кетади. Бу гуноҳларнинг кечирилиши ҳақидаги ақидадир. Бунда Исонинг тортган азоблари ва ўлими туфайли Худо томонидан инсониятнинг барча гуноҳлари кечирилади деб эътиқод қилиниши ҳақида: бешинчи қисмда Исонинг хочга михланганидаи сўнг уч кун ўтиб қайта тирилганлиги ҳақида: олтинчи қисмида Исонинг меърожи ҳақида; еттинчида Исонинг нузули (иккинчи маротаба ерга қайтиши) ҳақида; саккизинчи қисмда Муқаддас руҳга иймон келтирмоқ борасида; тўққизинчи қисмда черковга муносабат ҳақида; ўнинчи қисмда чўқинтиришнинг гуноҳлардан фориғ қилиши ҳақида; ўн биринчи қисмда ўлганларнинг оммавий тирилиши ҳақида; ўн иккинчи қисмда абадий ҳаёт ҳақида сўз юритилади.

### **Христианликдаги асосий оқимлар - ортодокс (православие), католицизм, протестантизм.**

Иккинчи саволни ёритишда христиан черковининг католик ва православ (ортодокс) черковларига ажралиб кетиши Рим папаси ва Истамбул патриархининг христиан оламида етакчилик учун олиб борган рақобати оқибатида вужудга келганлигига талабалар диққатини жалб қилиш лозим. Ажралиш жараёни Рим империясининг ғарбий ва шарқий



тафовутлари ўсиб чуқурлашиб бораётган асрлардаёқ бошланган эди. 867 йиллар орасида папа Николай ва Истамбул патриархи Фетий орасида узил—кесил ажралиш рўй берди ва бу ажралиш 1054 йили расман тан олинди. XVI аср бошларида католицизмдан бир неча Европа черковлари ажралиб чиқиши натижасида христианликда протестантлик ҳаракати вужудга келди. Бунинг натижасида лютеранлик баптизм, англиканлик ва калвинизм черковлари шаклланди. Булар бир черковнинг асосий маросимлари жиҳатидан ўзларига ҳос бўлган томонларга эга бўлиши билан бир қаторда бир неча йўналишлар, мазҳаблар ва оқимларга бўлинди. *Православ (ортодокс)* оқими христианликнинг уч асосий йўналишидан бири ўлароқ, тарихан унинг шарқий шаҳобчаси сифатида шаклланди. Бу оқим, асосан, Шарқий Европа, Яқин Шарқ ва Болқон мамлакатларида тарқалган. Православ атамаси юнонча “ортодоксия” сўзидан олинган бўлиб, илк давр христиан ёзувчилари асарларида учрайди. Православиянинг китобий асослари Византияда шаклланди, чунки бу йўналиш у ердаги ҳукмрон дин эди. Муқаддас китоб бўлмиш Инжил ва Муқаддас ўғитлар, I — VIII асрлардаги етти бутхона соборларининг қарорлари, шунингдек, Афанасий Александрийский, Василий Великий, Григорий Богослов, Иоанн Дамаскин, Иоанн Златоуст каби йирик черков ходимларининг асарлари ушбу оқим таълимотининг асоси деб тан олинган.

Шу ўринда талабалар диққатини христианликнинг шарқий тармоғи бўлмиш православиянинг ривожланиши жараёнида 16 мустақил (автокафел) черков: Константинопол, Александрия, Антиохия, Қуддус, Грузин, Серб, Румин, Болгар, Кипр, Эллада, Албан, Поляк, Чехия, Словакия, Рус ва Америка черковлари вужудга келганлигига жалб этиш лозим. Бу черковлардан энг каттаси Рус православ черкови (РПЧ, бошқа расмий номи Москва патриархати) бўлиб, унга 19 минг черков ва 127 епархия бирлашган.

Православ оқимида сирли расм- русумлар муҳим ўрин эгаллайди. Черков таълимотига кўра, бундай пайтларда Худо томонидан диндорларга алоҳида савоблар нозил бўлади.

*Христианликдаги сирли ҳодисалар (таинства). Чўқинтириши* сирли ходисасида диндор ўз танасини уч марта сувга ботириши, Худо — Отани, ўғилни ва Муқаддас Рухни чақириши билан руҳий туғилишни касб этади. *Баданга миро суркаш* ҳам сирли бўлиб, бунда диндорга Муқаддас Рухнинг руҳий ҳаётга қайтарувчи ва чиниқтирувчи эҳсонлар улашилади.

*Покланишининг сирлилиги.* Унда диндор нон ва вино кўринишида ўз баданида Исо қонини абадий ҳаётга тайёрлайди. *Надоматнинг сирлилиги* шундаки, диндор ўз гуноҳларини дин пешвоси олдида тан олади, дин пешвоси эса унинг гуноҳларини Исо номидан кечиради. *Руҳонийликнинг сирлилиги* у ёки бу шахсни руҳоний даражасига кўтариш учун епископ қўлини ўша шахс баданига тегизиши (ёки қўйиши) орқали амалга оширилади.

*Никоҳнинг сирлилиги.* Бунда келин — куёв турмуш қуриш, фарзанд кўриш ва уни тарбиялашга оқ фотиҳа оладилар. *Баданни елей билан шиқалаш сирида* Худонинг руҳий ва жисмоний заифликларни тузатувчи лутфу марҳаматидан умид қилинади. Православ черкови байрамлар ва диний маросимларга алоҳида аҳамият беради. Пасхадан сўнг православ динининг ўн икки кунлик ўн икки муҳим байрами бошланади.

Христианликнинг йирик йўналишларидан бири католик оқимидир. У Европа, Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларида тарқалган бўлиб, мухлислари тахминан 800 млн. кишини ташкил этади. Католицизм «умумий, дунёвий» деган маъноларни ифодалайди. Унинг манбаи унча катта бўлмаган Рим христиан жамоаси бўлиб, ривоятларга кўра, унинг биринчи епископи апостол Пётр бўлган. Католик диний таълимотининг асосини Муқаддас китоб ва Муқаддас ёзувлар ташкил қилади. Бироқ православ черковидан фарқли ўлароқ католик черкови Муқаддас ёзувлар деб нафақат аввалги етти бутун олам Христиан соборларининг қарорларини, балки ҳозиргача бўлиб ўтган барча соборлар қарорларини, бундан ташқари, Папанинг мактублари ва қарорларини ҳам ҳисоблайди. Католицизмда Библияни шарҳлаш ҳукуқи фақатгина руҳонийларга берилади, чунки улар уйланмаслик — целибат ҳақидаги диний талабга амал қиладилар. Диний ибодатлар дабдабали ва сохталаштирилган кўринишга эга, диний ўқиш, дуо, илтижолар лотин тилида олиб борилади. Православиядаги каби католицизмда ҳам фаришта, икона, илоҳий куч, чиримайдиган марҳум жасадларига сиғиниш одатлари мавжуддир. Католицизм христианликнинг йўналишларидан бири сифатида унинг асосий ақида ва қоидаларини тан олади, бироқ диний таълимот, сиғиниш ва ташкилий масалаларда бир қатор хусусиятлари билан фарқланади. Католик черкови ташкилоти қатъий марказлашув билан ажралиб туради. Рим папаси бу черковнинг бошлиғи бўлиб, у диний ахлоқ масалаларига оид қонун — қоидаларни белгилайди. Унинг ҳокимияти дунёвий соборлар

ҳоқимиятидан юқори туради. Католик черковининг марказлашуви, жумладан, диний таълимотини ноанъанавий қилиш ҳуқуқида акс этган догматик тараққиёт тамойилини келтириб чиқаради. Масалан, православ черкови томонидан тан олинган Диний рамзда таъкидланишича, Муқаддас Рух Ота—Худодан келиб чиқади. Католик ақидасига кўра эса Муқаддас Рух Ота-Худодан ва Ўғил - Худодан келиб чиқади. Черковнинг нажот борасидаги роли ҳақида ҳам ўзига хос алоҳида таълимот шаклланган. Нажотнинг асоси иймон ва хайрли ишлар ҳисобланади. Черков католик таълимотига кўра, хайрли зарурий ишлар хазинасига — Исо томонидан яратилгаи «хайрли ишлар заҳирасига» эга. Черков Исо, Биби Марям, Муқаддас Рух номидан бу хазинани тасарруф қилиш, ундан мухтожларга улашиш, яъни гуноҳларни афв этиш, надомат чекувчиларга кечирим тухфа қилиш ҳуқуқига эга. Пул ёки тухфа эвазига авф қилиш ҳуқуқига эга. Пул эвазига ёки черков олдидаги хизматлари учун гуноҳларни кечириш — *индულъгенция* ҳақидаги таълимот мана шундан келиб чиккан.

*Аъроф* ҳақидаги (дўзах ва жаннат оралиғидаги мавзе) ақида фақат католик таълимотида мавжуд. Гуноҳи катта бўлмаган гуноҳкорларнинг руҳи у ерда ўтда куяди (эхтимол, бу виждон ва надомат азобининг рамзий инъикосидир), кейин жаннатга йўл топади. Рухнинг аърофда бўлиш муддати хайрли ишлар туфайли қисқартирилиши (ибодат ва черков фойдасига хайр — эҳсон қилиш билан) мумкин.

Католик таълимоти православ таълимоти каби етти асрорни тан олади. Бироқ бу асрорларнинг талқин қилинишида қарашлар мос келмайди. Масалан, *причащение* (тамадди) қилиш қаттиқ нон билан (православияда бўктирилган нон билан), дунёвий (миряне)ларга нон ва вино билан, шунингдек, фақат нон билан ҳам амалга оширилади. Католик иерархиясида уч даражадаги Рухонийлар бор: диакон, руҳоний (кюре, патер, кендз), епископ. Епископни папа тайинлайди. Папани кардинал коллегия сайлайди. II Ватикан соборида (1962 — 1965 йиллар) черков ҳаётининг барча жабҳаларини янгилаш, замонавийлаштириш жараёни бошланди. Бу биринчи навбатда ибодат анъаналарига тегишли бўлди. Масалан, ибодатни лотин тилида олиб боришдан воз кечилди. Шундан сўнг талабаларга *Протестантизм* тарихи Мартин Лютердан (1483 — 1546) бошланганлигини қайд этиш лозим. У XVI асрда Европада католикларга қарши қаратилган Реформация ҳаракати билан боғлиқ жуда кўп мустақил черковлар ва секталарни ўз ичига олади. Протестантизм атамаси «протест» (норозилик) сўзидан келиб чикқан.

Бундай номни олишига сабаб 1526 йилда Шпейер рейхстаги немис лютерчи князлари талаби билан ҳар бир немис князи ўзи ва фуқароси учун хоҳлаган динни танлаш ҳуқуқига эга эканлиги тўғрисида қарор қабул қилди. Аммо 1529 йилда иккинчи Шпейер рейхстаги бу қарорни бекор қилди. Бунга қарши империянинг барча шаҳарлари ва беш князлик норозилик (протест) эълон қилди. Протестантизмнинг илк шакллари: лютеранчилик, калвинизм, унитаризм, баптизм ва англиканлик эди. Кейинроқ «сўнгги протестантизм» шакллари: баптистлар, методистлар, квакерлар, адвентистлар, Иегова шоҳидлари, мармонлар ёки "Охират авлиёлари", "Нажот армияси", "Христиан фани", пятидесятниклар ва бошқа диний оқимлар пайдо бўлди. Бу оқимларнинг кўпчилиги "диний уйғониш, илк христианлик ва реформация идеалларига қайтиш шиори остида ташкил топди. Ҳозирги вақтда протестантизм дунёнинг барча қитъаларида кенг тарқалган. Протестантизмнинг жаҳон маркази АКШда, бу ерда баптист, адвентист, Иегова шоҳидлари ва бошқаларнинг қароргоҳлари жойлашган. Ҳозирги протестантизм интеграция (бирлашиш)га интиломда. Протестантизм Худонинг борлиги, унинг уч қиёфада намоён бўлиши, жоннинг ўлмаслиги, жаннат ва дўзах (католицизмдаги аърофдан ташқари) ҳақидаги ваҳий ва бошқалар тўғрисидаги умумхристиан тасаввурларини эътироф этади. Бироқ Лютер католик черкови билан алоқани узиб, протестант черковининг асосий қоидаларини ишлаб чиқди ва уни ҳимоя қилди. Бу низомга кўра инсон Худо билан бевосита мулоқот қилиши мумкин. Папанинг диний ва дунёвий ҳокимият, католик диндорларининг имонни ва виждонни инсон билан Худо ўртасидаги воситачи сифатида назорат қилиши ҳақидаги мулоҳазаларига Лютернинг қарши чиқиши жамоатчилик томонидан фавқулодда диққат билан тингланди. Протестантизмнинг моҳиятига кўра илоҳий лутфу марҳамат инсонларга черковнинг иштирокисиз инъом этилади. Шу ўринда талабаларга лютер таълимоти ҳақида сўзлаб бериш мақсадга мувофиқдир.

Лютернинг таъкидлашича, черковнинг ҳақиқий хазинаси Муқаддас Инжил ва Худонинг марҳаматидир. «Хайрли амаллар хазинаси»нинг мавжудлиги камбағаллар учун эмас, бойлар учун фойдалидир, бу хазиналарга папа марҳамати билан эмас, ўз амаллари билан эришуви мумкин. Бу хил воситалар билан Худонинг меҳрини қозонмоқни Лютер сароб деб атайди. Ҳақиқий христиан Исога эргашиш истаги билан ёнмоғи зарур. Нажот йўли рухсатнома ёрлиғида эмас, балки чин юракдан надомат чекмоқ ва тавба қилмоқдир. 1517 йил 31

октябрда жамоатчилик ҳукмига ҳавола қилинган тезислар шундан иборат. Кейинчалик бу кўп протестантлар байрами бўлиб қолди. *Калвинизмнинг* яратувчиси диний ислохотнинг бошқа бир йирик арбоби Жан Калвин (1509—1564) бўлиб чиққан. Унинг 1536 йилда нашр этилган «Христиан динидаги кўрсатмалар» деган бош асари протестантизм таълимоти сифатида шаклланишидан кейин янги бир диний йўналиш — калвинизмнинг асоси бўлиб қолди. Дастлабки ислохот арбобларидан фарқли ўлароқ Калвин учун диққат маркази Инжил эмас, Таврот бўлиб келади. Калвин абсолют тақдир ҳақидаги таълимотни ишлаб чиқди. Бу таълимотга кўра, барча одамлар худонинг биз учун номаълум бўлган иродасига асосан мағфират қилинганлар ва маҳкум этилганлар тоифасига бўлинади. Инсон ва иймон, ва ҳайрли ишлар билан тақдирга ёзилганини ўзгартириши олмайди, мағфират қилинганлар нажотга маҳкум, мағфиратдан маҳрум бўлганлар эса абадий азобга маҳкум. Тақдир ҳақидаги таълим шундай асосга қурилганки, Исо ҳам бизнинг гуноҳларимиз учун азобу уқубатларга гирифтор қилинган эди. Протестант черковининг калвинистик йўналишдаги давомчилари (калвинистлар ёки реформаторлар) Шотландия, Голландия, Шимолий Германия, Франция, Англияда катта обрў ва таъсирга эга эдилар.

*Англикан черкови* — Англиянинг давлат черковидир. 1534 йилда маҳаллий католик черкови Рим қироли Генрих VIII ни черков бошлиғи деб эълон қилади, яъни черков қирол ҳокимиятига бўйсундирилади. XVI аср ўрталарига келиб ибодатни инглиз тилида олиб бориш жорий этилди. постлар бекор қилинди, бут ва санамлар олиб ташланди, руҳонийлар уйланмаслиги мажбурий бўлмай қолди. "Мўътадил йўл" таълимоти, яъни Рим католицизми ва протестантизм орасидаги ўртача йўл шаклланди. Англикан диний таълимоти «Умумий ибодатлар китоби»да акс эттирилгандир. У черковнинг нажоткорлик кучи ҳақидаги католик ақидалари ҳамда шахсий эътиқод орқали нажотга эришиш ҳақидаги протестант таълимотларини ўзида жамлаган. Англикан черковида католицизмдаги маросимлар шундайлигича қабул қилиниб, ундаги иерархия тузумига ўхшаш тартиб жорий этилган. Талабалар эътиборини протестантизмнинг оқимларидан бири баптизмга тортиш мумкин. Баптизм (юнонча «сувга чўктириш») XVII аср бошларида вужудга келган бўлиб, ҳозирги кунда дунёнинг 130 мамлакатида ўз тарафдорларига эга. Протестант таълимотининг энг кўп сонли давомчилари баптистлардир. Бу таълимот тарафдорлари фақат ўспиринларнигина чўқинтиришга олиб борадилар. "Ҳеч ким, жумладан,

ота —оналар ҳам киши учун бирор динни танлай олмайдилар. Киши динни онгли равишда ўзи ихтиёр қилмоғи зарур", - деган қоида баптистлар ва забур христианларининг асосий қоидасидир. Уларда ибодат ўта соддалаштирилган бўлиб, диний қўшиқ, ибодат ва мавъизадан иборат. Забур христианлари тўрт русумни сақлаб қолишган: чўқинтириш (ўспиринлар учун), тановул, никоҳ, қўл билан силаб қўйиш. Бу христианлар учун бут эхтиром рамзи эмас. *Адвентистлар* ҳаракати (лот. — “келиш”) Америкада XIX асрнинг 30— йиллари оғир иқтисодий бухрон, умумий ишсизлик даврида вужудга келди. Асосчиси Вилиям Миллер (1782 — 1849).

### **Христианликнинг Ўрта Осиёга кириб келиши.**

Ҳозирги кунда мамлакатимизда бир неча христианлик оқимлари фаолият олиб бораётганлигига, учинчи саволни ёритишда талабалар диққатини христианликнинг ҳам зардуштийлик, буддизм каби Ўрта Осиё халқлари тарихида ўзига хос ўрни бор эканлигига тортиш лозим. Бу дин Ўрта Осиёга, хусусан, Ўзбекистонга икки йўл билан кириб келган: Бунга, бир томондан, христианликка даъват этувчи миссионерларнинг тарғиботчилик фаолияти, иккинчи томондан, Ўрта Осиёнинг Россия томонидан босиб олинishi ва христиан динига эътиқод қилувчи аҳолининг бу ҳудудга кўплаб кўчиб келиши сабаб бўлди. Бу дин миссионерлари Ўрта Осиёнинг турли вилоятларига милоднинг III асрларида кириб келганлар. Масалан, 280 йилда Тароз (Мерке) черковлари қурилиб бўлган. Самарқандда(310 йилдан), Марвда (334 йилдан), Хиротда (430 йилдан). Хоразмда ва Марказий Осиёнинг бошқа шаҳарларида епископлик ва миссиялар туғилган. Кейинчалик Самарқандда, Марвда (430 йиллар), Хиротда (658 йиллар) епископликдан иборат диний-ҳудудий жамоалар, бирлашмалар ташкил бўлган. Хуросонликлар ва суғдиёналиклар зардуштийлар, монавийлар, буддистлар билан бир қаторда христианлар ҳам бўлганлар. Улар Сосонийлар ва қорахитойларга қарашли ерларда яшаганлар. Марказий Осиё ҳудудида исломнинг тарқалиши даврларида ислом билан христианлик ўртасидаги зиддиятлар, келишмовчиликлар кескинлаша бошлади. Бироқ X асргача Самарқанд, Хоразм, Тошкент вилоятларида христианларнинг манзилгоҳлари бўлган. Ҳатто Беруний яшаган даврда ҳам (973—1056) Марвда православ митрополияси бўлган. XIX асрнинг 70—йиллари Ўрта Осиё минтақасига православия билан бир қаторда бошқа оқимларнинг тарафдорлари ҳам кириб кела бошладилар. Улар ортидан турли секталарга мансуб диндорлар, масалан, баптистлар, адвентистлар, католиклар ва бошқалар ҳам пайдо бўлди. 1879 йил 27

мартда Россия императорининг махсус қонуни эълон қилинган, бу жараён янада фаоллашди. Россия армияси томонидан Биринчи жаҳон урушида аср олинган немис, поляк, эстон, швед, литвалик, латиш ва бошқа ғарбий европалик аскарларнинг Туркистон ўлкасига сургун қилиниши улар эътиқод киладиган дин ёки оқимнинг кириб келишига сабаб бўлди. Бу, ўз навбатида, европалик асирлар орасида диний жамоалар тузиш ҳамда черковлар пайдо бўлишига олиб келди. Хорижликларнинг бундай фаолияти асримизнинг тахминан 20—30 — йилларига қадар давом этди. XX аср бошларига келиб Туркистон генерал — губернаторлигида 6,03 миллион мусулмонга 391 минг православ ёки 5340 масжидга 306 черков тўғри келган. Бундан ташқари, эътиқод жиҳатидан 10,1 минг православ оқимида мансуб старообрядчилар, 8.2 минг лютеранлар, 7.8 минг католиклар, 26 минг яҳудий динига ва 17,1 мингга яқин бошқа оқимларга мансуб диндорлар бўлганлар.

Православ йўналиши Ўзбекистон ҳудудига Россия орқали кириб келган. 1871 йил 4 майда Россия императори томонидан Тошкентда Туркистон (ҳозирги вақтда Ўрта Осиё ва Тошкент) епархиясини очишга қарор қилинди. 1880 йилларга келиб рус православ черкови (РПЧ) ўзининг янги ибодатхоналари сонини кўпайтиришга ҳаракат қилди. Уларнинг аксарияти Сирдарё ва Фарғона вилоятларида қурилди. (1916 йил 16 декабрда император буйруғи билан Туркистон кафедрал собори Вернийдан (ҳозирги Алмати) Тошкент шаҳрига кўчирилди.) Черковлар сони 1930 йилларга қадар Ўзбекистон ҳудудида Ўрта Осиё минтақасининг бошқа ҳудудларига нисбатан кўп эди. 1920-1940 йилларда Ўрта Осиё ва Козоғистонда христиан динига мансуб турли этник гуруҳлар кўпайиб борди. 1990 йил 20 июлдан Ўрта Осиё ва Тошкент епархияси епископ сифатида фаолият олиб бормоқда. Унинг тасарруфига Ўзбекистондан ташқари Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистондаги рус православ черковлари қиради. Рус православ черковининг Ўрта Осиё ва Тошкент епархияси Ўзбекистоннинг 11 та ҳудудий тузилмасида ўзининг ибодатхоналари ва марказий бошқарув органи ҳамда диний ўқув юртига эга. Христианликнинг Ўзбекистонда тарқалган оқимларидан бири *католицизм*дир. Айрим маълумотларга кўра, XIX аср охирида Тошкентда 2300 га яқин католиклар бўлган. Ўша вақтда рим католиклари жамоаларига Юстин Пранайтис раҳбарлик қилган. Тошкентда биринчи католик черкови 1912 йилда қурила бошланиб, 1917 йилда битказилган. Ҳозирги кунда бу бино тарихий обида сифатида қайта таъмирланди. Ватикан давлати Ўзбекистоннинг

мустақиллигини 1992 йил 1 февралда тан олиб, шу йилнинг 17 октябрь куни дипломатик алоқалар ўрнатди. 1994 йил 31 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов Ватикан давлатининг расмий элчиси Мариан Олесдан Иоанн - Павел II нинг ишонч ёрлиғини қабул қилди. Шундан сўнг Ватиканнинг Тошкентдаги элчихонаси расман ўз ишини бошлади. М. Олеснинг қароргоҳи Козоғистоннинг собиқ пойтахти Алматида бўлганлиги сабабли, Тошкентдаги элчихона раҳбарлигини ҳозирги вақтга қадар К. Кукулка бажариб келмоқда.

### **Саволлар**

1. Христианлик биринчи бўлиб қайси даврда ва қаерда тарқалди?
2. Христианликнинг асосий ақидаси қандай?
3. Христианликнинг қандай асосий оқимларини биласиз?
4. Христианликнинг муқаддас китоби қайси?
5. Исо Масих шахси ҳақида нималарни биласиз?
6. Ҳозирги пайтда христианликнинг асосий марказлари қаерда?
7. Христианликнинг қандай манбаларини биласиз?
8. Библиянинг таркибига қандай китоблар кирган?
9. Православиянинг асосий таълимоти қандай?
10. Католицизмнинг тарқалиши қандай юз берди?
11. Протестантлик оқими қандай ҳолатда вужудга келди?
12. Республикамиз ҳудудида христианликнинг қайси оқимлари тарқалган?

### **Фойдананилган адабиётлар**

1. Мўминов А., Йўлдошхўжаев Ҳ., Раҳимжонов Д., Комилов М., Абдусатторов А., Орипов А. Диншунослик. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан дарслик сифатида тавсия этилган. – Т.: Mehnat, 2004.
2. Низомиддинов Н. Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиё диний-фалсафий таълимотлари. – Т., 2010.
3. Беруний, Абу Райҳон. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар // Беруний А.Р. Танланган асарлар. I том. – Т., 1968.
4. Мўминов А., Йўлдошхўжаев Ҳ., Раҳимжонов Д., Комилов М., Абдусатторов А., Орипов А. Диншунослик. Ўзбекистон



- Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан дарслик сифатида тавсия этилган. – Т.: Mehnat, 2004.
5. Очилдиев А., Нажмиддинов Ж. Миссионерлик: моҳият, мақсадлар, оқибатлар ва олдини олиш йўллари (Юз саволга юз жавоб). – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009.
  6. Кон-Щербок Д., Кон-Щербок Л. Иудаизм и христианство. Словарь. – М., 1995.
  7. Мюллер М., От слова к вере. Миф и религия (История религии). – М.: Изд-во Эксмо; Санкт-Петербург: Terra Fantastica, 2002. Вундт В. бдусамедов А.Э. Динлар тарихи. -Тошкент: ЎзМУ, 2004. -208 б.
  8. Йўлдошхўжаев Х., Рахимжонов Д., Комилов М. Диншунослик (маърузалар матни). - Тошкент: ТошДШИИ нашриёти, 2000.
  9. Мўминов А. ва бошқ. Диншунослик (дарслик). -Тошкент: «Мехнат», 2004.
  10. Очилдиев А. ва бошкалар. Диншунослик асослари (ўқув кўлланма). - Тошкент: “Тошкент ислом университети” нашриёт матбаа бирлашмаси, 2013.
  - 11.[http:// www. religioustoleranje. org/gld. htm](http://www.religioustoleranje.org/gld.htm)
  - 12.[http:// www. alreligion. about.com](http://www.alreligion.about.com)
  - 13.[http://www. islam.ru](http://www.islam.ru)
  - 14.<http://www.glossarist.com>
  - 15.[www.infoxs.uz](http://www.infoxs.uz)
  - 16.[www.turkistonsarkor.uz](http://www.turkistonsarkor.uz)
  - 17.[www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)

## **8-мавзу Ислом дини**

### **Режа:**

1. Ислом дини шаклланишидаги тарихий шароит.
2. Ислом динининг Ўрта Осиёга кириб келиши.
3. Қуръон ислом динининг муқаддас китоби. Ҳадислар.

### **Таянч иборалар**

*Анъаначилик, диний қонун, Зикр Имом илоҳиётчи, ханифлар, мухожирлар, ансорлар, исломофобия, мужтаҳид.*

### **Ислом дини шаклланишидаги тарихий шароит.**

Ислом дини дунёда кенг тарқалган монотеистик динлардан биридир. Африка қитъасидаги Марокаш, Жазоир, Тунис, Ливия, Миср, Сомали мамлакатларининг халқлари, Хабашистон, ғарбий Суданда яшовчиларнинг бир қисми, Осиё қитъасидаги Арабистон ярим ороли,

Иордания, Сурия, Ироқ, Эрон, Туркия, Афғонистон, Хитой ҳамда Филиппин аҳолисининг бир қисми, Европа қисмида бўлса, Болқон ярим оролида яшайдиган халқларнинг бир қисми ислом динига этиқод қилади. Аҳолисининг кўпчилиги мутлақ мусулмонлардан иборат 39 мамлакат, ҳатто аҳолисининг ярмини мусулмонлар ташкил этган баъзилари ҳам (Миср, Малайзия) ўзларини мусулмон мамлакатлари деб атайдилар, яъни уларнинг баъзиларида (Мавритания, Эрон, Покистон, Камар ороллари) мамлакатларнинг номига ислом сўзи қўшиб айтилади. Расмий статистика бўйича, бир неча мамлакатларда аҳолининг деярли барчаси мусулмонлардан иборат 28 мамлакатда ислом расман давлат дини сифатида тан олинган.

Шунингдек, ислом Марказий Осиё, Кавказ орти ва Шимолий Кавказ, Волга бўйи, Ғарбий Сибирь ва бошқа ҳудудларда яшовчи аҳоли орасида тарқалган. Ҳозирда исломга эътиқод қилувчиларнинг сони ошиб бормоқда. Айниқса, эътиқод ҳақидаги янги қонуннинг қабул қилиниши, вақтли матбуот саҳифаларида, радио эшиттиришлар ва ойнаи жаҳон кўрсатувларида дин мавзуидаги чиқишларнинг кўпайиши, махсус газета ва журналларнинг кенг тарқалганлиги исломга бўлган эътиборни ошириб юборди.

Биринчи саволни ёритишда талабалар эътиборини қуйидагиларга қаратиш зарур. Ислом жаҳондаги айниқса Осиё ва Африка қитъаси маданиятининг умумий қиёфасида муҳим из қолдирди. Бунга, энг аввало, бу ҳудудларда араб тили ва араб ёзувининг кенг тарқалганлиги, ислом мафқураси заминида ишлаб чиқилган муайян турмуш тарзининг ҳукмронлиги мусулмонлар ижтимоий ҳаётининг турли соҳалари шариат томонидан идора этилганлигига имкон берди. Шунга қарамай, маҳаллий маданий анъаналар йўқолмай, янги ислом йўналишида ривожланган ва у кўпинча қадимий мусулмон анъаналари сифатида қабул қилинган. Мусулмонлар маданий мероси миллий озодлик ҳаракати ва ривожланаётган мамлакатларнинг мустақиллик учун кураши жараёнида асосий масалалардан бирига айланди ва ижобий аҳамият касб этди.

Исломнинг пайдо бўлишини таҳлил этиш даврининг хусусиятлари араб қабилалари ўртасида ҳукмрон бўлган ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг ва уларнинг диний –ғоявий ҳаёти билан қисқача танишиб чиқишни тақозо этади. Арабистон ярим ороли ноқулай иқлим шароитига эга бўлган қум саҳроларидан ва тоғлардан иборат бўлиб, унинг аҳолиси V-VI асрларда кўчманчи чорвачилик билан шуғулланар эди.

Ярим оролнинг чексиз саҳроларида яшовчи кўчманчи чорвачилик билан шуғулланувчи араб қабилалари бундан ҳам оғир шароитда яшар эдилар. Улар тараққиёт жиҳатдан анча орқада қолган, ҳали уруғчилик, қабилачилик тузумида эдилар. Ярим оролнинг ғарбий қисмида Қизил денгиз қирғоқлари бўйлаб чўзилган ва қадимдан Ҳижоз деб номланган жойлар бу даврларда бирмунча иқтисодий жиҳатдан ривожланган бўлиб, асосан жанубдан шимолга ўтган қадимий карвон йўли билан боғлиқ эди. Тарихий манбалардаги маълумотларга қараганда VI асрда Ямандан шимолга- Сурия, Миср ва Фаластинга олиб борадиган карвон йўли фақат бу давлатларнинг ўзларига эмас, балки жанубда Яман орқали Ҳабашистон ва Ҳиндистон, шимолда Сурия орқали Миср, Византия ва Эронни ҳам бир-бири билан боғловчи савдо йўли эди. Ҳижоздаги айрим аҳоли яшайдиган манзиллар, йўл устида жойлашган Макка, Мадина, Тойиф шаҳарлари VI асрда анча ривожланган. Булар, шунингдек, кўчманчи араб қабилаларининг савдо муносабатларига жалб этувчи марказлар сифатида ҳам хизмат қилар эдилар.

Макка диний марказ ва савдо маркази сифатида араб қабилалари орасида эътиборлиси эди. Макка марказида жойлашган Каъба исломда энг “муқаддас” ҳисобланган ва “Оллоҳнинг уйи” (Байтуллоҳ) саждагоҳ ҳисобланган. Ундаги қоратош (Ҳажар ал-асвад) ва уч юз олтмиш санам араб қабилалари учун эътиқод манбаига айланган. Зиёратга келиш ойлари муқаддас ҳисобланиб, бу вақтлар ичида қабилаларда уруш ва жанжаллар тўхтатилар эди.

Макка савдо маркази сифатида катта аҳамиятга эга бўлиб, атрофдаги қабилаларга бошқаларга нисбатан кучлироқ таъсир кўрсатар эди. Маккада Указ номли катта бозор жойлашган эди. Араб қабилалари ўртасида Макканинг диний марказ сифатида роли ҳам анча ошган эди. Маккада Каъбатуллоҳ ибодатхонаси турли араб қабилаларининг 360 худосининг санам, яъни бутчалари мавжуд бўлгани туфайли, бу шаҳар ўз атрофида яшовчи кўп қабилалар учун эътиқод маркази-зиёратгоҳга айланган эди. Арабларда ҳам тижорат, ҳам зиёрат деб бежиз айтмаганлар.

V-VII асрларда Маккада арабларнинг қурайш қабиласи ҳукмрон бўлиб, буларнинг юқори табақалари савдо-сотик авж олиши натижасида анча бойиб кетган; пул муомаласи, судхўрлик ривожланган, шунингдек, қул савдоси ва қулларнинг меҳнатидан фойдаланиш ҳам анча кенгайган.

Шарқшунос олимларнинг тадқиқотлари шундан далолат берадики, қадимий Яманни истисно қилганда, Арабистон ярим оролида

яшовчи қабилалар учун V-VI асрларни иқтисодий уруғ-қабилачилик тузуми емирила бошлаган ва қулдорлик муносабатлари вужудга кела бошлаган давр деб тавсифлаш мумкин ва лозим. Ўша даврда кучли империялар бўлган Византия ва Эрон ўртасида Яманни қўлга киритиш ва карвон йўлларида ўз ҳукмронлигини ўрнатиш учун кураш давом этган.

Яман сосонийлар ҳукмронлигига ўтган даврларда (572-628 йиллар) Эрон кўрфази орқали Ҳиндистонга борадиган йўл тез ривожлана бошлаган ва шу муносабат билан Ҳижоз орқали ўтган карвон йўли инқирозга учраган. Бу ҳол фақат Ҳижоз шаҳарларигагина эмас, балки барча араб қабилалари ҳаётига ҳам жиддий таъсир кўрсатган ва Арабистонда ижтимоий-иқтисодий инқирознинг бошланишига сабаб бўлган.

Савдодан келадиган даромад камайиб кетиши натижасида кураш зодагонлари ўртасида судхўрлик авжга чиққан; қуллар, камбағалларни эзиш кучайган Макка ва Ҳижознинг бошқа шаҳарларида мазлумлар билан золимлар орасидаги қарама-қаршиликлар кескинлашган. Бир томондан, қул эгалари билан қуллар ўртасида, иккинчи томондан, қабила зодагонлари билан оддий меҳнаткашлар ўртасида синфий қарама-қаршиликлар кучайган. Қабилаларнинг юқори табақалари, айниқса, Макка зодагонлари қўшни мамлакатларни босиб олиб катта бойлик, ўлжани қўлга киритиш ва шу орқали ҳокимиятни мустаҳкамлаш, иқтисодий инқироздан қутулиш ҳақида тез-тез ўйлай бошлаганлар.

Аммо тарқоқлик ва келишмовчиликларга барҳам бериш, барча араб қабилаларини, уларнинг иқтисодий ва ҳарбий имкониятларини ягона давлатга бирлаштириш зарур эди.

Араб халқи ҳаётида VI аср охири VII аср бошларида юз берган жиддий тарихий воқеалар араб қабилаларини ижтимоий ҳаёт тақозоси билан вужудга келган марказлашишга интилишга ундаган. Ислом айна шу интилишни ўзида акс эттирган ғоя, мафкура сифатида юзага келган, марказлашган араб давлатининг вужудга келиши, қўшни мамлакатларнинг босиб олиниши, араб халифалигининг кенгайиши жараёнида кучли ғоявий қурол сифатида хизмат қилган.

Марказий ва Шарқий Арабистон ярим ороли саҳроларида яшаган араб бадавийлари ўртасида ибтидоий тузумга хос бўлган политеистик маъжусийлик диний тасаввурлари ҳукмрон эди.

V-VI асрларда бу қабилаларнинг диний эътиқодлари тотемизм, фетишизм ва анимизм каби диний тасаввурларнинг қоришиғидан

иборат эди. Кўп қабилалар алоҳида тошларга эътиқод қилар, инсонга ёрдам берадиган эзгу рухлар, ёвуз жинлар ва айёр шайтонлар тўғрисидаги тасаввурлар кенг тарқалган эди.

Ҳар бир қабила ўз худосининг санамига сиғинар, топинар эди. Бу ҳол диншуносликда кўп худолилиқнинг арабларга хос кўриниши деб тавсифланган. Қуръонда бундай эътиқод ширк деб ном олган. Бундан ташқари, араб қабилалари ўртасида Қуёш ва Ойга топиниш ҳам мавжуд эди.

V-VI асрларда араб қабилалари уруғ-қабилачилик тузуми емирила бошлаган, ибтидоий диний тасаввурлар таназзулга юз тутган эди. Қабилалар ўртасида марказлашишга бўлган интилишнинг ғоявий инъикоси сифатида якка худоликка хос диний ақидаларнинг куртаклари шакллана бошлаган. Якка худолилиқ тўғрисидаги бундай диний таълимот исломдагина эмас, балки у пайдо бўлмасдан бирмунча вақт илгари Арабистоннинг айрим жойларида тарғиб қилина бошлаган эди. Ислом эса ана шу тарғиботларнинг галдаги шаклланиши ва таркиб топишининг натижаси сифатида вужудга келган.

Исломдан илгари араб қабилалари орасида якка худолилиқ тўғрисида тарғибот юритган, ўзини пайғамбар деб эълон қилган шахслар тарихий манбаларда “ханифлар”, яъни ҳақ-ҳақиқат изловчилар номи билан маълумдир. Исломнинг пайдо бўлиши араб қабилалари ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг муайян босқичи билан боғлиқ бўлган.

Ҳижозда “ханифлар” деб аталган ягона худога эътиқоднинг бир неча тарафдорлари Муҳаммад(с.а.в.) пайғамбаргача ҳам бўлган ва улар христиан ёки яхудий бўлмаганлари ҳолда якка худога ва охират кунига ишонганлар. Улардан Мусайлима, Сажжох, Тулайх, Асвод кабиларнинг номлари ривоятларда сақланиб қолган.

### **Ислом динининг Ўрта Осиёга кириб келиши.**

Талаба иккинчи мавзунини ёриганда Ислом динининг Ўрта Осиёга кириб келиши ва тарқалиши бевосита араб истилолари ва арабларнинг кўп асрлик ҳукмронлиги билан боғлиқлигига тўхталади. Ўрта Осиёга араб юришлари 643-644 йилларда бошланган бўлса ҳам, ўлкани узил-кесил босиб олишга узоқ даврли курашдан сўнг фақат араб қўмондони Қутайба ибн Муслим ал-Боҳилий (704-715) эришди.. Араблар Мовароуннаҳрга 705 йилда Қутайба Ибн Муслим бошчилигида юришни бошлаб Балх шаҳрини эгаллайдилар. 707 йилда Қутайба катта қўшин билан Амударёдан ўтиб Бухоро воҳасига бостириб киради. Пойканд шаҳрини қамал қилиб, қаттиқ қирғиндан сўнг уни эгаллайди. 708-709 йилларда Бухорони босиб олади. Шундай қилиб 10 йил давомида

муттасил олиб борилган қонли жанглар натижасида Мовароуннаҳр Араб халифалигига бўйсундирилади. Мовароуннаҳр босиб олинган истилочилар барча шаҳар ва қишлоқларга ўз ҳарбий қисмларини жойлаштирадидилар, сиёсий ҳокимиятни мустаҳкамлаш ва уни барқарорлигини таъминлаш учун Ислом динининг тарғиботи ва уни ерли аҳоли ўртасида тарқатиш ишлари билан шуғулланадилар. Улар ҳарбий кучга таяниб, аҳолидан турли солиқлар ундириб, уларни турли жамоа ишларига сафарбар этадилар. Мовароуннаҳрнинг иқтисодий ҳаётини ўз қўлларида жиловлаш учун истилочилар бу ерда ҳам сосонийларнинг солиқ тартибини жорий этадилар. Тартиб бўйича экин ерларидан 0,20-0,25 ҳисса миқдорида хирож, чорва ҳунармандчилик ва савдо сотиқдан қирқдан бир ҳиссада закот ҳамда ислом динини қабул қилмаган маъжусийлардан эса жузья солиғи олинган.

Араб истилочилари Мовароуннаҳрни босиб олган, ўз ҳукмронлигини мустаҳкамлаш учун Ислом динини мажбуран қабул қилдиришга асосий эътиборни қаратдилар. Мовароуннаҳрнинг тақводор аҳолисини узил кесил бўйсундиришда ягона динга-ислом динига бирлаштириш хал қилувчи аҳамият касб этишини улар яхши тушунар эдилар. Шу боисдан улар ерли аҳолининг маънавий ҳаётида муҳим ўрин тутган оташпарастлик, Моний, Будда каби динларни хурофот сохта динлар деб эълон қилдилар. Айниқса Мовароуннаҳр аҳолисининг асосий дини ҳисобланган оташпарастликка қарши қаттиқ кураш олиб бордилар. Ибодатхоналарини вайрон қилиб ўрнига жоме масжидларини бино қилдилар. Диний китоблар ёқиб юборилди, дин арбоблари-коҳинлар қувғин қилинди.

Ислом динини қабул қилиб мусулмон бўлган аҳолига дастлабки йилларда хирож ва жузья солиқларидан озод этилиб, имтиёзлар берилди. Намоз ўқиш учун масжидга борганларга икки дирҳамдан пул берилди. Исломни қабул қилишдан бош тортган аҳолидан жон боши солиғи-жузья ундириб олинди. Оғир солиқлардан қутилиш учун биринчи навбатда аҳолининг энг камбағал катлами исломни қабул қилдилар. Бироқ улар номигагина мусулмон бўлиб узок вақтгача ўз динларига содиқлигича қолганлар.

Шундай қилиб араб истилочилари томонидан Мовароуннаҳрни босиб олиниши оқибатида маҳаллий халқни урф-одати, дини ва эътиқоди, қадимдан ривожланиб келаётган маданияти поймол этилди. Истилочилар Мовароуннаҳрнинг ҳамма жойларида маҳаллий дин намोёндаларини, маданият, адабиёт ва илм аҳилларини қувғин қилдилар ва қатл этдилар. Сўғд ёзувида битилган диний ва шарий китобларни, илмий асарларни, қимматли ҳужжатларни йўқ қилдилар. Ислом дини араб тили ва ёзуви, халифалик қонун ва қоидалари зурлик билан жорий этилди. Натижада Мовароуннаҳр халқи узок давр мобайнида бесавод бўлиб қолди. Араблар келтирган ва ерли аҳоли учун мутлоқо ёт бўлган имлони ўзлаштириб саводхон бўлиш учун янаасрларга тенг авлодлар умри сарф бўлди.

Амир Кутайба 715 йили ҳозирги Андижон вилояти, Жалақудук туманида унга қарши исён кўтарган ўз аскарлари томонидан ўлдирилган. Амир Кутайба аскарларига қаттиқ қаршилик кўрсатган Хоразм, Термиз, Бухоро, Самарқанд, Фарғона каби Туркистон ҳудудлари кейинчалик Ислом динининг энг йирик марказлари бўлиб қолди. Мусулмон дунёсига буюк Хоразмийлар, Бухорийлар, Термизийлар, Фарғоний, Самарқандийларни етиштириб берди.

### **Қуръон ислом динининг муқаддас китоби. Ҳадислар.**

Талаба учинчи мавзунини ёритишда бошида ўқитувчи диний манба тушунчаси мазмун-моҳиятига эътибор қаратади. Жаҳон халқларининг тарихий тараққиётида вужудга келган ва асрлар оша авлоддан-авлодга ўтиб, уларнинг эътиқодига айланган ҳар бир йирик диннинг муқаддас ёзувлари Аллоҳ томонидан инъом этилган деб қаралади. Ана шу муқаддас китоблар динларнинг манбалари ҳисобланади.

“Қуръон” исломнинг муқаддас китоби сифатида Аллоҳнинг мўъжизали китоби бўлиб, ер юзи мусулмонларининг дастуриламали, диний аҳкомлар манбаидир. “Қуръон” Муҳаммад пайғамбарга ваҳий орқали тушган тоат-ибодат ҳисобланувчи муқаддас китоб ҳисобланади. Ўқитувчи ана шундай Муқаддас китобларни Аллоҳ ўтган пайғамбарларга ҳам ўз вақтида нозил қилганлиги ҳақидаги фикрларни баён этади. Масалан, яҳудийлик пайғамбари Мусо пайғамбарга Таврот, Довудга Забур, христианлар худоси Исо пайғамбарга Инжил, энг сўнги пайғамбар ҳисобланган Муҳаммад алайҳиссаломга “Қуръони Карим” нозил бўлган. Яна ўқитувчи шунга талабалар эътиборини қаратиши лозимки, Қуръондан бошқа илоҳий ёзувлар бир йўла тушган деб ҳисобланса, “Қуръони Карим”ни 23 йил мобайнида Аллоҳ фаришта Жаброил орқали Муҳаммад пайғамбарга ваҳий қилиб юборган, сўнгра улар тўпланиб халифа Усмон ҳукмронлиги даврида мусҳаф қилинган деб ҳисобланади.

Шундай қилиб, ислом дини шаклланган даврдан бошлаб “Қуръони Карим” ислом динининг асосий манбаси бўлиб келаётир. Ислом манбаларидан яна бири суннадир. Сунна исломда “Қуръон”дан кейинги, уни тўлдирувчи, ислом илоҳияти ва шариатнинг иккинчи асоси сифатида эътироф этилган.

Ислом тарихига кўра “Қуръон”нинг сура ва оятлари Муҳаммад пайғамбарга парча — парча тарзида ваҳий қилиб юборилган: бу ваҳийнинг биринчи баёни «Лайлатул қадр» кечаси бошланиб, уларнинг вафотларигача, яъни 23 йил давом этган. Ислом дини, нури иймон ва ҳидоятнинг бошланиши бўлган ана шу тун диний анъана бўйича

ҳижрадан олдин 12 йил олдин рамазон ойининг 27 — кунига ўтар кечаси милодий ҳисоб билан 610 йилнинг 31 июлидан 1 августига ўтар кечаси деб ҳисобланади. “Қуръон”ни ваҳий қилишнинг бошланиши 97-«Ал-Қадр» сурасида ифодаланган. «Албатга биз у (“Қуръон”)ни қадр кечасида нозил қилдик. (Эй Муҳаммад) Қадр кечаси нима эканлиги сизга не ҳам англатур?! Қадр кечаси минг ойдан яхшироқдир» (97.1-3)<sup>1</sup>

Диний маълумотларда Муҳаммад пайғамбарга ваҳий кела бошлагандан сўнг, уларнинг қалбларига мустаҳкамланиб қолгани, Аллоҳ уларга тарғибот бошлашга даъват қилганлари тўғрисида. “Қуръон”да бор. “Қуръон”нинг 73 — «Ал-Муззаммил» («Ўралиб») ва 74 «Ал—Муддасир» («Бурканган») номли сураларидаги дастлабки оятларида ифодасини топган. Музаммал — ўралиб олган, яъни бирон нарсадан кўркқан киши араблар одати бўйича кийим ёки тўшакларига ўралиб олишга ҳаракат қилар экан. Пайғамбаримиз (а.с.) ҳам мушрикларнинг берган оятларидан ҳафа бўлиб ётганларида, шу суранинг оятлари нозил бўлган дейилади. Унда Расул (а.с.)га Аллоҳ таоло тунги ибодат коидаларидан таълим беради. Тунги фақат уйқу билан ҳам эмас, ёки фақат ибодат билан ҳам эмас, балки ҳар иккисига ҳам маълум вақт ажратиш тўғрисида кўрсатма берилади.<sup>2</sup>

Ўқитувчи “Қуръон”нинг сура ва оятларининг нозил бўлиши тарихининг баёнида «Диншунослик» (2004), «Динлар тарихи», «Жаҳон динлари тарихи» ва бошқа китоблардан фойдаланиб, бу ҳақда асосли тушунча беради.

Ислом манбаларида ривоят қилинишича, Муҳаммад пайғамбар 40 ёшга етганларида, яъни 610 йили Макка шаҳри яқинидаги Ҳиро номли ғорда ёлғиз қолиб, ибодат билан машғул пайтларида, фаришта Жаброил (а.с.) уларга биринчи бор “Қуръон” оятларини келтирганлар. Одатда Жаброил (а.с.) пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.)га оятларни ўқиб берар, улар ёдлаб олиб, ўз издошларига етказар эдилар. Улар ҳам ўз навбатида шундай қилар эдилар. Ўша даврларда мутлақо кўпчилик, шу жумладан, Муҳаммад пайғамбар ҳам ўқиш, ёзишни билмаганликлари учун ёдлаб олиш у даврнинг бирдан бир усули бўлган. Бу ваҳий милодий йил ҳисобида 22 йил, хижрийда эса 23 йил давом этган. Оятларда одамларнинг саволларига жавоб бериб, уларни тўғри йўлга етаклаган, юз берган ходисаларни талқин қилиб берилган. Бирон ҳукмнинг тўғри ёки нотўғри экани баён қилина берган. Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) вафот этганларида, уларнинг сафдошлари “Қуръон”ни ёд билганлар. Ўша пайтда оз сонли кишиларгина ўқиш — ёзишни билганлар. Саводли



мусулмонлар ёзиш имкони бўлган нарсаларга “Қуръон” оятларини аниқлик билан ёзиб борганлар.

“Қуръон” матнларининг тўпланиши, таҳрир қилиниши ва муқаддас ёзув сифатида эътироф этилиши Муҳаммад пайғамбар вафотларидан кейин 20- 25 йил давомида чориёрлар дастлабки даврида амалга оширилган.

Ўқитувчи “Қуръон”нинг ички тузилиши масаласига талабалар эътиборини жалб қилади. “Қуръон”да 114 та сура 6226 та оят борлигини айтади ва уни китоб шаклига келгиришда қўлланган усулни баён этади.

Суралар “Қуръон”да ўз мазмуний изчиллигига ёки ўқилган вақтига қараб жойлаштирилган. Сураларнинг хажми ҳам ҳар хил: энг катта ҳажмга эга бўлган 2-сурада 286 оят бор, энг кичик суралар фақат 3 оятдангина иборат.

Узун суралар китобнинг бошидан, қисқа суралар унинг охиридан ўрин олиши, тадқиқотларда аниқланишича, қадимий арабларнинг ва умуман Олд Осиёдаги сомиё ҳалқларининг анъанаси билан боғлиқ бўлган. Хилма - хил ёзувлар, ривоятлар ёки адабий асарлар тўпланиб китоб қилинганда, катта ҳажмдаги асарлар биринчи ўринда, кичиклари кейин жойлаштирилар экан. Зайд Ибн Собит ҳам суҳуфни тўплаб дастхат қилишда ана шу анъанага амал қилган бўлиши керак.

**“Қуръон” илк ислом ғояларини ўзида акс эттирган ягона ёзув бўлгани сабабли, фақат ислом тарихи билан шуғулланган олимларгина эмас, балки ислом тарқалган ҳалқлар адабиёти ва маданияти билан шуғулланганларнинг барчаси ҳам бу китобни таҳлил қилишга катта эътибор берганликлари табиий бир ҳолдир.**

Аммо, юқорида айтиб ўтилганидек, унинг суралари мавзулари асосида ёки тарихий —хронологик тартибда жойлашмаганлиги сабабли, бу китоб ғоят мураккаб ҳисобланади. Шунинг учун XIX аср ўрталаридан бошлаб манбаларда учрайдиган тарихий воқеалар ва шахсларнинг фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ишораларга, шунингдек, ишлатилган ибораларга қараб сураларнинг ёки айрим гуруҳ оятларнинг вужудга келган даврини аниқлаш, қисқаси, сураларнинг тарихий-хронологик тартибини аниқлаш билан кўп олимлар шуғуланганлар.

Немис олимларидан Нольдеке ва Гримме, рус олимларидан И.Ю.Крачковскийларнинг бу соҳадаги хизматларини алоҳида тилга олиб ўтиш керак. Улар олиб борган текширишлар натижасида суралар

хронологияси фақат умумий тарздагина аниқланган.

Нольдеке (1836—1930) ўз хронологиясида барча сураларни умуман 4 асосий даврга бўлган: бунда 3 та Макка даврига, битта Мадина даврига ажратилган. Гримме (1864 — 1942) эса Мадина даврига оид сураларнинг ўзини тўрт даврга ажратган. Лекин бу хронологияларнинг айрим жиҳатлари шартли бўлиб, қатор суралар ва гуруҳ оятларнинг ўқилган даври ва уларнинг қандай ҳодисалар билан боғлиқ эканлиги устида олимлар ўртасида ҳали ҳам умумий фикрга келинмаган. Айрим жиддий ноаниқликлар ҳам бор. Масалан, кўпчилик олимлар маъқуллаган Нольдеке хронологиясида 618-622 йиллар, яъни Макка даври билан Муҳаммад пайғамбарнинг Мадинага кўчишлари ўтган 4 йиллик даврга бирорта ҳам сура киритилмаган. Аслида эса илк ислом манбаларида бу даврдаги айрим ҳодисалар билан боғлиқ бўлган сураларнинг даврлари ва йиллари кўрсатилган.

Қисқаси, Нольдеке ва Гримменинг XIX аср охирларида илгари сурган хронологияси энди ислом манбаларини кейинги бир аср ичида ўрганиш натижасида аниқланган фактлар ва қилинган илмий хулосалар талабига жавоб бермай қолди. Лекин, афсуски, Европада ҳам, рус исломшунослигида ҳам суралар хронологияси бобида тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Исломшунослик ва куръоншуносликнинг охириги хулосалари асосида, бизнингча, сураларнинг хронологик тартибини қуйидагича бироз такомиллашган шаклда тасаввур қилиш мумкин:

1)Макка даври (610 йилдан 615 йил охиригача). Бу даврда юксак адабий ижод намуналари бўлган сажъ жанридаги суралар нозил бўлган.

2)Макка даври (616 йилдан 619 йил охиригача). Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) ва унинг издошлари доимий таъқиб остида яшаган ва кўпчилиги Ҳабашистонга кўчиб кетган муҳитда ўқилган. Бу сураларда Аллоҳнинг «Раҳмон» сифати кўп тилга олинганлиги сабабли, Европа олимлари уларни «Раҳмон суралари» деб атаганлар.

3)Макка даври (620 йил бошларидан 622 йил сентябригача). Бу даврда ҳам пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.) ва унинг издошлари таъқиб остида яшаганлар, маҳфий равишда, кўпинча шаҳардан ташқарида ибодатга тўпланганлар. Бу давр сураларида исломнинг ақоид таълимотига кенг ўрин берилганлиги сабабли, европалик олимлар буларга «Пайғамбарлик суралари» деб ном берганлар.

Келтирилган сураларнинг хронологик тартибида шу ҳол кўзга

ташланадики, Муҳаммад Пайғамбар ҳаёти ва тарғиботининг Макка даврида юз берган ҳодисалар ва сураларнинг ўқилган йилларини аниқлаш масаласи хали жуда кўп тадқиқотлар, аниқлашларга мухтождир. Хусусан, рус исломшунослигида бу даврни тадқиқ қилиш узоқ вақт тамомила тўхтаб қолганлиги айниқса афсусланарли ҳолдир.

Мадина даврида юз берган воқеа Макка даврига нисбатан анча аниқроқ бўлиб, уларга тегишли сураларда ҳам маълум даражада ифодасини топган. Шу сабабли Мадина даврига оид сураларнинг тарихий хронологияси бирмунча аниқроқ ва тегишли далиллар асосида исботланган деб ҳисоблаш мумкин.

Тарихий воқеалар аниқроқ кўзда тутилган ҳолда Мадина даврига оид 24 та сурани Гримме таклиф этган 4 даврга эмас, балки, бизнинг фикримизча, 5 даврга ажратиш маъқулроқдир.

1. Мадина даври (622 йил октябрдан 624 йил мартигача). Муҳаммад (с.а.в.) Мадинага кўчиб келганидан маккаликлар билан биринчи йирик туқнашув — Бадр жангигача ўқилган 4 сура (2,98,64,62) бу даврга киради. Бу сураларнинг ўқилган даврига мос тартибда жой олганлиги шубҳа уйғотмайди.

2.Мадина даври (624 йил мартдан 625 йил мартигача). Бадр жангидан кейин Уҳуд жангигача ўтган бир йил ичида ўқилган 3 та сурани (8,47,3) ўз ичига олади.

3.Мадина даври (625 йил мартдан 627 йил мартигача). Уҳуд жангидаги мағлубиятдан кейин Ҳандақ жангигача ўтган 2 йил ичида бешта сура (61, 57, 4, 65, 59) ўқилган.

4.Мадина даври (627 йил апрелидан 630 йил январигача). Ҳандақ жангидан сўнг Макканинг олинишигача ўтган салкам уч йил ичида ўқилган 8 та сура (33, 24, 63, 58, 22, 48, 66, 60) шу даврга киради.

4.Мадина даври (630 йил февралидан 632 йил майигача). Макка олингандан кейин Муҳаммад пайғамбарнинг вафотларигача ўтган 2 йилдан ортиқроқ давр ичида ўқилган 4 та сура (110, 49. 9. 5) шу даврга киради.

Биз бу ўринда “Қуръони Карим” сураларининг хронологик тартиби масаласига умумий тарздагина тўхталиб ўтдик. Бу ғоят мураккаб илмий масалани фақат махсус тадқиқотдагина муфассал ёритиш мумкин.

“Қуръон Карим” тузилиши ҳақидаги гапни давом эттирсак, ундаги

ҳар бир сура оятлар йигиндисидан иборат. «Оят» сўзи фақат “Қуръон”нинг ўзига ҳос ибораси бўлиб, «мўъжиза», «хикмат», «илоҳий», «аломат, белги» маъноларини англатади.

Оятларнинг ҳажми ҳам ҳар хил: айрим оятлар бир неча тугал фикрни билдирадиган катта бир жумладан (масалан, 2,256—Оят—ал Курсий) иборат бўлгани ҳолда, айрим оятлар фақат икки сўздан (гапнинг бир қисмидан)гина иборат. Масалан:

1. осмон ёрилганида
2. юлдузлар ҳар томонга сочилганида
3. денгизлар қўшилиб тўсиқлар очилганида
4. қабрлар ағдарилганида (қиёмат қойим бўлганида)
5. ҳар бир жон ўзи (дунёда) қилиб ўтган ва қолдирган (барча) нарсаларни (амалларни) билур! (82,1- 5)

“Қуръон” —муқаддас китоб, унинг мазмунини Аллоҳ сўзларидан иборат деб ҳисоблаш ҳам “Қуръон”нинг ўзидаги кўрсатмаларига асосланган. «У (Аллоҳ) бундан илгариги юборилган (китоблар)нинг тўғрилигини тасдиқлаб, сенга ҳақиқат китобини юборди», «Биз Нуҳга, Якубга ва унинг авлодларига, Исога, Айюбга, Юнусга, Хорунга, Сулаймонга қандай ваҳий қилган бўлсак ҳамда Довудга Забурни қандай юборган бўлсак, сенга ҳам ўшандай ваҳий юбордик». «Сен “Қуръон”ни одамларга парча-парча қилиб ўқиб беришинг учун, биз уни бўлақларга бўлиб сенга юбордик». Биз келтирган ва бундан бошқа кўп оятлардан шундай хулоса келиб чиқадики, “Қуръон” ўзидан илгариги диний ёзувларни инкор этмайди, балки уларни тасдиқлаш ва уни ёзувлардаги диний йўлланмаларни охирига етказиш учун юборилган китоб дейилади. Ислом ҳам ўзидан илгариги диний эътиқодларнинг вориси, Муҳаммад (с.а.в ) эса ўзларидан илгари ўтган барча пайғамбарларнинг ишини яқунловчи ва охирига етказувчи расул—элчи деб таниладилар. “Қуръони Карим” исломда муқаддас китоб, барча билимлар манбаи, қонунлар тўплами, мазмуни осмондан худо ваҳий қилган китоб деб эътиқод килинади. “Қуръон”даги ҳар бир суранинг номи бор, бу ном сура бошланишида сарлавҳа қилиб берилган. Олимларнинг фикрича, сураларнинг номлари дастлабки вақтда бир неча сўздан тузилган жумлалардан иборат бўлган, кейинчалик қисқара бориб, ўша жумладан биронта сўз сақланиб қолган бўлиши мумкин. Шунинг учун 2-сура “Ал—Бақара” (Сигир), 16 —сура “Ан-Наҳл” (Асаларилар), 27 —сура “Ан —Намл” (Чумолилар) деб номланган бўлса, бунга ҳеч ҳам

ажабланиш керак эмас. Ўша сураларда тегишли ривоятлар келтирилган. Дастлабки шаклида «Ана шундай ривоятлар ҳақида сура» типигаги узунроқ ном бўлган ва кейинчалик қисқарган бўлса, ўз ўзидан тушунарли ҳолдир. Бундан ташқари, ислом анъанасида айрим муҳим оятларнинг ўзига ҳос номлари ҳам пайдо бўлган, улар ана шу оятларнинг мазмуни ва аҳамиятига қараб берилган. Масалан: 2,256— «Оят—ал —курсий» (Тахт ояти). 4,3— «Оят—ал—таъаддуд аз—завжод» (Кўпхотинлик ояти), 4—102 «Оят—ал— хавф» (хавф ояти) ва ҳ,к Оят номлари диний адабиётда кейинчалик берилган, “Қуръон” матнида ҳеч қандай оятга ном берилган эмас.

“Қуръон”даги 29 та суранинг бошланишида бир ёки бир неча алоҳида ҳарфлар бор. Илоҳиёт китобларида ва тафсирларида бу ҳарфлар «ал - ҳуруф ал — муқатта» (алоҳида, бир—биридан узук ҳарфлар) деб аталади. Масалан, 2, 3, 29, 30, 31, 32- сураларнинг бошланишида— «алиф», «лом», «мим», 10,11,12,13,14,15 —суралар бошида «алиф», «лом», «ро», 19—сурада — «каф», «ҳо» (ҳойи ҳавваз), «йо», «айн», «сод» ва ҳ.к. Бу ҳарфлар ҳақида диний адабиётда асосан «бу ҳарфларнинг мазмуни сир, уни фақат пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.) ўзлари билганлар», улар “Қуръон”нинг сири» деган фикр айтилган. Фақат йирик муфассирларнинг бу ҳарфлардан баъзиларини Аллоҳнинг сифатлари деб таърифлаган ҳоллари учрайди.

“Қуръон” матни сура ва оятлардан ташқари яна 30 та «жуз» (ўзбекча «пора»)ларга бўлинган. Шунини айтиш керакки, пора сура ва оятларга ўхшаб “Қуръон”нинг илк тузилиши билан боғлиқ эмас, балки ўқишда қулайлик туғдириш учун кейинчалик “Қуръон” матнини ҳажм жиҳатдан тенг бўлақларга бўлишдан иборат бўлган. Шу сабабли энг узун 2 —сура порадан кўпроқ бўлгани ҳолда, охириги қисқа суралардан 37 таси бир порани ташкил этади.

“Қуръон” йирик тарихий ва маданий ёдгорлик сифатида VII асрдаги араблар ҳаёти ва қарашларининг кўп соҳаларини ўзида акс этгирган. Унда диний-фалсафий тасаввурлар ва ривоятлар, қабила-уруғчилик ҳаёт тарзига ҳос анъана, урф - одат ва маросимлар, ижтимоий ва иқтисодий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий ва ахлоқий қонун ва қоидалар, жумладан, оила, никоҳ, ажодлар ва авлодларга муносабат, мулкчилик ва ворислик, савдо—сотик, қарз муаммоларига ҳос кўрсатмалар ва бошқалар ўз ифодасини топган. Ана шу жумладан “Қуръон”нинг ахлоқ, инсоф, виждон, ҳалоллик каби соҳаларидаги умумбашарий аҳамиятга молик йўл— йўриқлари, қоидалари ҳозирда

ҳам ғоят зарур эканлигини алоҳида таъкидлаш керак

Юқорида айтиб ўтилганидек, “Қуръон” мазмунида ҳаётнинг кўп соҳаларига тааллуқли масалалар ўз ифодасини топган. Бу ўринда “Қуръон” қадимий араб тили, адабиётининг ғоят муҳим, илк ёдгорлиги эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Араблар тарихида “Қуръон” гача бирор йирик ёзма асар бўлган эмас. “Қуръон”дан илгари маълум бўлган ёдгорликлардан иккитасини тилга олиш мумкин. Булардан бири Жанубий Арабистонда-Яманда вужудга келган сабоъ ёзувлари бўлиб, улар фақат тошларга ўйиб ёзилган лавҳалар шаклида сақланиб қолган. Кейинги бир ярим аср давомида Европа олимлари ана шу тош лавҳалардан 700 дан ортиқроғини топиб, тадқиқ қилганлар. Улар асосан араб ҳукмронлари ва қabila бошлиқлари ёзиб қолдирган жанг, ҳарбий юриш, сулолалар ҳақидаги қисқа маълумотлар, чегара белгиси сифатида қўйилган лавҳалардан иборат.

Иккинчи хил ёдгорликлар исломдан илгариги қабилалар ҳаётига оид қаҳрамонлик, жанг, мардлик мавзуларига бағашланган қасидалардир. Бу ижод намуналари араб ҳалифалиги вужудга келгандан сўнг, Аббосийлар даврларидагина тўплаб, китоб қилинган.

Шунинг учун “Қуръон” ҳам араб халқларининг адабий ижоди тарихида йирик насрий асар сифатида араб тилининг ўша даврларига хос хусусиятларини, сўз бойлиги, иборалари ва атамаларини, грамматик тузилиши ва бошқа хусусиятларини ўзида ифода этган. “Қуръон” матнини таҳлил қилиш жараёнида араб тили грамматикаси (сарф ва наҳв) батафсил ишлаб чиқилган, араб ёзуви ғоят мукамал шаклга келган. Шунингдек, “Қуръон” тили ҳар бир араб мамлакати ва элатларининг ўзига хос лаҳжалари сақланган ҳолда барча араблар учун ягона бўлган адабий тилнинг шаклланишига асос бўлган. Ҳозир ҳам араб мамлакатларида нашр этилаётган китоблар ва вақтли матбуот ягона араб адабий тилида босилади ва у барча араблар учун тушунарлидир.

“Қуръон”нинг услуби ҳам кейинги адабиётга катта таъсир ўтказган, ундаги ривоят ва тасвирлар, ўхшатиш, насихат ва маслаҳатлар фақат динийгина эмас, балки бутун бадиий адабиётга сингиб кетган. Шунинг учун “Қуръон”ни яхши билмасдан араб халқлари ва умуман мусулмон халқлари маданияти ва адабиётини чуқур ўрганиш, тушуниш анча мушкул.

Яна ўқитувчи талабаларга “Қуръон”нинг таржималари ҳақида аниқ маълумотлар беради. Ҳозирги пайтда кўпчилик ўқувчиларнинг

фикр- мулоҳазалари эътиборга олиниб, Ўзбекистон мусулмонлари Диний идораси ташаббуси билан ўзбек тилига 2 марта (Алоуддин Мансур таржимаси. Т: 1992, Абдулазиз Мансур таржимаси, Т.: 2001) нашр этилди.

“Қуръон” жаҳондаги жуда кўп тилларга таржима қилинган. Уни Ғарбий Европа тилларига таржима қилиш 11 асрдан, рус тилига ағдариш 18 асрда Пётр I нинг ташаббуси билан бошланган. 1790 йилда нашр этилган М.Н Веровкин таржимаси эътиборли рус олимларининг фикрига кўра, А.С.Пушкиннинг машхур «Подражания Корану» (Қуръонга татаббуълар) асарига манба бўлган. Г.С.Саблуковнинг арабчадан дастлабки русча таржимаси Қозонда уч марта (1878, 1894, 1907) нашр қилинган. “Қуръон”нинг академик И.Ю.Крачковский рус тилига қилган таржима нусхаси унинг вафотидан кейин (1963, 1986) нашр қилинган.

“Қуръон” туркий таржималарининг қўлёзма нусхалари ҳам кўп.

Сунна кўплаб ҳадислардан ташкил топган тўпламдир. Ҳадис сўзининг маъноси (ар. кўпликда «аҳадис» сўзидан) - «ривоят», тор маънода — «парча» (лавҳа) демакдир. Расмий маънода ҳадис Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) сўзлари ва амалий ишлари ҳақидаги ривоятлардир.

Ҳадис исломда “Қуръон”дан кейинги муқаддас манба ҳисобланган. Бунда Муҳаммад пайғамбарнинг ҳаёти, фаолиятлари ва кўрсатмалари, унинг диний, ахлоқий дастурлари ҳам ўз ифодасини топган. Пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.) бирор гап айтганлари ёки маълум ишни қилиб кўрсатганлари бўлса, ёхуд бошқаларнинг қилаётган ишини кўриб, уни ман этмаган бўлсалар, шу уч ҳолатнинг ҳар бири ҳадис деб аталаверган. Маълумки, ҳадисларда ислом аҳкомлари, яъни фарз, вожиб, суннат, мустаҳаб, ҳалол, ҳаром, макрух, мубоҳ каби амал турларидан ташқари, ахлоқ-одобга доир дастурлар талқин этилади. Унда халқ орасида кенг тарқалган ахлоқ - одобга оид мақол, қимматли, ҳикматли гаплар ҳам қамраб олинган.

Ҳадисларда ибодатнинг тартиб— қоидалари ва уларни астойдил бажаришга даъват этиш билан бирга инсоний фазилатлар кенг ташвиқ қилинган, инсонийлик шаънига доғ туширадиган разил хатти — ҳаракатлар кескин қораланган. Шунинг учун ҳам исломнинг илк тарқалиш давриданок мусулмонлар орасида ҳадисларга жуда катта аҳамият берилган. Эшитган ҳар бир ҳадисни янглишмай, асл ҳолича бошқаларга етказишга қатъий риоя қилинган. Бу тўғрида Муҳаммад пайғамбарнинг ўзлари мусулмонларни тез-тез огоҳлантириб турганлар.

Ҳадис мазмуни ва иборасини бузиб ёки ўзича янги ҳадис тузиб тарқатувчилар қаттиқ қораланган. Бундай талабчанлик пайғамбар вафотларидан анча кейингача ҳам ҳадисларнинг соф ҳолда сақланиб туришига имкон берган.

Ҳадислар асосан пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.) вафотларидан кейин ёзила бошлаганлиги талабаларга манбалар асосида тушунтирилади.

Ҳадисларни сақлаб, келажакка етказувчилар биринчи навбатда саҳобалар - пайғамбарнинг қариндошлари, дўстлари, ёрдамчилари ва шогирдлари, уларнинг вафотларидан кейин асосан Мадинада яшаб келганлар ҳисобланганлар.

Шу ўринда ўқитувчи ҳадис тўплаган саҳобаларнинг бу соҳага қўшган ҳиссаси ҳақида батафсил фикр бериши лозим бўлади. Масалан, Ибн Маҳлуд «Муснад» номли асарида зикр қилинишича, ҳадис тўплаган саҳобаларнинг сони 1300 га етган. Ибн ал—Жавзийнинг мазкур асарига таяниб кўрсатишича, саҳобалар сони 1060 нафардир. Бошқа олимларнинг фикрича, уларнинг орасида иккитадан ҳадис ривоят қилганларнинг сони 1000 та бўлса, қолган 300 таси қисман ҳадис ривояти билан машғул бўлган деса бўлади.

Абу Хурайрадан кейинги ўринда турувчи муҳаддис халифа Умар ўғли Абдуллоҳдир. У ривоят қилган 2630 ҳадисдан 2019 тасини Ибн Ханбал ўз китобида нақл қилган.

Учинчи ўринда турувчи саҳобий ибн Молик бўлиб, 2286 ҳадис ривоят қилган. Ибн Ханбал эса ўзининг «Муснад»ида 2178 ҳадисни келтирган. Ибн Молик ривоят этган ҳадисни пайғамбарнинг сўнги рафиқалари Ойша (р.а.) ҳам таъкидлаганлар.

Ундан кейинги ўринда ибн Аббос туради: у 1660 ҳадис ривоят этган. Ундан кейин 1540 ҳадисни ёзган ал — Худрий туради. Ибн Ханбал ўз китобида Жобирдан 1206, ал— Худрийдан 958 ҳадис келтирган.

Ҳадис ривоят қилган саҳобалар сони ҳар хил бўлиб, муаллифлар ҳам ҳар хилдир. Масалан, 149 саҳобийнинг ривоят қилган ҳадислари Имом ал Бухорийнинг «Саҳиҳ» номли асарида муштарак келган. Умуман, Имом ал—Бухорийда 208 та, Муслимда эса 213 та саҳобийдан ривоят қилинган ҳадислар келтирилган.

Ибн Моликнинг «Муват» асарида 98, Абу Довуднинг «Муснад»ида 218, ибн Ханбал «Муснад»ида 700 га яқин саҳобий ривоят



қилган ҳадислар берилган.

Юқорида келтирилган рақамлар ҳадисларни саҳобалар ривоят қилганлиги туфайли бизнинг давримизга етиб келганлигига далил бўла олади.

Шундан сўнг ўқитувчи ҳадисларни тўплаш ва китоб қилиб чиқариш тарихига тўхталиб, ҳадис илми соҳасида шаклланган мактабларга эътибор қаратади.

VIII аср бошларида ҳадис илмида уч мактаб ташкил топди: Мадина (Урва ибн Зубайр ва аз— Зухрий шу мактабга қарашли эди); Ироқ (Куфада, вакили аш - Шаби) ва Сурия, Дамашқ мактаблари.

Шаклланган анъанага кўра ҳадис икки қисмдан иборат бўлиши керак эди:

1. Иснод (ар.айнан—«таянч»), яъни шу ҳадисни етказган кишиларни санаб ўтиш ва 2 матн, яъни ҳадиснинг мазмуни.

VIII асрдаёқ ҳадислар тўғрилигини аниқлашда бундай мезон шаклланган эди: унинг иснод қисми ҳадисшунослар номларининг мунтазам қаторидан иборат бўлиб, кейингилари машҳур, номига доғ тушмаган, эътиқодли, ҳурматга лойиқ, тўғри сўз кишилар бўлишлари керак эди.

Ишончлилигига қараб ҳадислар уч гуруҳга ажратилар эди. Ҳикоя қилувчилар рўйхати ҳеч қандай шубҳа туғдирмаса, бундай ҳадис саҳиҳ (ар. ишончли, тўғри) дейилган. Агар ҳикоя қилувчилар рўйхатида айрим нуқсонлар бўлса, масалан, иснодда айтилган бирон шахс кам танилган бўлса ёки ҳамма муҳаддислар уни бенуқсон деб топмаган бўлса, ёки бирон ҳалқа, бўлим ўзилиб қолган бўлса, ҳадис тўла қимматга эга деб тан олинмаса-да, барибир, қабул қилинган: бундай ҳадис ҳасан (ар.яхши, марҳаматли) деб номланган. Ниҳоят, агар ҳикоя қилувчилар рўйхатида тақводорлиги ёки ахлоқий обрў —эътибори нуқтаи назаридан мувофиқ келмайдиган кишилар бўлса, ҳадис ишончсиз ҳисобланган ва заиф (ар.заиф.) деб номланган.

Дастлабки ҳадислар тўплами тариқлар бўйича тузилган, яъни алфавит тартибида пайғамбар издошлари санаб ўтилган — саҳобалардан ҳар бирининг исми остида қайси ҳадис шу саҳобага тегишлиги қайд этилган. Ҳадислар тўпланининг бундай тури Муснад деб номланган. У ала —р—риджал тамойили, яъни ҳадисларни дастлаб айтган ҳикоя қилувчилар номларига кўра тавсифлаш асосида яратилган.

1.«Ал — жомий ас —Саҳиҳ» (Ишончли тўплам) ёки қисқача «ас — Саҳиҳ ал —Бухорий» (809-870). Олдинги тўпламларга нисбатан бу анча маҳорат билан тузилган. Муаллиф бу тўпламда фақат қонуншуносликка ва урф—одатларгагина эмас, Муҳаммад пайғамбар ҳаёти ва саҳобалар, ҳатто Муҳаммад Пайғамбар даврлари тарихий ва этнографик томонларига хос ҳадисларни тўплаган. Танқидий ёндошган ҳолда 600 мингга яқин ҳадис тўплаб, бу тўпламга ишончли деб билганларидан 7250 тасини киритган. Бу тўплам катта шуҳрат қозонган ва кўп марта нашр қилинган.

2. Шундай шуҳратга Муслим ан—Нишопурий (817 — 875 й)нинг «ас — Саҳиҳ асари эга бўлган. У 300 мингга яқин ҳадисларни кўриб чиққан ва улардан 12 минг, яъни 4 фоизини танлаб олган.

Улардан кейинги ўринларда: 3— «Суннан» (Сунналар) Ибн Можжа (886 й.ваф.). 4 —Абу Довуд ас — Сижистоний (888 й. ваф.)нинг шу номли асари, 5—Муҳаммад ат—Термизий (892 й. ваф.) Сунан Термизийнинг «Ал — жами ал—Кабир» катта тўплами. 6— Ан-Насаи (915 й.ваф.) - Ашхобод яқинидаги Наса деган жойда туғилган. Абу Довуд шогирди, Асари — «Суннан».

Маълумки, Ўрта Осиёда ислом дини 708 йилдан кейин кенг тарқала бошлаганига қарамай, илоҳиёт қатори муҳаддислик ҳам илдам ривожланган. Ислом оламида машҳур ва энг ишончли деб эътироф этилган 6 ҳадислар тўплами муаллифларининг аксарияти Ўрта Осиёдан чиққанлар. Масалан, Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий (809-870), Ал Ҳаким ат—Термизий (824 — 897), ад—Доримий ас — Самарқандий (797 — 868) Ан - Насафий ва Каспийбўйи халқларидан ибн Можжа (824 — 886) ва бошқалар бу соҳанинг тараққиётига улкан ҳисса қўшганлар.

### **Саволлар**

1. Ислом дини қачон ва қаерда пайдо бўлган?
2. Исломдаги оқимлар ва масхаблар.
3. Ислом таълимотининг асоси нимадан иборат?
4. Ислом дини қачон ва қандай Ўрта Осиёга кириб келган?
5. Қуръоннинг ички тузилиши.
6. Қайси муҳаддис олимларни биласиз?

### **Фойдаланиладиган адабиётлар**

1. Тулепов А. Ислом ва ақидапараст оқимлар. Тўлдирилган нашр. Масъул муҳаррир Шайх Абдулазиз Мансур. – Тошкент: Шарқ, 2014. – 536 б.
2. Оқилов С. Калом илми. – Тошкент: ТИУ нашриёт-матбаа

- бирлашмаси, 2011. – 160 б.
3. Муҳаммад Анвар Бадахшоний. Ақидатут-таховия шарҳининг талхийси. – Тошкент: 2015. – 448 б.
  4. Очилдиев О., Раҳимжонов Д., Муҳамедов Н. Ва бошқ. Диншунослик асослари (ўқув кўлланма). – Тошкент: ТИУ нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2013. – 320 б.
  5. Мўминов А., Йўлдошхўжаев Х., Раҳимжонов Д., ва бошқ. Диншунослик. – Тошкент: Мехнат, 2004. – 296 б.
  6. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ал-Адаб ал-муфрад. – Т.: Ўзбекистон, 1990.
  7. Ат-Термизий. Саҳиҳ ат-Термизий / А. Абдулло таржимаси.– Т.: Ғ. Гулом номли “Адабиёт ва санъат” нашриёти, 1993.
  8. Ат-Термизий. Шамоили Муҳаммадия / Сайид Махмуд Тарозий Алихонтўра таржимаси. – Т.: “Мехнат” нашриёти, 1991.
  9. Ислом: энциклопедия. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004.
  10. Абдусамедов А.Э. Динлар тарихи. -Тошкент: ЎЗМУ, 2004. -208 б.
  11. Йўлдошхўжаев Х., Раҳимжонов Д., Комилов М. Диншунослик (маърузалар матни). - Тошкент: ТошДШИ нашриёти, 2000.
  12. Мўминов А. ва бошқ. Диншунослик (дарслик). -Тошкент: «Мехнат», 2004.
  13. Очилдиев А. ва бошқалар. Диншунослик асослари (ўқув кўлланма). - Тошкент: “Тошкент ислом университети” нашриёт матбаа бирлашмаси, 2013.
  14. [http:// www. religioustoleranje. org/gl d. htm](http://www.religioustoleranje.org/gl d. htm)
  15. [http:// www. alreligion. about.com](http://www.alreligion.about.com)
  16. [http://www. islam.ru](http://www.islam.ru)
  17. <http://www.glossarist.com>
  18. [www.infoxs.uz](http://www.infoxs.uz)
  19. [www.turkistonsarkor.uz](http://www.turkistonsarkor.uz)
  20. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)

### **9-мавзу Ислом таълимоти**

#### **Режа:**

1. Ислом илоҳиёти, унинг асосий ақидалари.
2. Имом Мотуридий таълимоти.
3. Абу Ҳомид Ғаззолий, Ибн Рушд фалсафий таълимотлари.

#### **Таянч иборалар**

*Ақида, калом, мотуридийлик, ашъарийлик, имон, Аллоҳ, фаришта,*

*пайғамбар, тақдир, қиёмат, жаннат, дўзах.*

### **Ислом илоҳиёти, унинг асосий ақидалари.**

Биринчи масалани ёритишда талаба қуйидагиларга эътибор бериши керак бўлади. Ислом таълимоти бўйича барча пайғамбарлар ягона Аллоҳга имон келтиришга чақирганлар ва бу уларнинг энг асосий вазифаси ҳисобланган. Шу билан бирга уларнинг шариати турлича бўлган.

Мусулмонлар ислом таълимотини Муҳаммад пайғамбар (а.с.)дан ўрганганлар. Вақт ўтиши билан ислом таълимотини фақат шу динни яхши билган олимлар тушунтира бошладилар. Бу таълимотни тушунтирувчи фан пайдо бўлди. Мазкур фан турли даврларда ўзига хос «ал-фикҳ ал-акбар», «тавҳид», «ақида», «калом», «усул ад-дин» каби номлар билан аталди. Унинг номлари турлича бўлсада, бир мавзунини, яъни ақидани ўрганишга қаратилган.

«Ал-Фикҳ ал-акбар» атамасини биринчи бўлиб имом Абу Ҳанифа ишлатган ва шу ном билан рисола ёзган. Чунончи фикҳ сўзи бирор нарсани ўта яхши, ҳар томонлама тушуниб, фаҳмлаш маъносини билдиради. Шунингдек, намоз, рўза, ҳаж, никоҳ ва бошқа амалий ҳукмларни ўрганувчи илмга ҳам фикҳ дейилади. Ақидавий масалаларни ўрганувчи илмни эса, «Ал-Фикҳ ал-акбар», яъни «катта фикҳ», амалий фикҳ эса, кичик фикҳ ҳисобланади.

Кейинги атама «усул ад-дин» бўлиб, унда шариат ва диндан олинган эътиқодий ҳукмларни ўрганади, яъни диндаги асл ҳукмларни тадқиқ этади. Бир қатор олимлар шу ном билан китоблар таълиф этганлар.

«Тавҳид» ҳам Аллоҳнинг ягоналигини, унинг сифатларини ўрганишга эътибор қаратган. Бунда Аллоҳни ягона деб билиб, унинг сифатларини қилишга кўпроқ эътибор қаратган. Зеро, инсон учун зарур ақидаларнинг энг аввали Аллоҳнинг ваҳдониятига, яъни яккаликка имон келтириш ва уни ўрганиш ҳисобланади.

Яна бир атама «калом илми» деб юритилади. Ислом манбаларда ақида илмининг энг машҳур номларидан бири экани айтилган. Ушбу атама ақидага оид ишларнинг машҳури ҳисобланади.

«Ақида» (кўп. Ақоид) бу ном бошқаларидан кейинроқ, Х (ҳижрий ИВ) асрда пайдо бўлган. «Ақида» бир нарсани иккинчисига «махкам боғлаш» маъносини билдиради. Ислом ақидаси мусулмон инсонни муайян тушунчалар билан мустаҳкам боғлаб турадиган эътиқодлар йиғиндиси. Яъни, бирор нарсага эътиқод қилиш учун уни ҳеч қандай шубҳа қолдирмайдиган даражада жуда яхши билишдир. Маълум бир

фикр инсоннинг фикрига айланиб, ҳис-туйғуларини йўллайдиган ва ҳаракатларини бошқарадиган ҳолга этганда, ақидага айланган бўлади. Ақида илмга асослангани учун ақида илми тўғри, соғлом эътиқодда бўлишни таъминлайди.

Диндаги айрим шаръий ҳукмлар ўзгариши мумкин. Аммо соф эътиқод ўзгармайди, ҳукми ҳам ўчмайди. Чунончи Аллоҳнинг ягоналиги, фаришталар, жаннат ва дўзахга имон келтириш каби эътиқодга оид қарашлар ўзгармайди.

«Калом» сўзи арабча бўлиб, луғатда гап, суҳбат, тил, сўзлашув, нутқ, баён маъноларини англатади. Истилоҳий маънонда эса, мусулмоннинг эътиқоди, ақидаси, дунёқарашини кўрсатиб берувчи таълимотга айтилади. Бошқача айтганда балоғатга этган мусулмон кишининг эътиқод қилиши, имон келтириши, ислом динининг заруратлари шаклида тасдиқ қилиши, қалбига маҳкам боғлаб олиб ундан ажралиши мумкин бўлмаган шаръий эътиқодий ҳукмлардир.

Тарих жараёнида олимлар ушуб номларга оид китоблар ёзиб қолдирганлар. Масалан, имом Абу Ҳанифа «ал-Фикҳ ал-акбар», Абул Ҳасан Ашъарий «ал-Ибона ан усул ад-диёна», Абул Муин Насафий «Табсират ал-адилла фи усул ад-дин», Мотуридий «Китоб ат-Тавҳид», Абу Ҳафс Насафий «Ақоид» номли ва бошқа олимларнинг асарларини келтириш мумкин.

Ислом таълимотига кўра инсоннинг икки дунёдаги саодати айнан ақидасига боғлиқ. Агар мусулмоннинг ақидаси пок бўлса, йўли тўғри бўлади, қилган барча амаллари қабул бўлади ва бандалик билан содир этган баъзи гуноҳлари афв этилади. Бироқ киши ақидаси соф бўлмаса, бузуқ бўлса, йўли нотўғри бўлади, қилган амаллари беҳуда кетади ва охиратда жаҳаннам аҳлидан бўлади деб ҳисобланади.

Ақида масаласи ўта муҳим бўлганидан энг биринчи пайғамбардан бошлаб, охирги Муҳаммад пайғамбар (а.с.)гача бу масалани Аллоҳнинг ўзи кўрсатиб берган. Шунинг учун ақидавий қарашларнинг асоси Қуръонда берилган ва ҳадислардаги кўрсатмалар негизда ишлаб чиқилиб, тартибга солинган.

Саҳобалар тириклик пайтидаёқ ақидавий қарама-қаршилиқ пайдо бўлган. Исломда ақидавий ихтилофлар тўртинчи халифа саҳоба Алининг кўшинидаги аскарлари ичидан ажраб чиққан, ақийда масаласида бир неча шубҳали саволлар чиқарган хорижийлар тоифаси билан Али ва у кишининг Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳуга ўхшаш яқин сафдошлари орасида бўлиб ўтди.

Саҳобалар даври тугаб тобеинлар вақтида вазият янада ўзгарди.

Чунки бу даврга келиб дин илмларини, айниқса ақидани билувчи кишилар камайди ва улар алоҳида шахс сифатида ажралиб чиқдилар. Бу даврда соф ақидавий қарашларга қарши турли ғояларни илгари сурган фирқа ва тоифаларнинг тарқалиши кенгайиб кетган эди. Улар ўзларининг бузук, исломга оид бўлмаган фикр ва қарашларини, эътиқодларини тарқатиб, исломнинг ақидасини бузишга ҳаракат қилганлар. Шунингдек, фатҳ этилган эрлардаги халқларнинг эски қарашлари, фалсафалари, динлари ҳақидаги ўз тушунча ва тафаккурлари мавжуд бўлган. Шунинг сабабидан улар ислом таълимотини тушуниб олишлари қийин кечган. Қуръон оятлари ва ҳадисларни ўзларининг эски қарашлари асосида тушунишлари ҳам бўлган.

Бунга бир неча сабаблар бор: фатҳ ишлари сабабли ислом эрлари кенгайди. Ислом душманлари эса, ислом номидан турли ғояларни тарқатишга уринганлар; фатҳ этилган эрлардаги жойлик аҳоли ўзининг эски динлари ақидасига мос тарзда оят ва ҳадисларни тушуниши натижасида турли ғоялар юзага келди ва бошқа сабаблар орқали мусулмонлар орасида нотўғри, исломга мос бўлмаган қарашлар пайдо бўлди.

Ислом таълимотини бузиб талқин қилиш натижасида уларга раддия сифатида олимлар калом, яъни ақида илмига асос қўйдилар. Бу мусулмонлар учун зарур соҳага айланди. Ҳар бир мусулмон киши буни билиши шарт бўлган мажбурий илмга айланди. Чунончи Саъдуддин Тафтазоний «Мақосид ат-толибин» асарида: «Калом илми диний ақоид усулларини ишончли далиллар асосида англашни ўргатадиган илмдир. У билан шаръий, назарий, ақидавий масалалар ҳал қилинади. Унинг натижаси имонга комил ишонч билан зийнат бериш, фойдаси эса бу дунёда интизомли ҳаёт кечириш ва охиратда азоб-уқубатдан халос бўлишдир. Шундай экан калом илми энг шарафли илмдир».

Абу Ҳомид Ҳаззолий ўзининг «Ихё улум ад-дин» номли асарида: «...Чукур билимга эга бўлмаган оддий мусулмонларнинг диний эътиқодларини турли бидъат ва нотўғри ғоялардан кўриқлаш учун калом илмини ўрганиш вожибдир», деган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ақоид ёки калом илмининг вазифаси: а) диний эътиқодларни қатъий далиллар билан исботлаш ва улар ҳақидаги шубҳа ҳамда гумонларни рад қилиш; б) инсонни ақидада оддий тақлидчи бўлишдан ҳар бир эътиқодга ҳужжат келтира олиш даражасига кўтариш; в) исломнинг соф эътиқодларини адашган залолат аҳлининг шубҳа ва гумонларидан ҳимоя қилиш.

### **Имом Мотуридий таълимоти.**

Ислом тарихини ўрганиш жараёнида кўплаб олимлар калом илмида фаолият олиб бориб ўзларининг ақидага оид асарлар ёзганларини кўриш мумкин. Улардан ҳанафий мазҳаби олимларидан Абу Ҳафс Насафий «Ақида ан-Насафийя», Абул Муин Насафий «Табсират ал-адилла», Абу Жаъфар Таҳовий «Ақида ат-Таҳовийя»ларни алоҳида санаб ўтиш ўринли. Талаба булардан бошқа олимлар ҳам, шунингдек, моликий, шофеий, ханбалий мазҳаби уламолари ҳам бу борада қалам тебратиб ўзларидан муҳим асарлар қолдирганликларига ҳам тўхталиб ўтади. Аввалги олимлар ўзларининг асарларини мустақил тарзда ва мухтасар шаклда ёзган бўлсалар, кейингилар ўзларидан олдин ўтганларнинг асарларига шарҳ таълиф этганлари ва мустақил асар ёзган бўлсалар ҳам муфассал экани билан ажралиб турганлар. Ҳозирги кунда ҳам ақида илмида асар ёзаётган мутахассислар асарининг масалаларга батафсил тўхталиб ўтаётганларини кўриш мумкин.

Уларнинг барчалари Қуръон оятлари ва ҳадислар асосида ҳамда саҳобаларнинг услуби асосида ақида масалаларини баён этиб берганлар. Ақида борасида фаолият олиб борган олимларнинг орасида имом Абу Мансур Мотуридий ва имом Абул Ҳасан Ашъарийлар алоҳида ажралиб чиққанлар. Бу олимлар Аҳли сунна вал жамоа ақидаси бўйича имом деб тан олиндилар.

«Аҳли сунна вал жамоа» тўрт фикҳий мазҳабдан бирига амал қилиб келаётган бўлсалар, ақидавий масалада иккига – мотуридийлик ва ашъарийликка эътиқод қиладилар. Бунда ҳанафий мазҳаби мотуридийликка, моликий, шофеий ва ханбалий мазҳаби ашъарийлик таълимотида деб ҳисобланади. Шу ўринда бу икки мактаб вакиллари ҳақида тўхталиб ўтиш ўринли.

Мотуридийлик ақидавий мактаб асосчиси буюк калом имоми ва фақиҳ Абу Мансур Мотуридийдир. Унинг ҳаёти ҳақида маълумотлар кам. Тўлиқ номи Абу Мансур Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд Ҳанафий Мотуридий Самарқандий (853-944), асли Самарқанднинг Мотурид қишлоғидан (ҳозирги Жонбой тумнида жойлашган) бўлиб, унинг таҳаллуси шу қишлоққа нисбатан олинган. Абу Мансур Мотуридий дастлабки таълимни шу қишлоқда олиб, кейинчалик Мовароуннахрнинг ўша даврдаги диний ва маърифий маркази бўлган Самарқандда давом эттиради.

Мотуридий Абу Бакр Аҳмад Жузжоний, Абу Наср Аҳмад Иёдий, Имом Аъзам мазҳабидаги буюк олим Наср ибн Яҳё Балхий, Муҳаммад ибн Фадл кабиларни ўзининг устози деб билган.

Мотуридий фикҳ ва калом масалалари билан қизиқиб, замонасининг кўзга кўринган ҳанафий мазҳаби олимларидан дарс олиб ўз билимини оширади. Шу вақт давомида кўплаб машҳур фақиҳлар ва муҳаддислар билан мулоқатда бўлган ва мунозаралар қилиб, шу соҳага оид асарлар ёзиб қолдирган. Улардан қуйидаги «Китабут Тавҳид», «Китабул мақомат», «Китаб рад авоилил адила лил Каъбий», «Китабул усул», «ар-Рад ала усулил Қаромита», «Китаб таъвилот аҳли сунна» ва бошқаларни келтириш мумкин.

Абу Мансур Мотуридийнинг кўп асарлари бизгача этиб келмаган, этиб келганлари ҳам асосан хорижий мамлакатлар кутубхона ва қўлёзма фондларида сақланади.

Мотуридий ислом оламида жуда нозик ҳисобланган «Китабут тавҳид» асари бизнинг давримизга этиб келган. Олимнинг яна бир асари «Китаб таъвилот аҳли сунна» ёки бошқа бир номи «Таъвилот ал-Қуръон» деб номланади. Мотуридий бу асарида сунний ақидага зид қарашларни рад қилишга ҳаракат қилади ва Абу Ҳанифанинг қарашларига суянган ҳолда иш кўради. Мотуридийнинг бу биргина асари тарих жараёнида кўп алломалар асарларига асос солган, улар ижодига туртки бўлган.

Мотуридий кўп шогирдлар этиштирди, улар ўз устозларининг таълимотини давом эттиришганлиги туфайли ҳанафий мазҳабида калом или бўйича мотуридия мактаби вужудга келган.

Мотуридий «Имом ал-ҳуда» (ҳидоят йўли имоми) ва «Имом ал-мутакаллимин» (мутакаллимлар имоми) каби номлар билан ҳам машҳур бўлган.

Ашъарий таълимотининг асосчиси Абул Ҳасан Ашъарий (873-941) бўлиб, унинг тўлиқ номи Абул Ҳасан Али ибн Исмоил ибн Ишоқ ибн Солим ибн Абдуллоҳ ибн Мусо Абу Мусо Ашъарийдир. Абул Ҳасан Ашъарий бошланғич сабоқларни ўз отасидан олган, кейинчалик ўз замонасининг таниқли олимларидан Абу Ишоқ Марвазий ва Ибн Сурайждан фикҳ илмини, Закариё ибн Яҳё Сожийдан ҳадис илмини ўрганган.

Абул Ҳасан Ашъарий тахминан 40 ёшларидан кейин Боғдодга кўчиб келади ва умрининг охиригача ушбу шаҳарда қолади.

Олим юзга яқин асарлар ёзган бўлиб, улардан баъзилари қуйидагилардир: «ал-Фусул фий ар-радд ʼала ал-мулҳидин», «ар-Рад ала ал-муҷассама», «Ийзоҳул бурҳон фий ар-рад ала аҳлуз зайғ ват туғён», «ан-Нақс алал Жубоий», «Мақолотул мулҳидин», «Тафсиру Абул Ҳасан», «Имомату Абу Бакр Сиддиқ».



Абул Ҳасан Ашъарий аҳли суннат ва жамоанинг ашъария эътиқодий таълимотини яратаётган вақтда Самарқандда Абу Мансур Мотуридий ҳам мотуридия таълимотига асос солаётган эди. Бу икки имом бир вақтда яшаган бўлсалар ҳам бир-бирлари билан учрашмаган, шундай бўлсада, уларнинг ақидавий қарашлари деярли бир хил. Айрим жузъий масалаларда лафзий ихтилофлар бўлсада, уларнинг асл мақсади бир ҳисобланади. Бошқача айтганда икки таълимот орасидаги баъзи ихтилофлар лафзий бўлиб, моҳиятан бир-бирини қўллаб-қувватлаб келади. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда улар ўзаро бир-бирини адашганликда ёки бидъатчиликда айбламайди. Улар ўзаро бир-бирларини «аҳли сунна вал жамоа» деб эътироф этадилар.

Ашъарий ва мотуридийлик орасидаги асосий фарқ имон масаласидадир. Мотуридий таълимотига кўра имон тил билан иқроқ қилиб, дил билан тасдиқлашга айтилади. Амал имоннинг таркибига киритилмайди. Ашъарийликда эса, имонга амални ҳам қўшадилар. Шу сабабдан мотуридийлик тарқалган ҳудудларда имон келтирган киши мусулмон ҳисобланади, аммо амал қилмагани учун гуноҳкор бўлади, деб юритилади.

Ўрни келганда айтиб ўтиш лозимки, манбаларда «мотуридийя мазҳаби», «ашъарийя мазҳаби» деган атамалар учраб қолади. Бундан имом Мотуридий имом Абу Ҳанифанинг илми каломга доир таълимотини ривожлантирган. Имом Ашъарий эса имом Шофийнинг эътиқодий қарашларини такомиллаштирган дейиш мумкин.

Мазкур икки олимнинг таълимотлари ислом оламида кенг тарқалди ва асрлар давомида мусулмонларни соф эътиқодда бардавом бўлишига, оят ва ҳадисларнинг маъноларини тўғри англаб, ҳаётга татбиқ этиб келишларига, турли эътиқоди нотўғри оқимлар таъсирига тушиб қолмасликка сабабчи бўлди.

Абу Мансур Мотуридий ва Абул Ҳасан Ашъарийларнинг соф ақидани мусулмонларга этказишдаги хизматлари беқиёсдир, уларнинг ақидавий таълимотига ҳозиргача мусулмонлар томонидан алоҳида эътибор билан амал қилиб келинмоқда.

### **Абу Ҳомид Ғаззолий, Ибн Рушд фалсафий таълимотлари.**

Талаба учинчи мавзунини ёритишда аввало Абу Ҳомид Ғаззолийнинг тулик исмлари Мухаммад ибн Мухаммад ибн Аҳмад Тусий Абу Ҳомид Ғаззолий. У киши Тус вилоятининг (ҳозирги Машҳад) Тобарон номли шаҳарида 450 х.с.да таваллуд топганликларига тўхталади.

Отаси аҳли солиҳ ва камбағал одам бўлиб жун йигириш билан кун

курар эди. У уламоларни севар, хурмат килар ва уларнинг хизматида булиб имкони борича уларга мол хам сарфлар эди. Уламоларнинг сухбатларини тинглаганда йиглаб утирар ва Аллохдан узи олим буладиган угил тилар эди. Аллох таоло унинг дуосини ижобат килди ва унга бир эмас икки угил берди. Ота угилларидан бирига Мухаммад, бошқасига Ахмад исмини куйди.

Вафотидан олдин ота угилларини узининг суфи огайнисига васият килиб колдирди. Суфи уларни таълим – тарбиясига киришди. Бу иш болаларнинг отаси колдирган мол тамом булгунча давом этди. Пул тугагандан кейин суфи уларни бока олмай колди ва «Мен сизларга отангиз колдирган молни сарфладим. Узимнинг пулим йук. Энди сизлар мадрасага бориб яшасангиз яхши булади», деди.

Ғаззолий ёшлигида она юртида Ахмад ибн Мухаммад Розконийдан фикх илмини олди. Сунгра Журжонга сафар килиб имом Абу Наср Исмоилийнинг хузурида таълим олди ва куплаб нарсаларни ёзиб олди.

Уша ёзиб олинган нарсалар уша вақт тилида «таълика» деб номланар эди. Кейин Ғаззолий она юрти Тусга кайтди. Йулда ажойиб ходиса юз берди. У ҳақда Ғаззолийнинг узи куйидагиларни айтади:

«Йултусарлар йулимизни тусдилар ва улар менинг бору будуримни олиб куйдилар. Кетаётганларида ортларидан эргашдим. Шунда уларнинг бошлиги менга караб:

«Оркангга кайт! Шуринг курсин! Булмаса, халок буласан!» деди.

«Сен Ундан саломатликни тилайдиган зот номи билан сурайман, фақат таълийкаларимни кайтариб бер. Барибир сизларга улардан фойда йук», дедим.

«Таълийканг нима?» деди у.

«Анави халтадаги китоблар. Мен ана ушаларни эшитаман, ёзиб оламан ва ичидаги илмни оламан деб хижрат килганман», дедим. У кулиб юборди-да:

«Кандок килиб сен улардаги илмни билибсан!? Биз уларни сендан тортиб олдику! Сен улардан жудо булдинг! Илмингдан ажраб колдинг!» деди. Сунгра у одамларидан бирга амр килган эди, у халтани менга кайтариб берди.

Уша одамнинг тили билан Аллох таоло мени тугри йулга иршод килишни ирода килган булса ажаб эмас. Тусга етиб борганимда кейин уч йил ҳаракат килиб барча таълийкаларни ёд олиб йултусарлар илмимни тортиб олалмайдиган булиб олдим».

Кейинчалик Ғаззолий уша пайтда салжукийларнинг пойтахти ва

Багдоддан кейинги катта илмий марказ хисобланган Найсобурга бориб энг машхур уламоларидан бири булган Имоми Харамайнига шогирд тушди. Ғаззолий бу улуг устознинг хузурида ута тиришкоклик билан укиб фикх, усул, хилоф ва жадал каби замоннинг кенг тарқалган илмларида пешкадам олим булиб етишди.

Ғаззолийнинг устози Имоми Харамайни жуда хам яхши курар ва уни мактаб: «Ғаззолий тубсиз денгиздир», дер эди.

Ғаззолий узининг турт юз хамдарсидан анча илгарилаб кетди ва устозига ёрдамчи булиб фаолият курсата бошлади.

478 х.с.да Имоми Харамайни вафот этганидан кейин Ғаззолий йигирма етти ёшида вазир Низомулмулкнинг олдига борди. Уша вақтда Ғаззолийнинг фазли зохир булиб, илмий шухрати тонг таратган эди. Низомулмулкнинг мажлиси эса ахли илмнинг олий кенгашига айланган эди. Барча мажлисларда, хатто мотам марсимларда хам фикх, илми калом ва бошка илмлардан мунозаралар булар эди.

Ғаззолий Низомулмулкнинг мажлисида куплаб уламолар билан бахс ва мунозаралар килиб узининг кимлигини намойиш килди. Хамма унга тан берди. Охири вазир Низомулмулк Ғаззолийни «Низомия» мадрасасининг бош мударриси этиб таъйинлади. Бу уша вақтнинг энг обрули диний мансаби эди. Ғаззолий бу мансабга 484 х.с.да, уттиз турт ёшида эришди ва бундай шарафга сазовор булган энг ёш олим булди.

«Низомия» мадрасасидаги дарслар олимнинг шухратига шухрат кушди, уни имомлик даражасига олиб чикди. Имом Ғаззолийга нафакат ахли илмлар, балки ахли давлатлар ва ахли хукмлар хам буйин эгдилар. Халифалар хам Имом Ғаззолийга якин булишга интилдилар.

Аббосий халифалардан Муктадий биллах у кишидан баъзи ишларни илтимос килди.

Халифа Мустазхир биллах Имом Ғаззолийни узига дуст тутар эди. Унинг илтимосига биноан Имом Ғаззолий ботинийларга раддия китобини ёзди ва китобни «Мустазхирий» деб номладилар.

Шундок килиб Имом Ғаззолий барча тарафдан обру – эътиборнинг чуққисига чикди. У киши учун бу дунёда интилиш мумкин булган мансаб, мартаба, шухрат ёки улуглик колмаган эди. Бугунги кун таъбири билан айтилганда инсон боласининг кули узатган ерга етадиганига айланган эди.

Аммо Имом Ғаззолийнинг кунгиллари гаш эди. У киши хали илми якийнга эришмаган эди. Ичларида нафсоний кураш борар эди. Хамма хакикатни англаб етишга харакат килар эди. Шунинг учун барча шон шухратдан узини олиб кочиб чукур ва атрофлича илмий бахслар ва

изланишлар олиб боришга қарор қилдилар. Бу мақсадга эриши учун Бағдодни тарқ қилиб тулик саодатни излаб илмий сафарга қикдилар.

Имом Ғаззолий уша вақтда одамлар машгул бўлиб турган илмларни бирма бир урганиб қикиш учун уларга назар солдилар. Уша пайтда одамлар асосан, илми қалом, ботинийя, фалсафа ва тасаввуфга қизикар эдилар. Имом Ғаззолий мазкур илмларни қукур эгаллашга ва улардан қайси бирини танлаш мақсадга мувофиқ эканини аниқлашга қиришдилар.

Имом Ғаззолий кейин ҳақиқат қидириб фалсафани пухта урганишга қиришдилар. Файласуфлар фақат фалсафа билангина ҳақиқатни топиш, яқийн ва саодатга эришиш мумкин дер эдилар. Имом Ғаззолий эса айнан уша нарсаларни қидираётган эдилар. У қиши фалсафани ихлос ила қукур урганиб уша даврнинг энг қучли файласуфларидан бирига айландилар. Леқин Имом Ғаззолий фалсафада ҳам узлари излаётган ҳақиқат мавжуд эмаслигига ишонқ ҳосил қилдилар. Аммо бу нарса улуг олимга фалсафа ва файласуфлар ҳақида адолат ила ҳуқм қикаришга ҳалақит бермади. У қиши бу борада уз илмий изланишлари натиқасини фалсафа ва мантиска аталган уз қитобларида ёзиб қолдирдилар.

1. Мақосидул фалосифа.
2. Таҳофутул фалосифа.
3. Махқун назар фил мантиск.
4. Меъёрул илм фил мантиск.
5. Ал-Мунқиз миназ Зола.

Имом Ғаззолий уз асарларида фалсафа ва файласуфларга ҳолисона баҳо беришга ҳаракат қилдилар. У қиши фалсафага оид илмларни олтига буладилар ва уларнинг ҳар бирига узига яраша баҳо берадилар:

1. Аниқ фанлар.

Ҳисоб, хандаса, жугрофия қаби илмлар. Бу нарсаларда динга аралашилмайди. Улар аниқ ҳужжатларга асосланган илмлар. Шу боис уларни инқор қилиб булмайди. Аммо мусулмонлар бу нарсаларни қуриб фалсафага оид ҳамма нарса шу қаби булади деб алданиб қолмаслиқлари қерак.

2. Мантиск.

Бунда ҳам динга тегишли нарса йуқ. Мантиска ақлий улқовларга назар солиш, бурқон муқаддималари шартларини урганиш, уларнинг тарқибда ҳабардор бўлиш қаби нарсалардир.

3. Табиий илмлар.

Бу илмларда ҳам динга боғлиқ нарсалар йуқ. Улар ҳаммаси

тажрибага суянадиган нарсалар. Шунинг буларни ҳам инкор килиб булмайди.

#### 4. Сиёсий илмлар.

Файласуфларнинг бу сохадаги барча гаплари дунёвий ишларга боғлиқ нарсалардан иборат булиб уларнинг куп Аллох таоло пайгамбарларга нозил килган китоблардан ва набийлардан колган гаплардан олганлар. Шунинг учун буларнинг ҳам дину диёнатга тегишли жойи йук.

#### 5. Ахлокий илмлар.

Файласуфларнинг бу борадаги куп гаплари суфийларнинг гапларига тугри келади. Улардан Ислом таълимотларига тугри келадиганини олиб бошкаларини тарк килиш лозим.

#### 6. Илохиётга оид илмлар.

Бу борада файласуфлари узлари мантикда куйган шартларга вафо килмадилар, улардан ташкарига чикдилар ва катта хатоларга йук куйдилар.

Имом Ғаззолий асосан файласуфларни худи шу бобда танкид киладилар. Купчилик фалсафа хакидаги танкидий гапларни умумийлашган холда тушуниб хато киладилар.

*Имом Ғаззолий файласуфларни учга таксим киладилар:*

#### **Дахрийлар.**

Улар Аллох таолонинг борлигини ва сонълигини инкор килган ва олам узини узи яратган дейдиган зиндиклардир.

#### **Табиатчилар.**

Улар Аллох таолонинг борлигини эътироф килсалар ҳам кайта тирилиш ва совобни инкор килганлари учун диндан чикканлар.

#### **Илохиётчилар.**

Булар илохиёт хакида бахс юритган Сукрот, Афлотун, Арасту, Форобий ва Ибн Синога ухшаш файласуфлар. Уларнинг баъзи гапларини эътироф килишдан бошка чора йук. Мисол учун Аллох таолонинг борлигини эътироф килишлари. Аммо баъзи гапларида улар адашиб колганлар.

Имом Ғаззолийгача фалсафа Исломга карши хужум килар ва мусулмон уламолар химояланиш билан кифояланар эдилар. Худди Ислом айбдору илми калом уламолари унинг номида фалсафага узр айтаётганга ухшар эди.

Имом Ғаззолий эса узлари фалсафани яхши билганлари учун айбларини англаб етганлари учун бевосита унга шиддатли ва аёвсиз хужум килишни йулга куйдилар. Бунинг учун аввал фалсафани

купчиликка улар тушунадиган услуб ва тилда бу нарсани англатиш лозим эди. Чунки уша давргача фалсафа китоблари купчилик тутушмайдиган услуб ва тилда ёзилар эди. Уни фақат файласуфларгина англаб етар эди. Бу эса узига хос тусик яратган ва файласуфлардан бошкаларга фалсафа хакида суз юритиш имконини йукка чикарган эди.

Имом Ғаззолий «Мақосидул фалосифа» номли осон тил ва услуб ила китоб ёзиб купчиликка фалсафа нима ва файласуфларни нимани мақсад килиб олганликларини тушунтириб бердилар. Бу китобда Имом Ғаззолий фалсафий истилохларни ва файласуфлар юритадиган бахсларни ҳеч қандай шарҳ ёки танқидсиз айни узини келтирдилар.

Имом Ғаззолий купчиликка фалсафа нима, файласуфлар қим хамда мақсадлари қандайлигини англатиб олганларидан кейин фалсафани танқид қилишга утдилар.

Бу ишни Имом Ғаззолий асосан «Таҳофутул фалосифа» номли китобларида амалга оширдилар. Бу китобнинг муқаддимасида Имом Ғаззолий уша пайтларда бошкалардан узларини юқори тутадиган тоифалар чикканини, улар Исломиий ибодатлардан бош тортаётганларини, динга шиор булган намозга ухшаш нарсаларга паст назар билан қараётганларини, харом қилинган нарсалардан сакланмаётганларини, баъзилари эса бутунлай диндан чиқиб кетганларини ва бошка афсусланарли ҳолатлар булаётганини айтадилар. сунгра мазкур шахсларнинг қуфрга кетишлари сабаби хакида қуйидагиларни айтадилар:

«Аммо уларнинг қуфрларининг сабаби Сукрот, Букрот, Афлотун, Арстотулис қаби улуг исмларни, уларнинг издошларидан ақлларини уткирлиги, усулларининг гузаллиги, хандаса, мантик, табиат ва илоҳиётга оид илмларининг нозик жойларигача билишлари хакидаги мақтовларини, буюқ ақлли булганлари учунгина анашу ишларни қила олишларини эшитганларидир.

Шунингдек, ана ушалар ақллари уткир булишлари ва фазллари куп булишига қарамай шариатлар ва динларни инкор қилишлари, динлар туқиб чикарилган хийла найрангдан иборатлигини эътиқод қилишларни хакидаги хикояларни тинглаганларидандир».

Имом Ғаззолий узларининг бу китобларига туртта муқаддима қилганлар. Биринчисида уз услубларини, иккинчисида файласуфларнинг холини, учинчиси ва туртинчисида уларнинг шариат билан тукнашадиган ва тукнашмайдиган илмларини баён қилганлар.

Қейин эса файласуфларни танқид қилишга утганлар. Бу танқидлар илоҳиётга ва метафизикага оид ун олтита хамда табиат илмларига

тегишли туртта масалани уз ичига олган.

Мазкур йигирма масаладан учтасида файласуфлар куфр кетганлиги хакида карорга келинди. Уша уч масала куйидагилар:

## 2. Файласуфларнинг олам кадимдир деган гаплари.

Файласуфлар узларининг турли аклий далилларида келиб чикиб олам кадимдир, у кейин пайдо булган хам эмас, уни биров яратган хам эмас деган фикрни айтганлар.

Имом Ғаззолий уларга олам кадимий илохий ирода ила мавжуд булгани. Уша ирода оламни маълум вақтда вужудга келишини ирода килган. Ундан олдин мавжуд булиши ирода килинмаган эди. Шунинг учун у пайдо булмаган. Янги пайдо булган хар бир нарса эса силсила ила охирги ва кадимги сабабга бориб такалади. Уша сабаб Аллох таоло эканлигини таъкидладилар.

2. Файласуфларнинг Аллох таоло жузъий нарсаларни билмайди деган гаплари.

Файласуфларнинг фикрича Аллох таоло факат собит куллиётларнигина билади. Шу нарса унинг камолига мос келади. Жузъий – майда нарсалар узгариб туради. Шунинг учун уларга боглик илм хам узгариб туради. Илмнинг узгариб туриши эса Аллох таолонинг камолига тугри келмайди. Аллох таоло инсониятнинг амалларини туп шаклида умумий холда билади, холос. Одамлардан алохида шахсларнинг килган амалини билмайди.

Имом Ғаззолий Аллох таоло уша жузъий амалларнинг барчасини узгармас битта илм ила билишини таъкидлайдилар.

3. Файласуфларнинг охиратда жасадларнинг кайта тирилишини инкор килишлари.

Уларнинг фикрича охиратда факат рухлар кайта тирилтириладилар, холос. Бинобарин жаннатда жисмнинг лаззатланиши ва дузахда азобланиши хам булмайди.

Имом Ғаззолий эса жисмларни йукдан бор килишга кудрати етган Аллох таоло уларнинг чириганидан кейин кайта тирилтириши осонрок эканини таъкидлайдилар.

«Тахофутул фалосифа» китобнинг ахамияти катта булган. Унинг ахамияти баъзи файласуфларни куфр кетганини баён килишида эмас, балки фалсафанинг диниф эътикод бобида хеч нарсага арзимас нарса эканини баён килиб берганидадир. Бу борада фалсафа турли фикр, хаёл, киёс ва тахминларнинг йигиндиси, холос.

Фалсафани илохий таълимотлар урнида ёки уларга тенг равишда курилиб турган бир пайтда унинг хакида илмий асосларга мувофик

тарзда бу каби кучли зарба берилиши тарихий воқеа эди.

Имом Ғаззолий шу тарика фалсафанинг обрусини чилпарчин килдилар. Файласуфлар у кишининг кучли акли ва далиллари олдида довдираб қолишди ва деярли бирорта эътиборга олса буладиган раддия ҳам кила олишмади.

**Абдулвалид Муҳаммад Ибн Рушд** (лот. Аверроэс) (1126, Кордова -1198.12.12, Марокко) - араб файласуфи ва табибидир. Андалусия ва Марокашда яшаган, қози ва сарой ҳакими (табиб) бўлган. Аристотель асарларига шарҳлар ёзган. Ибн Рушд энг сермахсул мутафаккирлардан бири эди. Унинг меҳнатсеварлигини ўзи айтган гаплардан ҳам билса бўлади.

Унинг ўзининг тан олишича, ўз ҳаётида фақлт икки кунгина ишламаган: бири отаси вафот этган кун ва иккинчиси-ўзининг туйи бўлган кун.

Ибн Рушд элликка яқин йирик асарлар ёзган. Улардан энг машҳурлари қуйидагилар: “Раддияга радия”, Мантикқа оид асарлари, “Осмоний жисмларнинг ҳаракати ҳақида мулоҳазалар”, “Замон муаммоси”, “Биринчи ҳаракатга келтирувчи куч ҳақида”, “Абадий ва вақтинчалик мавжудлик ҳақида мулоҳазалар”, “Жон ҳақида фан муаммолари”, “Ақл ҳақида мулоҳазалар”, “Фалсафа масалалари”, “Дин билан фалсафанинг мувофиқлиги ҳақида” ва бошқалар.

Ибн Рушд “Радияга радия”, “Фалсафа масалалари” асарида моддий дунё абадий, унинг боши ҳам йўқ, охири ҳам бўлмайди, деган фикрни илгари сурган. Лекин, унингча, оламнинг яралиши ва охири моддий дунё, фазода чекланган. Худонинг борлигини тан олган Ибн Рушд унинг оламдан олдин бўлганлигига ишонмаган ва худо яратилган олам билан бирга абадий, деб ҳисоблаган. У руҳ ўлмайди, охират бор деган фикрга қарши чиққан. “Радияга радия”да Ибн Рушд икки ҳақиқат назариясини илгари суриб, билимни эътиқодга, фалсафани илоҳиётга қарама-қарши қўйди ҳамда фаннинг, инсон ақлининг ролига юқори баҳо берди.

Мусулмон илоҳиётчилари Ибн Рушднинг дунёнинг абадийлиги ва унинг қонуний равишда ривожланишда эканлиги ҳақидаги таълимотига, айниқса, унинг воқеликни ақл ёрдамида билиб олиш мумкин, деган қарашларига қарши чиқдилар. Бу қаршиликка дуч келган Ибн Рушд, ҳатто ўзининг шогирдларидан ҳам маҳрум қилинади. Руҳонийлар унинг атрофида чидаб бўлмас муҳит яратадилар. Унинг замондошларининг ёзишларича, бир куни Ибн Рушд ва унинг



ўғли Абу Аллахни Қўртабадаги масжиддан ҳайдаб чиқарадилар. У ўз уйида қамоқ ҳолатида яшайди. Фақлт вафотидан сал олдингина Ибн Рушд яна халифа томонидан Марокашга чақирилади ва ўша ерда 1198 йилнинг 10 декабрида оламдан кўз юмади.

Ибн Рушднинг икки ҳақиқат назарияси кейинчалик ислом фалсафасида табиий-илмий ҳамда ижтимоий билимлар концепциясини ишлаб чиқишда, диний ва илмий билимларни уйғунлаштиришда муҳим восита бўлган. Ўз навбатида, билишнинг бу икки шакли бир-бирига ҳалал бермаслиги керак деган ғоя ҳам устувор аҳамият касб этган. Чунки улар бир мақсад – ҳақиқатни топиш ва унга эришиш йўлида ҳаракат қиладилар деган ёндашув концепциал асосга эга эди.

“Икки ҳақиқат назарияси” мутакаллимлар билан муътазиллийлар, ақл билан эътиқод ўртасида келишув вужудга келганлигидан дарак беради. Чунки кейинги давр мусулмон халқлари тарихидан ўрин олган ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг негизи унинг асосига қурилганини кўриш мумкин. Икки ҳақиқат тарафдорларининг қарашларидаги бундай хулосалар аслида қадимги юнон файласуфи Афлотун фалсафасига асосланар эди. Агар Афлотун фалсафасида нарсалар дунёсидан олдин, унга нисбатан бирламчи, ўзгармас моҳиятга эга бўлган “ғоялар дунёси” мавжудлиги эътироф этилса, унда бу ўзгармас моҳиятни англаб етишнинг ҳам икки йўли мавжуддир, деб ишонч билдиради.

“Жаҳон ҳақида фан муаммолари”да таъкидланишича, бу дунёнинг ўзгармас моҳияти алоҳида қобилиятга эга, ўта сезгир одамларнинг фаолияти орқали англаб олинади. Бунинг иккинчи йўли эса, кишилар томонидан ғоялар дунёси (моҳият)нинг ҳосиласи бўлмиш нарсалар дунёсини ташкил этувчи воқеа ва ҳодисаларнинг ўзаро алоқадорлиги, сифат ҳамда хоссаларини ўрганиш асосида ҳам моҳиятни англаб олиш мумкин.

“Фалсафа масалалари” асарида Ибн Рушд киши олий камолотга зикру сано орқали эмас, балки илмий-фалсафий билим орқали эришади, деб ҳисоблаган. Ўз даврининг илғор кишиси бўлган Ибн Рушд адолатли жамият қуришни, хотин-қизларга тенг ҳуқуқ берилишини, ҳурлик ғояларини тарғиб қилди. Ибн Рушд ғоялари ўрта аср фалсафасига катта таъсир кўрсатди. Ибн Рушд 7 жилдли қомусий тиббий асар "Китоб ал-қуллийёт" (тиббийёт бўйича умумий қўлланма) муаллифидир. Ибн Халдуннинг ижтимоий-сиёсий, ахлоқий қарашлари антик даври файласуфлари Аристотел ва Платонларнинг ғояси асосида

бўлса, жамиятда ахлоқий қарашлари Ўрта асрлар олимлари Форобийнинг концепциясида, ва тиббий назариялар Ибн Синода, фалсафада эса, Ибн Рушднинг дунёқараш асосида бўлган – деган хулосага А.А Игнатенко ўз тадқиқотлари асосида келган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ваҳдатул мавжудда кўпчилик мусулмон руҳонийлари бу таълимотга шубҳа ва эҳтиёткорлик билан қарашган эди. Ал-Киндий, Форобий, Ибн Рушд, Бедил бу таълимотнинг намояндалари ҳисобланади. Ваҳдатул мавжуд Ибн Рушд фикрича, табиат абадий, ундаги нарса ва ҳодисалар ўзаро боғлиқ, дунё ҳамиша ўзгариш, ривожланиш ҳолатида туради. Ваҳдатул мавжуд тарафдорлари мусулмон Шарқида табиатшунослик билимларининг ривожланиши учун фалсафий асослар яратиб берди.

Замонавий исломнинг фалсафий асосларини ўрганишда Шарқ ва Ғарб тажрибасини биргалида олиб бориш зарурлиги ҳақида Т.Ж.Уинтер ўзининг XXI асрда ислом номли асарида қуйидагиларни ёзади:

“Бағдоддаги Низомия мадрасаси Ғаззолий туфайли машҳур бўлиб кетган эди, ўша мадрасада фикҳ билан бир қаторда юнон анъаналари асосидаги фалсафий илоҳиётшунослик ҳам ўқитилар, шунингдек ўша вақтдаги раҳнамоларни рақиб мафкураларининг оёғини осмондан қиладиган зарур қурол билан таъминлар эди.

Ривожланишнинг умумий қонуниятларига тадрижий (эволюцион) ва сакрашсимон (инқилобий) ўзгариш, эски сифатдан янги сифатга ўтиш киради. Бу икки турдаги ўтиш фан таракқиёти учун ҳам хосдир”.

Ибн Рушднинг юқорида қайт этиб ўтилган ғояларининг таъсирчанлигини унинг шогирдлари ижодига таъсирида ҳам кўриш мумкин.

Хусусан, Абдураҳмон Муҳаммад Ибн Халдун (1332-1406) шу давр тарихи ижтимоий фанлари асосчиларидан бири бўлиб, ўз асарларида Ибн Рушд назарий ғоялари ва методологиясини ривожлантирган.

У 1332 йил Тунисда дунёга келган. Гирнатада давлат арбобларидан бўлган. Маълум вақт қозилик ҳам қилган. 1406 йил Қохирада оламдан ўтади.

Кўчкинчи ҳаёти унга турли миллатлар анъаналари урф-одатларини ўрганиш имкониятини беради. У қадимий манбаларга асосланиб шимолий Африка, варварлар тарихини ёзган. Юқорида

айтилганларидан шу нарса маълум бўладики, X-XI асрлардаги араб тилидаги фалсафанинг шаклланиши бевосита қадимги дунё фалсафаси, аввало Арасту ва Афлотун қарашлари таъсирида юз берди. Тасодифий эмаски, “Шарқ перипатетизми” истилоҳи мавжуд. Ўз навбатида, Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Ибн Туфайл ва Ибн Рушд каби араб тилида ижод қилган файласуфларнинг асарлари ўрта асрлардаги Европа фалсафий тафаккурига таъсир ўтказди.

Кейинчалик мусулмон Шарқи ва Ғарбининг фалсафаси борган сари кўпроқ ислом йўналиши тараққиётида ўзининг ёрқин ифодасини топа бошлади.

Кейинчалик Ибн Рушднинг фалсафий қарашлари тўғрисида бир неча олимлар илмий иш қила бошладилар, булардан бири Эрнест Ренан бўлиб, у 1852 йилда “Ибн Рушд ва унинг фалсафаси” номли китобини нашр эттирди.

Унинг фикрича, Арасту сиймосида инсоний ақл ўзининг юқори ифодасини топганки, шунинг учун уни илоҳий файласуф деб аташ маъқул бўлади. Унинг замондошлари фикрича, “Арасту табиатни тушунтирди, Аверроэс эса – Арастуни”.

Ибн Рушд Арасту ва унинг издошлари бўлган ал-Киндий, Форобий ва Ибн Синолар фалсафасини қабул қилиш билан бирга, фақат фалсафадаги ушбу йўналишни кўрсатибгина қолмасдан, балки жаҳон фалсафий тафаккури ривожига ўзининг қайтарилмас ҳиссасини ҳам қўшди.

### **Саволлар**

1. Калом, ақида, тавҳид илмлари нимани ўрганади?
2. Мотуридийлик ва ашъарийлик йўналишлари қандай пайдо бўлган?
3. Имон нима маънони билдиради?
4. Ислом таълимотида неча нарсага имон келтириш шарт ҳисобланади?

### **Фойдаланиладиган адабиётлар**

1. Тулепов А. Ислом ва ақидапараст оқимлар. Тўлдирилган нашр. Масъул муҳаррир Шайх Абдулазиз Мансур. – Тошкент: Шарқ, 2014. – 536 б.
2. Оқилов С. Калом илми. – Тошкент: ТИУ нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2011. – 160 б.
3. Муҳаммад Анвар Бадахшоний. Ақидатут-таховия шарҳининг талхийси. – Тошкент: 2015. – 448 б.

4. Очилдиев О., Раҳимжонов Д., Муҳамедов Н. Ва бошқ. Диншунослик асослари (ўқув қўлланма). – Тошкент: ТИУ нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2013. – 320 б.
5. Мўминов А., Йўлдошхўжаев Х., Раҳимжонов Д., ва бошқ. Диншунослик. – Тошкент: Меҳнат, 2004. – 296 б.
6. Шайх Исмоил Махдум. Тошкентдаги Усмон Мусхафининг тарихи. Арабчадан Абдуллоҳ шайх Исмоил Махдум ўғли таржимаси. – Т.: Мовароуннахр, 1995.
7. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. – Т.: Тошкент ислом университети, 2009.
8. Ҳасанов А., Комилов Н., Уватов У., Азимов А., Раҳимжонов Д., Зоҳидов Қ. Ислом тарихи. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2008.
9. Ҳасанов А.А. Қадимги Арабистон ва илк ислом. Жоҳилия асри. – Т.: Тошкент ислом университети, 2001.
10. Ҳасанов А.А. Макка ва Мадина тарихи (Қадимги Арабистон тарихидан лавҳалар). – Т.: Меҳнат, 1992.
11. Абдусамедов А.Э. Динлар тарихи. -Тошкент: ЎзМУ, 2004. -208 б.
12. Йўлдошхўжаев Х., Раҳимжонов Д., Комилов М. Диншунослик (маърузалар матни). - Тошкент: ТошДШИИ нашриёти, 2000.
13. Мўминов А. ва бошқ. Диншунослик (дарслик). -Тошкент: «Меҳнат», 2004.
14. Очилдиев А. ва бошқалар. Диншунослик асослари (ўқув қўлланма). - Тошкент: “Тошкент ислом университети” нашриёт матбаа бирлашмаси, 2013.
15. [http:// www. religioustoleranje. org/gld. htm](http://www.religioustoleranje.org/gld.htm)
16. [http:// www. alreligion. about.com](http://www.alreligion.about.com)
17. [http://www. islam.ru](http://www.islam.ru)
18. <http://www.glossarist.com>
19. [www.infoxs.uz](http://www.infoxs.uz)
20. [www.turkistonsarkor.uz](http://www.turkistonsarkor.uz)
21. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)

## 10-мавзу Исломдаги мазҳаблар ва йўналишлар

### Режа:

1. Исломда мазҳабларнинг пайдо бўлиши, илк ихтилофлар.
2. Ҳанафийлик, моликийлик, шофейлик ва ҳанбалийлик мазҳабларини ўзига хос хусусиятлари.
3. Ҳанафийликдаги бағрикенглик ғоялари.

### Таянч иборалар

*Мазҳаб, оқим, фирқа, ҳанафийлик, шофейлик, моликийлик, ҳанбалийлик, фикҳ, фатво, мужтаҳид, суннийлик.*

### Исломда мазҳабларнинг пайдо бўлиши, илк ихтилофлар.

Биринчи мавзунини ёритишда талаба 632 йилда Пайғамбар вафотидан сўнг ҳокимият халифаликка сайланганлар томонидан бошқариладиган бўлганлигига, Усмон халифалиги даврининг сўнгги йилларида ички низолар пайдо бўлиб, халифага қаршиликлар кучайганлигига, охир-оқибат бир тўда одамлар Усмонни уйига бостириб кирадилар ва халифани ўлдирганликларига эътиборини қаратади. Халифанинг ўлдирилиши халифаликда урушини келтириб чиқарди ва Али ибн Аби Толиб халифалиги даврида бундай низолар кучаяди. Шом волийси Муовия халифага қарши чиқиб тезроқ халифа Усмон қотилларини топиб жазолаш талабини қўяди. Халифа бу пайтда аввал ички низоларни тугатиш билан ишни бошлаган бўлади. Бу ихтилоф қуролли тўқнашувга олиб келади.

Бу тўқнашув 657 йили Ироқнинг Сиффин деган жойида бўлиб ўтгани учун жанг номи Сиффин деб аталган. Шунда давлат тузуми масаласида Пайғамбардан кейин халифалик кимга ўтиши керак деган масалада уч тоифага бўлиниш юз берди.

Биринчи – халифа Али тарафдорлари бўлган, халифалик фақат пайғамбар хонадонидан мерос сифатида ўтиши керак деб ҳисобловчи гуруҳ. Натижада улардан шиалик оқими келиб чиқди.

Иккинчи – халифа Алининг собиқ тарафдорларидан ташкил топган, уни Сиффин жангидан кейин ташлаб кетган хорижийлар (ажраб чиққанлар) гуруҳи ҳисобланади.

Учинчи – «аҳли сунна вал жамоа» гуруҳи.

Шаҳристоний эса Пайғамбар тириклик вақтидаёқ саҳобалар орасида тафовут бошланганини айтади.

Хорижийлар ва шиалар фирқаларидан исломда бидъат, фирқачилик ва адашишлик бошланди. Бундай фирқалар асосий икки масалада пайдо бўлди: имомат (давлатга раҳбарлик) ва ақидада.

Шунинг учун исломда фирқаларга бўлиниб кетиш асосан диний-сиёсий нуқтаи назардан келиб чиққан деб ҳисобланади. Биринчи хорижийларнинг пайдо бўлиши ҳам халифа Али сиёсатига қўшилмасликдан, кейинги шиалик эса халифалик Али ва унинг авлодларига мерос бўлиб қолиши керак деб ҳисобловчилардан бўлди. Шу ўринда яна бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш зарурки, исломда фирқаларга бўлиниш Муҳаммад пайғамбар (а.с.) ҳадисларидан жавоб топилади. Бир неча ҳадисларни келтириб, шу асосида ислом умматининг бўлинишини айтиб ўтишган.

Муҳаммад пайғамбар (а.с.) айтадилар: «Яхудийлар 71 фирқага бўлинди, насронийлар 72 фирқага бўлинди, умматим эса 73 фирқага бўлинади. Улардан биттаси нажот топади, қолгани дўзах аҳлидир», деганларида. Саҳобалар: «Нажот топадиган фирқа қайси», деб сўраганда. Пайғамбар: «Мен билан саҳобаларим тутган йўлдагиси», деб жавоб берадилар» (имом Термизий ривояти). Ҳадисда айтилган нажот топучи фирқа «аҳли сунна вал жамоа» ҳисобланади.

Исломдаги йирик йўналишларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг мохияти ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз.

**Суннийлик**-бу исломда изчил, собитқадам йўналиш ҳисобланди. Мусулмонларнинг жуда кўпчилик қисми-92,5 фоизи суннийликка эътиқод қилади. Қолган 7,5 фоизи шиаликка эътиқод қилувчилардир. Сунна арабча одат, анъана, хатти-ҳаракат тарзи деган маъноларни билдиради. Суннийлик деган сўз арабча “Сунна”-“муқаддас ривоят”, яъни Муҳаммад(с.а.в.) тўғрисидаги ривоятлар ва унинг Ҳадислари тўплами деган тушунчадан олинган. Яна Сунна фарздан фарқли равишда бажарилиши ихтиёрий бўлган кўрсатмалар, амаллардир.

Суннийлар уммавийлар сулоласидан бўлган халифаларнинг олий ҳокимиятга бўлган ҳуқуқини тан олганлар. Суннийликда Сунна Қуръондан кейинги асосий муқаддас манба, Ҳадислар тўплами деб қаралади. У VII аср ўрталарида шакллана бошлаган. Унда халифаликдаги синфий муносабатлар, ижтимоий зиддиятлар, ислом мафкураси атрофидаги кураш ўз ифодасини топган. Уни тўплаш, шарҳлаш ва нашр қилишда ватандошларимиз Исмоил Бухорий, Имом Термизий асосий рол ўйнаганлар.

Суннийлик қисман Эрон, Жанубий Ироқ, Яман, Марказий Осиё, Кавказ, Волга бўйи, Сибирь, Ўрол, Кичик Осиё, Миср ва Шимолий Африка, Индонезия, Малайзияда кенг тарқалган. Унинг муқаддас шаҳарлари Макка ва Мадинадир. Унда тўртта шарият мактаби - ханифийлар, маликийлар, шофиъийлар, ханбалийлар мазҳаблари бор.

**Шиалик.** Гурух, партия, тарафдорлар деган маъноларни берадиган арабча “шиа” сўзидан келиб чиққан. Шиалик ўз аҳамияти ва тарафдорлари сонига кўра исломдаги иккинчи йўналишдир. У VII асрнинг иккинчи ярмида мусулмонларнинг махсус ва сиёсий гуруҳи сифатида юзага келган. У чорёрларнинг тўртинчиси Али тарафдорларини бирлаштирган. У жуда кўп секталарга бўлиниб кетган. Булар орасида исмоилийлар ҳозир 35 миллионга яқин тарафдорга эга бўлиб, оғахонийлар бошчилигида ҳозир ҳам ислом доирасида катта рол ўйнамоқда.

Шиалар Арабистонда пайдо бўлган теократик давлат-халифаликдаги олий ҳокимият учун олиб борилган кескин кураш жараёнида келиб чиққан. Халифаликнинг барча бош лавозимлари 644 йилдан бошлаб қурайш қабиласига мансуб бўлган халифа Усмон бошлиқ маккалик оқсуяклар-мухожирлар қўлига ўтган.

Гарчи исломда жабр-зулм қораланса-да, барибир, улар исломга бўйсундирилган бошқа халқлардан ташқари мусулмон арабларнинг ўзларини ҳам қаттиқ эксплуатация қилишаверади. Бундан норози бўлган араблар Усмонга қарши кўзғолон кўтариб, уни Мадинада ўлдиришган. Халифалик лавозимида Али кўтарилган. Бироқ, у ўз ҳокимиятини қурайш оқсуякларидан ҳимоя қилишга мажбур эди. Али тарафдорлари у пайғамбарнинг амакиваччаси ва куёви бўлганлиги учун мусулмонларнинг бошлиғи бўлиши керак, унинг вафотидан кейин эса бу лавозим унинг авлодларига мерос бўлиб ўтиши керак, деб чиқишган. Бироқ тахт учун курашда Сурия ҳокими Муовия бошлиқ қурайш зодагонлари ғолиб чиққан. Али тириклик чоғидаёқ Муовия халифа деб эълон қилинган.

Шиалар Алидан бошқа барча сунний халифаларни узурпаторлар, яъни сиёсий ҳокимиятни зўравонлик билан қўлга олган кишилар деб ҳисоблайдилар. Булар Алининг авлоди бўлган 12 имомдан иборат ўз сулолаларини уларга қарши қўйганлар. Улар Алини, унинг ўғиллари - Хасан ва Хусайнни ҳамда уларнинг авлодларини шахид, деб ҳисоблашган.

**Хорижийлар.** Бу оқимнинг номи “чиқиш”, “қарши бўлиш”, “кўзғолончи” маъноларини англатувчи арабча “ҳаража” сўзидан олинган. Бу оқим исломдаги илк секталардан ҳисобланади. У Али билан Муовия ўртасида халифаликнинг олий лавозимини қўлга киритиш учун олиб борилган кескин кураш жараёнида пайдо бўлган. Усмон ўлдирилгач, Мадина шаҳрида Али халифа этиб сайланган. Бироқ Усмон ҳукмронлиги даврида ўзининг иқтисодий, сиёсий ахволини

мустахкамлаб олган араб зодагонлари Алининг халифалигини тан олмаганлар. Сурия хокими Муовия бошлиқ курайш зодагонлари Алидан ўч олишга киришганлар. Уни хатто Усмоннинг ўлдирилишида ҳам иштирок этган, деб эълон қилганлар. Али билан Муовия тарафдорлари ўртасида шиддатли сиёсий кураш бошланган. Али ўзининг турар жойини Куфа шахрига кўчириб, Ироқ ва Эрондаги араб қабилаларига таянган. Хорижийлар ҳаракатининг пайдо бўлишига Алининг Муовияга қарши курашда кўрсатган қатъиятсизлиги, унинг ўз душманларига ён бериши бевосита сабаб бўлган. Алининг бундай журъатсизлиги унинг тарафдорлари норозилигига сабаб бўлган. Улардан энг катъийлари (12 мингга яқин жангчи) Али томонида туриб Муовияга қарши жанг қилишдан бош тортган. Улар Алининг ўзига қарши душманга айланганлар, хорижийлар уюшмасини тузиб, Алига ҳам, Муовияга ҳам қарши жанговар кураш бошлаганлар.

Хорижийлар 661 йили Алини ўлдиришган. Муовия хукмронлиги йилларида (661-680) ва ундан кейин хорижийларнинг йирик кўзғолонлари бўлиб ўтган. Улар X аср Шимолий Африкада хатто ўз давлатларини - рустамийлар сулоласини ҳам ўрнатишга муваффақ бўлишган. Хорижийлар ўз даврида бирмунча демократик шиорларни олға суришган. Бу оқим тарафдорлари ҳозирги пайтда аввалги сиёсий фаоллигини йўқотган. Улар Жазоир, Уммон, Танзания, Ливан каби мамлакатларда учрашлиги ҳақида тўхталади.

### **Ҳанафийлик, моликийлик, шофейлик ва ханбалийлик мазҳабларини ўзига хос хусусиятлари.**

Талаба иккинчи мавзуни ёритишда Ислом дини тарқалган ҳудуд кенгайиб, турли миллатлар ва халқлар шу динни қабул қилганларидан ва уни ўз ҳаётлари тарзига айланганлиги, диний масалаларда турли қарашларни пайдо бўлганлигини ёритади.

Муҳаммад пайғамбар (а.с.) вафотларидан кейин у кишининг ишини халифалар, саҳобалар, сўнг тобеинлар давом эттирдилар. Пайғамбардан кейин у кишининг ишини сунна асосида давом эттирганлар «суннийлар» ёки «аҳли сунна вал жамоа» номини олди. Пайғамбар даврида бирор масала юзасидан савол пайдо бўлса, одамлар дарҳол шу ҳолатни пайғамбарга этказиб, ўзларига аниқ жавоб олганлар. Шунинг учун бу даврда ихтилофлар бўлмаган. Саҳобалар кўпчиликни ташкил қилган вақтда ҳам ихтилофли масалаларни тез ва осон ҳал қилганлар, аммо саҳобалар даври тугаб бориши натижасида мусулмонлар орасида турли ихтилофлар кўпайди.

Ҳижрий иккинчи асрга келиб мусулмонлар орасида шариатнинг



турли масалаларни мустақил ечиб бера оладиган олимлар пайдо бўла бошлади. Улар турли масалаларни ҳал қилишда Қуръон оятлари ва ҳадисларни шарҳ қилиб, шу билан бирга саҳобаларнинг қилган ишларини ўрганиб, ўшалар асосида ҳукмлар чиқариб бердилар.

Олимларнинг атрофида шогирдлари кўпайиб, уларнинг қарашларини ёзиб, оммалаштирдилар. Бунинг натижасида мазҳаблар пайдо бўлди. Шу билан бирга баъзи олимларнинг қарашлари кенгаймагани сабабли уларнинг қарашлари мазҳаб даражасига чиқа олмади.

«Шариат» сўзи араб тилида икки маънода қўлланилади: «сувга олиб борадиган йўл» ва «тўғри йўл». Ислом ҳуқуқида уламолар наздида, Қуръон ва суннатда келган илоҳий кўрсатмалар (ҳукмлар)нинг мажмуидир. Бошқача қилиб айтганда ислом динининг амалий қисми. Ҳуқуқшунослар эса, ислом қонунчилик мажмуини назарда тутадилар.

«Фикҳ» эса, луғатда «чуқур тушуниш», «идрок этиш», «билиш» маъноларини билдиради. Истилоҳий маъноси эса, «фикҳ» – шариат ҳукмларини ўрганиш, шариат қоидаларини барча қисмлари билан англаш ҳамда қайси мақсадда ишлаб чиқарилганини тушуниш ва ўзлаштирилган ушбу илмни амалга тадбиқ этишдир. Фикҳнинг манбаси: Қуръон, суннат, ижмо ва қиёс.

Фикҳ билан чуқур шуғулланган олимлар фақиҳлар (фикҳ олими, ҳуқуқшунос) деб номланди. Булар орасида энг кўзга кўринган ва фикҳий мазҳаби ҳозиргача этиб келган мужтаҳид олимлар қуйидагилардир: Имом Абу Ҳанифа Нўъмон ибн Собит Куфий, имом Молик ибн Анас Мадиний, имом Муҳаммад ибн Идрис Шофеий ва имом Аҳмад ибн Ҳанбал Шайбоний.

Мазкур мазҳаблар олдинги мавзуда айтилганидек, ақида нуқтаи назардан бир хил, фақат фикҳий жиҳатдан бир-биридан фарқ қилади. Шунингдек, булар бир-бирини инкор қилмайди, балки қўллаб-қувватлайди. Мазҳабларнинг мақсади диний манбалардаги матнларни кенг халқ оммасига осон тушунтириш бўлган ва бу билан оддий халқ ўз масалаларини тезда хал қилганлар.

«Мазҳаб» арабча сўз бўлиб, «йўналиш», «йўл», «диний таълимот» маъноларини билдиради. Ислом шариати ва ақидасининг муайян бир тизимга солинган ҳолатдаги кўриниши мазҳаб дейилади. Бундан кўриниб турганидек, мазҳаблар икки қисм – фикҳий ва ақидавийга бўлинади. Фикҳий мазҳаблар тўртта: ханафий, моликий, шофеий ва ҳанбалий. Ақидавий мазҳаблар: мотуридий ва ашъарийлардир.

Моликий мазҳабига мадиналик олим имом Молик ибн Анас Абу

Абдуллоҳ (713-795) асос солган. У «Мадина имоми» унвонига сазовор бўлган. Имом Молик Мадина олимлари қарашлари асосида ўз мазҳабини яратган. Шунинг учун ушбу имом Мадина фақиҳларидан фикҳни ўрганиб, аҳли ҳадис қўллайдиган услубни қабул қилган ва ушбу қоида асосида ўз шогирдларини тарбиялаган.

Имом Молик Қуръон, сунна ва ижмога таяниб ҳукм чиқарган. Шу билан бирга мадиналик олимларнинг иттифоқини ҳам ҳукм чиқаришда жуда катта эътиборга олган. Чунки Муҳаммад (а.с.) шу шаҳарда яшаган ва бу шаҳар аҳолиси пайғамбар ва саҳобалар кўрсатмалари ва қилган ишларини мукамал ўзлаштирганларини эътиборга олган.

Олим «ал-Муватто» номли ҳадис илмига оид тўпам муаллифи ҳисобланади ва мазкур асар моликий мазҳабининг асосий манбаси сифатида ўз ифодасини топган. Муҳаддис бунинг учун 40 йил умрини сарфлаган. Бу асар илк ҳадис тўпламларидан бири бўлиб, бир неча минг ҳадисни ўз ичига олган.

Имом Молик ибн Анаснинг шогирдлари орасида таниқли муҳаддис ва ҳанафий мазҳаби фақиҳи имом Муҳаммад Шайбоний (ваф. 805 й.), шофиийлик мазҳаби асосчиси Муҳаммад ибн Идрис Шофеий (ваф. 820 й.) бўлган.

Ҳозирги вақтда ҳам бу мазҳаб қоидаларининг Марокаш, Тунис, Жазоир ва Ливия никоҳ-оила ва мулкка оид ҳуқуқига сезиларли таъсири бор.

Муҳаммад ибн Идрис Шофеий (767-820) ҳам алоҳида мазҳабга асос солган.

Бу олим имом Молик ва имом Абу Ҳанифанинг катта шогирди имом Муҳаммаддан дарс олган. Шу нуқтаи назардан ушбу мазҳаб ҳуқуқ тизими ханафийлар ва моликийларнинг диний-ҳуқуқий таълимотини асосида ишлаб чиқилган, деб айтиш мумкин. Шудай бўлсада, кўпроқ моликийларга яқин туради. Бошқача қилиб айтганда, аҳли ҳадис ва аҳли раъйни қарашларини бирлаштирган ва ўзига хос услубни яратди. Олим ижмо бўйича уммат ижмосига эътибор қаратган бўлса, шу мазҳабнинг кейинги уламолари олимлар ижмосини ҳам қабул қилишга мажбур бўлдилар.

Шофеийлик ҳам бошқа мазҳаблар каби Қуръон, сунна ижмо ва қиёсга таянади. Имом Шофеийнинг «ал-Умм» ва «ар-Рисола» китоблари ушбу мазҳаб усулига асос бўлди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, учинчи-тўртинчи ҳижрий асрларда Марказий Осиёда Шофеий мазҳаби Ҳанафий мазҳаби билан рақобат қилган. Унинг йирик вакили тошкентлик буюк олим Муҳаммад

ибн Али ибн Исмоил Қаффол Шоший (904-976) эди. У киши фикҳ, ҳадис, луғат ва адабиёт бўйича ўз даврларининг машҳур олимларидан бўлган. Усулул фикҳ бўйича уларнинг асарлари машҳур. Тошкентда вафот этиб, қабрлари Ҳастимом (Ҳазрати Имом) мадрасаси ёнида жойлашган.

Ҳанбалий мазҳаби асосчиси Аҳмад ибн Ҳанбал (780-855) ҳисобланади. Олим яшаган Бағдод шаҳрида илму фан ривож топиши билан бирга турли эътиқодий қарашлар маркази ҳам бўлган.

Ҳанбалий мазҳабида Қуръон, суннат, ижмо ва саҳобаларнинг гаплари асосий ўрин эгаллайди. Қатий зарурат сезмаган ҳолатлардан ташқари қиёсдан фойдаланмайди. Барча ҳадисларни ва ривоятни (саҳобалар сўзини) қиёсдан устун қўйган.

Имом Аҳмад хулафои рошидин, саҳобалар, тобеинлар, шунингдек, ўзидан олдинги уч мазҳаб фикҳини ўзлаштирган. Чунончи илк марта фикҳни имом Абу Ҳанифанинг шогирди имом Абу Юсуфдан ўрганган. Шунингдек, «мен ҳадис ёзиб олган биринчи киши Абу Юсуф эди», деганидан ҳадисни ҳам шу кишидан олгани билинади. Кейинчалик имом Шофеийдан ҳам фикҳни ўрганган. Ўзи эса, имом Бухорийга устозлик қилган.

Ҳадис илми бўйича «ал-Муснад» асари жуда машҳур ҳисобланади. Бу китобда қирқ минг атрофида ҳадис жамланган бўлиб, асар ҳанбалий мазҳабининг асосий қарашларини ифода этади.

Юқорида келтирилган фикҳий мазҳаблар диний фирқалардан фарқ қилади. Улар бир-бирининг фикрига қарши чиқайди ва ўзларини бошқаси билан тенг деб ҳисолайдилар. Мазҳаблар шарият масалаларида энгилроқ ёки қаттиқроқ ҳукм чиқариши билан фарқ қилади. Шунингдек, мазҳаблар ўзи тарқалган минтақаларнинг шароитидан ҳам келиб чиққан ҳолда фатволар берганлар. Жумладан, шофеий мазҳабида таҳоратдан сўнг юзни артмаслик афзал ҳисобланса, ҳанафий мазҳабида юзни артиш афзалдир. Ҳанафий мазҳаби совуқ ўлкаларда ҳам тарқалганини эътиборга олинса, шофеий мазҳаби асосан иссиқ ўлкаларда ёйилган.

Мазҳаблар турлича бўлсада, улар асосчилари-муҷтаҳидларнинг барчаси бир-бирига устоз-шогирд тизимидадир. Улар бир-бирларининг мазҳабини тан оладилар. Тўртта мазҳаб ҳам ҳижрий иккинчи асрнинг ўзида шаклланиб улгурган. Аммо ушбу мазҳабларнинг фақат биттасини ушлаш лозим. Бир масалада бу мазҳабни, бошқасида иккинчисига амал қилиш мумкин ҳисоланмайди.

Ҳанафийлик мазҳаби асосчиси Абу Ҳанифа Нуъмон ибн Собит (699-767) бўлиб, «Имоми Аъзам», яъни энг буюк имом лақаби билан

машхур бўлган. Мазкур мужтахид олим Куфа шаҳрида туғилиб шу эрда вафот этган.

Бу зот сунний мазҳаблар асосчилари орасида ёши энг каттаси ҳисобланади. Ривоятларга кўра бобоси Собитни ҳазрат Али олдиларига олиб келиб, унинг ҳаққига дуо қилишларини сўрайди. Ҳазрат Али Собитни ўзи ва зурриётига баракот сўраб дуо қиладилар. Собитнинг зурриётидан имом Абу Ҳанифа машхур бўлиб кетди. Имомнинг отаси Куфада ипак ва жун мато тижорати билан шуғулланган ва имом Абу Ҳанифа ҳам кейинчалик шу ишни давом эттирган.

Манбаларда имом Абу Ҳанифанинг саҳобаларни кўргани айтилади, шунинг учун у тобеинлардан ҳисобланади. У Ҳаммод ибн Абу Сулаймон, Иброҳим Нахайй, Шаъбий каби ва бошқа олимлардан саҳобалар Али ва Абдуллоҳ ибн Масъуд, Абдуллоҳ ибн Аббосларнинг фикҳини ўзлаштирди. Айниқса, Ҳаммод унинг энг асосий устози ҳисоланган. Унга 22 ёшида шогирд тушиб, у кишидан ўн саккиз йил давомида фикҳ илмини ўрганади. Бу ҳақда ўзи қуйидагиларни айтган: «Мен илм ва фикҳнинг конида эдим. Унинг аҳли ила мажлис қурдим. Уларнинг фақиҳларидан бирини лозим тутдим». Узоқ йиллар дарс олиши ва устози вафотидан сўнг унинг ўрнида дарс беришни бошлаган. Устози ўрнига дарс бериши натижасида, Ҳаммод қолдирган мактаб кейинчалик мазҳабга айланди.

Шунингдек, кўп юртларга сафар қилган ва ўша ерлик олимлар билан ҳам илмий баҳс ва мунозараларга кирган.

### **Ҳанафийликдаги бағрикенглик ғоялари.**

Ҳанафийлик мазҳаби асосчиси Абу Ҳанифа алоҳида муайян мавзуга оид китоб ёзмаган. Балки у ривоят қилган ҳадисларни, айтган фатволарини кейинчалик олимлар китоб ҳолатига келтирганлар. Жумладан, «ал-Фикҳ ал-акбар», «ал-Олим ва-л-мутааллим», «ал-Васийя» ва «ал-Муснад» ва бошқалар.

Олим дунё ишлари ва мансабга қизиқмаган. Халифа унга бош қозилик (қози ал-қузот) мансабига таклиф қилганда рад этган.

Шундай бўлсада, энг катта шогирди имом Абу Юсуф «Қози ал-қузот» лавозимида фаолият юритиб, ҳанафийлик мазҳабининг янада кенг ёйилишига хизмат қилган. Имом Муҳаммад эса, ҳанафий мазҳабининг назарий асосларини ишлаб чиқиб, ўз асарларида уларни келтириб ўтган.

Ушбу мазҳаб сунний мусулмонлар орасида энг кенг тарқалгани ҳисобланади, яъни 47% сунний мусулмон шу мазҳабга амал қилади. Тарихда унинг жуда кўп давлатлардаги асосий мазҳаб сифатида

этироф этилиши жамият ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида қўлланиши, миллий урф-одатларга бағрикенглиги, турли минтақалардаги шарт-шароитларга мос келиши ҳамда бошқа омиллар сабабли унинг кўп мусулмон халқлари томонидан қабул қилинишига сабаб бўлган. Унинг кенг миқёсда тарқалганига сабаблардан бири барча минтақаларда яшаётган мусулмонларга чиқарилган ҳукмлари осон амал қилишига имкон берган. Ўзбекистон ҳудудида ҳанафийлик мазҳаби кенг тарқалган ва шу минтақа аҳолиси мазкур мазҳабга амал қилиб келмоқда.

### **Саволлар**

1. Ислом тарихида ихтилофлар ва уларнинг хал этилиши.
2. Фикҳий мазҳаблар тарихи.
3. Ҳанафий мазҳаби манбалари.
4. Салафийлик ва унинг тарихи.

### **Фойдаланиладиган адабиётлар**

1. Тулепов А. Ислом ва ақидапараст оқимлар. Тўлдирилган нашр. Масъул муҳаррир Шайх Абдулазиз Мансур. – Тошкент: Шарқ, 2014. – 536 б.
2. Оқилов С. Калом илми. – Тошкент: ТИУ нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2011. – 160 б.
3. Муҳаммад Анвар Бадахшоний. Ақидатут-таховия шарҳининг талхийси. – Тошкент: 2015. – 448 б.
4. Очилдиев О., Раҳимжонов Д., Муҳамедов Н. Ва бошқ. Диншунослик асослари (ўқув қўлланма). – Тошкент: ТИУ нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2013. – 320 б.
5. Мўминов А., Йўлдошхўжаев Х., Раҳимжонов Д., ва бошқ. Диншунослик. – Тошкент: Меҳнат, 2004. – 296 б.
6. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ал-Адаб ал-муфрад. – Т.: Ўзбекистон, 1990.
7. Ат-Термизий. Саҳиҳ ат-Термизий / А. Абдулло таржимаси.– Т.: Ғ. Ғулом номли “Адабиёт ва санъат” нашриёти, 1993.
8. Ат-Термизий. Шамоили Муҳаммадия / Сайид Махмуд Тарозий Алихонтўра таржимаси. – Т.: “Меҳнат” нашриёти, 1991.
9. Ислом: энциклопедия. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004.
10. Абдусамедов А.Э. Динлар тарихи. -Тошкент: ЎзМУ, 2004. -208 б.
11. Йўлдошхўжаев Х., Раҳимжонов Д., Комилов М. Диншунослик (маърузалар матни). - Тошкент: ТошДШИИ нашриёти, 2000.
12. Мўминов А. ва бошқ. Диншунослик (дарслик). -Тошкент: «Меҳнат», 2004.

13. Очилдиев А. ва бошкалар. Диншунослик асослари (ўқув кўлланма). - Тошкент: “Тошкент ислом университети” нашриёт матбаа бирлашмаси, 2013.
14. [http:// www. religioustoleranje. org/gld. htm](http://www.religioustoleranje.org/gld.htm)
15. [http:// www. alreligion. about.com](http://www.alreligion.about.com)
16. [http://www. islam.ru](http://www.islam.ru)
17. <http://www.glossarist.com>
18. [www.infoxs.uz](http://www.infoxs.uz)
19. [www.turkistonsarkor.uz](http://www.turkistonsarkor.uz)
20. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)

## **11-мавзу Тасаввуф таълимоти ва тариқатлар**

### **Режа:**

1. Тасаввуф тарихи
2. Тасаввуфдаги тариқатлар: Яссавия, Кубравия, Нақшбандия

### **Таянч иборалар**

*Тасаввуф, Суфийлик, аттасаввуф, зоҳид, муътазилӣ, Яссавия, Кубравия, Нақшбандия.*

### **Тасаввуф тарихи**

Тасаввуф – исломдаги мистикаскетик оқимдир. Мистицизм, мистика сўзлари қадимий юнон тилидаги *mystikos* – «яширин», «сирли» сўздан олинган бўлиб, илоҳият билан бевосита мулоқот қилиш мумкинлиги ҳақидаги таълимот. Бу таълимот инсоннинг Худо билан ақл ва ҳиссиётдан юқори бўлган сирли алоқаси бўлиб, унинг натижасида инсонда Худони билиш ҳосил бўлади

Талаба мавзуни ёритишда тасаввуф, суфий ёки мутасаввиф сўзларининг келиб чиқиши ҳақида турлича фикрлар мавжуд эканлигига эътиборини қаратиши лозим бўлади. Суфийлик муаллифлари кўпинча унинг келиб чиқишини «*свф*» («соф бўлмоқ») ўзагидан ёки «*аҳл ас-суффа*» (Пайғамбарнинг Мадинадаги уйи яқинидаги суффага йиғилувчи зоҳид кишилар)га тегишли деб таъкидлайдилар. Ғарбий Европа тадқиқотчилари то XX асрга қадар унинг келиб чиқишини юнонча – «*ҳикмат*» (*sophia*) сўздан келиб чиққан деган фикрга мойил бўлишган. Умар Фарид Кам (1861-1944) «Ваҳдати вужуд» асарида, Шамсиддин Сомий (1850-1905) эса «Қомуси туркий» асарининг «тасаввуф» ва «суфий» моддаларида ушбу фикрни ёқлайдилар. Шайх Саффет Йеткин ҳам шу нуқтаи назарни ҳимоя қилади. Исмоил Хаққий Измирлик эса бу фикрни рад этиб, зоҳидлик йўлига сулук солган кишиларнинг «суфия» исми билан машҳур бўлиши, юнонча асарларнинг таржима қилиниши ва

фалсафанинг мусулмонлар орасида тарқалишидан аввал содир бўлган, деган далилларни илгари суради ва «суфий» сўзининг юнон тилидан олинганлигига қарши чиқади. Эндиликда бу сўзнинг «суф» (жун чопон) сўзидан келиб чиққанлиги ҳақидаги ўрта аср мусулмон олимлари таъкидлаган фикр умумқабул қилинган фикр ҳисобланади. Чунки суфийларнинг асосий белгилари уларнинг дағал жундан кийим кийишлари эди. Шимолий Арабистон ва Сурияда христианликнинг турли секталарига мансуб жаҳонгашта монах ва анахоретлар «суфий» деб аталар эди, деган маълумотлар ҳам бор.

Тасаввуфга асос бўлган таркидунёчилик кайфияти деярли ислом билан бир даврда юзага келди. Суфийликнинг илк намояндalари деб Пайғамбарнинг Абуд Дардо, Абу Зарр, Ҳузайфа (вафотлари VII асрнинг иккинчи ярми) каби саҳобалари ҳисобланади. Аммо исломдаги мистик-аскетик оқимнинг шаклланиши VIII асрнинг ўрталари-IX асрнинг бошларига тегишли. Бу даврда суфийлар қаторига муҳаддислар, қорилар, қуссослар, Византия билан чегара урушларида қатнашган жангчилар, косиблар, тижоратчилар, жумладан, исломни қабул қилган христианлар кирганлар. Бу даврда *суфий* ёки *аттасаввуф* терминлари ҳали кенг тарқалмаган эди: унинг ўрнига *зуҳд* (таркидунёчилик) ёки *зоҳид*, *обид* сўзлари ишлатилар эди. Ислomдаги бу мистикаскетик оқимнинг пайдо бўлиши ва таракқий этишига мусулмон жамиятидаги илк икки аср давомидаги сиёсийижтимоий беқарорлик, диний ҳаётнинг мураккаблиги, унинг натижасида келиб чиққан маънавийғоявий изланишлар ва бошқа динларнинг, хусусан, христианликнинг таъсирини кўрсатиш мумкин.

Илк давр суфийлари, аниқроғи, *зоҳид* ва *обид*ларига хос хусусиятлар қуйидагилардан иборат эди: Қуръони карим оятлари устида чуқур фикр юритиш, Қуръон ва Пайғамбар суннатларига қатъий амал қилиш, кечаларини нафл ибодатлар билан бедор ўтказиш, кундузлари рўза тутиш, ҳаёт лаззатларидан воз кечиш, гуноҳдан сақланиш, ҳоким ва ҳарбийлардан ўзини йироқ тутиш, ҳалол ва ҳаром орасини жуда узоқ тутиш (*вараъ*), ўзини Аллоҳ ихтиёрига топшириш (*таваккул*) ва ҳ.к.

Суфийлик таълимоти *муътазиллий*лардаги мавҳум илоҳиётга оид фикрлар, обрўли шахсларга кўркўрона тақлид қилиш, муқаддас матнларга сўзмасўз итоат этишдан фарқли ўлароқ, инсонга асосий объект сифатида қарайди: инсон амалларини бошқарадиган руҳониятнинг майда қирраларини ҳам чуқур таҳлил қилиш, шахсий кечинмаларга эътибор билан қараш ва диний ҳақиқатларни чуқур ҳис қилиш – уларга хос хусусиятлардан эди. Шу боис ҳам зийрак психолог,

*Илм алқулуб валхавотир (Қалблар ва фикрлар илми)*га асос солган ал-Хасан алБасрий (в. 728 й.) суфийликнинг асосчиларидан ҳисобланади.

IX аср давомида тасаввуф назариёти ва амалиётини ишлаб чиқиш учун қизғин ҳаракатлар давом этди. Басра билан бир қаторда Бағдод ва Хуросон суфийлик мактаблари ҳам энг нуфузли мактаблар сирасига кирди. Тасаввуфда Аллоҳга етишиш (*васл*) – унга қўшилиб кетиш (*бақо*) билан бўлиши мумкин, деган фикр илгари сурилди. Бу масала кенг омма орасида тушунарли бўлмаганлиги ва мазкур ғоя тарафдорлари ал-Хусайн ибн Мансур алХаллож (қатли 922 й.), Ибн Ато, Айн алҚудот ал-Ҳамадоний каби кишиларнинг қатл этилиши бошқа суфийларни хушёрликка чақирди.

Тасаввуфнинг манбалардаги талқини қуйидаги йўсинда: бунга кўра, баъзи мусулмонлар калом ва мантиқ илмларидаги турли кўринишдаги тортишувлардан, қуруқ баҳслардан ўз қалбларини сақлаб, Аллоҳ таолонинг муҳаббати йўлида зухд ва *тақвони* ўзларига касб қилиб олдилар. Уларга «суфий» деб ном берилди. Ислом динида биринчи суфий номини олганлардан Абу Ҳошим аш-Шомий (в. 776-77 й.), тасаввуф усулига биринчи марта шарҳ берган киши Имом Моликнинг шогирди Зуннун ал-Мисрий (в. 869-70 й.), минбардан туриб биринчи маротаба тасаввуфга чақирган киши Абу Бакр аш-Шиблий (в. 945-46 й.), тасаввуф усулини кенгайтириб тартибга солган киши Жунайд ал-Бағдодий (в. 1007-08 й.) эдилар. Аёллардан биринчи суфий бўлган киши Робиъа ал-Адавиядир (в. 752-53 й.). Умуман олганда, тасаввуфнинг ривожланиш йўли ислом тарихининг ажралмас бир бўлагидир.

Мовароуннаҳрга суфийлик Хуросон орқали кириб келди. Кейинги давр суфийларининг талқинига кўра, Мовароуннаҳрда суфийлик оқими ақоид олими шайх Абу Йаъқуб Йусуф ал-Ҳамадоний (в. 1140-41 й.) шахсидан бошланади. Унга кўра, Йусуф ал-Ҳамадоний мактаби икки тармоққа ажратилади:

### **Тасаввуфда Яссавия, Кубравия, Нақшбандия тариқатлари. Яссавия тариқати.**

Талаба иккинчи мавзунини ёритишда қуйидагиларга эътибор қаратиши лозим. Шайх Аҳмад Яссавий (в. 1166-67 й.) ва унинг шогирдлари номи билан боғлиқдир. Аҳмад Яссавий суфийлик тариқатининг тарғиботчиси бўлиш билан бирга шоир ҳам эди. Яссавий ғоялари бир неча маротаба турли таҳрирда нашр этилган «Девони ҳикмат»да жамланган. Аммо, тадқиқотчилар орасида унинг Яссавийга тааллуқлилиги илмий муаммо сифатида баҳс этиляпти. Унинг фикрича, дунёнинг ноз-неъматларини



сўраган киши суфий эмас, балки *зуҳд* ва *тақвони* ихтиёр этиб, умрини тоат-ибодатда ҳамда йиғи билан ўтказган киши асл суфийдир. Унинг «хикматлар»и халқ орасида кенг тарқалган.

Бу тариқат асосчиси Хожа Аҳмад Яссавий бугунги Қозоғистоннинг жанубидаги Чимкент вилояти, Сайрам қишлоғида дунёга келган. Баъзи манбаларга қараганда, у Яссида (ҳозирги Туркистон) таваллуд топган. Ривоятларга кўра, бу ерда у Арслонбоб исмли машҳур шайхнинг хайрли дуосига эришган. Оддий халқ оммаси англайдиган услубда суфиёна хикматлари, шеърлари билан атрофдаги одамларни ҳақ йўлга чакиради, уларнинг маънавиятига кучли таъсир кўрсатади. Шеър-хикматлари «Девони хикмат» номи остида китоб ҳолига келтирилган. Аҳмад Яссавий ҳаётлигидаёқ узок ўлкаларга муридларини жўнатиб, ўз тариқатини кенг тарқатишга ҳаракат қилди. Яссавий *риёзат*, *чилла*, *зикр* ва *мушоҳада*га кучли аҳамият бериб, ҳаётининг аксари қисмини *чиллахона*да ўтказди. Унинг ҳаёти ва кароматлари ҳақида кўплаб маноқиблар сақланиб қолган.

Яссавий тариқатида *жаҳрий зикр* ижро этилади. Зикр чоғида дарвишнинг томоғидан арранинг товуши каби овоз чиққани учун Яссавия зикрига «*зикри арра*», «*зикри миншорий*» дейилади. Бу зикр куйидагича ижро этилади: дарвиш икки қўлини тиззаси устига қўйиб, нафасини қорнига чиқариб «*ҳа*» деб, яна қорни томонидан нафас олиб бош, бел, елка қимирламаган ҳолда «*Ҳайй*» дейди ва зикр шу тарзда давом этади. Зикрнинг 12 зарб тури маълумдир. Яссавийликда *хилват*га ҳам катта аҳамият берилади.

Бу тариқатда муҳим ўрин тутган асослар куйидагилардан иборат: Аллоҳни таниш (*маърифатуллоҳ*), мутлақ жўмардлик, ростгўйлик, ўзини Аллоҳга топшириш (*таваккул*) ва теран тафаккур.

Яссавия тариқати, асосан, сунний эътиқодига амал қилиш билан бирга Хуросон *маломатия* мактабидан бироз таъсирлангани сабабли, терма маданият асосига эга. Унинг хусусиятлари кейинчалик юзага келган кўплаб тариқатларда акс этган. Ҳатто *Нақшбандияни* Яссавиянинг бир шаҳобчаси деб билувчилар ҳам бор. Аҳмад Яссавийнинг энг машҳур халифаларидан Сулаймон Ҳаким ота Боқирғоний (в. 1186 й.), Суфий Муҳаммад Донишманд аз-Зарнукий ва бошқалар маълум.

***Кубравия тариқати.*** Бу тариқатнинг асосчиси – шайх Нажмиддин Кубро ал-Хивақий (в. 1221 й.) бўлиб, тасаввуф тарихидаги энг ёрқин сиймолардан биридир. Хивада туғилган. Ёшлигида диний илмларни эгаллаган. Айниқса, ҳадис илмида тенги йўқ эди. Турли ўлкаларни

кезган. Мисрда шайх Рузбихон ал-Мисрий билан танишиб, унга мурид бўлган. Қаттиқ риёзатлар натижасида муршидининг таважжухига эришиб, унинг қизига уйланган. Бундан кейин у Аммор Ёсирга мурид бўлган, унинг тавсияси билан эса Исмоил Қасрий даргоҳига кирган ва у ердан «*хирқаи табаррук*» кийган. Яна Мисрга – шайхининг ёнига – қайтган Кубро, шайхи томонидан ўз ватани Хоразмга *иршод* вазифаси билан жўнатилади. Кубро Хоразмга кўчиб бориб, Кубравия-заҳабийа тариқатига асос солган. Қисқа вақт ичида атрофдагиларнинг мухаббатини қозонди, шогирдлар тарбиялаб, вояга етказди. Чунончи, Фаридиддин Атторнинг устози – шайх Нажмуддин ал-Бағдодий билан «Мирсод ал-ибод» асари муаллифи машҳур Нажмуддин Дойа Кубро шогирдлари жумласидандир. Нажмиддин Кубро мўғуллар билан бўлган жангда ҳалок бўлган.

Ёзган асарлари орасида энг машҳури «Усули ашара» рисоласи бўлиб, бу асар барча тариқатларга ўз таъсирини кўрсатган. Исмоил Ҳаққий Бурсавий томонидан шарҳ этилган. «Фавоихул жамол» асари эса тасаввуф руҳшунослиги (психологияси) мавзусидадир. Кубронинг асарлари Эрон, Кичик Осиё ва Ҳиндистондаги тариқат муҳитларига кучли таъсир қилган. Чунончи, бу тариқат Нақшбандия ва мавлавийа тариқатларига ҳам таъсир кўрсатган.

Кубравия кўпроқ Ўрта Осиё, Россия ва Эрон мамлакатларида кенг тарқалган. Кубравиянинг ўзига хос жиҳатлари чордона қуриб, жаҳрий зикр қилиш. Унинг тариқат силсиласи Али ибн Аби Толибга бориб уланади. Тариқат асослари «Усули ашара» асарида тавсиф этилган. Кубравиянинг машҳур шаҳобчалари қуйидагилар: баҳо'ия хилватия, фирдавсия, нурия, рукнийя ҳамадония, нурбахшия, барзанжия.

***Нақшбандия тариқати.*** Унинг иккинчи номи Хўжагон йўналиши бўлиб, у шаҳар ва шаҳар атрофларида ривожланган ва халқ орасида кенг тарқалган. Бу оқимга Хўжа Юсуф ал-Ҳамадонийнинг машҳур шогирди Хўжа Абдулҳолиқ ал-Ғиждувоний (в. 1179 ёки 1220 й.) муршидлик қилган. Кейинчалик бу оқимга Хўжа Баҳоуддин Нақшбанд (1318-1389) муршидлик қилган ва шу даврдан эътиборан Нақшбандия тариқати бутун ислом оламига тарқала бошлаган.

Осиё заминида энг кенг тарқалган тасаввуф тариқатларидан бири Нақшбандиядир. Унинг ҳақиқий асосчиси Баҳоуддин Нақшбанд бўлиб, у Бухоро яқинидаги Қасри Орифон қишлоғида дунёга келди. Баҳоуддин Нақшбандни ёшлигида *Хожагон* тариқати шайхларидан Муҳаммад Бобо-йи Самосий маънавий фарзандликка қабул қилди. Бир муддатдан кейин Самосий унинг тарбиясини Амир Кулолга топширди. Шу билан

бирга Баҳоуддин Нақшбанднинг ҳақиқий шайхи – *увайсия* йўлида тарбиялаган Абдулҳолиқ Ғиждувоний ҳисобланади. Маълум муддат Самарқандда яшаб, у ердаги шайхларнинг *суҳбат* ва *таважжух*ларига мушарраф бўлди. Амир Кулолдан халифаликни олгач, Қосим шайх, Халил ота ва Мавлоно Ориф каби Яссавия шайхларининг ҳузурида кўп йиллар қолиб, улардан илму файз олишга муяссар бўлди. Икки мартаба ҳажга бориб келган Баҳоуддин Нақшбанд ҳаётининг охириги йилларини Бухорода ўтказди. Ислоҳ оламида жуда катта обрў-эътиборига эга бўлган Нақшбанднинг ҳаёти *маноқиб*ларга тўла бўлиб, бугунгача унинг ҳаёти ва тариқатини ифодаловчи жуда кўплаб асарлар битилган. Шулардан, Фахруддин Али ибн Ҳусайн Воъиз Кошифийнинг «Рашаҳот айн ал-ҳаёт» рисоласи Нақшбандия тариқати шайхлари ҳақида кенг маълумот беради. Нақшбандиянинг силсиласи икки бошқа-бошқа шаҳобчалар орқали ҳазрат Али ва ҳазрат Абу Бакрга бориб етади. Машойих силсиласига қараганда, бу тариқат бошқа баъзи тариқатлар билан алоқадор эканлиги ва шунга кўра ўша даврда фарқли номлар билан аталгани маълум бўлади. Чунончи, ҳазрати Абу Бакрдан Боязид Бистомийга қадар Сиддиқия, Бистомийдан Абдулҳолиқ ал-Ғиждувонийга қадар *тайфурийа*, Ғиждувонийдан Баҳоуддин Нақшбандга қадар *хўжагонийа*, Нақшбанддан Хўжа Убайдуллоҳ Ахрорга қадар *Нақшбандия*, Хўжа Убайдуллоҳ Ахрордан Аҳмад ас-Сирҳиндийга қадар *Нақшбандия-ахрорийа*, «Мужаддиди алфи сони» номи билан машҳур Аҳмад ас-Сирҳиндийдан Шамсиддин Мазҳарга қадар *Нақшбандия-мужаддидийа*, Шамсиддин Мазҳардан Мавлоно Холидий Бағдодийга қадар *Нақшбандия-мазҳарийа*, Холидий Бағдодийдан кейин эса *Нақшбандия-холидийа* дея тилга олинган.

Нақшбандия аҳли сунна эътиқодига амал қилувчи тариқат бўлиб, *хафий зикр*га асосланган. Зоҳиран кўзга ташланадиган хатти-ҳаракатлардан йироқ суҳбат ва робитага кучли эътибор беради. Кўпчилик билан қилинадиган нақшбандий зикрга «Хатми хўжагон» дейилади. Бу зикрда тариқатга кирмаганлар қатнашишлари таъқиқланади. Нақшбандияда тариқатга кирган дарвиш ушбу шартларга амал қилиши шарт: доимо тавбада бўлиш, суннатга қатъий амал қилиш, бидъатлардан қочиш, ҳаётини қулайликлардан воз кечиш, тақвони кучайтириш, зулм ва ноҳақлик қилмаслик, қарздор бўлмаслик, бировни норози қилмаслик, қазо намозларини адо этиш, Аллоҳни ҳар лаҳзада зикр қилиш.

Нақшбандия тариқати қуйидаги тўрт тамойил асосига қурилган: 1) шариат билан *зоҳир*ни поклаш; 2) тариқат билан *ботин*ни поклаш; 3)

ҳақиқат билан *қурби илоҳий*га эришмоқ; 4) *маърифат* билан Аллоҳга эришмоқ.

Бундан ташқари яна ўн бир асос-тамойил ҳам борки, Нақшбандия тариқатига кирган ҳар бир дарвиш унга риоя қилиши талаб қилинади. Абдулҳолиқ ал-Ғиждувоний ишлаб чиққан бу тамойилларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат:

1. *Хуш дар дам* (ҳар нафасда хушёр бўлиш) – ғафлатга тушмаслик, ҳар лаҳза Аллоҳни эслаш; ҳар нафас олиш-чиқариш чоғида Аллоҳни зикр қилиш, агар ғафлатга тушса, истиғфор айтиш;

2. *Назар бар қадам* (қадамга назар солиш) – солиқ қаерда бўлишидан қатъий назар, юраётганида оёқ учига қараб юриши лозим, токи қалб кўзи ва назари бўлмағур манзараларга қарашдан халос бўлсин. Шунда маънавий сафарда рўпара келадиган таҳликалар тезда ошиб ўтилади. У тамойил камтар бўлиш ва мавжуд ҳолатга шукур қилишни ўзида мужассам этади;

3. *Сафар дар ватан* (ватанда, ўз ерида туриб сафар қилиш) – солиқнинг ёмон ахлоқдан яхши хулққа, башарий сифатлардан илоҳий сифатларга йўналиши. Дарвиш бир муршиди комил топгунга қадар жисмонан саёҳат қилишини билдиради. Нақшбандийлар фикрича, сайру сулук чоғида солиқни умидсизликка тушириб, қийинчилик келтириб чиқаргани учун мурид муршиди комил топгач саёҳат қилмаслиги мақсадга мувофиқдир. Бу тамойил сайру сулук мартабаларини босиб ўтишни ўзида мужассам этади;

4. *Хилват дар анжуман* (жамоат ичида туриб яккаланиш) – зоҳирда халқ билан, ботинан Ҳақ билан бирга бўлиш. Солиқ моддий борлиғи билан халққа аралашиб, турли башарий ва ижтимоий фаолиятларда қатнашиб, ҳаёт талаб қилаётган амалларни ижро этаётиб, қалбан доимо Аллоҳнинг ҳузурида эканини бир лаҳза бўлса-да, эсан чиқармаслигидир. Бу ҳол доимий зикр маъносини ҳам билдириб, зикрда эришиладиган энг охирги босқич – мақомдир. Баҳоуддин Нақшбанд Нақшбандиянинг тамалини «хилват дар анжуман» ташкил этишини таъкидлаган. «Хилватда шуҳрат бор, шуҳратда эса офат бор» дея Нақшбандияда хилватга кўп рағбат кўрсатилмайди. Шу боис бу тариқатда суҳбат ва халқ билан аралашиб, уларнинг дардларига шерик бўлиб, Ҳақ розилиғи йўлида халққа хизмат қилиш муҳим ўрин тутди. Нақшбандияда Қуръондаги «Шундай кишилар бордирларки, уларни на тижорат ва на олди-сотди Оллоҳни зикр қилишдан, намозни тўқис адо этишдан ва закотни (ҳақдорларга) ато этишдан машғул қила олмас» (Нур; 24-37) ояти ушбу ҳолга ишора қилади деб таъкидланади;

5. *Ёдкард* (эслаш, зикр этиш) – Аллоҳни ёд этиб, бошқа нарсалардан кўнгилни узиш. Нақшбандияда бу зикрнинг усули қуйидагичадир: мурид ўзини ҳузур ичра шайхининг кўнгли рўпарасида тасаввур қилиб, кўзи – оғзини ёпади, тилини танглайига ёпиштириб, тишларини бир-бирига жипслаб, нафас олмай, хоксорлик билан қалбан «калимаи тавҳид»ни зикр қилади. Бир нафас олиб – чиқаришда уч дафъа зикр этишга уринади ва ҳоказо.

Нақшбандия тариқатининг энг машҳур шаҳобчалари: *аҳрорийя*, *мазҳарийя*, *мужаддидийя* ва *хolidийя*. Мужаддидийанинг асосчиси Аҳмад ас-Сирҳиндий Ибн Арабийнинг *ваҳдат ал-вужуд* фалсафасини танқид қилиб, *ваҳдати аш-шухуд*ни ёқлаб чиққан. Суннийлик ақидасига зид келмайдиган тасаввуфий тушунчага эга бўлган Имом Раббонийнинг энг машҳур асари «Мактубот» туркчага илк бор Мустақимзода Сулаймон Саъдиддин томонидан ўгирилган ва Истамбулда нашр этилган.

### Саволлар

1. Тасаввуфни мохияти.
2. Сўфийликнинг хусусиятлари нималардан иборат?
3. Яссавийлик мохияти.
4. Кубравийлик мохияти.
5. Нақишбандийлик мохияти.

### Фойданиладиган адабиётлар

1. Тулепов А. Ислом ва ақидапараст оқимлар. Тўлдирилган нашр. Масъул муҳаррир Шайх Абдулазиз Мансур. – Тошкент: Шарқ, 2014. – 536 б.
2. Оқилов С. Калом илми. – Тошкент: ТИУ нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2011. – 160 б.
3. Муҳаммад Анвар Бадахшоний. Ақидатут-таховия шарҳининг талхийси. – Тошкент: 2015. – 448 б.
4. Очилдиев О., Раҳимжонов Д., Муҳамедов Н. Ва бошқ. Диншунослик асослари (ўқув қўлланма). – Тошкент: ТИУ нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2013. – 320 б.
5. Мўминов А., Йўлдошхўжаев Ҳ., Раҳимжонов Д., ва бошқ. Диншунослик. – Тошкент: Меҳнат, 2004. – 296 б.
6. Шайх Исмоил Маҳдум. Тошкентдаги Усмон Мусхафининг тарихи. Арабчадан Абдуллоҳ шайх Исмоил Маҳдум ўғли таржимаси. – Т.: Мовароуннаҳр, 1995.
7. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. – Т.: Тошкент ислом

- университети, 2009.
8. Ҳасанов А., Комилов Н., Уватов У., Азимов А., Раҳимжонов Д., Зоҳидов Қ. Ислом тарихи. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2008.
  9. Ҳасанов А.А. Қадимги Арабистон ва илк ислом. Жоҳилия асри. – Т.: Тошкент ислом университети, 2001.
  10. Ҳасанов А.А. Макка ва Мадина тарихи (Қадимги Арабистон тарихидан лавҳалар). – Т.: Меҳнат, 1992.
  11. Абдусамедов А.Э. Динлар тарихи. -Тошкент: ЎзМУ, 2004. -208 б.
  12. Ёлдошхўжаев Х., Раҳимжонов Д., Комилов М. Диншунослик (маърузалар матни). - Тошкент: ТошДШИИ нашриёти, 2000.
  13. Мўминов А. ва бошқ. Диншунослик (дарслик). -Тошкент: «Меҳнат», 2004.
  14. Очилдиев А. ва бошқалар. Диншунослик асослари (ўқув кўлланма). - Тошкент: “Тошкент ислом университети” нашриёт матбаа бирлашмаси, 2013.
  15. [http:// www. religioustoleranje. org/gl d. htm](http://www.religioustoleranje.org/gld.htm)
  16. [http:// www. alreligion. about.com](http://www.alreligion.about.com)
  17. [http://www. islam.ru](http://www.islam.ru)
  18. <http://www.glossarist.com>
  19. [www.infoxs.uz](http://www.infoxs.uz)
  20. [www.turkistonsarkor.uz](http://www.turkistonsarkor.uz)
  21. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)

## **12-мавзу Исломда оила масаласи**

### **Режа:**

1. Ислом таълимотида оила муқаддаслиги.
2. Эр-хотиннинг бир-бирига нисбатан ҳуқуқ ва бурчлари.

### **Таянч иборалар**

*Никоҳ, оила, ришта, иффат, поклик, муҳаббат, шиош.*

### **Ислом таълимотида оила муқаддаслиги**

Оила қондошлик ёки ўзаро никоҳ орқали боғланган инсонлар жамоасидир. Оила бунёд бўлишининг асоси бўлган никоҳ муқаддас ҳисобланади. «Никоҳ» сўзи араб тилида «уйланиш», «қўшилиш», деган маъноларни англатади. Шариат истилоҳида эса, никоҳ эркак билан аёлнинг ўзаро оила бўлиб яшашга келишувидир. Дунёдаги барча динларда оила масаласи, унинг тинч-тотувлиги ҳамда мустаҳкамлигига

алоҳида эътибор берилганини кўриш мумкин.

Ислом никоҳ риштасини инсоний алоқалар ичидаги энг муқаддас риштага айлантиргандир. Чунки, бу ришта Аллоҳнинг амри ила, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатлари ила, мўмин мусулмонларнинг гувоҳлиги ила қуриладиган бир муқаддас алоқадир. Аллоҳ таоло инсон ҳаёти маълум низом асосида, иффат ва поклик асосида, муҳаббат ва севги асосида, ўзаро ишонч ва ҳурмат асосида бўлиши учун никоҳга амр этгандир. Аллоҳ таоло инсон ҳаётини турли тартибсизлик ва келишмовчиликлардан, нопокликлардан ва уларнинг оқибатидан келиб чиқадиган бало-офотлардан сақлаш учун никоҳга амр этган. Аллоҳ таоло никоҳни Ўзининг барча Пайғамбарларининг суннати қилиб қўйган.

### **Эр-хотиннинг бир-бирига нисбатан ҳуқуқ ва бурчлари.**

Талаба иккинчи мавзуни ёритганда қуйидагиларга эътибор қаратиши керак. Хотиннинг эр зиммасидаги ҳақларидан биринчиси эр томонидан унга яхши ва адолатли муомала қилинишидир. Аёлнинг эри зиммасидаги иккинчи ҳаққи бу маҳр ҳаққидир. Эр хотиннинг озорини кўтариши, у ғазабланганида ва жаҳли чиққанида мулоийм бўлиши, унинг хатоларини кечириши керак. Эркак аёлини қизғаниши, унинг орномусини сақлаши керак. Эр хотиннинг ўзига алоҳида жой қилиб бериши, унда эрнинг яқинларидан ҳеч ким бўлмаслиги керак. Эр хотинининг озиқ-овқат ва кийим-бош каби эҳтиёжларини исроф этмай, етарли таъминлаши керак. Эр хотинининг иффатини сақлаши лозим. Хотинини ҳаромдан ҳимоя қилиш эрга вожибдир. Эр хотинини яхши кўрса, жуда ҳурматлаши лозим, ёмон кўрса, зулм қилмаслиги керак.

Хотиннинг эрига нисбатан энг биринчи бурчи, ёхуд эрнинг ўз аёли устидаги энг биринчи ҳаққи бу – аёл кишининг эрига итоаткор бўлишидир. Эрнинг аёли устидаги иккинчи ҳаққи шуки, аёл киши асосий вақтини уйда ўтказиб, фақат эрининг розилиги билангина кўчага чиқиши лозимлигидир. Хотин эрининг ҳаққини ўз ҳаққидан ва ҳамма яқинларининг ҳаққидан ҳам устун қўйиши керак. Хотин уйига эрининг рухсатисиз ҳеч кимни қўймаслиги, эрининг уйдан унинг ижозатисиз бирор нарсани ўзининг яқинларига ҳам бериши керак эмас. Шунингдек, эрнинг аёли устидаги ҳақларидан бири Хотин киши Аллоҳ таоло берган насибага рози бўлиши, эрига инжиқлик қилмаслиги керак. Хотин эрининг дўстига нотанишдек бўлиши лозим. Хотин гўзаллиги билан эрига фахрланмаслиги, эри хунук бўлса, ёмон кўрмаслиги, агар бой бўлса, эри олдида моли билан ғурурланмаслиги керак. Хотин фарзандларига раҳм қилиши, уларни ҳурмат қилиши, фарзандларни

уришиб лаънатлашдан тийилиши лозим.

### **13-мавзу. Халқимиз маънавий юксалишида динларнинг ўрни**

#### **Режа:**

1. “Мусулмон ренессанси” - Шарқ уйғониш даври маънавиятининг хусусиятлари.
2. Мустамлака ва мустабид тузум шароитида ўзбек халқини миллий ва диний қадриятлардан махрум этишга уринишлар.

#### **Таянч иборалар**

*Мусулмон ренессанси, фалак, метафизика, диний билим, қарамлик, мустабид, тил, гурур, миллий онг.*

#### **“Мусулмон ренессанси” - Шарқ уйғониш даври маънавиятининг хусусиятлари.**

Талаба биринчи мавзуни ёритишда қуйидагиларга эътибор қаратиши зурур. Ўрта Осиё табиий илмий тафаккурининг ривожининг бошланиши буюк аллома Аҳмад ал-Фарғоний ва Мусо Муҳаммад ал-Хоразмийларнинг номи билан боғлиқдир. 1998 йилда Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги юртимизда кенг нишонланди. У машҳур фалаккиётшунос олим. Унинг асосий асарлари “Фалақдан бўладиган сабаблар”, “Астролябия фани усуллари”, “Осмон ҳаракатлари ва юлдузлар илми” ва бошқа саналар.

Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий шарқнинг буюк мутафаккир қомусий олимидир. Унинг илми нужум, геодезия, жуғрофия, риёзиёт соҳасидаги хизматлари бекиёсдир. Хоразмий “Синд Ҳинд”, “Зижи Хоразмий”, Қуёш соати ҳақида рисола, “Ернинг шакли ҳақида китоб”, “Муסיқа бўйича рисола”, “Тарих ҳақида” ва бошқа асарларнинг муаллифи.

Шарқ фалсафий ахлоқий фикри ривожини Абу-Наср Фаробийсиз тасаввур қилиш қийин. У Шарқ Аристотели деган унвонга сазовор бўлган. У яратган асарларнинг умумий сони 160 та бўлиб уни икки гуруҳга ажратиш мумкин:

а) қадимги юнон файласуфлари ва табиатшунослари-Аристотель Платон, Галент ва бошқаларнинг илмий меросларини таржима қилиш, шарҳлаш ва ўрганишга бағишланган асарлар.

б) Ўрта аср фанининг табиий, ижтимоий фалсафий соҳаларига оид рисола.

Жумладан ”Аристотельнинг метофизика” асарига изох, “Аристотельнинг этика китобига шарҳ”, “Масалалар манбаи”, “Муסיқа ҳақида сўз”.”Фозил одамлар шаҳри” ва бошқалар.

Фаробий ҳаётнинг олий мақсади бахт-саодатга эришувдан



иборат, кишилар бунга оламни ўрганиш, касб-хунар ва илмиларни ўзлаштириш-маърифатли бўлиш орқали эришади деб қарайди.

Хоразмлик буюк олим Абу Райҳон Беруний (973-1048) жаҳон фани тарихида энг машҳур сиймолар қаторидан жой олган, ўз давридаги деярли ҳамма фанларга катта ҳисса қўшган, машҳур қомусий илм соҳиби, йирик табиатшунос ва файласуфдир. У ўз умри давомида 150 дан ортиқ асарлар яратган. Шулардан энг машҳурлари “Қадимги авлодлардан қолган ёдгорликлар”, “Маъсуд қонуни”, “Ҳиндистон”, “Геодезия”, Минералогия”, “Сайдана” ва бошқалардир. Гарчи Беруний фалсафий-ахлоқий масалаларга оид махсус асар ёзмаган бўлсада, аммо кўпгина асарларида бу масала ҳақида фикрлар баён этган.

Жаҳон маданияти ва маърифатига катта ҳисса қўшган, Шарқ ва Европада “Шайх-ур раис-олимлар бошлиғи” унвонига эга бўлган аллома Абу Али Ибн Сино (980-1037) нинг мероси биз учун бебаҳо хазинадир. У ўз умри давомида 450 дан ортиқ асарлар яратган. Унинг “Тиб қонунлари” номли 5 жилддан иборат китоби асрлар давомида Шарқ ва Европада медицина бўйича асосий қўлланма бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

VI-XII маънавияти ва маърифати ривожига кўринган шоири Юсуф Хос Ҳожиб ҳам катта ўрин тутади. Юсуф Хос Ҳожиб ўзининг ягона достони бўлмиш “Қутадғу билиг” (“Бахтга элтувчи билим”) билан машҳурдир. Бу асар 1069 йилда ёзилган бўлиб, уни шоир Қашқар хоқими Сулаймон Арслон қорахонга бағишлаган. Шу асар учун унга Хос Ҳожиб, яъни буюк хоннинг махсус маслахатчиси унвони берилган. Достон қахрамонлари - хоқим Кунтуғди адолат рамзи, вазир Ойтўлди бахт рамзи сифатида, вазирнинг ўғли Ўғдулмиш ақл рамзи сифатида тасвирланади.

VI-XII асрлар давомида Марказий Осиёда илм, фан, маърифат, маънавият юқори даражада ривожланди.

### **Мустамлака ва мустабид тузум шароитида ўзбек халқини миллий ва диний қадриятлардан маҳрум этишга уринишлар.**

Мавзуни ёритишда талабалар куйидагиларга тўхталади. Россияда Октябрь тўнтаришидан кейин совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида бошқа жумҳуриятларда бўлганидек, Ўзбекистонда ҳам, албатта маданий, маърифий тараққиёт бўлди, табиий ижтимоий фанлар анчагина ўсди, миллий зиёлилар сафи кенгайди, иқтисодда ижтимоий, сиёсий ҳаётда ижобий ўзгаришлар бўлди. Бундан кўз юмиш мумкин эмас. Лекин Ўзбекистон мустақиллигига қадар етмиш тўрт йил ичида маданий-маърифий тараққиётимиз имкониятларидан тўла фойдалана

олмадик. Марказ томонидан юргизилган давлат сиёсати туфайли миллий онгимиз, миллий тилимиз, тарихимиз, урф-одатларимиз ривожланишига йўл бермайдиган ғовлар пайдо бўлди. Агар Чор Россияси бизнинг маънавиятимизни турғунликда, қоқликда тутишига уринган бўлса, большевиклар маҳаллий халқларни ўз миллий маданиятидан буткул бегоналаштириш сиёсатини тутдилар. Ўзбек халқининг маданияти ва маънавиятига, миллий онги ривожланишига тўсқинлик қилиш собиқ Совет жамияти даврида чоризм замонидагидан кўра кучайса-кучайдию, аммо камаймади. Шўро давлати миллий чекка ўлка халқларини эзиш, бойликларини талаш мақсадида чоризм мустамлакачилик сиёсатини ошкора давом эттирди. Шўро тузими миллий бирдамлик, миллий туйғу ривожланиши ва юксалишига миллатчилик деб қаради.

Шўро замонида халқимизнинг минг йиллик тарихи, эътиқоди рад этилди, ўрнига “шахсга сиғиниш” балоси рўбарў бўлди.

Инсонларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясини таъминлашга кўмаклашадиган муқаддас китоб Қуръони Карим, Ҳадиси шариф, Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Шайх Нажмиддин Кубро, Аз-Замахшарий, Баҳоуддин Нақшбанд сингари уламою фузалоларнинг мўътабар асарлари халқдан яширилди, уларга ўт қўйилди, сувларга оқизилди. Қарамлик ва мутелик йилларида содир бўлган бу дахшатли воқеа ва ҳодисалар ўзбек халқининг миллий манавияти муайян даражада таназзулга учрашига сабаб бўлди. Шўро ҳукумати ва тузуми қурила бошлаган дастлабки йиллардаёқ, аввало бутун зиёлилар ва хатто эски ўзбек ёзувини биладиган кишилар ҳам қамоқларга жўнатилди. Кейинчалик эса уйда араб алифбоси ёзувидаги китоб ва қўлёзмаларни сақлаган одамлар қаттиқ тазйиқ остига олинди, хуллас, ўзбек халқининг илғор қисми -зиёлиларга маърифат ҳомийларига жуда катта зарба берилди. Бу қатоғонлик хатти -ҳаракати ўтган 70 йил давомида у ёки бу даражада доимий ва узвий равишда давом этди.

Тил - ҳар бир халқ бир миллатнинг миллий ўзлигини намоён қилишда муҳим воситадир. Собиқ совет ҳукумати ҳукмронлик қилган 70 йилдан кўпроқ вақт давомида миллий чекка халқлар, жумладан ўзбекларнинг миллий тили, тарихи ва маданияти ривожланишига тўсқинлик қилиши учун ишлатилмаган ҳийлаю найранг қолмади. Шахсга сиғиниш йилларида миллатларнинг бир-бирига қўшилиб ягона совет халқига айланиш ҳақида назариялар пайдо бўлди. “Миллий тиллар йўқолади, ягона тил бўлади”, деб “башорат” қилинди”. Бундай сохта назария Сталин томонидан ўртага ташланган эди. 1930 йилдан

бошлаб, қарийиб 60 йил давомида собиқ марказ миллатлар ва миллий тилларни қўшиб юбориш сиёсатини зўр бериб ҳаётга жорий этишга уринди. Байналминаллик байроғи остида миллий тиллар ривожланиши чеклаб қўйилди. Ўзбек тилига нисбатан қилинган ижтимоий адолатсизлик, айниқса, дахшатли тус олди. Бу нарса давлат сиёсати даражасига кўтарилиб амалга оширилди. Унинг луғат таркибига русча байналминал сўзлар синфий равишда тикиштирилди. Натижада оғзаки ва ёзма нутқимиз ортиқ даражада бузилди.

Мустабид тузум сиёсати талаби ва зўравонлиги асосида маънавиятимизнинг муҳим қирраси имломиз кетма-кет уч марта ўзгартирилди. 1929 йилда араб алифбосидан лотин алифбосига ўтилди. Орадан ўн икки йил ўтгач, кирилл алифбоси қабул қилинди. Шу тариқа халқимиз ўзининг 1000-1200 йиллик кўҳна тарихидан, ўтмишидан, маънавий меросидан маҳрум бўлди. Ота-боболаримиздан қолган китоблар, асосан араб ва форс тилларида ёзилган. Имлонинг ўзгартирилиши натижасида ўша китобларни ўқий олмай диган бўлиб қолдик. Яқин ўтмишимизнинг риёкор сиёсати натижасида мўғил босқини келтирилган йўқотишдан ҳам кўра каттароқ маънавий фалокатга учрадик. Бу тарихимизни, маданиятимизни, миллий маънавий меросимизни йўқотишга уринишнинг янгича йўли эди.

Инсофу-диёнатни йўқотган коммунистик мафкура яловбардорлари, араб ва лотин алифбосини йўқотиб мақсадларига эришиб бўлгач, ўзбек халқи “инқилобгача” саводсиз эди, ёзуви ҳам, мактаби ҳам, китоби ҳам, олиму уламолари ҳам бўлган эмас, тили ривожланмаган деган сафсатани бутун дунёга ёйдилар. Бу халқимиз шаънига ағдарилган ғирт тухматдир. Ўлкамиз қадимдан маънавият ва маърифат юксак даражада ривожланган худуд бўлганлиги билан фахрланишимиз лозим.

### **Саволлар**

1. Мусулмон уйғониш даври қачон бошланди?
2. Диний ва илмий билимларни ривожланишига ислом динини таъсири.
3. Марказий Осиёда яшаб ижод этган қайси муҳаддис олимларни биласиз?
4. Русларни Туркистонла олиб борган мустамлакачилик сиёсатининг мохиятини тушунтириб беринг.

### **Фойдаланиладиган адабиётлар.**

1. Исҳоқов М. Халқ даҳосининг қадимги илдизлари ва илк куртаклари. (Зардуштийлик, Зардушт ва Авесто ҳақида) “Тил ва адабиёт таълими” журнали, 1992. № 2.

2. Марказий Осиё динлари тарихи / Масъул муҳаррир – Ш.Ёвқочев. – Т.: Тошкент Давлат шарқшунослик институти, 2006.
3. Абдусамедов А.Э. Динлар тарихи. -Тошкент: ЎзМУ, 2004. -208 б.
4. Йўлдошхўжаев Х., Рахимжонов Д., Комилов М. Диншунослик (маърузалар матни). - Тошкент: ТошДШИ нашриёти, 2000.
5. Мўминов А. ва бошқ. Диншунослик (дарслик). -Тошкент: «Мехнат», 2004.
6. Очилдиев А. ва бошқалар. Диншунослик асослари (ўқув кўлланма). - Тошкент: “Тошкент ислом университети” нашриёт матбаа бирлашмаси, 2013.
7. [http:// www. religioustoleranje. org/gld. htm](http://www.religioustoleranje.org/gld.htm)
8. [http:// www. alreligion. about.com](http://www.alreligion.about.com)
9. <http://www.islam.ru>
10. <http://www.glossarist.com>
11. [www.infoxs.uz](http://www.infoxs.uz)
12. [www.turkistonsarkor.uz](http://www.turkistonsarkor.uz)
13. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)

**14-мавзу. Зардуштийлик дини. Авесто - халқимиз диний, ахлокий, илмий, адабий қарашларини ифода этадиган бебаҳо маънавий мерос.**

**Режа:**

1. Зардуштийлик динини вужудга келиши.
2. Авесто – Зардуштийликни муқаддас китоби.

**Таянч иборалар**

*Зардушт, Авесто, Ахиремазда, Ахриман, остадон, Мазда, Видевдат, Ясна, Виспарт, Яшт.*

**Зардуштийлик динини вужудга келиши.**

Талаба мавзуни ёритишда қуйидагиларга эътибор бериши керак. Зардуштийлик милoddан аввалги VII-VI асрларда Марказий Осиёда юзага келган дин ҳисобланади. Бу диннинг номи Зардушт исмли шахсга нисбат берилади. Бу диннинг номи унинг муқаддас китоби ҳисобланмиш “Авесто”да “Маздаясна” (“Маздага сиғиниш”) деб аталган. “Мазда” сўзи “дониш, донишманд, оқил” каби маъноларда талқин этилади.

Мазкур дин тарқалган халқлар орасида зардуштийлик “беҳдин”, яъни “энг яхши дин” деб улуғланган. Унга кўра, барча эзгу борлик Мазданинг иродаси билан яратилган деб эътиқод қилинган. Мазда сўзи

олдига улуғлаш сўзи “Ахура” кўшилиб, зардуштийликнинг илоҳи – “Ахура Мазда” (Ахурамазда) номи пайдо бўлган. Бу кўшимча сўз “Жаноб Мазда” ёки “Худо Мазда” демакдир.

Зардушт номи манбаларда Заратуштра, Зардуст, Зороастр кўринишларида ҳам ишлатилади. Тадқиқотчилар ўртасида Зардуштнинг тарихда бўлган ёки бўлмаганлиги борасида турли фикрлар мавжуд. Баъзилар уни тарихий шахс деб билсалар, бошқалар афсонавий шахс деб ҳисоблайдилар. Манбаларнинг хабар беришича, у милоддан аввалги, тахминан 570 йилларда туғилган илоҳиётчи, файласуф, шоир бўлган. Зардушт Марказий Осиё худудида мавжуд бўлган кўпхудоликка асосланган қадимий диний тасаввур ва эътиқодларни ислоҳ қилиб, янги динга асос солди.

Зардуштнинг туғилган ва илк диний фаолиятини бошлаган жойи тўғрисида икки фикр мавжуд.

Биринчиси, “Ғарб назарияси” бўлиб, унга кўра Мидия (ҳозирги Эрон худудида) Зардуштнинг ватани ва зардуштийликнинг илк тарқалган жойи ҳисобланади. Бу фикр тарафдорларининг далили – биринчидан зардуштийликнинг қадимий Эрон худудларида кенг тарқалганлиги бўлса, иккинчидан, зардуштийликнинг муқаддас китоби саналмиш “Авесто”га ёзилган шарҳларнинг қадимий эрон-пахлавий тилида бўлганлигидир.

Иккинчиси, “Шарқ назарияси” бўлиб, унга кўра Зардушт ватани ва зардуштийликнинг илк тарқалган жойи Хоразм ҳисобланади. Кўпчилик манбашунослар иккинчи назария тарафдоридирлар. Хоразм биринчи бўлиб зардуштийликнинг муқаддас олови Озархурра ёқилган ва шу динда энг буюк худо ҳисобланган Ахурамазданинг Зардушт билан боғланган жойи ҳисобланади. Зардуштийликнинг асосий манбаси Авестода: “Биринчи бор муқаддас олов “Озархурра” “Эран-веж” (баъзи манбаларда “Айриан веджа”)да ёқилди”, – дейилади.

“Эран-веж”нинг географик ва иқлимий тавсифи Хоразмникига тўғри келади. “Авесто”да Ахурамазда томонидан яратилган “Баракот ва нажот” соҳиби бўлган бир қатор мамлакатлар зикр этилади ва уларнинг энг биринчиси, “дунёда ҳеч нарса чиройига тенг кела олмас Эран-веж”, кейин эса “одамлар ва чорва подаларига мўл” Согд (Суғд), “қудратли ва муқаддас” Моуру (Марв), “Баланд кўтарилган байроқлар мамлакати” Бахди (Бактрия) зикр этилади.

“Авесто”да, шунингдек, Зардушт туғилган ва ўз фаолиятини бошлаган юрт ҳақида ҳам маълумот берилади. Айтилишича, “Бу мамлакатнинг кўп сонли лашкарларини ботир саркардалар

бошқарадилар, баланд тоғлари бор, яйлов ва сувлари билан гўзал, чорвачилик учун барча нарса мухайё, сувга мўл, чуқур кўллари, кенг қирғоқли ва кема юрар дарёлари ўз тўлқиларини Иската (Скифия), Паурута, Моуру (Марв), Харайва (Арея), Гава (суғдлар яшайдиган юрт), Хваризм (Хоразм) мамлакатлари томон элтувчи дарёлари бор”.

Шубҳасиз, “Кенг қирғоқли, кема юрар дарёлар” бу Амударё ва Сирдарё бўлиб, “Авесто”да тасвирланган мазкур шаҳарлар Марказий Осиё шаҳарларининг икки дарё қирғоқларида жойлашганидир.

Шунга асосланиб, биз Зардуштнинг ватани, зардуштийликнинг илк макони ва “Авесто”нинг келиб чиқиш жойи деб Хоразм, тарқалиш йўналиши Хоразм–Марғиёна–Бактрия деб айтиш мумкин.

Зардуштийлик анъаналари Зардуштни Хоразмдан чиққанига далолат қилади. Зардушт тарихий шахс. Унинг биографияси анча оддий. У Спитама уруғининг бой бўлмаган вакили Пурушаспанинг ўғли бўлган. Спитама аъзолари бошқа худолар қаторида Ахура Маздани ҳам тан олишган. Бироқ Зардушт ёшлигидан фақат Ахура Маздага эътиқод қилган. Кейинчалик у ўзини унинг пайғамбари деб эълон қилди. Зардушт ҳам отаси каби бой бўлмаган. Бошида ўз эътиқодини тарғиб этишда муваффақиятсизликка учради. Хусусан, ўн йил ичида у атиги бир неча эргашувчиларга эга бўлди. Гап шундаки, замондошларининг содда онги Ахура Мазда худосининг мавҳум образини қийинчилик билан қабул этарди. Уч минг йил илгариги одамлар учун тош ёки бошқа реал материалларда акс эттирилган худолар тушунарли ва ишончли эди. Зардуштни ўз жамияти аста-секин сиқиб чиқарди. Диннинг янги ғояларини тарғиб этишнинг ноқулай шароити туфайли Зардушт Арйанам Ваедждан кетишга мажбур бўлади. У Сўғд, Маргианани кесиб ўтиб, Бактрия пойтахти Бахдига етиб келади.

Зардуштийлик таълимоти Марказий Осиёда ибтидоий даврда мавжуд табиат кучларини илоҳийлаштирувчи эътиқодларга нисбатан прогрессив, монотеистик таълимотдир. У беҳуда қон тўкувчи қурбонликлар, ҳарбий тўқнашувлар, босқинчилик урушларини қоралаб, ўтроқ, осойишта ҳаёт кечиришга, меҳнатга, деҳқончилик, чорвачилик билан шуғулланишга даъват этади.

Моддий ҳаётни яхшилашга уринишни ёвузликка қарши кураш деб ҳисоблайди. Зардуштийлик динида кўриқ ер очиб, уни боғу роғга айлантирган одам илоҳиёт раҳматига учрайди, аксинча, боғлар, экинзорларни, суғориш иншоатларини бузганлар катта гуноҳга қолади. Зардушт ўз таълимоти билан инсонларга тинч-тотув яшашни, ҳалол меҳнат қилишни ўргатмоқчи бўлади. Бу дин таълимотига кўра,

инсонларнинг бу дунёдаги ҳаётига яраша нариги дунёдаги тақдири белгиланади, ҳар бир инсон ўлгандан сўнг ўзининг бу дунёдаги қилмишига яраша ёки абадий роҳат – жаннатга ёки ёмон ишлари кўп бўлса на хурсандлик ва на хафалик кўрмайдиган аросат жой – мисвонгатуга тушади.

Зардуштийлик таълимотининг асоси – дуализм (иккилик) бўлиб, унга кўра олам қарама-қаршиликлар кураши асосига қурилган. Яхшилик ва ёмонлик, ёруғлик ва қоронғулик, ҳаёт ва ўлим ўртасида абадий кураш давом этади. Барча яхшиликларни Ахурамазда ва барча ёмонликларни Ахриман ифодалайди.

Ахурамазда инсонларга эзгу ишларни баён этиб, уларга амал қилишни буюради, ёмон ишларни баён этиб улардан сақланишга чақиради.

Зардуштийликда имон учта нарсага асосланади: фикрлар софлиги, сўзнинг собитлиги, амалларнинг инсонийлиги. Ҳар бир зардуштий кунига беш марта ювиниб, покланиб, куёшга қараб уни олқишлаб сиғиниши шарт ҳисобланади.

Зардуштийлик ибодатхоналарида доимий равишда олов ёниб туради. Уларда дунёдаги тўрт унсур – сув, олов, ер ва ҳаво улуғланади.

Зардуштийлик дафн маросими ўзига хос бўлиб, ўлганлар бир неча паст, баланд “сукут миноралари” – дахмаларга солинади, у ерда мурдаларнинг гўштларини қушлар еб, суякларини тозалайди. Гўшдан тозаланган суяклар махсус сопол идишлар – “оссуарий”ларга солинади.

Зардуштийлик дини жаҳон миқёсида энг қадимги динлардан бири ҳисобланиб, милоддан аввалги VII-VI асрларда Марказий Осиё, Озарбайжон, Эрон ва Кичик Осиё халқлари унга эътиқод қилганлар. Эронда сосонийлар сулоласи ҳукмронлиги даврида Зардуштийлик расмий давлат динига айланган. Бу даврда унинг муқаддас китоби Авесто руҳонийлар томонидан қайта йиғилиб, китоб шаклига келтирилган. Айрим, айниқса, “Видевдот” қисмига ўзгартиришлар киритилиб, қайта ишланган.

VII-VIII асрларда Марказий Осиёга ислом дини келиб, кенг тарқалгунига қадар зардуштийлик маҳаллий халқларнинг асосий дини ҳисобланган.

Ҳозирги кунда дунё миқёсида зардуштийлик эътиқоди диний жамоалари камайиб кетган. Улар ҳиндистоннинг Мумбай, Гужарот штатларида ва Эроннинг баъзи чекка вилоятларида сақланиб қолганлар.

#### **Авесто – Зардуштийликни муқаддас китоби.**

Талаба мавзуни ёритишда аввало “Авесто” зардуштийликнинг

асосий манбаси ва муқаддас китоби ҳисобланганишига тўхталади. У Апастак, Овисто, Овусто, Абисто, Авасто каби шаклларда ҳам ишлатиб келинган. “Авесто” Марказий Осиё, Эрон, Озарбайжон халқларининг исломгача даврдаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, диний қарашлари, олам тўғрисидаги тасаввурлари, урф-одатлари, маънавий маданиятини ўрганишда муҳим ва ягона манбадир. Унинг таркибидаги материаллар қарийб икки минг йил давомида вужудга келиб, авлоддан-авлодга оғзаки равишда узатилиб келинган.

Зардуштийлик дини расмий тус олгунига қадар “Авесто”нинг бўлаклари Турон ва Эрон замини халқлари орасида тарқалган. Ушбу Ахурамазданинг Зардушт орқали юборилган илоҳий хабарлари деб ҳисобланган бўлақлар турли диний дуолар, мадҳиялар сифатида йиғила бошлаган. Булар Зардуштнинг вафотидан кейин китоб ҳолида жамланган ва “Авесто” – “Ўрнатилган, қатъий қилиб белгиланган қонун-қоидалар” деб ном олган.

Мазкур қадимий ёзма манба бизгача тўлиқ етиб келмаган. “Авесто” ҳақида буюк олим Абу Райҳон Беруний шундай ёзади: “Йилнома китобларида бундай дейилган: подшоҳ Доро ибн Доро хазинасида (Абистонинг) ўн икки минг қорамол терисига тилло билан битилган бир нусхаси бор эди. Искандар оташхонларни вайрон қилиб, уларда хизмат этувчиларни ўлдирган вақтда уни куйдириб юборди. Шунинг учун ўша вақтда Абистонинг бешдан учи йўқолиб кетди”.

“Авесто”нинг Александр Македонский томонидан Грецияга олиб кетилгани, зарур жойларини таржима эттириб, қолганини куйдиртириб юборгани, ўн икки минг қорамол терисидаги тилло матн ҳақида кейинги даврларда яратилган зардуштийлик адабиётида (“Бундаҳишн”, “Шаҳриҳои Эрон”, “Денкард” (IX а), “Арда Вираф-намак” (IXа) “Тансар хатлари” (VI) “Муруж аз-заҳаб”, “Форснома” ва бошқаларда) маълумотлар бор. Бу асарларда юнонликлар оташхоналарни вайрон қилганлари, ибодатхоналар бойликларини талон-тарож этганлари, дин арбобларини ўлдириб, асир олиб кетганликлари ҳақида ёзилади. Ҳозир бизгача етиб келган “Авесто”, Берунийнинг ёзишича, аслининг бешдан икки қисми холос. У “Авесто ўттиз “наск” эди, мажусийлар кўлида ўн икки наск чамаси қолди” деб ёзган.

Ёзма манбаларга кўра, ҳақиқатан ҳам Авесто *мўбадлар* (зардуштий руҳонийлари) томонидан авлоддан-авлодга, оғиздан-оғизга ўтиб, асрлар оша яширин сақланган. Даставвал (I ёки II асрларда), Аршакийлар даврида “Авесто” қисмларини тўплаш бошланган. Кейинчалик Сосонийлар даврида, Ардашер Папакан (227-243) даврида, айниқса,



Шопур (243-273) даврида астрология, табобат, риёзиёт ва фалсафага оид қисмлари ёзиб олинди, ҳамма қисмлари тартибга келтирилган, сўнг бу асосий матн тўлдириб борилган. “Авесто”нинг ана шу тўлдирилган нусхасининг икки тўлиқ қўлёзмаси ҳиндистонда сақланади – бири Мумбайда, зардуштийларнинг маданий маркази бўлмиш Кома номидаги институтда, иккинчиси Калькуттадаги давлат кутубхонасида.

“Авесто”нинг сақланиб қолган тўртта китобидан биринчисининг номи “*Видевдат*” (девларга қарши қонун) деб аталади. Ушбу китоб “Авесто”нинг сақланиб қолган китоблари орасида энг мукаммали ҳисобланади. У йигирма икки боб бўлиб, боблари “*Фрагард*” деб номланган. Фрагардаларнинг маъноси, вазифаси, услубий тузилиши турлича: биринчи фрагард – одамлар яшайдиган барча юртларни Ахура Мазда қандай яратгани тўғрисида бўлиб, улар орасида Хоразм, Сўғд, Марғиёна, Бахди (Балх) ва бошқалар бор; иккинчи фрагардда Жамшид подшолиги – касаллик, ўлим, азоб-уқубатлар бўлмаган замон ҳақида, яъни инсониятнинг олтин асри ҳақида гап боради; учинчи фрагард деҳқончиликнинг савобли шарофатлари ҳақида ва ҳ.к. Шунингдек, видеватнинг бошқа фрагардларидан Зардушт билан Ахурамазданинг савол-жавоблари ва мулоқотлари ҳам ўрин олган.

Иккинчи китоб “*Ясна*” деб аталиб, Авестонинг эътиборли бўлими саналади. Ясна – яз ўзагидан бўлиб, “сажда, топинч, ибодат” маъноларини ифодалайди. Ясна етмиш икки бобдан иборат бўлган. Боблари “ҳа”, “ҳаитий” деб аталган. “Ҳа” башорат демакдир. Ҳар бир “ҳа” зарур ўрнига қараб маросимларда, ибодатларда қоҳинлар томонидан ўқилган, қавмлар унга эргашиб ибодат қилганлар. Ясна китоби таркибига Зардушт ўзи ижод қилган тарғибот шеърлари ҳам кирган. Улар Яснанинг 17 та “ҳа”сини ташкил қилади. Зардушт шеърлари илмий адабиётда “гат”лар деб атаб келинади. Зардуштийлик урф-одатлари орасида оловга эътиқод қилиш, диннинг эса “оташпарастлик” деб аталиши шунга боғлиқ. Бинобарин, олов Ахурамазда нурунинг қуёшда намоёнлиги ва унинг ердаги зарраси деб ҳисобланган. Олий ҳақиқат Арта ҳам оловда ўз ифодасини топган. Олов ҳақни ноҳақдан, энг олий гуноҳ ҳисобланмиш ёлғонни ростдан ажратиб берган. Ёлғон эса, чин эътиқодга хиёнат деб қораланган. Арта сўзи фонетик ўзгариб, дастлаб Атар, ҳозир эса оташ шаклида ишлатилиб келмоқда.

Учинчи китоб “*Виспарт*” деб номланган. У йигирма тўрт бобдан ташкил топган ва ҳар бир боб алоҳида “карде” деб аталиб, маъбудлар шаънига ўқилган дуолар ва ибодат устида уларга мурожаатлар ҳамда

оламни билишга доир панд-насихатлардан иборатдир. Уни ибодат намозлари йиғиндиси ҳам дейишади. Аини пайтда у “Ясна”га қўшимча ҳисобланади.

Тўртинчи китоб “*Яшт*” деб аталади. У “Авесто”нинг энг қадимий қатлами бўлиб, йигирма икки бобдан иборат. Ҳар бир боб Ахура Маздадан бошлаб, у яратган ва унинг маълум вазифаларини бажарувчи маъбудлар шаънига айтилган мадҳиялардан иборат.

“Авесто” ҳақида энг муҳим манба IX асрга оид “Денкард” (дин амаллари) асаридир. Унда Авестонинг йигирма бир китоби тўла таърифлаб берилган. Бу таърифлар савобли ишлар йўриқномаси, диний маросимлар ва расм-русмлар қоидаси, зардуштийлик таълимоти асослари, дунёнинг Ахурамазда томонидан яратилиши, охират куни ва ундаги ҳисоб-китоб, фалакиёт, ижтимоий-ҳуқуқий қонун-қоидалар, Зардуштнинг туғилиши ва болалиги, ҳақ йўлини тутиш, жамият аъзоларининг ҳақ-ҳуқуқлари, девлар, жинлар каби ёвуз кучларга қарши ўқиладиган дуолар, амаллар ва бошқалардан иборатдир.

### **Саволлар**

1. Зардуштийлик қачон ва қаерда вужудга келган?
2. Зардуштийлик асосчиси ким?
3. Зардуштийлик муқаддас манбаси қайси ва у ҳақида нима-ларни биласиз?

### **Фойдаланиладиган адабиётлар**

1. Авесто “Видевдат” китоби / М.М.Исҳоқов таржимаси. – Т.: ТошДШИ нашриёти. – 96 б.
2. Авесто “Яшт” китоби / М.Исҳоқов таржимаси. – Т.: Шарқ, 2001. – 124 б.\
3. “Авесто” китоби – тарихимиз ва маънавиятимизнинг илк ёзма манбаи” мавзудаги илмий-амалий семинар материаллари. – Тошкент, 2000.
4. Аширов А. “Авесто”да мерос маросимлари. – Т., 2001.
5. Исҳоқов М. Халқ даҳосининг қадимги илдизлари ва илк куртаклари. (Зардуштийлик, Зардушт ва Авесто ҳақида) “Тил ва адабиёт таълими” журнали, 1992. № 2.
6. Марказий Осиё динлари тарихи / Масъул муҳаррир – Ш.Ёвқочев. – Т.: Тошкент Давлат шарқшунослик институти, 2006.
7. Маҳмудов Т. “Авесто” ҳақида. – Тошкент, 2000.
8. Абдусамедов А.Э. Динлар тарихи. -Тошкент: ЎзМУ, 2004. -208 б.
9. Йўлдошхўжаев Х., Раҳимжонов Д., Комилов М. Диншунослик (маърузалар матни). - Тошкент: ТошДШИ нашриёти, 2000.

10. Мўминов А. ва бошқ. Диншунослик (дарслик). -Тошкент: «Мехнат», 2004.
11. Очилдиев А. ва бошқалар. Диншунослик асослари (ўқув кўлланма). - Тошкент: “Тошкент ислом университети” нашриёт матбаа бирлашмаси, 2013.
- 12.[http:// www. religioustoleranje. org/gl d. htm](http://www.religioustoleranje.org/gld.htm)
- 13.[http:// www. alreligion. about.com](http://www.alreligion.about.com)
- 14.[http://www. islam.ru](http://www.islam.ru)
- 15.<http://www.glossarist.com>
- 16.[www.infoxs.uz](http://www.infoxs.uz)
- 17.[www.turkistonsarkor.uz](http://www.turkistonsarkor.uz)
- 18.[www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)

## **15-мавзу Ўзбекистонда виждон эркинлиги**

### **Режа:**

1. Виждон эркинлиги тушунчаси.
2. Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган диний конфессия ва ташкилотлар.
3. Миссионерлик ва прозелитизм хавфининг бартараф этилиши.

### **Таянч иборалар**

*Эътиқод, дин, давлат, диний ташкилот, виждон эркинлиги, конфессия, ЮНЭСКО, БМТ.*

### **Виждон эркинлиги тушунчаси.**

Виждон эркинлиги тушунчаси қандай маънони билдиради? Виждон эркинлиги кишининг бирор динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқидир. Шунинг учун бу муаммо ижтимоий ҳаётда тарихан муҳим ва мураккаб масала бўлиб келган. Виждон эркинлиги ҳуқуқи кишиларнинг динга бўлган муносабатидан ташқари шахсининг демократик, адолатпарварлик ва инсонпарварлик каби катта ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий ва ахлоқий тушунчаларни ҳам қамраб олади.

Талаба биринчи мавзуни ёритишда Виждон эркинлиги кишиларнинг руҳий оламига, унинг соғлом ва баркамоллигига бевосита таъсир кўрсатишини англаб олмоғи лозим. Шунинг учун ҳам бу масаланинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва бажарадиган вазифалари ғоят муҳимдир. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Уставидан тортиб, барча халқлар хужжат ва шартномаларда, ҳамма мамлакатларнинг конституция ва қонунларида виждон эркинлиги масаласи ўз ифодасини топган. 1948 йилда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумий

декларациясига мувофиқ ҳар бир инсон фикрлаш, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқига эга. Бу ҳуқуқ ўз дини ёки эътиқодини ўзгартириш эркинлигини, ўз дини ёки эътиқодига ўзича, шунингдек бошқалар билан биргаликда амал қилиш кафолатини, ибодат қилишда ва диний маросимларда яқка тартибда ва одамлар орасида бирга қатнашиш эркинлигини ўз ичига олади.

Виждон эркинлиги қандайдир бир мавҳум тушунча эмас, у албатта маълум ижтимоий вазиятда намоён бўлади. Шунинг учун уни конкрет тарихий, ижтимоий шароитсиз, объектив ва субъектив омилларсиз тасаввур қилиш қийин. Бундан ташқари “виждон эркинлиги” тушунчасини илмий талқин қилишда албатта миллий, мафкуравий, маданий ва синфий омилларни ҳам назарда тутиш керак.

Виждон эркинлиги динга ишонувчиларни мажбуран ўз эътиқодларидан қайтариб, динни маъмурий тарзда тақиқлаб қўйишнинг ҳар қандай назарий ва амалий кўринишларига чек қўяди. Шунингдек, у жамиятдаги барча конфессиялар, яъни динлар, черков ва диний бирлашмалар, турли динларга эътиқод қилувчи кишиларни тенг ҳуқуқли деб билади, бирон бир динни имтиёзли, бошқа динлардан устун қилиб қўймайди. Шу билан бирга жамиятда илмий дунёқарашнинг қарор топишини виждон эркинлигининг амалда намоён бўлиш белгиларидан бири деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида бу масалалар ўз эчимини топган ва у дунёдаги ривожланган мамлакатлардаги ҳуқуқий-меъёрий талабларга тўла жавоб беради. Ҳар қандай динга эътиқод қилувчи ва ҳеч қандай динга эътиқод қилмайдиган кишилар учун бир хилдаги шартлар қўйилишини таъминловчи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида, жумладан, шундай дейилади:

*“Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиши ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди”<sup>2</sup>.*

Мазкур қоидада дунёвий давлатнинг динга бўлган муносабатини ифодаладиган асосий тамойиллар ўз ифодасини топган:

- диндорларнинг диний туйғуларини ҳурмат қилиш;
- диний эътиқодларни фуқароларнинг ёки улар уюшмаларининг хусусий иши деб тан олиш;
- диний қарашларга амал қилувчи фуқароларнинг ҳам, уларга амал қилмайдиган фуқароларнинг ҳам ҳуқуқларини тенг кафолатлаш

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2003. – Б. 8.

ҳамда уларни таъқиб қилишга йўл қўймаслик;

- маънавий тикланиш, умуминсоний ахлоқий кадриятларни қарор топтириш ишида турли диний уюшмаларнинг имкониятларидан фойдаланиш учун улар билан мулоқот қилиш йўллари излаш зарурати;

- диндан бузғунчилик мақсадларида фойдаланишга йўл қўйиб бўлмаслигини эътироф этиш<sup>3</sup>.

Давлатнинг динга муносабатидаги асосий хусусияти – бу диннинг сиёсатга аралашмаслиги. Зеро, ҳар қандай дин, биринчи ўринда маънавий-ахлоқий жиҳатни ўз ичига олади.

### **Ўзбекистонда фаолият кўрсатувчи диний ташкилотлар.**

Тарихдан маълумки, ҳар қандай давлатнинг барқарорлиги ундаги халқлар, миллат ва элатларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари фақатгина қонуний ҳужжатларда белгиланишига эмас, балки уларнинг амалда қай даражада ўз тасдиғини топишига ҳам боғлиқдир. Шу нуқти назардан қараганда, мамлакатимизда фуқароларнинг виждон эркинлиги билан боғлиқ ҳуқуқлари нафақат қонунан мустаҳкамлаб қўйилганини, балки амалиётда ҳам ушбу Қонундан келиб чиқувчи тамойилларга қатъий риоя қилинаётганини ҳаётий далиллар ҳам кўрсатмоқда.

Талаба иккинчи мавзуни ёритишда мамлакатимизда диний ташкилотлар ҳеч қандай тазйиқларсиз, чеклашларсиз, эмин-эркин фаолият кўрсатишлари учун барча шароитлар яратилганини таъкидлаши лозим. Шу билан бирга, диний ташкилотларнинг сони ўсганини ҳам қайд этиш зарур.

Хусусан, 1990 йилда республикаимизда 119 та диний ташкилот (89 та исломий ва 30 та ноисломий) мавжуд бўлган бўлса, 1991 йилда 179 тага (146 исломий ва 33 ноисломий) этди, 2007 йилнинг январига келиб эса, уларнинг сони 2227 тани (2046 та исломий, 181 та ноисломий) ташкил этди. Улардан энг йириги Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Рус Православ черковининг Тошкент ва Ўрта Осиё Эпархияси, Эвангел христиан-баптистлар черкови, Рим-католик черкови, Тўлик Инжил христианлари черкови, Ўзбекистон Библия жамияти. Шунингдек, 1987 та масжид, 163 та христиан черкови, 8 та яҳудий синагогалари, 6 та Баҳойлар жамоаси, 1 та Кришнани англаш жамияти, 1 та Будда ибодатхонасида фуқаролар эмин-еркин ибодат қилишлари учун барча шароитлар яратилган.

Мустақилликкача бор-йўғи иккита исломий диний ўқув юрти

---

<sup>3</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – Б. 43-44.

(Тошкент ислом институти ва «Мир Араб» мадрасаси) бўлган бўлса, ўтган йиллар давомида уларнинг сони 11 тага этди. Бошқача айтганда, Имом ал-Бухорий номидаги Тошкент ислом институти, Бухородаги «Мир Араб», Тошкентдаги «Кўкалдош», Қорақалпоғистондаги «Беруний», Намангандаги «Мулла Қирғиз», Хоразмдаги «Фахриддин ар-Розий», Андижондаги «Сайид Муҳйиддин Махдум», Қашқадарёдаги «Хожа Бухорий», Тошкентдаги «Хадичаи Кубро» ва Бухородаги «Жўйбори Калон» хотин-қизлар ўрта махсус ислом билим юртлари ва Имом ал-Бухорий номидаги ҳадис илми марказидан иборат яхлит диний таълим тизими яратилди.

2000–2001 ўқув йилидан бошлаб диний таълим муассасаларида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Касб-хунар таълим марказининг Давлат таълими стандартлари бўлими билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган таълим стандартлари ва ўқув режаси асосида ўқитиш жорий қилинди. Содда қилиб айтганда, ўқув юртларида диний ва дунёвий таълимнинг узвийлиги таъминланди.

2000 йилдан бошлаб Тошкент ислом институти ва ўрта махсус ислом билим юртлари битирувчиларини Ўзбекистон мусулмонлари идораси йўлланмаси билан режали равишда республикада фаолият кўрсатаётган масжидларга ишга тақсимлаш ва 2001 йил январ ойидан бошлаб, илк марта диний билим юртлари талабаларига стипендия бериш жорий қилинди.

Юқоридаги каби ўзгаришларни бошқа конфессиялар мисолида ҳам кўриш мумкин. Хусусан, 1998 йилдан Тошкент Православ ҳамда Самарқанд Протестант семинариялари фаолият кўрсата бошлади, Рус православ черкови Тошкент ва Ўрта Осиё епархиясининг 125 йиллиги ва Эвангел-Лютеран жамоасининг 100 йиллиги нишонланди.

### **Миссионерлик ва прозелитизм хавфининг бартараф этилиши.**

Талаба учинчи мавзуни ёритишда Ўзбекистонда мустақилликнинг илк йиллариданоқ миссионерлик ва прозелитизмнинг салбий оқибатларга олиб келишини ҳисобга олган ҳолда бу борада тегишли қонуний асослар ишлаб чиқилганлигига тўхталади. Қонунларда миссионерлик ҳаракатлари тақиқланди.

Маълумки, «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонун (янги таҳрири) кишиларнинг виждон эркинлигини ҳуқуқий кафолатлаш билан бирга диний ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштиришга хизмат қиладиган ҳамда давлат ва дин муносабатларини тартибга соладиган муҳим ҳужжат ҳисобланади. Қонунга биноан «Бир диний конфессиядаги диндорларни бошқасига

киритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар (прозелитизм), шунингдек бошқа ҳар қандай миссионерлик фаолияти ман этилади. Ушбу қонуннинг бузилишига айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка тортиладилар» (5-модда, 3-банд).

Мазкур моддадан келиб чиқиб, «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси»га ноқонуний диний хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш билан боғлиқ бир қатор моддалар киритилган. Жумладан:

- диний мазмундаги материалларни тарқатиш мақсадида қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ёки тарқатиш;
- диний йиғилишлар, кўча юришлари ва бошқа диний маросимлар ўтказиш қоидаларини бузиш;
- Ўзбекистон Республикасида ғайриқонуний нодавлат ноижорат ташкилотлари, оқимлар, секталар фаолиятида қатнашишга ундаш;
- нолегал диний фаолият билан шуғулланиш;
- диний ташкилотлар раҳбарларининг мазкур ташкилотлар уставини рўйхатдан ўтказишдан бош тортиши;
- диндорлар ва диний ташкилотлар аъзолари томонидан болалар ва ўсмирларнинг махсус йиғилишлари, шунингдек диний маросимга алоқаси бўлмаган меҳнат, адабиёт ва бошқа хилдаги тўғараклар ҳамда гуруҳларни ташкил этиш ва ўтказиш;
- бир конфессияга мансуб диндорларни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар (прозелитизм) ва бошқа миссионерлик фаолияти;
- махсус диний маълумоти бўлмай туриб ва диний ташкилот бошқаруви марказий органининг рухсатсиз диний таълимотдан сабоқ бериш, худди шунингдек хусусий тартибда диний таълимотдан сабоқ бериш билан боғлиқ ҳаракатлар содир этилганда белгиланган энг кам иш ҳақининг тегишли миқдоридаги жарима солинишига ёки белгиланган муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлиши ҳақидаги қоидалар мустаҳкамлаб қўйилганини таъкидлаш зарур.

Амалдаги қонунчилигимизга кўра, муайян ҳолларда биринчи марта қонунни бузган шахс ёки ташкилотга маъмурий жазо қўлланилади. Агарда ўша шахс ёки ташкилот шундан кейин ҳам қонунни бузишда давом эца, унга энди жиноят кодексидаги чоралар қўлланилади. Масалан, «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси» нормаларига кўра, «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси»нинг юқорида қайд этилган

бандларидаги ҳаракатлар маъмурий жазо қўллангандан кейин яна содир этилса, бу «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси»да белгиланганидан кўра оғирроқ жазолар қўлланишига олиб келади.

Шу билан бирга, «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси»да «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси»да назарда тутилмаган бир қатор ҳаракатлар учун ҳам жазолар белгиланганини қайд этиш зарур. Жумладан:

- вояга этмаган болаларни диний ташкилотларга жалб этиш;
- вояга этмаган болаларни уларнинг ихтиёрига, ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ихтиёрига зид тарзда динга ўқитиш;
- диндорлардан мажбурий йиғим ундириш ва солиқ олиш;
- диний таълим олишда ҳамда фуқаро динга нисбатан, динга эътиқод қилиш ёки эътиқод қилмасликка нисбатан, ибодат қилишда, диний расм-русумлар ва маросимларда қатнашиш ёки қатнашмасликка нисбатан ўз муносабатини белгилаётган пайтда мажбурлаш билан боғлиқ диний фаолият юритиш;
- ғайриқонуний жамоат бирлашмалари ёки диний ташкилотларни қонунга хилоф равишда тузиш ёки уларнинг фаолиятини тиклаш;
- ғайриқонуний жамоат бирлашмалари ёки ташкилотлари фаолиятида фаол қатнашиш билан боғлиқ ҳаракатлар белгиланган энг кам иш ҳақининг тегишли миқдорида жарима солинишига ёки белгиланган муддатга ахлоқ тузатиш ишлари, ёки қамоқ ёхуд озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши белгилаб қўйилган.

Мамлакатимизда миссионерлик ва прозелитизмнинг олдини олиш, айниқса ёшларни бундай зарарли оқимлар домига тушиб қолишларининг олдини олиш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширишни тақозо қилмоқда. Бу вазифани муваффақиятли ҳал этишда ёш авлодни ҳозирги даврда мамлакатимизда дин соҳасида содир бўлаётган ўзгаришлар, яратилган имкониятлар билан мунтазам асосда таништириб бориш муҳим аҳамиятга эга.

Шу билан бирга, қизиқишлари, билим даражаларини инобатга олган ва дифференциал ёндашган ҳолда ёшларнинг дин, шу жумладан, халқимиз асрлар давомида эътиқод қилиб келган ислом дини ҳақидаги билимларни ва миллий-диний анъаналар асосларини соғлом асосда эгаллашларига кўмаклашиш ҳам бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда. Бундай билимлар объектив бўлиши, воқеликни тўғри ва тўлиқ акс эттириши ва ўз моҳиятига кўра, Ватан ва миллат манфаатлари билан узвий боғлиқ бўлмоғи керак.



Ёшларимизнинг миссионерликнинг моҳияти ҳақида холис ва этарли билимга эга бўлишлари унга қарши иммунитетни шакллантиришнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади.

Таҳлиллар ҳеч бир минтақа, ҳеч бир давлат бундай таҳдиддан холи эмаслигини кўрсатади. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун эса миссионерликнинг моҳиятини тўғри ва чуқурроқ англаш, уни бартараф этиш йўлида мақсадли, тизимли ва тадрижий фаолият олиб бориш зарур бўлади. Эгалланган билимлар қанчалик холис ва чуқур бўлса, унинг замирида юзага келадиган баҳолар, қадриятлар ҳам шунчалик мустаҳкам бўлади. Шаклланган қадриятлар тизими эса турли таҳдидларнинг олдини олишга хизмат қилади.

### **Саволлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида диний эътиқод эркинлигига қандай муносабат билдирилган?
2. “Диний ташкилотлар” деганда нималар назарда тутилади?
3. Диний ташкилотларни ташкил этиш, давлат рўйхатидан ўтказиш ёки фаолиятини тугатиш Ўзбекистон Республикасининг қайси қонун ҳужжатида асосан олиб борилади?
4. Турли конфессиялар орасида низо чиқмаслиги учун давлат қандай тадбирларни қўллайди?

### **Фойдаланиладиган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2017.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008
3. Гуннар Скирбекк, Нилс Гилё. Фалсафа тарихи. –Т.: Шарқ, 2002.
4. Ислом зиёси ўзбегим сиймосида. – Т: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2005.
5. Мен А. История религии. – М.: 1994.
6. Петер Антерс. Религии современности. История и вера. –М.: Прогресс-Традиция, 2001.
7. Радугин А.А. Введение в религиоведение: теория, история и современные религии. – М.: 1996.
8. Миссионерлик: кеча ва бугун. - Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2008. - 64 б.
9. Шермухаммедов К., Каримов Ж., Нажмиддинов Ж. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари. – Тошкент: «Мовароуннахр» нашриёти, 2016. – 224 б.
10. Миссионерлик: моҳият, мақсадлар, оқибатлар ва олдини олиш йўллари. - Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-

- матбаа бирлашмаси, 2017. - 200 б. (А.Ачилдиев билан ҳаммуаллифликда).
11. Абдусамедов А.Э. Динлар тарихи. -Тошкент: ЎзМУ, 2004. -208 б.
  12. Йўлдошхўжаев Х., Рахимжонов Д., Комилов М. Диншунослик (маърузалар матни). - Тошкент: ТошДШИ нашриёти, 2000.
  13. Мўминов А. ва бошқ. Диншунослик (дарслик). -Тошкент: «Мехнат», 2004.
  14. Очилдиев А. ва бошкалар. Диншунослик асослари (ўқув кўлланма). - Тошкент: “Тошкент ислом университети” нашриёт матбаа бирлашмаси, 2013.
  15. [http:// www. religioustoleranje. org/gl d. htm](http://www.religioustoleranje.org/gld.htm)
  16. [http:// www. alreligion. about.com](http://www.alreligion.about.com)
  17. [http://www. islam.ru](http://www.islam.ru)
  18. <http://www.glossarist.com>
  19. [www.infoxs.uz](http://www.infoxs.uz)
  20. [www.turkistonsarkor.uz](http://www.turkistonsarkor.uz)
  21. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)

## 16-мавзу Динийлик ва дунёвийлик муаммоси

### Режа:

1. Ўзбекистонда давлат ва дин муносабатлари.
2. Дунёвийлик ва динийлик уйғунлигини таъминлаш.

### Таянч тушунчалар:

*Виждон эркинлиги, эътиқод, диний давлат, дунёвий давлат, диний муносабат.*

### Дин ва давлат муносабатлари.

Талаба мавзуни ёритишда қуйидагиларга эътибор қаратиши керак. Мустақиллик ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида, жумладан, маънавий ҳаётдаги янгиланиш жараёни ва туб ўзгаришлар даврини бошлаб берди. Динга бўлган муносабат ижобий томонга ўзгарди: собиқ совет тизимининг динга атеистик ҳужумкорлик сиёсатиға барҳам берилди, виждон эркинлиги қонун орқали қафолатланди.

Дин кишиларни ҳамиша яхшиликка, эзгу ишларга чорлаб келган. Жумладан, ота-боболаримизнинг муқаддас эътиқоди бўлган ислом дини ҳам юксак инсоний фазилатларнинг шаклланишиға хизмат қилган. У туфайли халқимиз минг йиллар мобайнида бой маънавияти ва мероси, ўзлигини омон сақлаб келди.

Ўзбекистон Республикаси жаҳон ҳамжамиятиға кириб бораётган бир шароитда турли конфессия вакиллари билан мулоқот қилишнинг юксак маданиятиға эришиш катта аҳамият касб этади. Ўзбек халқининг илғор маданий ва маънавий меросини тиклаш ва янги шароитда янада ривожлантириш, бу ҳудуддаги илк замондан ҳозиргача мавжуд динларнинг тарихи, ҳаётий тажрибаси тадрижий тараққиётини ўрганиш ватан тарихини чуқурроқ тушуниб этиш, уни севиш ва у билан фахрланиш ҳис-туйғуларини шакллантиришға хизмат қилади. Дин ва Қонун ўзаро муносабатларини билиш республикада демократик ҳуқуқий жамият қуриш пойдеворини мустаҳкамлашға хизмат қилади.

Дин ва дунёвий давлат орасидаги муносабат ҳақида гап кетар экан, унинг асосида энг аввало диннинг давлатдан ажратилиши тамойили ётишини таъкидлаш зарур. Бу ҳақда Конституциямизнинг 61-моддасида шундай дейилади: *“Диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятиға аралашмайди”*<sup>4</sup>.

Мазкур моддада муҳим аҳамиятға эга қоидалар мустаҳкам қўйилган. Биринчидан, диний ташкилотлар қайси конфессияға

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2003. – Б. 13.

тааллуқлилигидан қатъи назар, бир хил ҳуқуқий майдонда фаолият олиб борадилар. Бугунги кунда республикамизда 15 та ноисломий конфессияга мансуб 186 та ташкилот эмин-еркин фаолият олиб бораётгани ҳам бунинг амалий ифодасидир. Иккинчидан, диний бирлашмалар фаолиятини ташкил этиш уларнинг ички иши ҳисобланади ва давлат назоратидан холидир.

Шу билан бирга, диний ташкилотлар давлатдан ажратилган бўлса-да, бу диннинг жамиятдан ажратилганини англамаслигини таъкидлаш зарур. Зеро, бирор динга эътиқод қилувчи фуқаролар ҳам жамиятнинг таркибий қисми ва шу сабабли дин фуқаролик жамиятида ўз мавқеига эга бўлади.

Давлатнинг динга бўлган муносабатини ифодаловчи яна бир тамойил шундан иборатки, давлат динни халқ маънавиятининг узвий қисми сифатида тан олади. Шундан келиб чиқиб, унинг ривожини учун тегишли шарт-шароит яратишга ҳаракат қилади.

И.А.Каримовнинг Олий Мажлиснинг ўн тўртинчи сессиясида сўзлаган нутқида бу тамойил ўзининг ёрқин ифодасини топган: “Мамлакатимизни демократик тамойиллар, илм-фан ютуқлари, юксак технологиялар асосида модернизация қилиш билан бирга, муқаддас динимизни, миллий ўзлигимизни асраб-авайлаб яшашни мақсад қилиб қўйганмиз”<sup>5</sup>. Бу фикрлар ҳаётий воқеликка айланмоқда.

#### **Дунёвийлик ва динийлик уйғунлигини таъминлаш.**

Талаба мавзуни ёритишда қуйидагиларга эътибор қаратади.. Дунёвий давлатнинг динга бўлган муносабатида диндорларнинг ҳуқуқий мақоми ва давлат томонидан ўтказилаётган тадбирларда диний конфессиялар ҳақидаги қонунларнинг ҳаётга татбиқ этилишидек икки муҳим жиҳат ҳам бор.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида бу масалалар ўз эчимини топган ва у дунёдаги ривожланган мамлакатлардаги ҳуқуқий-меъёрий талабларга тўла жавоб беради. Ҳар қандай динга эътиқод қилувчи ва ҳеч қандай динга эътиқод қилмайдиган кишилар учун бир хилдаги шартлар қўйилишини таъминловчи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида, жумладан, шундай дейилади:

*“Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди”*<sup>6</sup>.

<sup>5</sup> Каримов И.А. Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-қудратимизга, халқимизнинг буқилмас продасига боғлиқ. – Т.: Ўзбекистон, 2004. – Б. 8.

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2003. – Б. 8.

Мазкур қоидада дунёвий давлатнинг динга бўлган муносабатини ифодаладиган асосий тамойиллар ўз ифодасини топган:

- диндорларнинг диний туйғуларини ҳурмат қилиш;
- диний эътиқодларни фуқароларнинг ёки улар уюшмаларининг хусусий иши деб тан олиш;
- диний қарашларга амал қилувчи фуқароларнинг ҳам, уларга амал қилмайдиган фуқароларнинг ҳам ҳуқуқларини тенг кафолатлаш ҳамда уларни таъқиб қилишга йўл қўймаслик;
- маънавий тикланиш, умуминсоний ахлоқий қадриятларни қарор топтириш ишида турли диний уюшмаларнинг имкониятларидан фойдаланиш учун улар билан мулоқот қилиш йўллари излаш зарурати;
- диндан бузғунчилик мақсадларида фойдаланишга йўл қўйиб бўлмаслигини эътироф этиш<sup>7</sup>.

Давлатнинг динга муносабатидаги асосий хусусияти – бу диннинг сиёсатга аралашмаслиги. Зеро, ҳар қандай дин, биринчи ўринда маънавий-ахлоқий жиҳатни ўз ичига олади.

Ҳеч қайси дин ўзида халқнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий жиҳатларининг барчасини қамраб олишга даъвогарлик қилмайди. Акс ҳолда у дин бўлмай қолади. Худди шу асосда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 57-моддасида диний-сиёсий партиялар тузиш тақиқланган<sup>8</sup>.

Ўзбекистон давлатининг дунёвийлик, диний бағрикенглик, барча динларга бир хилда муносабат, жамият тараққиётида дин билан ҳамкорлик қилиш хусусиятлари ушбу тамойил асосида амалга оширилади. Чунки, конституциявий дунёвий-маърифий давлатда виждон эркинлиги қонуни диний эътиқоди ва дунёқарашидан қатъи назар, сиёсий хоҳишларини билдиришда барча фуқароларнинг тенг иштироки тамойилига риоя қилади.

### **Саволлар**

1. Виждон эркинлигининг халқаро ҳужжатларда акс этиши ҳақида маълумот тўпланг ва курсдошларингизга айтиб беринг.
2. Бағрикенглик тушунчасининг турли талқинлари ҳақида реферат тайёрланг.
3. “Диний жамоа” ва “диний ташкилот” тушунчалари ўртасидаги фарқни ажратиб беринг.

### **Фойдаланиладиган адабиётлар**

<sup>7</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – Б. 43-44.

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2003. – Б. 12.

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2017.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008
3. Гуннар Скирбекк, Нилс Гилё. Фалсафа тарихи. –Т.: Шарқ, 2002.
4. Ислом зиёси ўзбегим сиймосида. – Т: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2005.
5. Мен А. История религии. – М.: 1994.
6. Петер Антерс. Религии современности. История и вера. –М.: Прогресс-Традиция, 2001.
7. Радугин А.А. Введение в религиоведение: теория, история и современные религии. – М.: 1996.
8. Миссионерлик: кеча ва бугун. - Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2008. - 64 б.
9. Шермухаммедов К., Каримов Ж., Нажмиддинов Ж. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари. – Тошкент: «Мовароуннахр» нашриёти, 2016. – 224 б.
10. Миссионерлик: моҳият, мақсадлар, оқибатлар ва олдини олиш йўллари. - Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2017. - 200 б. (А.Ачилдиев билан ҳаммуаллифликда).
11. Абдусамедов А.Э. Динлар тарихи. -Тошкент: ЎзМУ, 2004. -208 б.
12. Йўлдошхўжаев Х., Рахимжонов Д., Комилов М. Диншунослик (маърузалар матни). - Тошкент: ТошДШИ нашриёти, 2000.
13. Мўминов А. ва бошқ. Диншунослик (дарслик). -Тошкент: «Мехнат», 2004.
14. Очилдиев А. ва бошқалар. Диншунослик асослари (ўқув кўлланма). - Тошкент: “Тошкент ислом университети” нашриёт матбаа бирлашмаси, 2013.
15. [http:// www. religioustoleranje. org/gld. htm](http://www.religioustoleranje.org/gld.htm)
16. [http:// www. alreligion. about.com](http://www.alreligion.about.com)
17. [http://www. islam.ru](http://www.islam.ru)
18. <http://www.glossarist.com>
19. [www.infoxs.uz](http://www.infoxs.uz)
20. [www.turkistonsarkor.uz](http://www.turkistonsarkor.uz)
21. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)

## 17-мавзу Глобаллашув ва дин

Режа:

1. Глобаллашув даврида дунёнинг диний манзараси.
2. «Янги диний ҳаракатлар» илгари сураётган ғоялар.

### **Таянч иборалар**

*Глобаллашув, конфессия, хулқ-атвор, халоскор, ҳақиққатгўй, лидер, секта, авлиё.*

#### **Глобаллашув даврида дунёнинг диний манзараси.**

Талаба биринчи мавзуни ёритишда аввало глобаллашув тушунчаси ва унинг мохиятини очиб бериши лозим бўлади.

"Конфессия" сўзи (лотинча – "confessio") ўзбек тилига айнан таржима қилинганда "ётиқод қилиш", деган маънони англатади. Умуман олганда, диний конфессия деганда муайян диний таълимот доирасида шаклланган ва ўзига хос хусусиятларга эга ётиқод ва ушбу ётиқодга эргашувчилар жамоаси тушунилади. Бир дин доирасида юзага келган бўлса-да, ақидалар борасида фарқланадиган жамоалар ҳам диний конфессиялар жумласига киради.

Шуни инобатга олган ҳолда, мутахассислар ҳозирги кунда дунёда тахминан 1000 дан ортиқ диний конфессиялар мавжуд, деб ҳисоблайди.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, ислом динида бундай ҳолат кузатилмайди. Ҳеч қайси мамлакатда ҳанафий мазҳаби алоҳида, бошқа мазҳаблар алоҳида конфессия сифатида рўйхатдан ўтмайди. Масалан, Ўзбекистонда ҳам бир неча шиа жамоалари бўлишига қарамай, улар ўзларини алоҳида диний конфессия ҳисобламайдилар.

Дин жамият ҳаётининг таркибий қисми сифатида кишиларнинг ижтимоийлашувига, уларнинг турмуш тарзини ташкил этиш ва тартибга солишга хизмат қилувчи меъёрий омиллардан бири бўлиб келган. Диннинг бундай роли унинг тарихан шаклланган ўзига хос хусусиятлари билан белгиланади. Чунки, дин, биринчидан, умуминсоний ахлоқ меъёрларини ўзига сингдириб олиб, уларни ҳамма учун мажбурий хулқ-атвор қоидаларига айлантирган; иккинчидан, одамларнинг баҳамжиҳат яшашига кўмаклашган; учинчидан, одамларда ишонч ҳиссини мустаҳкамлаган ҳамда ҳаёт синовлари, муаммо ва қийинчиликларни энгиб ўтишларида куч бағишлаган; тўртинчидан, умуминсоний ва маънавий қадриятларни сақлаб қолиш ҳамда авлоддан-авлодга этказишга ёрдам берган ва шу йўл билан маданият ривожига катта таъсир кўрсатган.

Бугунги кунда динга бўлган қизиқишнинг кучайиб бориши глобаллашув жараёнларининг ўзига хос инъикоси дейиш мумкин. Зеро, глобаллашув дунёни бир бутун ва яхлит қила бориши билан бир қаторда, унинг ҳосиласи сифатида алоҳида олинган миллат ва

жамиятлар даражасида ўз-ўзини англашга бўлган интилишнинг чуқурлашувига ҳам замин яратмоқда. Бу жараёнлар ўз навбатида инсон маънавиятининг узвий қисми бўлган диннинг моҳиятини тушуниш, унинг инсон ва жамият ҳаётидаги ўрнини англашга бўлган эътиборнинг кучайишини келтириб чиқармоқда. Шу билан бирга, динга бўлган қизиқишнинг кучайиши бугунги кунда кишилиқ жамияти олдида турган муаммолар, инсоннинг уларни ҳал қилиш йўллари ҳақидаги ўй-изланишлари, дунёвий ва диний қадриятлар уйғунлигини таъминлаган ҳолда бугунги куннинг оғир ва мураккаб саволларига тўлақонли жавоб топишга интилиши билан боғлиқ эканини ҳам алоҳида қайд этиш лозим.

Мутахассислар маълумотларига кўра, XX асрнинг иккинчи ярмида христианлик, буддавийлик, ислом ва бошқа динлар доирасида юзлаб секталар пайдо бўлган. Бу шундай жараёнлар келажакда давом этиши мумкинлигини тахмин қилиш имконини беради.

### **«Янги диний ҳаракатлар» илгари сураётган ғоялар.**

Талаба мавзунини ёритишда янги диний ҳаракатлар деганда одатда XX асрнинг 70 йилларида Европа ва АҚШда тарқалган ноанъанавий диний гуруҳлар ва оқимлар ҳақида тўхталади. Тадқиқотчилар бунга анъанавий динлардаги инқироз даври сабаб бўлганлигини таъкидлайдилар. ЯДХ лидерлари жамият кайфиятидаги ўзгаришларни, бу “ўткинчи дунё”нинг нуқсонларини фош қилиб, ўзларини “халоскор”, юксак ахлоқли “ҳақиқатгўй” сифатида кўрсатдилар. ЯДХ тўрига кўпроқ ёшлар илиндилар. ЯДХ қатъий таълимотга эга бўлмаган ташкилот бўлиб, унинг фаолияти лидер роли билан белгиланган.

Лидерлар анъанавий диний қадриятларга қарши ташвиқот ишларини олиб борганлар. Диний ҳаёт махсус ишлаб чиқилган тартиб қолида ва низомлар орқали амалга оширилган. ЯДХларнинг баъзилари дунёнинг турли бурчакларида ўз бўлинмаларига эга бўлган, бизнес билан шуғулланувчи йирик халқаро корпорацияларга айланди. ЯДХлар медитация амалиётини кенг қўллайдилар, ташкилий жиҳатдан пирамида шаклида бошқарилади. ЯДХларнинг аксарияти ноқонуний фаолият юритувчи, криминал ташкилотлардир. (Аум Синрикё (Токио метроси 10/5000 зах.), Куёш эҳроми (Франсия ва Канада) ва б.). Диний таълимотларни бузиб талқин қилувчи ҳаракатларга:

- протестантларнинг “иккиламчи” бирлашмалари – Иогов шоҳидлари, Охирги кун авлиёлари Исо Масих черкови (мормонлар), Масих серкови (Бостон ҳаракати);
- сохта христиан ҳаракатлар – Мун бирлаштириш черкови, Виссарион охирги Аҳди черкови, Оқ биродарлар;



- саенталогик култлар – Христиан илми, Рон Хаббард саентология маркази, Клонейд, Оқ экологлар ҳаракати;
- нео- ва квазиориенталистик мактаблар ва култлар – “Тирик ахлоқ”(Агни ёга), Кришнани англаш жамияти, Транссендентал медитация, Аум-Синрекё, Сахаджа-ёга ва б.);
- Янги мажусий ташкилот ва култлар – “Рунвира” украин миллий эътиқоди черкови, Россия жарангли кедрлари, Омск “қадимги диний эътиқодига қайтиш култи” ва бошқалар киради.

**Секта** сўзи, энг умумий маънода, муайян диний, сиёсий ёки фалсафий қарашларга эргашувчилар гуруҳини англатади. Диний секта деганда маълум бир диндаги расмий ақидаларга зид равишда ажралиб чиққан ёки мавжуд динлар ва конфессияларга умуман алоқаси бўлмаган ҳолда дин байроғи остида фаолият кўрсатадиган гуруҳлар тушунилади. Бугунги кунда ҳар иккала йўналишга мансуб бўлган кўплаб секталар фаолият кўрсатмоқда. Мутахассислар уларнинг сонини тахминан 5000 атрофида, деб баҳолайдилар.

Замонавий воқелик диний-экстремистик характердаги секталарнинг инсон онги ва қалби учун кураш йўлидаги фаолиятининг жонланиши кузатилаётганини кўрсатмоқда. Хусусан, маълумотларга кўра, бизга кўшни бўлган давлатларда "Богородичий сентр", "Серков объединения", "Серков Исуса", "Серков Нового Завета", "Белое брацтво", "Божественный орден Первого Ангела" каби ўнлаб диний секталар ноқонуний равишда фаолият олиб бормоқда. "Сатанизм" деб аталадиган секта ҳам кенг тарқалган. Айрим маълумотларга кўра, ўта хавфли бўлган бу сектанинг Россияда 100 минг, Эр юзида 5 миллиондан ортиқ тарафдорлари бор.

Улар аҳолининг диний билимлари пастлигидан фойдаланиб, охиратнинг яқинлиги билан кўрқитиш ҳамда асосан ёшлар ва моддий аҳволи ночор бўлганлар ичида иш олиб бориш йўли билан ўз тарафдорларини кўпайтиришга ҳаракат қилмоқдалар. Бундай секталарга асос солган "авлиё"лар ўз издошларини алдаш йўли билан уларнинг мол-мулкларига эгалик қилишга уринмоқдалар.

Яширин фаолият олиб бориши, секта ичида бўлаётган воқеаларнинг кўпчиликка маълум бўлиб қолмаслигининг қаттиқ назорат қилиниши, улар фаолиятдан жамоатчиликнинг беҳабар қолишини келтириб чиқармоқда.

Угандадаги "Охират куни" сектаси бошлиқларининг фаолияти бунга мисол бўлади. Охиратни 1999 йилнинг 31 декабрига "белгилаган" ушбу секта раҳбарлари ўз тарафдорларини мол-мулкларини сотиш,

тушган маблағни уларга беришга ва шу йўл билан гуноҳлардан фориғ бўлишга чақирган. Қиёматнинг 2001 йил 1 январга "кўчирилиши" секта раҳбарларига нисбатан шубҳа уйғонишига олиб келган. Шундан сўнг раҳбарлар Канунгу қишлоғида 500 дан ортиқ ўз тарафдорларини алдаб бир жойга тўплаб, устларидан ёпиб бинога ўт кўйиб юборишган. Оммавий ахборот воситалари хабарларига кўра, тезкор тадбирларни ўтказган полиция яна тўрт жойда оммавий қабрларни топган. Умуман бу сектанинг қурбонлари 1000 ортиқ бўлгани қайд қилинган.

Жаҳон христианларини бирлаштириш йўлидаги Муқаддас Рух ассоциацияси (Ассоциация Святого Духа за объединение мирового христианства (АСД-ОМХ) бўлиб, Мун Сан Мен бирлаштириш черкови, Бирлаштириш ҳаракати, мунчилар (мунисты) каби номлар билан ҳам аталади.

Тарихи: БЧ асосчиси Сун Мюнг Мен 1920 йилда Шимолий Кореяда маҳаллий пресвитериан черковига эътиқод қилувчи деҳқон оиласида туғилган. Мактабда ўқиш даврида у пятидесятниклар йиғинларида қатнашарди. 1936 йили Пасха байрамида унга “вахий” келади: Исо Масиҳ унга кўраниб, уни тахминан 2000 йил аввал бошлаган миссиясини яқунлаш учун “танланган”ини айтган. Маълумотларга кўра, бу воқеа содир бўлганда осмондан: “Сен инсонларни ҳалокатдан қутқарасан, сен Масиҳнинг иккинчи бор зохир бўлишсан!”. Шу воқеа сабаб у ўз исмининг биринчи бўлаги - Сун (аждарҳо)ни -Сан (нур таратувчи (святящийся)га ўзгартирди ва бу билан у ўзини “илоҳий” келиб чиқишини билдирди. Шу йўл билан янги “пайғамбар”- Мун Сан Мен вужудга келди.

Мунчиларнинг таъкидлашларича, бўлғуси пайғамбар Японияда электик касбини эгаллаган, аммо у ўз истеъдоди билан муҳандис дипломини олиши ҳам мумкин эди. Бироқ у “илоҳий йўл”ни танлашни афзал билган.

Иккинчи жаҳон уруши тугагандан кейин Мун 1948 йилда маънавий бузуқлиги, “жамоат тартибини бузганлиги” учун 100 кунга, кейинроқ эса икки хотинга эга бўлганлиги учун 5 йилга қамалган. 1950 йил кузда у Жанубий Кореяга ўтади ва 1954 йилда ўз ташкилотига асос солади.

1957 йилда унинг муаллифлигида Муқаддас китобларга “Библия”га қўшимча равишда “Илоҳий принциплар” (“Божественные Принципы”) номли китобини чоп этади.

1955 йилда Мун 10 дан ортиқ аёлларнинг номусига тажовуз қилишда айбланиб судга тортилган.

Айбларни юмшатиш, жанжалларга барҳам бериш учун ўша аёллардан бири Сеулдаги “Рихва” универстети талабаси 18 ёшлик Хак Хок Джага 1960 йилда уйланади (“свадба агнсев”).

Тўй совғаси сифатида “пайғамбар” ўз рафиқасига “оламни яратувчи она” (“мат мироздания”) унвони-титулини беради ва “Илоҳий принциплар”ни совға қилади.

1976 йилдан бошлаб БЧ бир неча бор молиявий масалалар бўйича жанжалли воқеаларга сабаб бўлган. 80-йй. Бошларида дунё бўйлаб БЧнинг 150 дан ортиқ корпорациялари бўлиб, уларга турли соҳаларга оид корхоналар қарашли бўлган. Корхона ходмлари паст маош олиб, юқори дарома олишга рози бўлишган. Эмишки, даромадлар БЧни юксалтиришга ишлатилган.

АҚШ суди Мунни 625000 \$лик Нью Ёркдаги уйини солиқ декларацияларда қайд этмагани, солиқлардан қочганликда айблаган. 1982 йил июлида уни 18 ой қамоқ жазоси ва 25 000 долл.штрафга солган. Адвокатлар сай-ҳаракатлари туфайли Мун 1 йилдан сўнг озод этилган. (Муннинг пуллари БЧ ташкилоти ҳисобига тегишли бўлгани учун солиқлардан озод дейишган).

1992 йилда Мун ўзини янги инсониятнинг “Ҳақиқий Ота”си деб эълон қилган, 1993 йилда “Янги Аҳд даври” тугаб, “Аҳднинг якуний даври (“эра Завершения Завета”) бошланганини билдирган.

Мунчилар тўлиқ ва якуний ҳақиқатга “Ҳақиқий Ота ” орқали эришалади. Мун ва унинг хотини яқинда “Исо Масих”га рафиқа топишган ва Исо Масих уларга кўриниб миннатдорчилик билдирган. Мунчиларнинг оммавий никоҳ тантаналари “Унаштириш” маросими мунчиларнинг аммалиётида марказий ўринда туради.

У 2 қисмдан иборат: “муқаддас вино” маросими ва “муқаддас никоҳ”.

Ушбу маросимлар вино орқали унаштирилаётганлар одамзотнинг “биринчи гуноҳи”дан покланиб, янги “ҳақиқий” ҳаётни бошлашларини англатади. Никоҳ маросимидан аввал “унаштириш” бўлиб ўтади. Бўлғуси келин-куёвлар ўз жуфтларини топишни Мун ва унинг тажрибали минтақавий лидерларига тўлиғича ишонадилар. Айримлар ўз жуфтини никоҳ тантанасидан бир неча кун аввалгина танийдилар.

“Муқаддас вино” ёки “Насабни ўзгартириш” маросими орқали мунчилар Мун ва унинг оиласи билан қариндошлик ришталарини боғлайдилар. Мун таърифича: “Бу маросимлар шайтон дунёсидан сақловчи ва “Ҳақиқий ота-оналар”га яқинлашиш бўйича ўзига хос “емлаш” воситасидир. Винода 21 битта унсур (элемент) ва “Ота ва

Она”нинг қони жамланган бўлиб, уни истеъмом қилган инсон ўз аждодларидан воз кечади.

Бошқа бир маълумотларга қараганда, ушбу ичимлик таркибига Мун ва хотинининг бошқа нарсалари ҳам солинади.

Аўм синрикё (санскритча “олам”) ҳақиқати таълимоти; инглиз тилида «Супреме трутх», яъни “олий ҳақиқат» деб таржима қилинган ( 2000 йилдан бошлаб Алеф номи билан фаолият юритмоқда (сомий тиллар алифбосидаги 1 ҳарфи бўйича)) — янги диний, синкретик, террористик, экстремистик, тоталитар, деструктив секта бўлиб, ваджраяна буддизми асосида Японияда вужудга келган.

Сектага япониялик Сёко Асахара 1987 йили асос солган, у 1995 йилда Токио метросидаги захарли газлар портлатишни уюштиргандан сўнг машҳур бўлиб кетган.

Ҳозирда секта террористик ташкилотлар рўйхатига киритилган.

### **Саволлар**

1. Глобаллашувнинг моҳияти.
2. Конфессияга таъриф беринг.
3. Қандай Секталарни биласиз?

### **Фойдаланиладиган адабиётлар**

1. Диний мутаассиблик: моҳият, мақсадлар ва олдини олиш йўллари / А.Ҳасанов, О.Юсупов, К.Шермухамедов, У.Ғафуров, Ж.Каримов. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2013. – 160 б.
2. Тулепов А. Ислом ва ақидапараст оқимлар. Тўлдирилган нашр. Масъул муҳаррир Шайх Абдулазиз Мансур. – Тошкент: Шарқ, 2014. – 536 б.
3. Илмдан бошқа нажот йўқ / А.Абдуллаев, Н.Ҳақимова, Ш.Жўраев, Ж.Каримов. – Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2015. – 156 б.
4. Шермухаммедов К., Каримов Ж., Нажмиддинов Ж. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари. – Тошкент: «Мовароуннаҳр» нашриёти, 2016. – 224 б.
5. Абдусамедов А.Э. Динлар тарихи. -Тошкент: ЎзМУ, 2004. -208 б.
6. Йўлдошхўжаев Х., Рахимжонов Д., Комилов М. Диншунослик (маърузалар матни). - Тошкент: ТошДШИ нашриёти, 2000.
7. Мўминов А. ва бошқ. Диншунослик (дарслик). -Тошкент: «Мехнат», 2004.
8. Очилдиев А. ва бошқалар. Диншунослик асослари (ўқув кўлланма). - Тошкент: “Тошкент ислом университети” нашриёт матбаа бирлашмаси, 2013.

9. [http:// www. religioustoleranje. org/gl d. htm](http://www.religioustoleranje.org/gld.htm)
10. [http:// www. alreligion. about.com](http://www.alreligion.about.com)
11. [http://www. islam.ru](http://www.islam.ru)
12. <http://www.glossarist.com>
13. [www.infoxs.uz](http://www.infoxs.uz)
14. [www.turkistonsarkor.uz](http://www.turkistonsarkor.uz)
15. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)

## **18-мавзу Диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш: Ўзбекистон тажрибаси**

### **Режа:**

1. Диний мутаассиблик (фанатизм), экстремизм, ақидапарастлик (фундаментализм), тушунчаларининг мазмуни ва моҳияти.
2. Виртуал олам таҳдидлари. Интернет муаммоси.
3. Ўзбекистон Республикасида диний экстремизм ва терроризм хавфини олдини олишнинг ҳуқуқий ва ташкилий асослари.

### **Таянч тушунчалар:**

*Экстремизм, диний экстремизм, фундаментализм, мутаассиблик, ақидапарастлик, террор, терроризм, халқаро терроризм, фирқалар, хорижийлар, сохта салафийлар*

### **Диний мутаассиблик (фанатизм), экстремизм, ақидапарастлик (фундаментализм), тушунчаларининг мазмуни ва моҳияти.**

Талаба мавзуни ёритишда диний экстремизм ва терроризм каби ҳодисаларнинг илдизлари узоқ тарихга бориб тақалса-да, улар ҳеч қачон ижтимоий барқарорлик ва тараққиёт учун бугунгидек таҳдид солмаётганлигига тўхталади. Зеро, ҳозирда диний экстремизм ва терроризм глобал характерга эга бўлиб, дунёнинг барча мамлакатлари ҳамда минтақаларига бирдек хавф солмоқда. Шундай экан, унинг олдини олиш ва унга қарши курашиш инсониятнинг истиқболига дахлдор масалага айланди.

Экстремизм (лотинча – «ақл бовар қилмас даражада», «ҳаддан ошиш») жамиятда қабул қилинган қонун-қоидаларга зид радикал қарашлар ва ҳаракатларни англатади. Уларга диний тус бериш эса, диний экстремизмга олиб келади.

Диний экстремизм – жамият учун анъанавий бўлган диний қадриятлар ва ақидаларни рад этиш, уларга зид ғояларни алдов ва зўрлик билан тарғиб қилишга асосланган назария ва амалиётни англатади.

Экстремистик қарашларни барча динларда, буддавийлик, христианлик, исломдаги турли оқимларда учратиш мумкин. Масалан, мутахассислар католик черковининг эркин фикр юритувчи, ҳукмрон феодал-католик черкови ақидаларини рад этувчи кишилар – папа ҳокимияти душманларини таъқиб қилиш учун ХИИИ асрда тузилган ва минглаб одамларнинг қурбон бўлишига олиб келган инквизиция фаолиятини ҳам экстремизмнинг ўзига хос кўриниши сифатида баҳолайдилар. Аммо ҳозирда ислом дини ниқоби остидаги диний-сиёсий ҳаракатлар аъзолари томонидан турли жиноятлар содир этилаётгани жамият хавфсизлигига жиддий таҳдид солмоқда.

Фундаментализм – (лотинча – «асос») тушунчасининг маъноси муайян ижтимоий ҳодисанинг дастлабки кўринишини англатади.

Диний фундаментализм – «маълум дин вужудга келган илк даврига қайтиш ва бу йўл билан замонанинг барча муаммоларини ҳал қилиш мумкин», деган фикрни илгари суриш таълимотини англатади. Истилоҳда ақиданинг ўзгармаслигини ҳимоя қиладиган, муайян диний эътиқод шаклланишининг бошланғич даврида белгиланган барча йўл-йўриқларни қатъий ва оғишмай бажарилишини талаб қиладиган диний оқимларни ифодалашда қўлланилади.

«Фундаментализм» атамаси аслида христиан дини билан боғлиқдир. Фундаментализм ибораси биринчи бор И Жаҳон уруши арафасида вужудга келган протестантликдаги ортодоксал оқимларни ифодалаш учун ишлатилган. Бу оқим 1910 йилдан кейин шу ном билан атала бошлаган. Фундаменталистлар христианликнинг анъанавий ақидаларига, айниқса Библиянинг мутлақо мукамаллигига ишонишни мустаҳкамлаш, уни сўзма-сўз шарҳлашга қатъий риоя қилишни талаб қилдилар. Бу оқим кейинчалик Америкада кенг тарқалиб кетди. 1919 йили Филадельфияда Жаҳон христиан фундаменталистлари ассоциациясига асос солинди.

XX асрнинг 70-йилларидан бошлаб, бу сўз исломга нисбатан қўлланила бошлади. Бунда «фундаментализм» атамаси – Қуръон ва ҳадисларни сўзма-сўз талқин этувчи, илк исломга қайтишга қаратилган ақидаларни тарғиб қилувчи диний-консерватив руҳдаги йўналишга нисбатан ишлатилди. Бунинг натижасида жаҳон матбуотларида ислом ниқобидаги мутаассиб жангариларни «фундаменталистлар» деб аташ ҳам одат тусига кирди.

Шундай экан, экстремизм ёки фундаментализмни фақат муайян дин билан боғлаш мутлақо асоссиз. Хусусан, ислом дини, у билан боғлиқ турмуш тарзи ва қадриятлар мажмуи ҳеч қачон экстремистик

тузилмаларнинг гўё дин ва мусулмон жамоаси равнақи йўлида амалга ошираётган террорчилик хуружларининг асосий сабаби сифатида қаралиши мумкин эмас.

Ислон шиорларидан танлаб фойдаланадиган, диннинг асл моҳиятини бузиб талқин қиладиган экстремистик тузилмалар худди юқоридаги каби гўёки, кенг халқ оммаси билан узвий бирлик мавжудлигини кўрсатиш, аслида эса жамиятда тартибсизлик ва парокандаликни юзага келтириш учун маблағ йиғиш, асосий таҳдид манбаи сифатида одамлар онгини эгаллаш, жамиятда беқарорлик келтириб чиқариш орқали ҳокимиятга эришишдек эҳтиёжларини қондириш мақсадини кўзлайди.

Ҳозирги даврда қўплаб экстремистик уюшмалар ва мутаассиб ҳаракатлар турли динлар, шу жумладан, ислом, христианлик, яҳудийлик динлари таълимотларидан фойдаланмоқдалар.

Ақидапарастлик (араб. – «ақида» – «ишонч», «бирор нарсани иккинчисига боғлаш») муайян шароитда, бирон-бир ғояга қатъий ишониб, уни мутлақлаштириш асосида шаклланган қоида ва тартибларни шароит, ҳолат, вазиятни ҳисобга олмаган ҳолда, кўр-кўрона қўллаш ёки шунга уринишни англатади. У муайян қонун ва қоидалар таъсир доирасини сунъий кенгайтиришга уринишда ёрқин намоён бўлади.

Мутаассиблик (араб. – «ғулув кетиш», «чуқур кетиш») ўз фикр-мулоҳаза ва дунёқараши тўғрилигига ўта қаттиқ ишониб, бошқа диний эътиқодларга муросасиз муносабатда бўлишни англатади. Мутаассиблик барча даврларда турли дин ва йўналишлар орасида кескин низо ва тўқнашувлар келиб чиқишига сабаб бўлган.

Айни пайтда, дунёвий ва диний билимларнинг саёзлиги, соф диний тушунчаларнинг асл мазмунини билмаслик ҳам диний мутаассиблик ғояларнинг тарқалишига сабаб бўлиши мумкин. Бу жараённинг энг хатарли жиҳати динни сиёсийлаштириш воситасида ҳокимиятга интилиш, диндан одамлар орасига нифоқ солиш, қўпоровчилик ишларини амалга ошириш ва ғаразли манфаатларни рўёбга чиқаришда фойдаланишга уринишларда намоён бўлмоқда.

Демак, диний экстремизм келиб чиқишининг биринчи ва асосийси сабаби бу – мутаассиб фикр ва қарашларнинг пайдо бўлишидир. Мутаассиблик диний экстремизм ва терроризмга замин тайёрлайди. Шу ўрин қайд этиш жоизки, кўп манбаларда «ақидапарастлик» сўзи ҳозирги воқеликдан келиб чиқиб «мутаассиблик» сўзи билан алмаштирилган ҳолда истефода этилмоқда.

## **Виртуал олам таҳдидлари. Интернет муаммоси**

Талаба мавзуни ёритишда интернет фан-техника тараққиёти натижаси, маданият эволюциясининг ҳосиласи ҳисобланганига тўхталаби. Ҳозирги кунда ҳаётимизни интернециз тасаввур қилиш жуда мушкул. Айниқса, ёшлар ҳаётида глобал тармоқнинг ўрни тобора ошиб бормоқда. Интернет дунёнинг турли нуқталарида яшовчи одамларнинг ўзаро мулоқотини ҳамда ахборот алмашинувини мукамал даражада осонлаштирди. Статистик маълумотларга кўра, дунё бўйича интернетдан энг кўп фойдаланувчилар айнан 21 дан 30 ёшгача бўлган ёшлар ҳисобланар экан.

Юртимизда ҳам Интернет тизими ривожланиб, ундан фойдаланувчилар сафи жадал суръатлар билан кенгайиб бормоқда. Сўнги ўн йилда глобал тармоқдан фойдаланувчилар ўн баробарга ошган. Тармоқ орқали ахборот излаш, қабул қилиш, узатишнинг жуда қулай ва оммабоплиги ундан фойдаланувчилар сонининг тобора ортиб боришини таъминламоқда. Мамлакатимизда 2007 йилда интернетдан фойдаланувчилар сони (мобил интернет фойдаланувчилари билан қўшиб ҳисоблаганда) бир миллионни ташкил этган бўлса, 2016 йил якунида бу кўрсаткич ўн икки миллиондан ошди.

Интернет ёшлар онги ва ҳиссиётларига, тафаккур тарзига, ҳуқ-атворларига таъсир кўрсатишда катта имкониятларга эга. Интернетнинг бугунги кундаги ривожини ёшларга ғоявий таъсир ўтказишнинг миқёси ва кўламининг кескин даражада ўсишига олиб келди.

Глобаллашувнинг ижобий ва салбий томонлари бўлгани каби, интернет тармоғи ҳам шундай хусусиятларга эга эканини унутмаслик зарур. Албатта, глобал тармоқ – улкан ресурс. Бироқ, бу ресурсдан ким ва қандай мақсадларда фойдаланиши ҳам жуда жиддий масалалар сирасига киради. Хусусан, маълумотларда келтирилишича, бугунги кунга келиб, интернет тармоғида маънавий-ахлоқий тубанликни тарғиб этувчи саҳифаларнинг сони бир неча юз миллионни ташкил этган.

Ушбу факт ва рақамлар интернет саноати ривожланиб бораётган ҳозирги даврда кишиларнинг ахборотларга нисбатан жуда эҳтиёткорлик, огоҳлик ва зийраклик билан муносабатда бўлишларини тақозо этади. Бошқача айтганда, кишиларимизда, айниқса, ёшларимизда ахборот истеъмоли маданиятини шакллантириш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан ҳисобланади.

### **Ўзбекистон Республикасида диний экстремизм ва терроризм хавфини олдини олишнинг ҳуқуқий ва ташкилий асослари.**

Талаба мавзуни ёритишда қуйидагиларга эътибор қаратади. Айнан



шу тараққийет воситасидан устамона фойдаланиб, қалбларни забт этишда диний омилнинг роли юқори. Шунинг учун ҳам турли диний-экстремистик ва террорчи уюшмалар ўз ғояларини тарғиб қилишда интернетни энг самарали восита сифатида қўлламоқда.

Бунда диний-экстремистик оқимлар ўз мақсадларини амалга ошириш учун замонавий ахборот коммуникацияларидан кенг фойдаланиш, интернет орқали турли тилларда тарғибот олиб бориш ва пухта ишланган стратегия асосида виртуал жамоатлар тузиш асосий вазифага айланган. Масалан, бугунги кунда бир неча йирик террорчи ташкилотлар ўз сафларига фаол тарзда ижтимоий тармоқлар орқали асосан 17-35 ёш оралиғида бўлган кишиларни ёлламоқда. Бунда психологик таъсир самарадорлигини янада ошириш мақсадида ижтимоий тармоқ аъзоларининг саҳифалари, қўйилаётган расмлар, шарҳ ва изоҳлар ҳамда олиб борилаётган суҳбат мавзуларини пухта ўрганади ва шу асосда «нишон»га олинган шахсга мавзуга оид материаллар интернетнинг Фасебоок, Одноклассники, ВКонтакте, Телеграм, Твиттер, ВҲацАпп каби кенг аудиторияга эга бўлган ижтимоий тармоқлар орқали (ёзма хабар, матн, фотосурат, стикер расмлар, аудио-видео ролик) жўнатилади ва ўзаро алоқа йўлга қўйилади.

Ёшлар орасида мутаассибликка йўғирилган бундай форумларнинг тобора оммалашуви ҳамда уларда турли кўринишдаги бузғунчи «фатво»ларнинг бериб борилиши муаммонинг нақадар жиддий эканини намоён этади. Чунки дунё аҳолисининг асосий қисмини ёшлар ташкил қилади. Ёшлар катта куч ҳисобланади. Уларнинг энди шаклланиб келаётган онгига нимани сингдирилса, ўша тошга ўйилган нақшдек муҳрланади. Шунинг учун ҳам радикал оқимлар айнан ёшларни тузоғига илинтиришга ҳаракат қилади. Улардаги ишонувчанлик, куч-ғайрат, қизиққонлик уларнинг мақсадини амалга оширишда қўл келади.

Минг афсуски, бундай манфур кучлар асосан илм ва маърифатдан йироқ, соф диний тушунчаларнинг асл мазмунини билмаган кишиларни, асосан ёшларни жалб этишга интилиб, ижтимоий тармоқлар орқали «жиҳод», «такфир», «шаҳидлик», «ҳижрат» тушунчаларини нотўғри талқин этган ҳолда ўз Ватанларини тарк этишга уринмоқда. Шунингдек, айрим кимсалар томонидан мақсадли равишда ислом моҳиятига зид бўлган турли хил асоссиз ахборотлар, манбаси аниқ бўлмаган диний тусдаги хабарлар ёки кишиларни ваҳимага солувчи фото ва видеолавҳалар кенг тарғиб этилмоқда. Бунда баъзи ёшларнинг ахборот воситалари орқали тарқатилаётган миллий ва диний қадриятларимизга зид бўлган хабарлар, аниқ манбаси кўрсатилмаган, асоссиз ахборот ва

маълумотларга ишониб қолишаётгани, мулоҳаза қилмасдан кўр-кўрона қабул қилаётгани ундан ҳам кескин оқибатларни келтириб чиқармоқда.

Бугун ахборот истеъмол қилинадиган товарга айланган экан, ҳар бир инсон ўзида уни истеъмол қилиш маданиятини тарбиялаши лозим. Ёшлар шахсий характердаги ахборот ҳимояси бўйича билим ва кўникмаларга эга бўлиши, ўзи фойдаланаётган салбий ахборотлардан ҳимоялана олиши зарур. Ана шу мақсадда 2011 йилдан бошлаб, Тошкент ислом университети бакалаврият ва магистратуранинг барча йўналишларида «Ахборот истеъмоли маданияти» номли махсус курснинг ўқитилиши жорий этилди.

Ахборот истеъмоли маданияти, энг умумий маънода, ахборот оқимидан инсон манфаатлари, камолоти ҳамда жамият тараққиётига хизмат қилувчи маълумотларни қабул қилиш, саралаш, тушуниш ва талқин этишга хизмат қиладиган билимлар, қобилият ва малака тизимини англатади.

Инсон ўзида бундай маданиятни тарбиялаши учун у ёки бу ахборотни эшитар экан, ҳеч бўлмаганда «Бу ахборотни ким узатаяпти?», «Нима учун узатаяпти?» ва «Қандай мақсадда узатаяпти?» деган саволларни ўз-ўзига бериши, унга асосли жавоб топишга ҳаракат қилиши керак.

Шундагина турли ғоялар таъсирига тушиб қолиш, тақдим этилаётган маълумотларга кўр-кўрона эргашишнинг олди олинади. Шаклланган ахборот истеъмоли маданияти миллий манфаатларимиз ва кадрларимизга зид бўлган хабар, маълумотларга нисбатан ўзига хос қалқон ролини ўтайди, шахс дунёқараши ва хулқидаги собитликни таъминлашга хизмат қилади.

Ёш авлодда бу жиҳатлар шу даражада шаклланган ва қарор топган бўлиши лозимки, улар вертуал маконда умуммиллий манфаатга хизмат қиладиган, унинг тараққиётига ёрдам берадиган ахборотни танлай олсин. Ахборот истеъмоли маданиятига эга ёшлар, салбий ва ноҳолис ахборотлар таъсирига тушиб қолмайди, чунки уларда бундай ахборотларга нисбатан мустаҳкам мафкуравий иммунитет шаклланади.

«Кимки ахборотга эга бўлса, у, дунёга эгалик қилади», деган фикр бугунги кунда барча томонидан эътироф этилган. Шундай экан, бугунги кунда ёшларда ахборот олами имкониятларидан оқилона фойдаланиш малакасини шакллантириш ҳаётий-амалий аҳамиятга эга.

Дарҳақиқат, ислом дини кўрсатмаларида ҳам нақл қилинган бирор хабарга ишонишдан аввал уни текшириб, аниқлаб олиш талаб этилади. Жумладан, Қуръони каримда шундай дейилади: **Эй, мўминлар! Агар**

**сизларга бирор фосиқ кимса хабар келтирса, сизлар (ҳақиқий аҳволни) билмаган ҳолингизда бирор қавмга азият этказиб қўйиб, (кейин) қилган ишларингизга пушаймон бўлмаслигингиз учун (у хабарни) аниқлаб (текшириб) кўрингиз! (Хужурот, б).**

Бу ҳақида Қуръони каримнинг яна бир оятида инсонлар учун муҳим кўрсатма келган бўлиб, унда ҳам турли воситалар орқали олинаётган хабар ва маълумотларга кўр-кўрона эргашишдан қайтарилади: **(Эй, инсон!) Ўзинг (аниқ) билмаган нарсага эргашма! Чунки қулоқ, кўз, дилнинг ҳар бири тўғрисида (ҳар бир инсон) масъул бўлур (жавоб берур) (Исро, 36).** Демак, инсон кўрган, эшитган ҳар бир маълумотига ишониши, унга эргашиши оқибатида Аллоҳ олдида ҳам сўралади.

Пайғамбар Муҳаммад (алайҳис-салом)дан ривоят қилинган бир неча ҳадисларда ҳам шундай дейилади: *«Хабарни текшириш Аллоҳдан, (унда) шошқалоқлик қилиш шайтондандир»*, деганлар. Шунингдек, *Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинган бошқа бир ҳадисда эса, Расулуллоҳ (алайҳис-салом): «Кишининг ёлғончи эканлигига унинг эшитган ҳар бир нарсасини гапиравериши кифоя қилади»* деганлар.

Демак, ҳар бир олинган маълумотни текшириб, асосли ёки асоссиз эканини аниқламай туриб, ўша маълумотга қараб иш тутиш ислом моҳиятига кўра, шайтон йўлига кириш ҳамда ёлғончи бўлиб қолиш билан баробар бўлади. Чунки бунда хабар тарқатаётган кишининг ғаразли мақсадини амалга оширишига замин яратиб қўйилади. Шундай экан, дунёнинг турли минтақа ва ҳудудларида рўй бераётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, зиддиятли тўқнашувларга теран қараш ҳиссини ошириш, ҳар қандай кўринишдаги таҳдидларга қарши маънавий-маърифий ишларни замон талаблари асосида ташкил этиш, айниқса бу борада келажагимиз ҳисобланган ёш авлодни, бир сўз билан айтганда ҳар биримиз учун муқаддас бўлган оиламизни дин ниқоби остидаги ёт ғоялар таъсиридан асраш учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этишимиз лозим.

### **Саволлар**

1. Экстремизм, ақидапарастлик ва мутаассиблик тушунчаларининг мазмуни нима?
2. Терроризмнинг моҳияти ва унинг халқаро миқёс касб этишининг сабаблари нимада?
3. Диний мутаассибликнинг илк пайдо бўлиши қайси даврга бориб тақалади?
4. Мусулмон дунёсининг диний экстремизм ва терроризмга

қарши кураш тажрибасининг аҳамиятли жиҳатларини келтиринг.

### **Фойдаланиладиган адабиётлар.**

1. Диний мутаассиблик: моҳият, мақсадлар ва олдини олиш йўллари / А.Ҳасанов, О.Юсупов, К.Шермухамедов, У.Ғафуров, Ж.Каримов. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2013. – 160 б.
2. Тулепов А. Ислом ва ақидапараст оқимлар. Тўлдирилган нашр. Масъул муҳаррир Шайх Абдулазиз Мансур. – Тошкент: Шарқ, 2014. – 536 б.
3. Илмдан бошқа нажот йўқ / А.Абдуллаев, Н.Ҳакимова, Ш.Жўраев, Ж.Каримов. – Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2015. – 156 б.
4. Шермухаммедов К., Каримов Ж., Нажмиддинов Ж. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари. – Тошкент: «Мовароуннаҳр» нашриёти, 2016. – 224 б.
5. Абдусамедов А.Э. Динлар тарихи. -Тошкент: ЎзМУ, 2004. -208 б.
6. Йўлдошхўжаев Х., Рахимжонов Д., Комилов М. Диншунослик (маърузалар матни). - Тошкент: ТошДШИ нашриёти, 2000.
7. Мўминов А. ва бошқ. Диншунослик (дарслик). -Тошкент: «Мехнат», 2004.
8. Очилдиев А. ва бошқалар. Диншунослик асослари (ўқув кўлланма). - Тошкент: “Тошкент ислом университети” нашриёт матбаа бирлашмаси, 2013.
9. [http:// www. religioustoleranje. org/gld. htm](http://www.religioustoleranje.org/gld.htm)
10. [http:// www. alreligion. about.com](http://www.alreligion.about.com)
11. [http://www. islam.ru](http://www.islam.ru)
12. <http://www.glossarist.com>
13. [www.infoxs.uz](http://www.infoxs.uz)
14. [www.turkistonsarkor.uz](http://www.turkistonsarkor.uz)
15. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)

## МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
1-мавзу. Диншунослик фанига кириш.....	4
2-мавзу. Диннинг мохияти, тузилиши ва функциялари.....	9
3-мавзу: Диннинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни.....	14
4-мавзу: Уруғ-қabila динлари.....	18
5-мавзу: Миллий динлар.....	29
6-мавзу: Буддизм жаҳон дини.....	34
7-мавзу Христианлик жаҳон дини.....	45
8-мавзу Ислom дини.....	56
9-мавзу Ислom таълимоти.....	74
10-мавзу Ислomдаги мазҳаблар ва йўналишлар.....	92
11-мавзу Тасаввуф таълимоти ва тариқатлар.....	101
12-мавзу Ислomда оила масаласи.....	109
13-мавзу Халқимиз маънавий юксалишида динларнинг ўрни.....	111
14-мавзу. Зардуштийлик дини. Авесто - халқимиз диний, ахлокий, илмий, адабий карашларини ифода этадиган бебахо маънавий.....	115
15-мавзу Ўзбекистонда виждон эркинлиги.....	122
16-мавзу Динийлик ва дунёвийлик муаммоси.....	129
17-мавзу Глобаллашув ва дин.....	133
18-мавзу Диний экстремизм ва терроризмга карши кураш: Ўзбекистон тажрибаси.....	139